ХАЛҚАРО ИСЛОМ ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ

АНВАР ҲОЖИАҲМЕДОВ

ЎЗБЕК АРУЗИ ЛУҒАТИ

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИНИНГ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ—1998

Тақризчилар: АЛИБЕК РУСТАМОВ,
Ўзбекистон Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси,
филология фанлари доктори, профессор,
БОТИРБЕК ҲАСАНОВ, филология фанлари доктори

© «Шарқ» нашриёт-матбаа
концернининг Бош таҳририяти,
Тошкент—1998

МУАЛЛИФДАН

«Халқнинг маънавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги қайта тикланаётганлиги, — деб ёзадилар ҳурматли президентимиз И. А. Каримов, — жамиятимизни янгилаш ва тараққий эттириш йўлидан муваффақиятли равишда олга силжитишда ҳал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир»[1].

Безавол маънавиятимизнинг баркамол хазиналаридан бирини минг йиллик тарихга эга бўлган мумтоз шеъриятимиз ташкил қилади. Асрлар мобайнида халқимиз дилига энг олижаноб умумбашарий ғояларни жо қилиб, унинг маънавий-маданий равнақига хизмат қилиб келган ана шу бебаҳо хазина мамлакатимиз узра истиқлол қуёши порлаган ҳозирги айёмда ҳам мустақиллик мафкураси ва ахлоқини шакллантиришга мадад бермоқда, Ўзбекистон аҳлини инсонпарварлик, халқпарварлик, халқлар дўстлиги, маърифатпарварлик, эзгу инсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда таъсирчан восита вазифасини бажармоқда.

Мумтоз шеъриятимизга хос юксак ғоявийлик ва етук бадииятдан атрофлича баҳраманд бўлмоқ, ҳар бир ижодкор қаламининг бадиий салоҳиятини англаб етмоқ, шеърларга хос нафис оҳангларни ҳам, сўз санъатининг бетакрор назокату латофатини ҳам ҳис этмоқ учун ушбу безавол обидаларга асос бўлган аруз шеърий ўлчов тизимининг назарий қонун-қоидалари ва амалий хусусиятларидан атрофлича хабардор бўлмоқ талаб этилади.

Аруз бармоққа нисбатан анча мураккаб, айни чоқда анча мукаммал ўлчов тизими. Ушбу ўлчовда битилган шеърий асарларни ифодали ўқиш учун ҳам аруз тизими асослари, унинг хилма-хил баҳр ҳамда вазнлари, уларнинг рукнлари ва чизмалари, ўта чўзиқ ҳижолар, васл ҳодисаси, имола, тағйир, азл каби ҳолатларни англаб етмоқ зарур. Ўрта мактаблар, олий ва ўрта

---

[1] *И. А. Каримов.* Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, «Ўзбекистон», 1995, 139—140-бетлар.

махсус ўқув юртлари талабалари, ҳатто ўқитувчиларининг, шунингдек, радио ва телевидение дикторлари, бадиий сўз усталари, театр актёрларининг арузда битилган шеърий асарларни ифодали ўқишда қийналишлари ҳам аруз назарияси ва амалиётини чуқур эгалламаслик оқибатидир.

Безавол мумтоз шеъриятимизга хос юксак бадиийликни чуқур англаб етмоқ учун ҳам аруз илмини пухта ўзлаштириш шарт. Шеърий ўлчов бадиий асар шаклининг муҳим бир қиррасини ташкил этиши адабиёт мухлислари ва мутахассисларига яхши маълум. Шундай экан, шеърий асарда танланган вазн ва шоирнинг ундан фойдаланишдаги маҳоратини кашф этиш ижодкорнинг бадиий салоҳияти даражасини белгилашга имкон бериши шубҳасиз. Зеро, ҳар қандай шеърий асарда вазн тасодифий танланмайди. Ижодкор ўз ғоявий-бадиий ниятидан келиб чиққан ҳолда ўзи ифодаламоқчи бўлган ғоялар, тасвирламоқчи бўлган лирик ёки эпик тимсоллар, асарда акс эттирилувчи воқеалар, ҳиссиётларни юксак бадиият билан жилолантиришга қўл келадиган шеърий ўлчовларга мурожаат этади, уларнинг ритм-оҳанг имкониятлари заминида таъсирчан, мазмундор ва нафис мисралар, байтлар, бандлар яратади.

Қадимий ва сержилва аруз вазнининг ранго-ранг ўлчовларига таяниб қалам тебратган ижод соҳиблари юздан ортиқ шеърий ўлчовнинг турфа оҳангларини батафсил ўрганиб чиқиб, уларнинг энг халқчил, мусиқий, сержило турларини танлаганлар, ҳар бир шеърий ўлчовнинг ўзига хос жиҳатлари, товушларнинг мунаққаш жилоларидан моҳирона фойдаланганлар. Минг йиллик безавол шеъриятимизнинг улкан хазинаси фикримизнинг ёрқин далилидир. Юсуф хос Ҳожиб ва Аҳмад Югнакий, Рабғузий ва Хоразмий, Атоий ва Лутфий, Алишер Навоий ва Бобур, Машраб ва Ҳувайдо, Мунис ва Огаҳий, Нодира ва Амирий, Муқимий ва Фурқат сингари ўнлаб буюк қалам соҳибларининг бадиият даҳосини кашф этмоқ учун уларнинг ўз асарлари вазни устида ишлаш маҳоратини атрофлича тадқиқ этиш муҳим илмий-маърифий аҳамиятга эгадир.

Мумтоз шеъриятимизнинг бизга қадар етиб келган нодир қўлёзмаларини тўғри ўқиш ва нашрга тайёрлаш учун ҳам аруз илми ва амалиётини билиш зарурий шартлардан саналади. Зеро, ҳар қайси асарнинг вез-

ни, мисраларнинг рукн хусусиятлари, ҳар бир ҳижонинг чўзиқ ёки қисқалигини англаш уларнинг бехато ўқилишига имконият яратади. Мумтоз шеъриятимизнинг кўплаб нашрларида учраб турадиган матн хатолари, сакталиклар нашрга тайёрловчи олимлар ва нашриёт ходимларининг вазн масаласига эътиборсиз қарашлари оқибати эканлиги шубҳасиздир.

Ҳозирги шеъриятимизда аруз вазнидаги ғазал ва рубоийлар, мухаммас ва мусаддаслар битиш анъанаси давом этмоқда. Ёш ижодкорлар орасида ҳам ушбу ўлчовга иштиёқ кучайиб бормоқда. Маълумки, мазкур вазн асосида асар яратиш учун аруз назарияси ва амалиётини пухта эгаллаш даркор. Ҳозирги адабиётимизда аруз заминида ёзилган шеърларнинг вазнлар жиҳатидан чекланганлиги, оҳанглар жилосининг маҳдудлиги ижодкорларнинг аруз имкониятини атрофлича ўрганиб олмаганликлари, бу ўлчов тизимига хос бир неча осон вазн билангина кифояланаётганлари натижасидир. Аруз илмини чуқур ўрганиш, буюк шоирлар ижодининг вазн хусусиятларини тадқиқ этиш, бу соҳадаги маҳорат сирларидан баҳраманд бўлиш ушбу ўлчов асосида гоявий-бадиий баркамол, оҳанглар жиҳатидан ранг-баранг ва жозибадор бадиий дурдоналар яратишга имкон бериши муқаррар.

Аруз илмини пухта эгаллаш мумтоз адабиётимиз обидалари бўлмиш дилбар ғазалу мухаммасларга мусиқа басталовчи бастакорлару шу асарларни ижро этувчи хонандалар учун ҳам ниҳоятда зарур.

Шеърий асарнинг вазн хусусиятларини яхши билмайдиган бастакор унга мусиқа танлаш ёки басталашда нуқсонларга йўл қўйиши, арузда битилган асарларни ўқий олмайдиган хонанда ашула сўзларини бузиб талаффуз этиши табиий. Санъаткорлар аруз хусусиятларини пухта ўзлаштирган ҳолдагина бу каби нуқсонлардан халос бўлишлари мумкин.

Кўрамизки, аруз назарияси ва амалиётини ўрганиш адабиётшунослик, санъатшунослик, матншунослик соҳаси мутахассислари, мактабларнинг адабиёт ўқитувчилари, арузда шеър битишни истовчи шоирлар, бадиий сўз усталари учун алоҳида аҳамиятга эга. Бу масалада уларга аруз илмига оид илмий ва илмий-оммабоп асарлар, қўлланмалар яқиндан ёрдам бериши шубҳасиз. Адабиётшунослигимиз тарихида аруз илмига оид анчагина асар яратилган. Алишер Навоий ва Заҳириддин Бобурнинг «Мезонул авзон» ҳамда

«Мухтасар» асарларида умуман аруз назариясининг, хусусан, ўзбек арузи қонун-қоидаларининг анча кенг ёритилганлиги кўпчиликка маълум. XX асрда ҳам ушбу мураккаб илмга багишланган Фитратнинг «Аруз ҳақида», Алибек Рустамовнинг «Аруз ҳақида суҳбатлар», Уммат Тўйчиевнинг «Ўзбек шеъриятида аруз системаси», каби асарлари яратилди.

Мазкур китоб муаллифининг «Аруз назарияси асослари», «Мактабда аруз вазнини ўрганиш» каби қўлланмалари ҳам ушбу муаммога багишланган.

Ушбу луғат мумтоз шеъриятимиз мухлиси бўлган аҳли диллар, олий ва ўрта мактабларнинг ўқитувчилари, филодог ва санъатшунос талабалар, ўқувчиларнинг аруз илмини ўрганишларига амалий ёрдам кўрсатиш мақсади билан тузилди.

Аруз шеърий ўлчов тизими анча мураккаб. Унинг араб, форс ва туркий шеъриятларда қўлланган барча ўлчовларини ўрганиш анча мушкилот туғдиради. Ўзбек шеъриятида яратилган асарларни ифодали ўқиш ҳамда вазн нуқтаи назаридан таҳлил этмоқ учун ўзбек арузи назарияси, хусусан, шеъриятимиздағина қўлланган баҳр ҳамда вазнларни ўзлаштириш кифоя қилади. Шунинг учун ҳам мазкур луғатда туркигўй шоирлар ижодидагина фойдаланилган зиҳофлар, рукнлар, баҳрлар, вазнлар доирасидагина фикр юритдик.

Араб ва форс арузи ҳақида маълумот олишни истаган ўқувчилар бошқа махсус китобларга мурожаат қилишлари мумкин.

Аруз илмига доир ушбу луғат адабиётшунослигимизда янги бир тажриба. Бинобарин, унда баъзи нуқсонлар, эътибордан четда қолган назарий масалалар, ўлчовлар ҳам бўлиши мумкин. Муҳтарам китобхонларимизнинг луғат ҳақидаги танқидий фикрлари, мулоҳаза ва таклифлари бу каби нуқсонларни кейинги нашрларда бартараф этишга ёрдам бериши шубҳасиз.

А

Абтар. «Мафоийлун» аслининг «батар» («илдизидан ағдариш») зиҳофига билан ўзгартирилиши оқибатида ҳосил бўлган *фаъ* (чизмаси: —) тармоқ рукнининг номи бўлиб, «илдизидан ағдарилган» деган маънони ифодалайди (*Қаранг:* «батр», «фаъ»).

Ажабб. «Мафоийлун» аслининг «жабб» («бичиш — ахта қилиш») зиҳофи билан ўзгартирилиши натижасида ҳосил бўлган «фаал» (чизмаси: у —) тармоқ рукнининг номи бўлиб, «бичилган, ахта қилинган» маъносини ифодалайди. (*Қаранг:* «жабб», *«фаал»*).

Азалл. «Мафоийлун» аслининг «залал» («соннинг гўштсиз бўлиб қолиши») зиҳофи билан ўзгартирилиши туфайли юзага келган *«фоъ»* (чизмаси: ~) тармоқ рукнининг номи бўлиб «гўштсиз бўлиб қолган» деган маънони ифодалайди. (*Қаранг:* «Залал», «Фоъ»)

Азл — «четлатиш» маъносини англатувчи аруз атамаси бўлиб, адабий тилда чўзиқ ўқилувчи унлиларни шеърий асарларда вазн талабига кўра қисқа унли тарзида ўқилишини ифодалайди. Масалан, Лутфийнинг

Ул ойким, анинг меҳрида машҳури жаҳонман,
Афсуски, билмаски не чоғлиқ нигоронман

байтида ***нигорон*** сўзи таркибидаги олдинги «о» унлиси адабий тилда чўзиқ талаффуз қилинган ҳолда, шеърда қисқа ўқилади. Чунки у ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф вазни таркибидаги фаулун рукнининг биринчи қисқа ҳижоси — фаъ ўрнида келади. Худди шундай ҳолатни Гадоий ижодида ҳам учратамиз. Унинг

Гар ҳуснунга кўнглим *нигорон* бўлди, не бўлди?
Ошуфтаю расвойи жаҳон бўлди, не бўлди?

байтида ***нигорон*** сўзи таркибидаги биринчи унли вазнга мослаштириб қисқа ўқиладики, бу ҳолат ҳам қулоққа эриш туюлади. Саккокийнинг мужтаси мусаммани махбуни маҳзуф вазнида ёзилган ғазалидаги

Жоним фидоси анинг, кошки менинг бу таним
Оти туёқидин учқон ғубор бўлса эди

байтидаги **жоним** сўзи таркибидаги чўзиқ «о» унлисининг; ражази мусаммани солим вазнида ёзилган ғазалидаги

Бағримга ёқиб ҳажр ўти бу кун ичимни куйдурур,
Ёлғиз **жонимға** тонг била, билман, не пайдо
бўлғуси

байтидаги **жонимға** сўзи таркибидаги чўзиқ «о» унлисининг қисқа ўқилиши ҳам азл саналади.

Амиқ баҳри арузнинг асосий ўлчовларидан бўлиб, унинг асосини фоилун ва фоилотун аслларининг кетма-кет такрори ташкил қилади. Мазкур баҳрнинг мусаммани солим вазни рукнлари ва чизмаси бир мисрада

фоилун	фоилотун	фоилун	фоилотун
— v —	— v — —	— v —	— v — —

тарзидадир. Ушбу баҳр ҳақида аруз илмига бағишланган кўп асарларда маълумот учрамайди. Алишер Навоийнинг «Меъзонул авзон» асарида ҳам бу ҳақда маълумот берилмаган. Бобур ўзининг «Мухтасар» асарида мазкур баҳр ҳақида тўхтаб, унинг форс шеъриятида майдонга келганлигини уқтиради ҳамда юқорида таъкидланган вазнга мисол қилиб

Кел бери, эй париким, ҳажрдин хастадурман,
Лаълинга ташнадурман, зулфунга бастадурман.

байтини, шу баҳрнинг мураббаи солим вазнига эса

Кел манга қил назар сен,
Кел манга қил гузар сен

байтини келтиради.

Амиқ[1] баҳри ўзбек шеъриятида қўлланмаган.

Ариз баҳри арузнинг асосий ўлчов турларидан бири бўлиб, унинг асосини **мафоийлун** ҳамда **фаулун** аслларининг кетма-кет такрори ташкил қилади. Унинг саккиз рукнли солим вазни рукнлари ва чизмаси бир мисрада

мафоийлун	фаулун	мафоийлун	фаулун
v — — —	v — —	v — — —	v — —

[1] «Амиқ» арабча сўз бўлиб, «чуқур» деган маънони ифодалайди.

тарзидадир. Ариз[1] баҳри аруз илмига оид асарларнинг кўпчилигида келтирилмаган. Бу баҳр Навоийнинг «Меъзонул авзон»ида ҳам тилга олинмайди. Бобур ўзининг «Мухтасар» асарида ушбу баҳр ҳақида тўхталар экан: «...Бу вазида тозий[2] шеър топмайдурлар. Бу баҳрни ажам шуароси пайдо қилиб, мақлуби тавил дептурлар, ариз ҳам дерлар»[3], — деб таъкидлайди. Шоир мазкур баҳрнинг юқорида таъкидланган мусаммани солим вазнига

Лабинг маржон, тишинг дур, хатинг райҳон,
хадинг гул,
Сочинг анбар, юзунг ҳур, менинг мўлтон,
юзунг мул

байтини мисол қилиб келтирган. Шунингдек, Бобур аризи мусаммани мусаббағ, аризи мусаммани мақбуз, аризи мураббаи солим вазнларига ҳам бир байтдан мисоллар берган.

Мазкур баҳр ҳам шеъриятимизда қўлланмаган.

Аруз I. Туркий адабиётлар, жумладан, ўзбек шеъриятида тахминан IX асрдан бери қўлланиб келинаётган шеърий ўлчов тизими номи бўлиб, кўпчилик арузшунослар таъкидича, ушбу илм асосчиси Халил ибн Аҳмад яшаган жой яқинидаги воҳа номидан олинган. Алишер Навоий ўзининг «Мезонул авзон» асарида бу ҳақда тўхталар экан: «Халил ибни Аҳмад раҳматуллоҳки, бу фаннинг воизидур, чун араб эрмиш ва анинг яқинида бир водий эрмишки, ани «Аруз» дерлар эрмиш ва ул водийда аъроб уйларини тикиб жилва бериб, баҳога киюрурлар эрмиш. Ва уйни араб байт дер. Чун байтларни бу фан била мезон қилиб, мавзунини номавзунидин аюрурлар, гўёки қиймат ва баҳоси маълум бўлур, бу муносабат била «аруз» дебтурлар», — деб таъкидлаганди.

«Жамиъ-ул-мухтасар» асарининг муаллифи Воҳид Табризий эса: «Сузланув тилида чодир уйни тутиб турини учун унинг ўртасига қўйиладиган ёғочни «аруз» дейдилар. Арузийлар (яъни аруз билимдонлари) байтдаги биринчи мисранинг охирги рукнини «аруз» деб атайдилар. Чодир уйни шу ёғоч уплаб тур-

---

[1] «Ариз» сўзи арабча бўлиб, «энли», «кенг» маъноларини ифодалайди.
[2] Тозий — арабий, араб тилидаги.
[3] *Бобур.* Мухтасар. Тошкент, «Фан», 1971, 27-бет.

ганидек, байт ҳам мана шу рукнга таянади, зеро бу рукн ўқилганда, ушбу шеърнинг қандай вазн асосида яратилганлиги, унинг тўғри ёки нотўғрилиги аён бўлади», — деб ёзади.

Аруз тизими қисқа ва чўзиқ ҳижоларнинг шеър мисраларида муайян тарзда гуруҳланиб такрорланишига асосланади. Ҳижоларнинг бу хил такрори шеърда майин ва мусиқий оҳанг яратишни таъминлайди.

Аруз тизимининг энг кичик бўлаги сокин, яъни мустақил ундош ёки чўзиқ унли, шунингдек, мутаҳаррик, яъни ҳаракатли, ўзидан кейин қисқа унлилар келувчи ундош ҳарфлардир. Уларнинг турлича бирикувидан сабаб, ватад, фосила деб аталувчи йирикроқ бўлаклар, уларнинг ҳам бирикувидан эса аруз асоси бўлган 8 та асосий, асл бўлаклар — рукнлар юзага келади. Фаулун, фоилун, мафоийлун, фоилотун, мустафъилун, мафъулоту, мутафоилун ва мафоилатун деб аталувчи ушбу асл рукнларнинг айнан ёки турлича бирикиб такрорланишидан аруз тизимининг асосий ўлчовлари — баҳрлар ҳосил қилинади. Баҳрларнинг сони 19 та бўлиб, улар мутақориб, мутадорик, ҳазаж, рамал, ражаз, комил, вофир баҳрлари бир хил рукн такроридан; хафиф, мужтасс, музориъ, мунсариҳ, муқтазаб, тавил, мадид, басит, қариб, мушокил, ғариб, сариъ баҳрлари икки хил рукн такроридан ҳосил бўлади. Бу ўн тўққиз баҳрдан 11 таси ўзбек адабиётида қўлланган бўлиб, улар мутақориб, мутадорик, ҳазаж, рамал, ражаз, комил, музориъ, мужтасс, хафиф, мунсариҳ ва сариъ баҳрларидир.

Ҳар қайси баҳр бир неча вазн — ўлчовни ўз ичига олади. Ўзбек шеъриятида жами 100 атрофида вазн қўлланган.

Аруз тизими вазнлари асосида яратилган лирик шеърлар ёқимли мусиқий оҳангга эга бўлиб, куйлаш учун қулайдир. Бундай асарлар мумтоз мусиқамиз ва халқ мусиқасининг юзлаб куйларига ниҳоятда мос тушади.

VIII асрда яшаб ижод қилган араб адабиётшунос, мусиқашунос олими Халил ибн Аҳмад томонидан асос солинган «Аруз» шеърий ўлчов тизими қарийб бир минг уч юз йилдан бери араб, форсий ва туркий адабиётларнинг асосий шеърий мезони сифатида қўлланиб келади. Унинг бунчалик кенг қўлами, умрбоқийлиги арузга хос латиф мусиқийлик, оҳанглар рангбаранглиги, ҳаёт воқелиги ва инсоний ҳиссиётлар

оламини сержило миcралар воситасида таъсирчан, жозибадор ифодалаш имкониятларининг бениҳоялиги билан белгиланади.

Араб шеъриятига VIII асрдан татбиқ этилган мазкур ўлчов тизими IX аср бошлариданоқ форс-тожик адабиётида ҳам қўллана бошлади ҳамда Рудакий, Фирдавсий, Дақиқий, кейинроқ Умар Хайём, Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Жомий каби буюк шоирлар ижодидан мустаҳкам ўрин эгаллади.

Қисқа ва чўзиқ ҳижоларнинг шеър миcраларида муайян мутаносибликда такрорланишига асосланган ўлчов тизими қадимги туркий адабиётда араб истилосига қадар ҳам қўлланиб келган эди. Шартли равишда «Қадимги туркий аруз» деб аталиши мумкин бўлган мазкур ўлчов тизими хусусиятларини Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит турк» китобидан ўрин олган қадимий қўшиқлар ва лирик шеърлар мисолида яққол кузатиш мумкин.

IX—X асрларда туркий халқлар орасидан етишиб чиққан кўплаб шоирлар ўша давр анъаналарига мувофиқ ўз асарларини араб тилида битар эканлар, аруз ўлчовига асосландилар, хилма-хил мусиқий ва жозибадор вазнлар заминида ғоявий ва бадиий жиҳатдан баркамол қасида ва ғазаллар, рубоий ва қитъалар яратдилар. XI асрнинг машҳур адабиётшунос олими Абу Мансур ас-Саолибийнинг «Ятимат-уд-даҳр» китобида бундай ижодкорлардан кўпларининг номлари ва асарлари зикр қилинган. Бу даврда туркий тилда ҳам арузнинг енгил ва уйноқи ўлчовларида кўплаб лирик шеърлар ёзилганлиги шубҳасиз. Зеро, бу хил тажрибаларсиз XI асрда Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадғу билик» дек йирик достонининг майдонга келиши маҳол эди.

XII аср туркий адабиётининг намунаси сифатида бизгача етиб келган «Ҳибатул ҳақойиқ» достони аруз назарияси ва амалиётини ўзлаштириб, нафис бадиий асарлар яратиш анъанаси бу даврда ҳам давом этиб ривожланиб борганидан далолат беради. XIII—XIV асрлар давомида аруз ўлчови Паҳлавон Маҳмуд, Бадриддин Чочий каби мутафаккир шоирларнинг форсий шеъриятида ҳам, Носириддин Рабғузий, Хоразмий, Қутб, Сайфи Сароий каби соҳиби каломларнинг туркий асарларида ҳам кенг қўлланди ва ўзбек адабиётининг асосий шеърий мезони бўлиб қолди. Бу ижодкорлар томонидан кўплаб лирик шеърлар, «Қи-

саси Рабғузий» китобидаги ғазал ва қасидалар, қитъа ва маснавийлар, «Муҳаббатнома» достони, «Хисрав ва Ширин», «Гулистон» таржималари каби ўлмас асарларни битишда моҳирона фойдаланилган 30 дан ортиқ вазн аруз ўлчовининг алабиётимизга тобора чуқурроқ кириб борганини, шоирларимиз ушбу мураккаб ўлчов тизими назариясини тобора пухтароқ эгаллаб, хилма-хил вазнлар асосида гўзал шеърий бадиалар яратиш маҳоратини ҳам изчиллик билан ўрганиб борганларини кўрсатиб турибди.

XV аср ўзбек арузи ривожида алоҳида босқич саналади. Чунки бу даврнинг биринчи ярмида Хоразмий, Атоий, Саккокий, Дурбек, Сайфи Сароий, Лутфий сингари туркигўй ижодкорлар ўз асарларини арузнинг энг жозибали ўлчовлари асосида яратиб кўплаб вазнларни шеъриятимизга олиб кирган бўлсалар, буюк Алишер Навоий ўзининг лирик шеърлари, достонларини яратиш жараёнида аруз ўлчовининг барча имкониятларини синовдан ўтказиб, юзга яқин вазнни қўллаб, бу соҳада энг яхши муваффақиятларга эришди.

Алишер Навоийнинг мазкур соҳадаги анъаналарини давом эттирган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзбек арузини янги гараққиёт босқичига кўтарди.

Алишер Навоий ва Заҳириддин Бобур изидан борган ўзбек шоирлари хилма-хил вазнларни ўз шеъриятларида санъаткорлик билан қўллаб бориб ўзбек арузини камол топтирдилар, қатор-қатор янги ўлчовларни кашф этиб, уни янада такомиллаштирдилар. Бу соҳада Машраб ва Нодира, Мунис ва Огаҳий, Мукимий ва Фурқат, Ҳамза ва Авлоний каби соҳиби каломларининг хизмати катта бўлди.

Аруз инқилобдан кейинги даврда ҳам ўзбек шеъриятининг асосий шеърий мезонларидан бири бўлиб хизмат қилди. Чўлпон, Ҳ. Олимжон, Ғ. Ғулом, Ойбек, Уйғун каби шоирларимиз асосан бармоқ вазни асосида ижод қилган бўлсалар ҳам, энг яхши лирик шеърларини яратишда арузга ҳам мурожаат қилдилар. Ҳабибий, Собир Абдулла, Чустий каби ижодкорларнинг аксар асарлари мана шу шеърий мезон асосида ёзилган эди.

60-йиллари иқтидорли ёш шоир Эркин Воҳидов ўзининг «Ёшлик девони» билан шеъриятимизда арузнинг қайта жонланишига кучли таъсир кўрсатди. Унинг қадимий, лекин гоят мусиқий, замондошимиз-

га хос лирик кечинмаларни ниҳоятда латиф ифодалашга имкон берувчи мазкур қадимий ўлчовдаги шеърлари аруз имкониятларини яна бир бор намойиш қилди, унинг ҳали ўз умрини тугатмаганини, бу ўлчов заминида ранг-баранг туйғулар мавжини энг дилрабо мисраларда жилолантириш мумкинлигини исботлаб берди. 60—80 йиллардаги ёшлар шеъриятида аруз мезонидаги кўплаб лирик асарлар бевосита мана шу девоннинг таъсири остида яратилди, десак хато бўлмас. Абдулла Орипов, Жамол Камол, Ойдин Ҳожиева, Эътибор Охунова каби кўплаб шоирлар ўз шеърлари билан ўзбек арузининг гўзаллигини, жозибали оҳангларга бойлигини яна бир бор далиллади-лар.

Ҳозирги адабиётимизда, 90-йиллар шеъриятида ҳам аруз мустақил Ўзбекистонимизнинг дилрабо тароналарини, замондошимиз қалбидаги нозик ва мураккаб туйғуларни шаффоф мисраларда акс эттириш ишига муносиб хизмат қилиб келмоқда.

Аруз (II). Аруз ўлчов тизими асосида яратилган шеърий асар байтларидаги биринчи мисранинг охирги рукни ўрни номи. Мисрадаги шу рукн ўқилгандан сўнггина шеърнинг қайси баҳр ҳамда вазн асосида яратилганлиги, мисранинг танланган ўлчовга мувофиқлиги, шоирнинг вазн танлаш, оҳанг яратиш маҳоратини аниқлаш мумкин бўлади.

Арузшунослик. Аруз тизими асрлар давомида араб, форс-тожик ва туркий шеъриятларда амалий жиҳатдан қўлланиб келиши билан бир вақтда ушбу адабиётшуносликларда назарий жиҳатдан ҳам такомиллашиб борди, аруз махсус илм сифатида мактаб ва мадрасаларда муттасил ўргатилди, мазкур шеърий мезон назарияси ва амалиётига доир кўплаб илмий тадқиқотлар яратилди, рисолалар битилди. Халил ибн Аҳмаднинг «Ал аруз» рисоласидан сўнг Ибн Усмон Мазиний, Имом Аҳмад ибн Абдураббиҳ, Ибн ал-Хатиб ат-Табризий, Зиёвуддин Абул Жайш ал-Ҳазражий каби араб олимлари ушбу илмга доир асарлар яратиб, аруз тараққиётига муносиб ҳисса қўшдилар.

Аруз илми ҳақида айниқса форс-тожик адабиётшунослигида кўплаб асарлар битилди. Мавлоно Юсуф Нишобурий (X аср) форсий тилда арузга оид илмий асар яратган олимларнинг биринчиси эди. Рашидиддин Ватвот (XIII аср)нинг «Ҳадойиқ ус-сеҳр», Шамс Қайс (XIII аср)нинг «Ал-мўъжам фи меёр ашъор ал-

ажам», Насриддин Тусий (XIV аср)нинг «Меъёрул ашъор», Салмон Савожий (XIV аср)нинг «Қасидатун маснуот ал-аруз», Абдураҳмон Жомий (XV аср)нинг «Рисолан аруз» асарлари форс-тожик арузининг назарий ва амалий ривожида алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Аруз илми ривожига туркий халқлар орасидан етишиб чиққан адабиётшунос олимлар ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. Машҳур файласуф Абу Наср Форобий (X аср), Абу Али ибн Сино (X—XI асрлар), Абул Қосим Замахшарий (XI—XII асрлар), Абу Яъқуб Юсуф ибн Абубакр Саккокий (XII—XIII асрлар) ўзларининг араб ва форсий тилда битган илмий асарлари билан фақат араб ва форсий арузларгина эмас, айни вақтда туркий аруз тараққиётига ҳам сезиларли таъсир кўрсатдилар.

Туркий арузнинг назарий ва амалий жиҳатдан шаклланиши ва изчил ривожланиб боришида Алишер Навоийнинг илк бор туркий тилда яратилган «Мезонул авзон» («Вазнлар ўлчови») асари алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Улуғ мутафаккир шоир аруз қоидаларини, хилма-хил баҳрлари ҳамда вазнларини туркий тилда муфассал баён қилиш билан чекланиб қолмай, туркий халқларнинг оғзаки шеърияти мезони билан аруз вазнлари ҳамоҳанглигини атрофлича далиллади ҳамда туркий тил хусусиятларини назарда тутган ҳолда арузнинг туркий адабиётларда, хусусан, ўзбек шеъриятида кенг қўлланиши мумкин бўлган кўплаб ўлчовларини ҳам белгилаб берди.

Ўзининг лирик шеърлари ва достонларини яратишда арузнинг рангоранг вазнларини синчковлик билан синовдан ўтказган Навоий туркий тилларда ҳам аруз ўлчовлари асосида турли-туман жанр ва шаклларда ғоят латиф лирик асарлар яратиш ва йирик достонларни битиш мумкинлигини амалан исбот ҳам қилиб берган эди. Бу билан шоир туркий тилнинг беқиёс бойлиги ва бетакрор гўзаллигини шеърий ўлчов жиҳатидан ҳам намойиш қилди.

Ўзбек арузининг назарий ва амалий жиҳатдан янада камол топишида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Мухтасар» деб номланган йирик илмий асарининг аҳамияти беқиёсдир. Олим ва шоир Бобур арузининг назарий асосларини мукаммал ёритади, аруз ўлчовларининг форсий ва туркий шеъриятлардаги мавқеини, қўламини ҳар икки адабиётнинг ўлмас намуналари билан далиллайди, айни вақтда ўзбек арузи ўлчовлар

доирасининг ниҳоятда кенглигини таъкидлаш мақсадида шеъриятимизда қўлланилиши мумкин бўлган 537 ўлчовни (улардан 400 га яқини мутлақо янги, Бобур томонидан кашф қилинган вазнлар) санаб ўтиб, улардан ҳар бирига бир байтдан мисоллар келтиради. Бинобарин, «Мухтасар» ўзбек арузи тараққиётида алоҳида ўрин тутади.

XIX аср охирларида Зокиржон Фурқат ҳам аруз илмига доир рисола битган эди. Ҳалигача нашр қилинмаган бу асарни профессор Ғулом Каримов Остроумов фондидан топган эди. 16 бетлик бу кичик рисолада шоир арузнинг шеъриятимизда кенг қўлланган 55 вазни ҳақида маълумот берган, ҳар қайси ўлчовга форсий ва туркий адабиётлардан мисоллар келтирган[1].

Инқилобдан кейинги даврда ҳам ўзбек арузининг назарий ва амалий масалаларини илмий тадқиқ этиш давом этди. 1936 йили Фитрат қаламига мансуб «Аруз ҳақида» рисоласи нашр этилди. Олим унда аруз қонунларини соддалаштириб баён қилади, шеъриятимизда қўлланган энг мусиқий ўлчовларнинг оҳанг хусусиятларини таъкидлаб, уларга ўзбек адабиётидан мисоллар келтиради.

1948 йили адабиётшунос олим Содиқ Мирзаев «Навоий арузи» мавзусидаги номзодлик диссертациясини ёзиб тугаллади. Тадқиқотда арузнинг назарий масалалари Навоий «Мезонул-авзон»и асосида баён қилинган, Навоий шеъриятида қўлланган баҳрлар таъкидлаб кўрсатилган эди. Олимнинг улкан хизмати шунда бўлдики, у Навоийнинг «Хазойин-ул-маоний» асаридаги 3132 шеърнинг вазн хусусиятларини илк бор аниқлаб чиқди, уларнинг рукнларини, чизмаларини белгилаб берди. Бу жадваллардан адабиётшуносларимиз ҳануз фойдаланиб келмоқдалар.

Ўзбек арузининг назарий ва амалий масалалари таниқли олим Алибек Рустамовнинг «Аруз ҳақида суҳбатлар»[2] рисоласида ҳам ўз ифодасини топган. Тадқиқотчи ўз асарида Фитрат рисоласидаги анъаналарни янада ривожлантириб, аруз қонунлари, хилмахил баҳрлар, вазнларнинг оҳанг хусусиятларини осонлаштириб ифодалаш усулини қўллади. А. Рустамовнинг Навоий ва Ҳабибий шеърларининг вазн хусу-

---

[1] *Қаранг:* Ғ. Каримов. Халқ, тарих, адабиёт. Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1977, 125—126-бетлар.

[2] *Алибек Рустамов.* Аруз ҳақида суҳбатлар. Тошкент, «Фан», 1972.

сиятлари ҳақидаги тадқиқотлари[1] ҳам ўзбек арузидаги бадиий маҳорат муаммоларини ҳал қилиш нуқтаи назаридан аҳамиятлидир.

Адабиётшунос С. Ҳасановнинг Бобур рисоласи тадқиқига бағишланган изланишлари ҳам[2] ўзбек арузининг назарий ва амалий муаммоларини ҳал қилишга, хусусан, мазкур рисоланинг илмий-амалий қимматини атрофлича ёритишга бағишланган эди.

Кейинги йилларда ўзбек арузининг назарий масалаларини ўрганиш устида заҳматкаш олим Уммат Тўйчиев жиддий илмий текширишлар олиб борди, унинг «Ўзбек поэзиясида аруз системаси»[3] сарлавҳали йирик илмий асарида ана шу тадқиқотларнинг натижалари ўз ифодасини топган.

Адабиётшунос А. Ҳожиаҳмедовнинг «Мактабда аруз вазнини ўрганиш»[4], «Аруз назарияси асослари»[5] асарлари ушбу ўлчов тизимини мактаб ва олий ўқув юртларида ўрганишга бағишланган ўқув қўлланмалари сифатида яратилди.

Кўриниб турибдики, XV асрдан бери ўзбек арузининг ҳам назарий, ҳам амалий масалалари изчиллик билан тадқиқ қилиниб келди, ушбу шеърий мезоннинг етакчи хусусиятлари энг мақбул, мусиқий баҳрлари ҳамда вазнлари белгиланди, имкониятлар кўлами аниқланди, баъзи ижодкорларнинг аруздан фойдаланишдаги маҳорати муносиб баҳоланди.

Лекин ўзбек арузи тарихи, камолат хусусиятлари, ҳар қайси ўзбек шоири ижодидаги ўрни, ҳар бир соҳиби каломнинг оҳанг яратишдаги санъаткорлигини ўрганиш соҳасида кўпдан-кўп муаммолар адабиётшунослигимиз олдидаги долзарб вазифалардан бўлиб турибди. Бу муаммоларни ҳал қилиш учун эса аввало иқтидорли арузшунос мутахассисларни тарбиялаб етиштириш, мактаб ва олий ўқув юртларида ўзбек арузи назарияси ва амалиётини чуқур ўрганиш лозим.

Аруз доиралари. Аруз тизими асосчиси Халил ибн Аҳмад баҳрларнинг ўзлаштирилишини осонлаштириш

---

[1] *А. Рустамов.* Ҳабибий шеърларининг вазни. Адабий мерос, 2-сон, Т., 1971; А. Рустамов. Навоийнинг баднийя маҳорати. Тошкент, 1979.

[2] *Қаранг:* С. Ҳасанов. Бобурнинг «Аруз рисоласи» асари. Тошкент, «Фан», 1981.

[3] *У. Тўйчиев.* Ўзбек поэзиясида аруз системаси. Тошкент, «Фан», 1985.

[4] *А. Ҳожиаҳмедов.* Мактабда аруз вазнини ўрганиш. Тошкент, «Ўқитувчи» нашриёти, 1978; иккинчи нашри, «Ўқитувчи» нашриёти, 1995 йил.

[5] *А. Ҳожиаҳмедов.* Аруз назарияси асослари. ТошДУ нашриёти, 1982.

мақсадида рукнлар, улардаги сокин ва мутаҳаррик ҳарфлар (ёки қисқа ва чўзиқ ҳижолар) сонининг тенглигига кўра ўзаро яқин бўлган баҳрларни гуруҳлаштириб, уларнинг ритм-оҳанг хусусиятларини, ўзаро яқинлиги ва фарқларини доира ичида келтирилган бир мисра шеър мисолида кўрсатишни маъқул кўрди ва 15 баҳрни ўз ичига олувчи тўрт доира ихтиро қилди. Ҳар қайси доира қанча баҳрни ўз ичига олса, шунча бўлакка бўлинган бўлиб, уларда шу баҳрларнинг олти ёки саккиз рукнли солим ёки зиҳофли вазнларининг рукнлари ҳам келтирилади. Доира атрофида берилган мисрани биринчи сўздан бошлаб ўқилса, бир баҳр, иккинчи сўздан бошлаб ўқилса, иккинчи баҳр, учинчи сўздан бошлаб ўқилса, учинчи баҳр, шу тарздан неча баҳр жамланган бўлса, барчаси келиб чиқади. Шу тарзда доирага бирлашган баҳрлар асосларининг бир-биридан фақат чўзиқ ёки қисқа ҳижолар ўрни билангина фарқланиши ўзлаштирилади.

Жумладан, Бобурнинг «Мухтасар» асаридан ўрин олган «Доираи мужталиба»да ҳазаж, ражаз ва рамал баҳрлари бирлашган бўлиб, улар учун мисол тариқасида «Жафо кўп қилма, эй маҳваш, жафо сендиндурур нохуш» мисраси келтирилган. Доира уч бўлакка бўлиниб, ҳар қайсисида у ёки баҳрнинг саккиз рукнли солим ўлчови рукнлари ўрин олган. Юқоридаги мисрани бошидан бошлаб ўқилса, доирада берилган «мафоийлун мафоийлун мафоийлун мафоийлун» рукнларига мувофиқ келувчи ҳазажи мусаммани солим вазни, кейинги сўздан бошлаб «Кўп қилма, эй маҳваш, жафо, сендиндурур нохуш жафо» тарзида ўқилса, рукнлари мустафъилун мустафъилун мустафъилун мустафъилун бўлган ражази мусаммани солим вазни, учинчи сўздан бошлаб «Қилма, эй маҳваш, жафо, сендиндурур нохуш жафо кўб» тарзида ўқилса, рукнлари фоилотун фоилотун фоилотун фоилотун кўринишидаги рамали мусаммани солим вазни ҳосил бўлади.

Худди шу усул билан мутақориб ва мутадорик баҳрлари яна бир доирага, комил ва вофир — учинчи доирага, тавил, мадид, басит тўртинчи доирага, мунсариҳ, муқтазаб, музориъ ва мужтасс — бешинчи, хафиф, қариб, мушокил, ғариб, сариъ, баҳрлари олтинчи доирага бирлаштирилади. Ҳар қайси доира арузшунослар томонидан айрича номланган бўлиб, баъзи номлар барча асарларда бир-бирига мос келса, бошқалари фарқланади. Чунончи, мутадорик ва мутако-

риб баҳрларини бирлаштирувчи доира Навоий ва Бобур асарларида бир хил — «Доираи муттафиқа» деб, хафиф, қариб, ғариб, сариъ ва мушокил баҳрларидан ташкил топган доира ҳар икки арузшунос томонидан «Доираи мунтазиа» деб аталган бўлса, ҳазаж, ражаз, рамал баҳрлари учун тузилган доира «Мезонул авзон»да «Доираи муъталифа» деб аталса, «Мухтасар»да. «Доираи мужталиба» деб, комил ва вофир баҳрларини бирлаштирувчи доира Навоий томонидан «Доираи мухталита» деб аталган бўлса, Бобур томонидан «Доираи муъталифа» деб номланган. «Доираи муштабиҳа» деб аталган доира «Мезонул авзон»да тавил, мадид ва басит баҳрларини ўз ичига олади. Худди шундай доира «Мухтасар»да «Доираи мухталифа» деб юритилади. Навоий мунсарих, музориъ, муқтазаб ва мужтасс баҳрларини «Доираи мухталифа»га бирлаштирган бўлса, Бобур худди шундай доирани «Муштабиҳа» деб атайди. Бундай фарқларни аруз илмига бағишланган барча асарларда кузатиш мумкин.

Арузшуносларнинг илмий рисолаларидан ўрин олган доиралар сон жиҳатидан ҳам фарқланиши мумкин. Чунончи, Халил ибн Аҳмад тўрт доира келтирган бўлса, Воҳид Табризийнинг «Жамиъ-ул-мухтасар» асарида 6 та, Навоийнинг «Меъзонул авзон»ида 7 та, Бобурнинг «Мухтасар»ида 9 та доира келтирилган.

Аруз доираларининг ички тузилиши ҳам турлича. Ҳар қайси арузшунос доираларнинг осон тушунилишига интилиб, турлича шакллар яратганлар. Масалан, Навоий ҳар қайси баҳрнинг маълум вазни рукнларини доира бўлакларига жойлаштирган бўлса, Бобур уларни доира ичидаги доирачаларда акс эттиради. Бошқа арузшунослар яна ўзгача йўл тутадилар.

Аруз доираларидан ҳозирги даврда ҳам ушбу илмни ўзлаштиришда унумли фойдаланиш мумкин. Зеро доиралар кўргазмали қуроллардан саналади.

Аслам фаулун аслининг «салм» («бузилиш», «нуқсон етиши») зиҳофи билан ўзгартирилгандан сўнг ҳосил бўлган «фаълун» (чизмаси: — —) тармоқ рукни номи бўлиб, «бузилган», «нуқсонли» маъноларини ифодалайди (қаранг: «салм»).

Асллар аруз шеърий ўлчов тизими асосини ташкил қилувчи саккиз асосий рукн мажмуъи. Асллар фаулун, фоилун, мафоийлун, фоилотун, мустафъилун, мафъулоту, мутафоилун ва мафоилатун рукнларидан

иборат. Арузшунос олимлар ушбу аслларни «афоийлу тафоийл» деб ҳам атайдилар.

Фаулун (чизмаси: v — —) бириккан ватад (ватади мажмуъ)дан кейин бир енгил сабаб (сабаби хафиф) келишидан;

Фоилун (чизмаси: — v —) енгил сабабдан кейин бириккан ватад (ватади мажмуъ) келишидан;

Мафоийлун (чизмаси: v — — —) бириккан ватад (ватади мажмуъ) дан сўнг икки енгил сабаб (сабаби хафиф) келишидан;

Фоилотун (чизмаси: — v — —) икки енгил сабаб (сабаби хафиф) ўртасида бириккан ватад (ватади мажмуъ) келишидан;

Мустафъилун (чизмаси: — — v —) икки енгил сабаб (сабаби хафиф)дан сўнг бириккан ватад (ватади мажмуъ) келишидан;

Мафъулоту (чизмаси: — — — v) икки енгил сабаб (сабаби хафиф) дан сўнг, ажралган ватад (ватади мафруқ) келишидан;

Мутафоилун (чизмаси: v v — v —) кичик фосила (фосилаи суғро) дан кейин бириккан ватад (ватади мажмуъ) келишидан;

Мафоилатун (чизмаси: v — v v —) бириккан ватад (ватади мажмуъ)дан сўнг кичик фосила (фосилаи суғро) келишидан ҳосил бўлади.

Юқоридаги саккиз аслнинг турлича такроридан аруз тизими асоси бўлган 19 баҳр юзага келади (қаранг: «Баҳрлар», «сабаб», «ватад», «фосила»).

Асрам «фаулун» аслининг «сарам» («олдинги тишни синдириш») зиҳофига дуч келиши оқибатида ҳосил бўлган «фаълу» (чизмаси: — v) тармоқ рукнининг номи бўлиб, «олдинги тиши синдирилган» деган маънони ифодалайди.


«Афоийлу тафоийл» аруз шеърий ўлчов тизимининг асоси бўлган саккиз асосий рукн. Уларни кўпинча «асллар» деб юритилади (қаранг: «Асллар»).

Ахраб «мафоийлун» аслининг «харб» («вайрон қилиш») зиҳофи билан ўзгартирилиши натижасида юзага келган «мафъулу» (чизмаси: — — v) тармоқ рукнининг номи бўлиб, «вайрон қилинган» деган маънони ифодалайди.

Ахраб шажараси рубоий вазнларидан 12 тасини ўз ичига олувчи туркум бўлиб, уларнинг барчаси мафоийлуннинг ахраб тармоғи мафъулу рукни билан бошланган учун шу ном билан аталган. Ушбу ўлчов-

лардан тўрттасининг иккинчи рукнлари мафоийлун аслининг мақбуз тармоғи мафоилунга, тўрттасининг иккинчи рукнлари шу аслнинг мақфуф тармоғи мафоийлуга, яна тўрттасининг иккинчи рукнлари мафоийлун аслининг солими-мафоийлунга тенг бўлади. Иккинчи рукнлари мафоилун ва мафоийлуга тенг вазнлардан тўрттасининг учинчи рукни мафоийлунга, яна тўрттасининг учинчи рукни мафоийлуга тенг бўлади. Иккинчи рукни мафоийлун бўлган тўрт вазннинг учинчи рукни мафоийлун аслининг ахрам тармоғи мафъулун ёки ахраб тармоғи мафъулудан ташкил топади. Учинчи рукнлар мафоийлун ё мафъулун бўлганда, тўртинчи рукнлар мафоийлун аслининг абтар тармоғи фаъ ёки азалл тармоғи фоъга, учинчи рукнлар мафоийлу ё мафъулу бўлганда, тўртинчи рукнлар мафоийлун аслининг ажабб тармоғи фаал ёхуд ахтам тармоғи фаулдан иборат бўлади.

Ахраб тармоғининг юқоридаги таркибда тузилган ўн икки вазнини шундай кўрсатиш ҳам мумкин:



Юқоридаги вазнлар ўз тузилишига кўра рубоийнавислигимизда кўп ё кам қўлланган, айримларидан мутлақо фойдаланилмаган.

Шеъриятимизда яратилган рубоийларнинг аксарият мисралари иккинчи рукни мафоилун бўлган **ахраби мақбуз шаҳобчасига** мансуб тўрт ўлчовга асосланади. Бунинг сабаби ушбу вазнларда қисқа ва чўзиқ ҳижоларнинг жойлашиши туфайли ҳосил бўлувчи ёқимли, салоботли оҳангда албатта. Бу тўрт вазн қуйидагилардир:

Ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими абтар.
Ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими азалл.
Ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи макфуфи ажабб.
Ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи макфуфи ахтам.

Ўзбек адабиётида (Навоий, Бобур, Мунис, Огаҳий, Аваз ижодида) яратилган бир вазнли 150 рубоийдан 100 таси ушбу шаҳобча ўлчовларида битилган.

Иккинчи рукни мафоийлуга тенг **ахраби макфуф шаҳобчаси** таркибига кирувчи тўрт вазндан юқоридаги мақбуз шаҳобчаси ўлчовларига нисбатан рубоийнавислигимизда нисбатан камроқ фойдаланилган. Булар:

Ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи солими абтар.
Ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи солими азалл.
Ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи ажабб.
Ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи ахтам

вазнларидир.

Иккинчи рукни мафоийлунга тенг бўлган **ахраби солим шаҳобчасига** мансуб тўрт вазн эса шеъриятимизда мутлақо қўлланмаган. Бунинг сабаби ушбу ўлчовлар ўртасида, яъни иккинчи ва учинчи рукнларда беш ёки олти чўзиқ ҳижонинг ёнма-ён келиши туфайли оғир оҳанг ҳосил бўлишидир. Бу тўрт вазн:

Ҳазажи мусаммани ахраби солими ахрами абтар.
Ҳазажи мусаммани ахраби солими ахрами азалл.
Ҳазажи мусаммани ахраби солими ажабб
Ҳазажи мусаммани ахраби солими ахтам.

Ахраб шажараси вазнларидан ҳар бирига хос хусусиятлар ва уларнинг шеъриятимизда қўлланиш кўламини шу вазнлардан ҳар қайсиси ҳақидаги маълумотлардан билиб олишингиз мумкин.

ҲАЗАЖИ МУСАММАНИ АХРАБИ МАҚБУЗИ СОЛИМИ АБТАР вазни рубоийнавис шоирлар ижодида бошқа рубоий ўлчовларига нисбатан кўпроқ қўлланган. Унинг рукнлари ва чизмаси бир мисрада

мафъулу	мафоилун	мафоийлун	фаъ
— — v	v— v —	v — — —	—

тарзидадир. Таркиби эса мафоийлун аслининг ахраб тармоғи мафъулу, мақбуз тармоғи мафоилун, солим кўриниши мафоийлун ҳамда абтар тармоғи фаълардан ташкил топади. Ушбу ўлчов шеъриятимиздаги кўпчилик рубоийларнинг таркибида қатнашади.

Қуйидаги рубоийларнинг барча мисралари мазкур ўлчов асосида яратилган:

Чун ишқи кўнгулнинг ичра бунёд айлар,
Ғам бирла хароб мулкин обод айлар.
Жон бирла анинг ғамига бўлсам банда,
Ул дамда мани ғаминдин озод айлар.

(Ҳофиз Хоразмий)

Жонимға етибтурур хумор, эй соқий,
Май тутқилу берма интизор, эй соқий.
Аввал ўзунг айла ихтиёр, эй соқий,
Тутқил менга сўнгра зинҳор, эй соқий.

(Навоий)

Аҳбоб, фироқингиз била эл нетгай,
Сизларга киши не чора айлаб етгай.
Жамъиятингизни жамъ тутқай тенгри,
Бобурни доғи бу жамъда жамъ этгай.

(Бобур)

ҲАЗАЖИ МУСАММАНИ АХРАБИ МАҚБУЗИ СОЛИМИ АЗАЛЛ вазни олдинги, ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими абтар ўлчовидан фақат охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билангина фарқланиб, рукнлари ва чизмаси ҳар мисрада

Мафъулу	мафоилун	мафоийлун	фоъ
— — v	v — v —	v — — —	~

тарзидадир. Яъни олдинги уч рукн олдинги вазндаги каби бўлиб, охирги рукнгина мафоийлун аслининг азалл тармоғи фоъга тенг бўлади.

Ушбу ўлчовда битилган рубоий мисраларини барча рубоийнавис шоирларнинг шу жанрдаги асарларида учратишимиз мумкин.

Ушбу рубоийларнинг барча мисралари мазкур ўлчовдадир:

Маҳбубдурур гулу висоли матлуб,
Кўрмак ани гулбун узра билгил маҳсуб.
Базм ичра узуб кетурган эрмас марғуб,
Ул навъки, мажлис ичра ўлган маҳбуб.

(Навоий)

Қиш бўлдию бўлди барча тому тош қор,
Жамъияти бор кишига бордур хуш қор.
Бу қишда ёмон йўлу паришон ҳолим,
Ё раб, мени яхшилиқ сориға бошқор.

(Бобур)

Мунис, менгадур дамеки жонон мунис,
Бахтимдек ўлур сипеҳри гардон мунис.
Чун борди қошимдин эҳтироз айлаб ёр,
Не толеъ эрур манга, не даврон мунис.

(Мунис)

ҲАЗАЖИ МУСАММАНИ АХРАБИ МАҚБУЗИ МАКФУФИ АЖАББ вазни шеъриятимизда кенг қўлланган рубоий ўлчовларидан саналади. Унинг рукнлари ва чизмаси ҳар мисрада

мафъулу	мафоилун	мафоийлу	фаал
— — v	v — v —	v — — v	v —

тарзидадир. Бинобарин, унинг таркибини мафоийлун аслининг ахраб тармоги мафъулу (садр ва ибтидода), мақбуз тармоғи мафоилун (олдинги ҳашвда), макфуф тармоғи мафоийлу (кейинги ҳашвда) ҳамда ажабб тармоғи фаал рукнлари ташкил этади. Унинг таркибидаги 6 та қисқа ва 7 чўзиқ ҳижонинг шу хилдаги такрори ёқимли ва салоботли оҳанг ҳосил қилади. Шу туфайли ҳам ушбу ўлчовдан XIV асрдан бошлаб рубоийнавис шоирлар кенг фойдаланганлар. Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур, Мунис, Огаҳий, Аваз каби рубоийнавислар ижодида мазкур ўлчов айниқса кенг қўлланган. Ушбу рубоийларнинг барча мисралари мазкур улчов асосида ёзилган:

Ҳар кимсаки сўз демак шиорида дурур,
Маъни гули нутқининг баҳорида дурур.
Сўз ким десун улки ихтиёрида дурур,
Сўз яхшилиги чу ихтисорида дурур

Навоий

Ишқинг нетай ихтиёрсиз қилди мени,
Сабримни олиб қарорсиз қилди мени.
Олам эли ичра орсиз қилди мени,
Зуҳд аҳлига эътиборсиз қилди мени.

(Бобур)

Қуйидаги рубоийларнинг 1,2 ва 4-мисралари ушбу ўлчовда:

Сўз дур сочибон сўзунгдин андоқки садаф,
Дахл аҳли қошида йўқ анга қадри хазаф.
Доно ҳаргиз қилмади нодон била баҳс,
Хомуш бўлу ҳасудга бўлма тараф.

(Мунис)

Гул бўлмоғуси юзунг жамолига эваз,
Сарв ўлмоғуси қадинг ниҳолига эваз.
Жон берса ўлукка нечаким оби ҳаёт,
Бўлғуси қачон лабинг зулолига эваз.

(Огаҳий)

То бўлди бир ойни ишқига зор кўнгул,
Андин бери субҳи шом бемор кўнгул.
Ул навъ этиб ўзни гирифтори фироқ,
Минг ҳасрат ила аламга дучор кўнгул.

(Аваз)

ҲАЗАЖИ МУСАММАНИ АХРАБИ МАҚБУЗИ МАКФУФИ АЗАЛЛ вазни ҳам ахраб шажарасига мансуб рубоий ўлчовларидан бўлиб, рукнлари ва чизмаси бир мисрада

Мафъулу	мафоилун	мафоийлу	фаул
— — ∨	∨ — ∨ —	∨ — — ∨	∨~

тарзидадир. Мазкур ўлчов олдинги ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи мақфуфи махзуф вазнидан охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билангина фарқланади. Яъни охирги рукн мафоийлун аслининг **азалл** тармоғи **фаул**га тенг бўлади.

Ушбу ўлчов гарчи унча кўп бўлмаса-да, барча рубоийнавислар асарларида қўлланади.

Қуйидаги рубоийларнинг барча мисралари шу ўлчовда битилган:

Ул дурри саминки, бор эди кўзума ёш,
Айларда ажал анга жафо расмини фош.
Ғам тирноғидин қилиб қароғимни харош,
Ёшурғой эдим они кўзум уйида кош.

(Навоий)

Эй қомати сарву лаблари обиҳаёт,
Будур тилагимки етгамен васлинга бот.
Ҳажрингда манга не сабр қолди, не сабот,
Ё кел бу сориға, ё мени ўзунга қот.

(Бобур)

«АХРАБИ МАКФУФ» ШАҲОБЧАСИ ВАЗНЛАРИ

ҲАЗАЖИ МУСАММАНИ АХРАБИ МАКФУФИ СОЛИМИ АБТАР рубоийнавислигимизда кенг қўлланган ўлчовлардан бири бўлиб, рукнлари ва чизмаси бир мисрада

Мафъулу	мафоийлу	мафоийлун	фаъ
-- — v	v — — v	v — — —	—

тарзидадир. Унинг таркибини мафоийлун аслининг **ахраб** тармоғи **мафъулу** (биринчи рукнларда), макфуф тармоғи **мафоийлу** (иккинчи рукнларда), солим кўриниши (учинчи рукнларда) ҳамда **абтар** тармоғи **фаъ** (охирги рукнларда) ташкил этади. 4 қисқа ва саккиз чўзиқ ҳижонинг ушбу тартибда жойлашиши рубоийга хос вазмин оҳанг ҳосил қилади. Шунинг учун ҳам шоирларимиз унинг имкониятларидан ўз рубоийларини яратишда кенг фойдаланиб келганлар. Мазкур вазн Лутфий, Ҳофиз Хоразмий, Алишер Навоий, Бобур, Мунис, Огаҳий, Аваз каби рубоийнавислар битган асарларнинг кўплаб мисраларини яратишда қўлланган. Қуйидаги рубоийлар эса бутунисича ушбу вазн асосида ёзилган:

Жонимға қилур жавру жафо ёр асру,
Ким ёр ичида жавру жафо бор асру.
Бўлдум чекибон жавру жафо зор асру,
Мен жаврқашу ёр жафокор асру.

(Навоий)

Эй ёр, сенинг васлинга етмак мушкил,
Фархунда ҳадисингни эшитмак мушкил.
Ишқингни доғи бартараф этмак мушкил,
Бошни олибон ҳар сори кетмак мушкил.

(Бобур)

Зарра учубон нойири аъзам бўлмас,
Ер болиш этиб авжи фалак хам бўлмас.
Инсон аро нодонни билинг ҳайвондур,
Ҳайвон неча зўр айласа одам бўлмас.

(Огаҳий)

ҲАЗАЖИ МУСАММАНИ АХРАБИ МАКФУФИ СОЛИМИ АЗАЛЛ вазни ахраб шажарасидаги рубоий ўлчовларидан бири бўлиб, юқоридаги ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи солими абтар вазнидан охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билангина фарқланади. Унинг рукнлари ва чизмаси бир мисрада

Мафъулу	мафоийлу	мафоийлун	фоъ
— — v	v — — v	v — — —	~

шаклидадир. Яъни олдинги уч рукни юқоридаги вазн сингари бўлиб, охирги рукнигина мафоийлун аслининг **азалл** тармоғи **фоъ**га тенг.

Ушбу ўлчов рубоийнавис шоирларнинг асарлари мисраларида кам бўлса-да қўлланган. Жумладан, Алишер Навоий қаламига мансуб:

Ёшимға бағир қони чу эрди монанд,
Кўз асради ёшдек бўлуб андин хурсанд.
Турмоди кўзумда еткач ул сарви баланд,
Бўлмас киши фарзанди кишига фарзанд.

рубоийсидаги 1-, 2-, 4-мисралар шу хил ўлчовда битилган. Бобур яратган

Аҳбобға қилсанг гузар, эй ел, ногоҳ
Ул жамъни бу сўзумдин этгил огоҳ:
Сиз кўргандек эсон-саломаттур биз,
Сиз доги эсон бўлғасиз иншооллоҳ.

рубоийсининг биринчи ва тўртинчи мисралари ушбу вазн асосида ёзилган. Мунисниинг

Ҳар дамки хаёлингни қилурман, эй шўх,
Ўммиди висолингни қилурман, эй шўх.
Ўлган танима равон кирар ширин жон,
Чун ёди зулолингни қилурман, эй шўх.

рубоийсидаги барча қофиядош мисралар мазкур ўлчовда ёзилган.

ҲАЗАЖИ МУСАММАСИ АХРАБИ МАКФУФИ АЖАББ рубоийнавислигимизда энг кўп қўлланган вазнлардан биридир. Рукнлари ва чизмаси бир мисрада

Мафъулу	мафоийлу	мафоийлу	фаал
— — v	v — — v	v — — v	v —

тарзида бўлган ушбу ўлчов мафоийлун аслининг **ахраб** тармоғи **мафъулу** (садр ва ибтидода), **макфуф** тармоги **мафоийлу** (ҳашвларда) ҳамда **ажабб** тармоғи **фаал** (аруз ва зарбда) рукнларига асосланади. 5 та қисқа ва еттита чўзиқ ҳижонинг жуфт-жуфт бўлиб такрорланиши ушбу вазнга енгил ва ёқимли, айни чоғда рубоийларга хос салоботли оҳанг бағишлайди.

Ушбу ўлчов асосида ёзилган мисраларни дастлаб Лутфий, Сайфи Саройи ва Ҳофиз Хоразмий рубоийларида учратамиз. Алишер Навоий ва Бобур, Мунис ва Огаҳий сингари етук шоирлар ижодида эса бу ўлчов жуда кенг қўлланган.

Қуйидаги рубоийларнинг барча мисралари шу вазнда битилган:

Жоҳилки ҳасад бўлгай анинг жаҳлига зам,
Нур эл кўзидин англаса ўз кўзида кам,
Кўзларни алишмоққа чекиб тиғи ситам,
Эл кўзини ҳам ўйғаю ўз кўзини ҳам.

(Навоий)

Золимки эрур зулму жафо ҳосил анга,
Зулм этгали — ўқ хотир ўлур мойил анга.
Бўлмоқ хуш эмас қилғонидин хушдил анга,
Ўз зулмидин — ўқ ўлғусидур қойил анга.

(Навоий)

Кофир кўзи бедод аён айлади ло,
Жавр ўқига жонимни нишон айлади ло.
Ҳар лаҳза ишим оҳу фиғон айлади ло,
Охир мени расвойи жаҳон айлади ло.

(Огаҳий)

ҲАЗАЖИ МУСАММАНИ АХРАБИ МАКФУФИ АХТАМ вазни ҳам ахраб шажарасига мансуб ўлчовлардан бўлиб, рукнлари ва чизмаси бир мисрада

Мафъулу	мафоийлу	мафоийлу	фаул
— — v	v — — v	v — — v	v ~

тарзидадир. Бинобарин, мазкур ўлчов юқоридаги вазндан охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билангина фарқланади: олдинги уч рукн олдинги вазндаги каби бўлиб, охирги, аруз ва зарб рукнлари ўрнида **мафоийлун** аслининг **ахтам** тармоғи **фаул** келади.

Ушбу ўлчов ҳам аксарият рубоийнавислар ижодида маълум даражада қўлланиб келган.

Мисоллар:
Алишер Навоийнинг


Нодонлиғ иши элда малолатға далил,
Доно улус оллида хижолатға далил.
Беасл иши бўлмади адолатқа далил,
Донолиғ эрур элда асолатға далил.

рубоийсидаги қофиядош мисралар шу ўлчов асосида ёзилган.

Ахрам «мафоийлун» аслининг «харм» («бурунни кесиш» (зиҳофига дуч келиши оқибатида ҳосил бўлган «мафъулун» (чизмаси: — — —) тармоқ рукнининг номи бўлиб, «бурни кесик» маъносини ифодалайди. Ушбу рукн ахрам шажарасига мансуб рубоий вазнларининг 10 тасида биринчи рукн, иккитасида 1, 2, 3-рукнлар ўрнида келади. (Қаранг: «Ахрам шажараси»).

Ахрам шажараси рубоий ўлчовлари гуруҳи бўлиб, ўз ичига мафоийлун аслининг **ахрам** тармоғи бўлмиш **мафъулун** рукни билан бошланувчи 12 вазнни олади. Ушбу шажарага мансуб тўрт вазннинг иккинчи рукнлари мафоийлун аслининг **аштар** тармоғи **фоилунга,** тўрттасиники шу аслнинг **ахраб** тармоғи **мафъулуга**, яна тўрттасиники шу аслнинг **ахрам** тармоги **мафъулун**лардан бирига тенг бўлади. Иккинчи рукнлари **фоилун** ёки **мафъулуга** тенг вазнларнинг учинчи рукнлари мафоийлун аслининг солимидан ёки шу аслнинг **макфуф** тармоғи **мафоийлу**дан, иккинчи рукнлари **мафъулун**га тенг бўлган тўрт вазннинг учинчи рукнлари **мафъулун** ёки **мафъулу**дан иборат бўлади. Учинчи рукн **мафоийлун** ёки **мафъулун** бўлиб келганда, бундай вазнларнинг тўртинчи рукнлари **мафоийлун** аслининг **абтар** тармоги **фаъ** ёки **азалл** тармоғи **фоъга**, учинчи рукнлари **мафоийлу** ёки **мафъулу** бўлиб келган вазнларнинг тўртинчи рукнлари **мафоийлун** аслининг **ажабб** тармоғи **фаал** ёки **ахтам** тармоги **фаул**га тенг

бўлади. Ахрам шажараси вазнларини қуйидагича кўрсатиш ҳам мумкин:



Юқоридаги 12 вазн ўз хусусиятларига кўра рубоийнавислигимизда турли даражада қўлланган. Иккинчи рукни фоилун (аштар)га тенг бўлган тўрт вазндан ушбу шажаранинг бошқа ўлчовларига нисбатан енгилроқ бўлгани учун шеъриятимизда нисбатан кенгроқ фойдаланилган. Булар:

Ҳазажи мусаммани ахрами аштари солими абтар.
Ҳазажи мусаммани ахрами аштари солими азалл.
Ҳазажи мусаммани ахрами аштари макфуфи ажабб.
Ҳазажи мусаммани ахрами аштари макфуфи ахтам.

ўлчовларидир.

Ушбу шажаранинг иккинчи рукни мафъулуга тенг бўлган яна тўрт вазн тузилишига кўра оғирроқ оҳангга эга, чунки уларнинг барчаси беш чўзиқ ҳижо билан бошланади. Шунга кўра улар рубоийнавислигимизда жуда кам қўлланган.

Булар қуйидаги ўлчовлардир:

Ҳазажи мусаммани ахрами ахраби солими абтар.
Ҳазажи мусаммани ахрами ахраби солими азалл.
Ҳазажи мусаммани ахрами ахраби мақфуфи ажабб.
Ҳазажи мусаммани ахрами ахраби мақфуфи ахтам.

Иккинчи рукни мафъулунга тенг бўлган тўрт вазн эса жуда оғир оҳангга эга. Чунки буларда 9 ёки 10 чўзиқ ҳижо кетма-кет келади. Шу туфайли ҳам улар асосида яратилиши мумкин бўлган мисралар ўқиш учун ноқулай. Ана шу хусусиятига кўра ушбу тўрт вазндан шеъриятимизда мутлақо фойдаланилмаган. Булар:

Ҳазажи мусаммани ахрами абтар.
Ҳазажи мусаммани ахрами азалл.
Ҳазажи мусаммани ахрами ахраби ажабб.
Ҳазажи мусаммани ахрами ахраби ахтам

ўлчовларидир.

Ахрам шажараси вазнларига хос хусусиятларни улардан ҳар бири ҳақидаги маълумотлардан билиб олишингиз мумкин.

«АХРАМИ АШТАР» ШАҲОБЧАСИ ВАЗНЛАРИ

ҲАЗАЖИ МУСАММАНИ АХРАМИ АШТАРИ СОЛИМИ АБТАР вазни ахрам шажарасига мансуб рубоий ўлчовларидан бўлиб, рукнлари ва чизмаси бир мисрада

мафъулун	фоилун	мафоийлун	фаъ
— ⏑ ⏑	— ⏑ —	⏑ — ⏑ —	—

тарзидадир. Иккита қисқа ва тўққизта чўзиқ ҳижонинг ушбу тартибдаги такрори анча оғир оҳангни вужудга келтиради. Шунинг учун ушбу ўлчовдан жуда кам ҳолатларда фойдаланилган. Мазкур вазнда битилган рубоий мисралари Алишер Навоийга қадар учрамайди. Шоир ушбу ўлчов имкониятларини илк бор ўз рубоийларида синаб кўрган эди. Чунончи, унинг қаламига мансуб

Ҳажрингда менинг сабрима жуз нуқсон йўқ,
Кўнглум аро ғайри нолау афғон йўқ.
Жонимға ҳаёт умиди худ имкон йўқ,
Йўқ, йўқ, йўқ, сабр йўқ, кўнгул йўқ, жон йўқ.

рубоийсининг охирги мисраи

Ҳақдин эмин бўлубки жон топқайсен,
Ғайридин хавфи бегарон топқайсен.
Андинки рижойи жовидон топқайсен,
Хавф айлаки, ғайридин амон топқайсен

рубоийсидаги аввалги икки мисра ушбу ўлчов асосида ёзилган. Бобурнинг

Асру кўп эмиш журъату ҳиммат сизга,
Рўзи қилғай худой нусрат сизга.
Мардоналиғингизни бори эл билди,
Раҳмат сизга, ҳазор раҳмат сизга.

рубоийсининг иккинчи ва тўртинчи мисралари мазкур ўлчовдадир.

ҲАЗАЖИ МУСАММАНИ АХРАМИ АШТАРИ СОЛИМИ АЗАЛЛ вазни рубоийнавислигимизда энг кам қўлланган ўлчовлардан саналади. Ахрам шажарасидаги ушбу вазн рукнлари ва чизмаси бир мисрада

мафъулун	фоилун	мафоийлун	фоъ
— — —	— v —	v — — —	—

тарзидадир. Кўриниб турганидек, мазкур ўлчов таркибидаги олдинги уч рукн юқоридаги рубоий вазни — ҳазажи мусаммани ахрами аштари солими абтар билан айнан ўхшаш бўлиб, охирги рукнгина фарқ қилади: ушбу ўлчов мафоийлун аслининг азалл тармоги фоъ рукни билан тугалланади. Икки қисқа, саккиз чўзиқ ва бир ўта чўзиқ ҳижонинг шу тартибдаги таркибидан тузилган мазкур ўлчов анча оғир оҳангга эга. Шунинг учун ҳам ундан шоирларимиз жуда кам фойдаланганлар. Алишер Навоийнинг икки рубоийсидаги биттадан мисра ҳамда Бобур рубоийсидаги ягона мисра шу ўлчовда ёзилган. Навоийнинг

Ёш улғайса тоқи муқарнасдур дард,
Балки мамлу сипеҳри атласдур дард,
Қари кишига балки кам эрмасдур дард,
Юз сиҳҳати бўлса, қарилиқ басдур дард.

рубоийсидаги иккинчи мисраъ ҳамда

Бекаслигу дард куйида гард ўлмоқ,
Хушроққи ямон била ҳамовард ўлмоқ.
Ёлғуз бўл, топма ранжпарвард ўлмоқ,
Хушроқ чу ямон рафиқдек фард ўлмоқ.

рубоийсининг учинчи мисраи мазкур ўлчовда ёзилган. Бобур яратган

Келдим санга юз умид бирла, эй моҳ,
Лекин ёндим юзингни кўрмай, юз оҳ.
Ҳамсуҳбату ҳамроҳни нетай бу йўлда,
Дардинг манга ҳамсуҳбату, ишқинг ҳамроҳ.

рубоийсидаги иккинчи мисра ҳам шу вазндадир.

ҲАЗАЖИ МУСАММАНИ АХРАМИ АШТАРИ МАКФУФИ АЖАББ вазни ҳам ахрам шажарасига мансуб рубоий ўлчовларидан бўлиб, рукнлари ва чизмаси бир мисрада

мафъулун	фоилун	мафоийлу	фаал
— — —	— v —	v — — v	v —

тарзидадир. Унинг таркибини мафоийлун аслининг ахрам тармоғи мафъулун (садр ва ибтидода), аштар тармоғи фоилун (олдинги ҳашвда), макфуф тармоғи мафоийлу (кейинги ҳашвда) ҳамда ажабб тармоги фаал (аруз ва зарбда) рукнлари ташкил этади. Ушбу ўлчовда 4 қисқа ва 8 чўзиқ ҳижонинг юқоридаги тарзда такрорланиши ахрам шажарасининг бошқа вазнларига нисбатан енгилроқ оҳангни ҳосил қилади. Мазкур ўлчов Алишер Навоийдан бошлаб Бобур, Огаҳий каби шоирлар яратган рубоийларда кам бўлса-да қўлланиб турган. Жумладан, Алишер Навоий қаламига мансуб

Хуштур бўлсоқ иковла ҳамдам сену мен,
Бир-бирга десак етушса ҳар ғам сену мен.
Бўлсоқ бор эсак ҳарамга маҳрам сену мен,
Муғ дайри аро бўлса ватан ҳам сену мен

рубоийсининг биринчи мисраи мазкур ўлчовда битилган. Бобур ёзган

Сен гулсену мен ҳақир булбулдурмен,
Сен шуъласен, ул шуълага мен қулдурмен.
Нисбат йўқтур деб ижтиноб айламаким,
Шаҳмен элга вале санга қулдурмен

рубоийсидаги учинчи мисра ҳам ушбу вазн асосида яратилган. Огаҳий ёзган

То тушти фироқ ўтига бемор кўнгул,
Юз дарду ғаму аламга дучор кўнгул.
Даврон ситами тийғидин афгор кўнгул,
Бўлмиш мандин малулу безор кўнгул!

рубоийсининг охирги мисраи ҳам мазкур ўлчовдадир.

ҲАЗАЖИ МУСАММАНИ АХРАМИ АШТАРИ МАКФУФУ АХТАМ вазни ҳам ахрам шажарасига мансуб рубоий ўлчовларидан. Унинг рукнлари ва чизмаси бир мисрада

мафъулун	фоилун	мафоийлу	фаул
— — —	— ∨ —	∨ — — ∨	∨ ~

тарзидадир. Кўриниб турганидек, ушбу ўлчов юқорида кўрганимиз **ҳазажи мусаммани ахрами аштари мақфуфи ажабб** вазнига яқин бўлиб, олдинги уч рукни у билан айнан бир хил, фақат охирги рукндагина мафоийлун аслининг **ажабб** тармоғи **фаал** ўрнига шу аслнинг **ахтам** тармоги **фаул** келган холос. Бу хил таркибдаги қисқа ва чўзиқ ҳижолар анча оғир оҳанг ҳосил қилади. Шунга кўра ушбу ўлчовдан рубоийнавислигимизда фойдаланилмаган.

«АХРАМИ АХРАБ» ШАҲОБЧАСИ ВАЗНЛАРИ

ҲАЗАЖИ МУСАММАНИ АХРАМИ АХРАБИ СОЛИМИ АБТАР вазни ахрам шажарасидаги рубоий ўлчовларидан бўлиб, унинг рукнлари ва чизмаси бир мисрада

мафъулун	мафъулу	мафоийлун	фаъ
— — —	— — ∨	∨ — — —	—

тарзидадир. Унинг таркибини **мафоийлун** аслининг **ахрам** тармоғи **мафъулун** (садр ва ибтидода), **ахраб** тармоғи **мафъулу** (олдинги ҳашвлар ўрнида), **солим** кўриниши **мафоийлун** (кейинги ҳашвларда) ҳамда **абтар** тармоғи **фаъ** рукнлари ташкил этади. Иккитагина қисқа ва тўққиз чўзиқ ҳижонинг бу хил такрори оғир оҳанг ҳосил қилади. Шу туфайли бу ўлчов рубоийнавислигимизда кам қўлланган. Мазкур вазнда ёзилган дастлабки мисраларни Ҳофиз Хоразмий рубоийларида кўрамиз. Чунончи, унинг

Ишқ ичра қачонки бенишон бўлгайман,
Қул ҳам бўлсам шоҳи замон бўлгайман.
Хоки қадамингга бош қўюб ер ўпсам,
Оламнинг ичинда комрон бўлгайман

рубоийсининг иккинчи мисраси шу ўлчов асосида яратилган эди.

Алишер Навоийнинг

Олам тарки кишига ҳимматдин эрур,
Ким кўп шиддат ул сори рағбатдин эрур.
Нафсингга қаю аламки шиддатдин эрур,
Махфий тутмоқ они мурувватдин эрур.

рубоийсидаги иккинчи ва тўртинчи мисралар ушбу ўлчов асосида ёзилган. Бобурнинг

Бир зулфдин, эй кўнгул, паришон бўлма,
Бир юзга ҳам асру зору ҳайрон бўлма.
Мен сенга демонки, тарки ишқ эт, лекин,
Андоқ қилким, сўнгра пушаймон бўлма

рубоийсидаги охирги мисра ҳам шу ўлчовда.

ҲАЗАЖИ МУСАММАНИ АХРАМИ АХРАБИ СОЛИМИ АЗАЛЛ вазни ҳам ахрам шажарасига мансуб рубоий ўлчовларидан биридир. У олдинги ҳазажи мусаммани ахрами ахраби солими абтар вазнидан охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билангина фарқланади. Шунга кўра унинг рукнлари ва чизмаси бир мисрада

мафъулун	мафъулу	мафоийлун	фоъ
— — —	— — v	v — — —	~

тарзидадир. Мазкур ўлчовнинг аввалги уч рукни юқоридаги вазн каби бўлиб, охирги рукн **мафоийлун**нинг **ахтам** тармоги **фоъга** тенг.

Бу вазн ҳам рубоийнавислигимизда жуда кам қўлланган бўлиб, баъзи шоирлар яратган асарларнинг айрим мисраларигина унинг асосида ёзилган. Жумладан, Алишер Навоийнинг

Эй жони ҳабибу кўнгли аҳбобқа лол,
Мен ҳам қилдим жону кўнгулни ирсол,
Кўнглумга бер аҳбоб била жоми висол,
Жонимни ҳабиб аёғи туфроғига сол

рубоийсидаги иккинчи мисраъ шу ўлчовдадир.

ҲАЗАЖИ МУСАММАНИ АХРАМИ АХРАБИ МАКФУФИ АЖАББ вазни рубоийнавислигимизда кам қўлланган ахрам шажараси ўлчовларидан бири бўлиб, таркибини **мафоийлун** аслининг **ахрам** тармоғи **мафъулун** (садр ва ибтидода), **ахраб** тармоғи **мафъулу** (олдинги ҳашвларда), **макфуф** тармоғи **мафоийлу**

(кейинги ҳашвларда) ҳамда **ажабб** тармоғи **фаал** (аруз ва зарбда) ташкил этади. Шунга кўра унинг рукнлари ва чизмаси бир мисрада

Мафъулун	мафъулу	мафоийлу	фаал
— — —	— — v	v — — v	v —

тарзидадир. Мазкур ўлчов шеъриятимизда битилган рубоийларнинг баъзи мисраларида қўлланган. Ушбу вазнда ёзилган мисралар дастлаб Алишер Навоий рубоийларида учрайди. Огаҳий ҳам баъзи рубоийларида бу ўлчовга мурожаат қилган. Жумладан, Алишер Навоий қаламига мансуб

Ҳар кимки тамаъдурур гирифторлиғи,
Не суд анга аҳли саҳо ёрлиғи.
Иззат бермас нақду дирам борлиғи,
Ким бўлди тамаъдин кишининг хорлиги

рубоийсидаги учинчи мисра шу ўлчовда ёзилган эди. Огаҳийнинг:

Борди кўнглум, келмади дилдор ҳануз,
Васлиға магар топмади ул бор ҳануз.
Ё васлиға еткач бўлубон маҳви жамол,
Ҳолимни анга қилмади изҳор ҳануз.

рубоийсидаги биринчи мисра ҳам мазкур вазн асосида яратилган.

ҲАЗАЖИ МУСАММАНИ АХРАМИ АХРАБИ МАКФУФИ АХТАМ ҳам ахрам шажарасига мансуб рубоий ўлчовларидан бўлиб, олдинги вазндан охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билан фарқланади. Рукнлари ва чизмаси бир мисрада

мафъулун	мафъулу	мафоийлу	фаул
— — —	— — v	v — — v	v ~

тарзидадир. Кўриниб турганидек, ушбу ўлчовда ёзилган рубоий мисраларининг олдинги уч рукни **ҳазажи мусаммани ахрами ахраби макфуфи ажабб** вазнидаги каби бўлиб, охирги рукн **мафоийлун** аслининг **ахтам** тармоги **фаул**га тенг бўлади.

Мазкур ўлчов шоирларимизнинг баъзи рубоийларидаги бирон мисрада қўлланади. Масалан, Алишер Навоий битган:

Ул дамки қуёш айлади мағрибқа ружуъ,
Гар суҳбат ўшул қуёш била топса вуқуъ,

Хуштур қилмоқ жом қуёшиға шуруъ,
Ул дамғачаким, қилур қуёш жоми тулуъ

рубоийсидаги учинчи мисра, Бобурнинг

Ҳажрингда не қон қолдики ютмайдурмен,
Кўз ёшини ҳар лаҳза қурутмайдурмен,
Дийдорингнинг ҳаққини, эй юзи қуёш,
Тенгри ҳақи, бир зарра унутмайдурмен.

рубоийсининг учинчи мисраси ушбу ўлчовда яратилган эди.

Ахтам «мафоийлун» аслининг **«хатм»** («тишни тагидан синдириш») зиҳофига дуч келиши натижасида ҳосил қилинган **«фаул»** (чизмаси: v~) тармоқ рукнининг номи бўлиб, «тиши тагидан синдирилган» деган маънони ифодалайди. (Қаранг: «Хатм», «Фаул»)

Аштар «мафоийлун»аслининг **«шатар»** («нуқсон қилиш») зиҳофи билан ўзгартирилиши оқибатида юзага келган **«фоилун»** (чизмаси: — v —) тармоқ рукнининг номи бўлиб, «нуқсонли» деган маънони ифодалайди. (Қаранг: «Шатар», «Фоилун»).

Б

Байт аруз илмига кўра ҳар бири бир неча рукндан ташкил топган қофияли ёки қофиясиз икки мисра шеър демакдир.

Ҳар қайси байт 4, 6, 8, баъзан 12, 16, 20, 36 рукндан ташкил топиши мумкин. 4 рукнли байтлар **«мураббаъ»** (арабча «тўртлик» дегани) 6 рукнлилари **«мусаддас»** (арабча «олтилик» дегани), 8 рукнлилари «мусамман» (арабча «саккизлик» дегани) тарзида номланади. 12 рукнли байтлар кўпинча «мустаҳзод» номи билан юритилади. 16, 20, 36 рукнли байтлар эса алоҳида номланмай, рукнлар сонига кўра «16 рукнли», «20 рукнли» ёки «36 рукнли» деб аталаверади.

Байтни ташкил қилувчи рукнлар ўрнига кўра ҳам номланади. Биринчи мисранинг биринчи рукни «садр», охирги рукни «аруз», иккинчи мисранинг биринчи рукни «ибтидоъ», охирги рукни «зарб», ўртадаги барча рукнлар қанча бўлишидан қатъий назар «ҳашв» деб аталади.

Басит баҳри («басит» арабча сўз бўлиб, «ёзиқ» маъносини ифодалайди) арузнинг асосий ўлчов турларидан бири бўлиб, унинг асосини **мустафъилун** ва **фоилун** аслларининг кетма-кет такрори ташкил қила-

ди. Чунончи, унинг саккиз рукнли солим вазни рукнлари ва чизмаси ҳар мисрада

Мустафъилун	фоилун	мустафъилун	фоилун
— — v —	— v —	— — v —	— v —

кўринишига эга. Алишер Навоий «Меъзонул авзон» асарида юқоридаги вазнга мисол қилиб

Эй сунбулинг халқаси бўйнумға тоқиб расан,
Ҳар тобида юз бало, ҳар торида минг шикан

байтини келтирган. Бобурнинг «Мухтасар» асарида ушбу вазнга мисол тариқасида

Эй бевафо, келмадинг ҳаргиз менинг ёнима,
Ҳажринг нелар қилмади бу тинмағур жонима

байтини келтиради. Бобур шу асарда басит баҳрининг яна етти вазнига туркий мисоллар келтирган эди.

Шеъриятимизда басит баҳри қўлланмаган. Уни араб шеъриятига махсус деб ҳисобланади.

«Батар» зиҳоф номи бўлиб, «илдизидан ағдариш» деган маънони ифодалайди. Бу хил ўзгаришга дуч келган мафоийлун аслининг олдинги уч ҳижоси туширилиб, қолган **лун** қисми ўзига тенг **фаъ** тармоқ рукни билан алмаштирилади ва «илдизидан ағдарилган» маъносида **абтар** деб юритилади.

Баҳр — арабча «денгиз» демакдир. Аруз атамаларидан бири бўлиб, ушбу тизимни ташкил қилувчи асосий, йирик ўлчов турини ифодалайди. Баҳрлар **асллар** ёки **афойилу тафойил** деб аталувчи саккиз рукннинг турлича таркибда такрорланишидан ҳосил қилинади. 7 аслнинг айнан такроридан 7 баҳр тузилади:

1. Фаулун	асли	такроридан	мутақориб	баҳри,
2. Фоилун	— « —		мутадорик	— « —
3. Мафоийлун	— « —		ҳазаж	— « —
4. Фоилотун	— « —		рамал	— « —
5. Мустафъилун	— « —		ражаз	— « —
6. Мутафоилун	асли	такроридан	комил	баҳри
7. Мафоилатун	— « —		вофир	— « —

юзага келади. Мафъулоту асли такрорланмайди.

Саккиз аслнинг бири бири билан қўшилиб такрорланишидан яна 12 баҳр ҳосил қилинади. Шулардан 7 таси биттадан олинган икки асл такрорига асосланади:

1. Мафоийлун ва фоилотун асллари такроридан музориъ,
2. Фоилотун ва мустафъилун — « — хафиф,
3. Мустафъилун ва фоилотун — « — мужтасс,
4. Мустафъилун ва мафъулоту — « — мунсариҳ,
5. Мафъулоту ва мустафъилун — « — муқтазаб,
6. Фаулун ва мафоийлун — « — тавил,
7. Фоилотун ва фоилун — « — мадид,
8. Мустафъилун ва фоилун — « — басит

баҳрлари ҳосил қилинади.

Иккита бир хил ва битта иккинчи хил асл такроридан яна тўрт баҳр тузилади.

1. 2 та мафоийлун ва 1 фоилотун такроридан қариб,
2. 2 та фоилотун ва 1 мафоийлун — « — мушокил,
3. 2 та фоилотун ва 1 мустафъилун — « — ғариб,
4. 2 та мустафъилун ва 1 мафъулоту — « — сариъ

деб аталган баҳрлар вужудга келади.

Баъзи арузшунослар (шу жумладан, Бобур ҳам) юқоридаги 19 баҳрга яна икки баҳрни қўшадилар. Булардан бири **ариз** деб аталган баҳр бўлиб, **мафоийлун** ва **фаулун** асллари (мафоийлун олдин келади) такроридан тузилади. **Амиқ** деб номланган кейинги баҳрни эса **фоилун** ва **фоилотун** аслларининг (фоилун олдин келади) такрори ҳосил қилади.

Юқоридаги 21 баҳрдан 9 таси, яъни вофир, муқтазаб, мадид, басит, қариб, мушокил, ғариб, ариз ва амиқ баҳрлари бизнинг шеъриятимизда мутлақо қўлланмаган, улар арабий ва форсий шеъриятга махсус ўлчов турлари саналади; мутадорик, комил ва тавил баҳрларидан эса жуда кам шоирлар фойдаланганлар. 9 баҳр, яъни ҳазаж, рамал, ражаз, музориъ, хафиф, мужтасс, мунсариҳ, сариъ, мутақориб баҳрлари шеъриятимизда фаол қўлланилган.

Аруз илми асосчиси бўлган Халил ибн Аҳмад баҳрлар сонини 15 та қилиб кўрсатган эди. Булар тавил, мадид, басит, комил, вофир, рамал, ҳазаж, ражаз,

мунсариҳ, музориъ, сариъ, хафиф, мужтасс, муқтазаб, мутақориб баҳрлари эди. Форсий арузшунослар бу рўйхатга яна тўрт асосий ўлчовни — мутадорик, қариб, ғариб (жадид), мушокил баҳрларини қўшдилар. Баъзилари эса ариз ва амиқ баҳрларини ҳам баҳрлар сирасига киритдилар.

БАҲРЛАРНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ

Аруз тизими асосида яратилган шеърий асарларнинг баҳрларини аниқлаш учун бир неча усулдан фойдаланиш мумкин. Мумтоз арузшуносликда баҳрлар **тақтиъ** усули билан белгиланган. Бунинг учун байт оҳанг бўлаклари — рукнларга ажратилиб, ҳар қайси рукннинг асл ёки тармоқ рукнлардан қайси бирига тенг келиши белгиланиб, шу асосда баҳр номи топилган. Жумладан, Алишер Навоийнинг

Мени мен истаган ўз суҳбатиға аржуманд этмас,
Мени истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас

байти рукнларга «Мени мен ис — таган ўз суҳ — батиға ар — жуманд этмас, мени истар — кишининг суҳ — батин кўнглум — писанд этмас» тарзида ажратилади. Энди оғзаки равишда ҳар қайси рукннинг аруз тизимига мансуб қайси асл ё тармоқларга мослигини аниқлаймиз. Масалан, «мени мен ис» рукни оҳанг хусусиятига кўра «мафоийлун» аслига тенг келади (уни фоилотун ёки мустафъилун асллари билан ўлчаб кўрсак мувофиқ тушмайди). Кейинги ҳар қайси рукн ҳам шу аслга мосдир. Бинобарин, байтдаги барча рукнлар мафоийлун аслига тенг экан. Ушбу асл такроридан тузилган баҳр эса **ҳазаж** деб аталишини биламиз. Шунга кўра ғазалнинг ҳазаж баҳрига мансублигини айтишимиз мумкин бўлади. Махмурнинг «Хафалак» шеъри баҳрини аниқлайдиган бўлсак, ундаги бирон байтни шу тарзда тақтиъ қилиб кўрамиз. Чунончи:

Яшаган кулбаларин банда баён гар қилсам,
Бир капа, икки капа, уч олачуқ, тўрт каталак

байти «Яшаган кул — баларин бан — да баён гар — қилсам, бир капа ик — ки капа уч — олачуқ тўрт — каталак» тарзида рукнларга бўлинади. «Яшаган кул» рукни оҳанг жиҳатидан «фаилотун» тармоқ рукнига тенг; «баларин бан», «да баён гар» рукнлари ҳам шу

ўлчовда, «қилсам» рукни «фаълун» тармоқ рукнига тенг. **Фаилотун** ва **фаълун** тармоқ рукнлари фоилотун аслидан ҳосил бўлгани бизга маълум. Бинобарин, уларнинг ўрнига шу аслни қўйсак, **фоилотун** асли такрорига асосланган мазкур баҳр **рамал** эканлигини белгилашимиз мумкин.

Эркин Воҳидов қаламига мансуб:

Барг остидан мулойим боққан иболи ғунча,
Не сирни сақлагайсен, багринг нечун тугунча

байти тақтиъ билан рукнларга «Барг ос ти — дан муло йим — боққан и — боли гунча, Не сир ни — сақлагайсан — багринг не — чун тугунча» тарзида ажратилади. «Барг ости», «боққан и» рукнлари **мафъулу** тармоқ рукнига, «дан мулойим», «боли ғунча» рукнлари эса **«фоилотун»** аслига тенг. **Мафъулу** рукни **мафоийлун** аслидан ҳосил бўлгани маълум. Демак, шеър баҳри **мафоийлун** ва **фоилотун** асларининг кетма-кет такрорига асосланган, шу туфайли **музориъ** деб аталади.

Баҳрларни аниқлашда тақтиъ усулини қўллаш унча осон эмас. Чунки аруз тизими хусусиятлари, асл ва тармоқ рукнларнинг оҳанг ўлчовларини пухта ўзлаштириб олмаган ўқувчи хатоларга йўл қўйиши мумкин. Шу туфайли баҳрларни ёзма тарзда аниқлаш усули анча қулай ҳисобланади. Бу хил йўл тутилганда, байт аввал ифодали ўқилади-да, барча ҳижоларнинг чизмаси белгиланади, шундан сўнг байт рукнларга ажратилиб, ҳар бир рукн чизмасига кўра қайси асл ёки тармоқ рукнга мослиги аниқланади. Жумладан, Лутфийнинг

Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ иноним,
Қондур жигарим, хоҳ инон, хоҳ иноним

байтини ифодали ўқиб, сўнг рукнларга ажратсак

— — v v — — v v — —v v — —

чизмаси ҳосил бўлади. Ҳар қайси рукн чизмаси асосида байт мисралари

мафъулу мафоийлу мафоийлу фаулун

тармоқ рукнларига мувофиқлигини белгилаймиз. Ҳар уч тармоқ рукн мафоийлундан ҳосил бўлган, шунга кўра ғазал ҳазаж баҳрида ёзилгани маълум бўлади.

В

Вазн — шеърий асарнинг ритм-оҳанг хусусиятларини уларнинг таркибидаги рукнлар сони ва турига кўра ифодаловчи ўлчов.

Аруз ўлчов тизими асосида яратилган шеърий асарларнинг вазн хусусиятлари байтларни ташкил қилувчи ритмик бўлаклар — рукнларнинг сони, ҳар қайси рукннинг аруз тизимига хос қандай ўлчов бирликлари — асллар ва уларнинг фуруъларига тенглиги, яъни қайси баҳр унинг қандай ўлчов тури асосида яратилганлиги билан белгиланади.

Аруз қоидаларига мувофиқ, вазн у ёки бу баҳр таркибидаги ўлчов саналади, ҳар қайси баҳр эса кўплаб вазнлардан ташкил топади. Арузшунослар уларни матбуъ, яъни ёқимли ва номатбуъ, яъни ёқимли бўлмаган, мустаъмал, яъни, шеъриятда қўлланувчи ҳамда мухтараъ, яъни ихтиро қилинган каби турларга ажратадилар. Масалан, «Мухтасар»да Заҳириддин Бобур аруз тизимидаги 21 баҳр ўз ичига жами 537 вазнни олиши, улардан 289 таси мустаъмал, 248 таси мухтараъ, 162 таси матбуъ, 104 таси мустаъмали матбуъ эканини таъкидлайди. Демак, унинг фикрига кўра, форсий ва туркий шеъриятларда жами 537 вазнда шеър битиш мумкин. Улардан 289 таси XV асргача ҳар икки шеъриятда қўлланиб келган, шу жумладан, 104 вазн ёқимли ўлчовлардир. 248 вазнни эса Бобур ихтироъ этган бўлиб, улардан ҳам бемалол фойдаланиш мумкин. Бобур 21 баҳр вазнларини шу тарзда кўрсатади. Улардан ўзбек шеъриятига махсуслари қуйидагилар:

Баҳр номи	Жами вазн	Шу жумладан		
		мустаъмал	мухтараъ	мустаъмали матбуъ
1. Мутақориб	42	20	22	8
2. Мутадорик	26	14	12	3
3. Ҳазаж	105	61	44	19
4. Ражаз	63	32	31	10
5. Рамал	59	31	28	12
6. Комил	22	9	13	4
7. Мунсариҳ	34	20	14	8
8. Музориъ	24	19	5	7
9. Мужтасс	20	11	9	6
10. Сариъ	17	1	6	1
11. Хафиф	22	9	13	3
Ж а м и	366	103	197	81

Туркий шеъриятларда қўлланиб келган аруз вазнлари шеър бирлиги бўлган байтлар таркибидаги ритмик бўлаклар — рукнлар сонига кўра тўрт рукнли, (мураббаъ) олти рукнли (мусаддас), 8 рукнли (мухаммас), шунингдек, мутаттаввал (кўп рукнли), яъни 12 рукнли (мустаҳзод), 16 рукнли, 20 рукнли, 36 рукнли ўлчовлардан ташкил топган. Улардан лирик шеъриятимизда 8 рукнли, лиро-эпик шеъриятда эса 6 рукнли вазнлар кенг қўлланган. 4 ва 12 рукнли вазнлардан нисбатан кам фойдаланилган. 16 рукнли вазнларда эса бармоқ билан санарли лирик шеърлар яратилган халос.

Профессор Фитрат ўзининг «Аруз ҳақида» деб аталган рисоласида ушбу тизимга хос вазнларни ҳижолар сонидан келиб чиққан ҳолда «саккизликлар»дан то «йигирмалик»ларга қадар бўлиб кўрсатган эди.

Арузшунослар баҳр ҳамда уларнинг вазнларини қандай аслларга асосланиши жиҳатидан «муттафиқул аркон» (бир хил рукнли) ва «мухталифул аркон» (ҳар хил рукнли) турларга ажратганлар. Бинобарин, бир хил аслларнинг такроридан тузиладиган мутақориб, мутадорик, ҳазаж, ражаз, рамал, комил ҳамда вофир баҳрлари вазнлари муттафиқул аркон (бир хил рукнли), икки хил аслнинг маълум тартибдаги такроридан ҳосил бўладиган музориъ, хафиф, мужтасс, муқтазаб, мунсариҳ, тавил, мадид, басит, қариб, мушокил, ғариб, сариъ, ариз, амиқ баҳрлари вазнлари мухталифул аркон (турли хил рукнли) вазнлар саналади.

ВАЗНЛАРНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ

У ёки шеърий асарнинг вазнини аниқлаш учун аввало тақтиъ ёки чизмалар асосида баҳр аниқланади, сўнг шеър байтларининг неча рукндан ташкил топгани белгиланади. Маълумки, байт тўрт рукндан ташкил топган бўлса **мураббаъ** (тўрт рукнли), олти рукндан иборат бўлса **мусаддас** (олти рукнли), саккиз рукндан тузилган бўлса, **мусамман** деб аталади. Рукнлар сони ундан кўп бўлса, уларнинг сони кўрсатилиб, «16 рукнли», «20 рукнли» деб аталаверади. Мустаҳзод шаклида битиладиган шеър эса 12 рукнли бўлиб, вазн охирида «мустаҳзод» сўзи қўшиб айтилади.

Шундан кейин шеър байтларида қўлланган рукнларнинг турлари, номлари аниқланади. Агар байтдаги барча рукнлар у ёки бу аслнинг ўзига тенг бўлса,

бундай вазн, яъни рукнлари фақат аслларга тенг, яъни ўзгаришга учрамаган деган маънода **солим** (соғлом) деб юритилади. Агар байтда тармоқ рукнлар ҳам қатнашган бўлса, улар номма-ном саналади. Баҳр номи, байтнинг неча рукнли эканлиги, рукнларнинг номлари шеър вазнини ифодалайди. Масалан, Бобурнинг

Хазон япроғи янглиг гул юзунг ҳажрида сарғардим,
Кўруб раҳм айлагил, эй лоларух, бу чеҳраи зардим

байтининг барча рукнлари мафоийлун аслига тенг, байтдаги рукнлар сони эса саккизта. Бинобарин, шеър ҳазаж баҳрининг саккиз рукнли ўлчовида ёзилган бўлиб, рукнлари аслнинг ўзигагина тенглиги учун шеър вазни ҳазажи мусаммани солим деб кўрсатилади. Огаҳийнинг

Эй жамолингдур жаҳон зебандаси,
Ою кун эрмас онинг монандаси

байтининг ўлчовини аниқласак, унда фоилотун ва фоилун рукнлари иштирок этганини кўрамиз. Фоилун тармоғи ҳам фоилотун аслидан ҳосил бўлган, демак шеър рамал баҳрида ёзилган. Байтдаги рукнлар сони 6 та, демак мусаддас. Ҳар қайси мисрадаги 1—2-рукнлар фоилотуннинг аслига, охирги рукнлар шу аслнинг маҳзуф тармоги-фоилунга тенг. Бинобарин, шеър вазни рамали мусаддаси маҳзуф деб аталади.

Увайсий қаламига мансуб

Эй гул, жигарим қони узорингга муносиб,
Юз порали кўнглум доғи хорингга муносиб.

байтининг ўлчовини аниқласак, унинг рукнлари

мафъулу мафоийлу мафоийлу фаулун

тарзида эканини кўрамиз. Ушбу тармоқ рукнларнинг ҳар бири мафоийлундан ҳосил бўлган, яъни байт шу асл такрорига асосланувчи ҳазаж баҳридадир. Байтдаги рукнлар сони саккизта, яъни мусамман. Мафъулу — мафоийлун аслининг ахраб тармоғи, мафоийлу — макфуф, фаулун эса маҳзуф тармоғи. Шунга кўра шеър вазнини ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф деб кўрсатамиз.

Юқоридаги ифода — байт (шеър) вазнининг қисқа ифодаси, чунки унда фақат қўлланган тармоқ рукн

номигина кўрсатилиб, унинг ўрни ҳам, солим рукн ҳам кўрсатилмаган. Шунинг учун бу хил ифода аруз илми билан мукаммал таниш бўлмаган кишига шеър вазни ҳақида аниқ тасаввур беролмайди. Байт (шеър) вазнининг тўлиқ ифодасини бериш учун эса ҳар қайси рукн, жумладан, асллар номини ва ўрнини аниқ кўрсатиш талаб қилинади, яъни садр, ибтидоъ, ҳашв, аруз ва зарб рукнлари ўлчови таъкидланади. Жумладан, юқоридаги мисолда байтдаги садр ва ибтидоъ рукнлари ўрнида **мафоийлуннинг ахраб** тармоғи — **мафъулу,** ҳашвлар ўрнида шу аслнинг мақфуф тармоғи мафоийлу, **аруз** ва **зарб** рукнлари ўрнида эса **мафоийлу**ннинг **маҳзуф** тармоги **фаулун** қўлланган. Шунга кўра байт вазнини **ҳазажи мусаммани садр ва ибтидоъ — ахраб, ҳашвлар — макфуф, аруз ва зарб — маҳзуф** деб кўрсатилади. Ана энди байтдаги ҳамма рукнлар ўрнида қайси тармоқ рукнлар қўлланган аниқ бўлди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, шеърлар вазнини кўрсатишда асосан унинг қисқа ифодаси қўлланади. Лекин аруз илмидан хабардор киши байтга назар ташлаб вазннинг тўлиқ ифодасини аниқлай олади.

Васл — (арабча «уланиш») аруз тизими асосида яратилган шеърий асарларни ифодали ўқиш жараёнида вазн талаби билан айрим ёпиқ ҳижолар охиридаги ундошни ундан кейин турган ҳамда унли билан бошланган ҳижога қўшиб талаффуз этиш ҳодисаси. Ана шу қоидага амал қилинмаса, ҳижолар тартиби бузилиб, оҳангга жиддий путур етади. Жумладан, Муқимийнинг

Навбаҳор, очилди гуллар сабза бўлди боғлар,
Суҳбат айлайлик, келинглар, жўралар, ўртоғлар

байтини вазнга мувофиқ ўқиш учун «суҳбат» сўзининг «бат» ҳижоси охиридаги «т» ундошини ундан кейин турган сўздаги «ай» ҳижосига улаб «тай» тарзида талаффуз этиш керак бўлади. Алишер Навоий қаламига мансуб

Бу гулшан ичраки йўқтур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур чиқса яхшилик била от.

байтидаги «шан» ва «дат» ҳижолари охиридаги «н» ва «т» ундошлари улардан кейин турган ҳижоларга қўшилган ҳолда «нич», «те» тарзида ўқилиши шарт. Акс

ҳолда қисқа ҳижо ўрнида турган «шан» ва «дат» ҳижолари чўзиқ ҳижо ҳосил қилиб, вазннинг бузилишига сабаб бўлади.

Шеъриятимизда бу ҳодиса жуда кўп учрайди (қаранг: «Аруз вазнидаги шеърларни ифодали ўқиш»).

Васли «ҳо». Аруз тизимида яратилган шеърий мисралардаги айрим ёпиқ ҳижоларнинг охирги ундошини вазн тақозоси билан ўзидан кейин турган ва «ҳ» ундоши билан бошланувчи ҳижога қўшиб ўқиш ҳодисаси. Бу жараёнда, одатда «ҳ» ундоши тушиб қолади. Ушбу ҳодиса кам бўлса-да, ўзбек адабиётида, хусусан, халқ оғзаки ижоди таъсирида ижод қилган ва «туркона» деб аталувчи содда услубга риоя қилувчи шоирларнинг асарларида учрайди. Жумладан, Муқимийнинг «Танобчилар» асаридаги

Бўлди таажжуб қизиқ ҳангомалар,
Арз этайин эмди ёзиб номалар

байтидаги «қизиқ» сўзи охирида турган «қ» ундоши кейинги «ҳан» ҳижосига улаб талаффуз қилинади. Бу жараёнда «ҳ» ундоши тушиб қолиб, «қ» «ғ» га айланади ва «ған» (қизи — ғангомалар тарзида) ўқилади.

Машраб қаламига мансуб

Кўзума кўринур мани дилбарим ҳар қаёнада,
Ишқини ёр айладим ўзума бу замонада

байтининг биринчи мисрасидаги «дилбарим» сўзининг охирги «м» ундоши ўзидан кейинги «ҳар» ҳижосига қўшиб ўқилганда «ҳ» ундоши тушиб қолиб мазкур ҳижо «мар» тарзида талаффуз қилинади.

Ватад. Арабча «қозиқча» маъносини ифодаловчи аруз атамаси бўлиб, икки мутаҳаррик ва бир ёки икки сокин ҳарфдан (бир чўзиқ ёки ўта чўзиқ ва бир қисқа ҳижодан) ташкил топган бўлак демакдир. Ҳижоларнинг ўрнига кўра ватадлар мажмуъ (бириккан), мафруқ (ажралган) ва касрат (кенг) турларига бўлинади.

Аксар ҳолларда ватадлар сабаб ёки фосилалар билан бирикиб асл ва зиҳофли рукнларни ҳосил қиладилар.

Ватади касрат («кенг, мўл ватад») аруз атамаларидан бўлиб, туркий адабиётшуносликда дастлаб Бобурнинг «Мухтасар» асарида учрайди. «...ватади касрат мураккабдур тўрт ҳарфдин, икки аввалғи мутаҳаррик, икки сўнгги сокин, нечукким: **нишон** ва **ниҳон, кўтарт**

ва **йибарт»**, — деб таъкидлайди муаллиф. Айтилганларни соддароқ баён қилсак: ватади касрат бир қисқа ҳижо ва ундан кейин келган ўта чўзиқ ҳижонинг бирикувидан ташкил топган ритмик бўлакдир. У мустақил ҳолда фаул (v ~) тармоқ рукнини, сабаблардан кейин келиб эса фоилон (— v ~) ҳамда мустафъилон (— — v ~) тармоқ рукнларини ҳосил қилади.

Ватади мажмуъ (бириккан ватад) икки мутаҳаррик ва бир сокин ҳарфнинг ёки қисқа ҳижодан сўнг келган чўзиқ ҳижонинг бирикувидан ташкил топган ритмик бўлакдир. Олдинги мутаҳаррик ҳарф ёки қисқа ҳижо сокин ҳарф ёки чўзиқ ҳижога қўшилиб ўқилгани туфайли бириккан ватад деб аталади. Уни шеър чизмасида v — тарзида ифодалаш мумкин.

Бириккан ватадлар мустақил ҳолда чизмаси у — тарзида бўлган ажабб тармоқ рукнини, сабаблар билан қўшилиб фаулун (v — —), фоилун (— v —), мафоийлун (v — — —), фоилотун (— v — —), мустафъилун (— — v —) аслларини, кичик фосила (фосилаи суғро) билан бирикиб эса мафоилатун (v — v v —) ҳамда мутафоилун (v v — v —) аслларини ҳосил қилади. Унинг иштирокида кўплаб тармоқ рукнлар ҳам юзага келади.

Ватади мафруқ (ажралган ватад) икки мутаҳаррик ва улар ўртасида келган бир сокин ҳарфдан ёки чўзиқ ҳижо ва ундан кейин келган қисқа ҳижодан ташкил топган ватад бўлиб, чизмада — v тарзида ифодаланади. Унинг ажралган деб аталишига сабаб шуки, қисқа ҳижо (кейинги мутаҳаррик ҳарф) чўзиқ ҳижо билан қўшилиб айтилмай, ўзидан кейинги ҳижо билан уланиб кетаверади. Шу туфайли ҳам у, бириккан ватадга қараганда кам қўлланади. Бу хил ватад мустақил ҳолда чизмаси — v шаклида бўлган фаълу (асрам) тармоқ рукнини, сабаблар билан қўшилган ҳолда эса мафъулу (— — v) ҳамда мафъулоту (— — — v) рукнларини ҳосил қилади.

Вофир баҳри («вофир» арабча сўз бўлиб, «мўл» маъносини ифодалайди) арузнинг асосий ўлчовларидан бўлиб, «мафоилатун» аслининг такрорига асосланади. Жумладан, унинг саккиз рукнли солим кўриниши рукнлари ва чизмаси ҳар мисрада

Мафоилатун	мафоилатун	мафоилатун	мафоилатун
v — v v —	v — v v —	v — v v —	v — v v —

тарзидадир.

Вофир баҳри араб шеърияти учун махсус бўлиб, форс-тожик ва туркий шеъриятларда ундан фойдаланилмаган. Алишер Навоий ўзининг «Меъзонул авзон» асарида ушбу баҳр ҳақида ёзар экан, вофири мусаммани солим вазнига

Фироқ ўтидин куяр баданим, тафидин
эриб оқар жигарим,
Ғамим будурурки, боғланибон юзунг
сари тушмагай назарим.

байтини, вофири мусаддаси солим вазнига эса

Не фурқат эрур сенингсизин ўртанур юраким,
Не бўлғай: агар менга гузар айласанг мираким

байтини мисол қилиб келтирган эди.

Бобур ўзининг «Мухтасар»ида вофир баҳрининг жами 21 вазнига туркий тилдаги ўз шеърларини мисол қилиб келтирган.

Д

Доира — қаранг: «Аруз доиралари».

Доираи «мужталиба» Бобурнинг «Мухтасар» асарида келтирилган ҳамда ҳазаж, ражаз, рамал баҳрларини ўз ичига олувчи аруз доирасининг номи бўлиб «мужталиба» сўзи «жозибали» маъносини ифодалайди. Мазкур уч баҳр учун «Қилма, эй маҳваш, жафо, сендиндурур нохуш жафо кўб» мисрасини келтирилган. Уни шу ҳолатда ўқилса, «фоилотун фоилотун фоилотун фоилотун» рукнларига мос келувчи рамали мусаммани солим вазни, «Кўб қилма, эй маҳваш, жафо, сендиндурур нохуш жафо» тарзида ўқилса, «мустафъилун мустафъилун мустафъилун мустафъилун» рукнларига мос бўлган ражази мусаммани солим вазни, «Жафо кўб қилма эй маҳваш, жафо сендиндурур нохуш» тарзида ўқилса, «мафоийлун мафоийлун мафоийлун мафоийлун» рукнларига асосланувчи ҳазажи мусаммани солим вазни ҳосил бўлади.

Доираи «мужталибаи музоҳафа» Бобур ихтиро этган ва унинг «Мухтасар»идан ўрин олган аруз доираси номи бўлиб, ҳазаж, ражаз, рамал баҳрларининг зиҳофли вазнларини ўз ичига олади ҳамда шу жиҳати билан олимнинг мазкур рисолада келтирилган, юқоридаги уч баҳрнинг солим вазнларига асосланган «Доираи мужталиба»сидан фарқ қилади. «Мужталибаи

музоҳафа» доирасида берилган «Мени ким кўрадур ёр, мени ким сўрадур ёр» мисраси шу тарзда ўқилса ҳазажи мусаммани макфуф (рукнлари: мафоийлу мафоийлу мафоийлу мафоийлу), «Ким кўрадур ёр мени, ким сўрадур ёр мени» тарзида ўқилса, ражази мусаммани матвий (рукнлари: муфтаилун муфтаилун муфтаилун муфтаилун), «Кўрадур ёр мениким, сўрадур ёр мениким» тарзида ўқилса, рамали мусаммани махбун (рукнлари: фаилотун фаилотун фаилотун фаилотун) ҳосил бўлади.

Доираи «мужталибаи мухтариъа» Бобур ихтиро қилган ва унинг «Мухтасар» асарида келтирилган аруз доираси номи бўлиб, ҳазаж ва рамал баҳрларини ўз ичига олади. Ҳар икки баҳр учун келтирилган «Менингча ким қилур вафо, менингча ким чекар жафо» мисрасини шу тарзда ўқилса, доирадаги «мафоилун мафоилун мафоилун мафоилун» рукнларига мос бўлган ҳазажи мусаммани мақбуз вазни, «Ким қилур вафо менингча, ким чекар жафо менингча» тарзида ўқилса, «фоилоту фоилоту фоилоту фоилоту» рукнларига мувофиқ бўлган рамали мусаммани макфуф вазни келиб чиқади.

Аруз илмига доир бошқа асарларда бу хил доира учрамайди.

Доираи «мужтамиа». «Мезонул авзон»да келтирилган ҳамда музориъ, хафиф, мужтасс, мунсариҳ, муқтазаб, қариб, мушокил, жадид (ғариб) ва сариъ баҳрларини ўз ичига олувчи аруз доирасининг номи бўлиб, «жамланган, бирлашган» маъноларини ифодалайди. Навоий ушбу доира хусусида мазкур рисолада шундай деб ёзган эди:

«Агар мунсариҳ ва музориъ ва муҳтазаб ва мужтасс баҳриға зиҳофот йўл бериб, мусамман қилиб, бир доира қуюбтурлар ва сариъ ва жадид ва қариб ва хафиф ва мушокил баҳрига даҳи зиҳофот дохил қилиб, яна бир доира қуюбтурлар. Аммо буларнинг солиминики, анга ҳеч зиҳоф кирмамиш бўлгай, ҳеч доираға тартиб била забт қилмайдурлар. Бу мазкур бўлгон тўққуз асл баҳрнинг солиминики, зиҳофот духулидин саломат қолмиш бўлгайлар, бир доираи азимада жамъ қилиб, ҳар биринг ўрниға алоҳида мисол келтуруб, тўққузтасини яна бир мисрадан ҳам истихрож қилиб ул «Доираи мужтамиа» дейилди ва бу доира расми замон зурафосидин баъзисининг хаёлига келиб эрди, аммо фақир анга тартиб бердим...»

Доира ичида шоир ушбу тўққиз баҳрнинг мусаддаси солим вазнларига биттадан, жами тўққиз мисра шеър, айни вақтда барча баҳрлар учун «Ваҳ-ваҳ йигит, бир-бир янгиб келгил бизга» мисрасини келтиради. Бу хил доира ушбу тўққиз баҳрнинг рукнлар таркиби, оҳанг хусусиятлари, ўзаро алоқадорлиги ва бирбиридан фарқини осон тушуниб олишга ёрдам беради.

Доираи «мунтазиъа» Навоийнинг «Мезонул авзон»ида келтирилган ва хафиф, қариб, гариб, сариъ, мушокил баҳрларини ўз ичига олувчи доира номи бўлиб, «тартибли» деган маънони ифодалайди. Бобурнинг «Мухтасар» асарида ҳам ушбу доира шу тарзда номланган.

Алишер Навоий мазкур беш баҳр учун «Манга кўп қилма, ёр, сен бу жафони» мисрасини келтиради. Уни шу тарзда ўқилса, рукнлари «Фаилотун мафоилун фаилун» кўринишида бўлган хафифи мусаддаси махбун вазни, «Сен бу жафони манга кўп қилма ёр» тарзида ўқилса, рукнлари муфтаилун муфтаилун фоилон кўринишида бўлган сариъи мусаддаси матвийи мавқуф вазни келиб чиқади.

Бобур ўз «Мухтасар»идаги «Доираи мунтазиъа»да ушбу баҳрлар учун «Санамо бизга бот сен де ҳикоят» мисрасини келтиради.

Доираи «муттафиқа» арузнинг мутақориб ва мутадорик баҳрларини ўз ичига олган ўлчов доираси номи бўлиб, «Бирлашган, дўстлашган» маъноларини ифодалайди. Алишер Навоий «Мезонул авзон»да ушбу доирага «Келиб дардима чора қилсанг не бўлғай» мисрасини келтиради. Уни шу тарзда ўқилса, рукнлари «фаулун фаулун фаулун фаулун» кўринишида бўлган мутақориби мусаммани солим вазни, «Дардима чора қилсанг не бўлғай келиб» тарзида ўқилса, рукнлари «фоилун фоилун фоилун фоилун» кўринишида бўлган мутадорики мусаммани солим вазни ҳосил бўлади.

Бобур ҳам ўз «Мухтасар»ида ушбу доирани «муттафиқа» деб атаб мисол тарзида «Юзи рашки хуршиди анвар бўлуптур» мисрасини келтиради.

Доираи «мухталита» арузнинг комил ҳамда вофир баҳрларини ўз ичига олувчи доира номи бўлиб, «қоришиқ, аралаш» маъносини ифодалайди.

Алишер Навоий ушбу доира баҳрлари учун «Боқишинг бало, боришинг алам, туришинг жафо, қили-

нинг ситам» мисрасини келтиради. Уни шу тарзда ўқилса, рукнлари «мутафоилун мутафоилун мутафоилун мутафоилун» тарзида бўлган «комили мусаммани солим» вазни, «Бало боришинг, алам туришинг, жафо қилишинг, ситам боқишинг» тарзида ўқилса, рукнлари «мафоилатун мафоилатун мафоилатун мафоилатун» кўринишидаги вофири мусаммани солим вазни ҳосил бўлади.

Доираи «мухталифа» (I) «Мезонул авзон»да келтирилган ва мунсариҳ, музориъ, муқтазаб ҳамда мужтасс баҳрларини ўз ичига олувчи аруз доираси номи бўлиб, «ҳар хил, ихтилофли» деган маъноларни ифодалайди. Навоий мазкур баҳрларнинг етакчи ритм-оҳанг хусусиятларини акс эттириш учун «Ишқ этар тан фигор, шавқ қилур жон заиф» мисрасини келтиради. Уни шу тарзда ўқилса, рукнлари, «Муфтаилун фоилон муфтаилун фоилон» кўринишида бўлган мунсариҳи мусаммани матвийи мавқуф» вазни, «Этар тан фигор, шавқ қилур жон заиф ишқ» тарзида ўқилса, рукнлари «Мафоийлу фоилоту мафоийлу фоилон» тарзида бўлган «Музориъи мусаммани мақфуфи мақсур» вазни, «Тан фигор шавқ қилур жон заиф ишқ этар» тарзида ўқилса, рукнлари «Фоилоту муфтаилун фоилоту муфтаилун» кўринишидаги муқтазаби мусаммани матвий вазни, ниҳоят, «Фигор шавқ қилур жон заиф ишқ этар тан» тарзида ўқилса, рукнлари «мафоилун фаилотун мафоилун фаилотун» кўринишидаги мужтасси мусаммани махбун вазни келиб чиқади.

Доираи «мухталифа» (II) Бобурнинг «Мухтасар» асаридан ўрин олган ҳамда тавил, мадид, басит, амиқ ва ариз баҳрларини ўз ичига олувчи аруз доираси номи бўлиб, «мухталифа» сўзи «ҳар хил, қарама-қарши» маъноларини ифодалайи. Бу хил доира ўзбек арузшунослигида янги ҳодиса бўлиб, Навоий «Мезонул авзон»ида учрамайди. Бобур ҳар беш баҳр учун мисол тариқасида «Кел, манга қил назар сен, кел манга қил гузар сен» мисрасини келтиради. Уни шу тарзда ўқилса, рукнлари «Фоилун фоилотун фоилун фоилотун» тарзида бўлган амиқи мусаммани солим вазни, «Манга қил гузар сен кел, манга қил назар сен, кел» тарзида ўқилса, рукнлари «Фаулун мафоийлун фаулун мафоийлун» тарзида бўлган тавили мусаммани солим вазни, «Қил гузар сен, кел манга, қил назар сен, кел манга» тарзида ўқилса, рукнлари «Фоилотун фоилун фоилотун фоилун» тарзида бўлган

мадиди мусаммани солим вазни, «Гузар сен кел, манга қил, назар сен кел, манга қил» тарзида ўқилса, рукнлари «Мафоийлун фаулун мафоийлун фаулун» тарзида бўлган аризи мусаммани солим вазни, ниҳоят, «Сен кел, манга қил назар, сен кел, манга қил гузар» тарзида ўқилса, рукнлари «Мустафъилун фоилун мустафъилун фоилун» тарзида бўлган басити мусаммани солим вазни юзага келади. Маълумки, ушбу бешала баҳр ҳам ўзбек шеъриятида қўлланмаган.

Доираи «муштабиҳа» (I) Алишер Навоийнинг «Мезонул авзон» асаридан ўрин олган ва тавил, мадид, басит баҳрларини бирлаштирувчи аруз доирасининг номи бўлиб, «муштабиҳа» сўзи «ўхшаш» деган маънони ифодалайди. Ҳар уч баҳр учун келтирилган «Манга бир нафас сенсиз қарору таҳаммул йўқ» мисраси шу тарзда ўқилганда рукнлари «Фаулун мафоийлун фаулун мафоийлун» кўринишида бўлган тавили мусаммани солим вазни, «Бир нафас сенсиз қарору таҳаммул йўқ манга» тарзида ўқилса, рукнлари «Фоилотун фоилун фоилотун фоилун» кўринишидаги мадиди мусаммани солим вазни, «Сенсиз қарору таҳаммул йўқ манга бир нафас» тарзида ўқилса, рукнлари «Мустафъилун фоилун мустафъилун фоилун» кўринишидаги басити мусаммани солим вазни ҳосил бўлади.

Ушбу доира Бобур «Мухтасар»ида келтирилмаган, мазкур асарда бу уч баҳр ариз ва амиқ баҳрлари билан биргаликда «Доираи мухталифа»ни ташкил этади.

Доираи «муштабиҳа» (II) Бобурнинг «Мухтасар» асаридан ўрин олган ҳамда мунсариҳ, музориъ, муқтазаб, мужтасс баҳрларини бирлаштирувчи аруз доирасининг номи бўлиб, «муштабиҳа» сўзи «ўхшаш» деган маънони ифодалайди.

Тўртала баҳр учун келтирилган «Ҳусн санга бор зариф, табъ санга бор латиф» мисрасини шу тарзда ўқилса, рукнлари «муфтаилун фоилон муфтаилун фоилон» кўринишидаги мунсариҳи мусаммани матвийи мавқуф вазни, «Санга бор зариф табъ санга бор латиф ҳусн» тарзида ўқилса, рукнлари «мафоийлу фоилоту мафоийлу фоилоту» кўринишидаги музориъи мусаммани макфуф вазни, «Бор зариф табъ санга, бор латиф ҳусн санга» тарзида ўқилса, рукнлари «Фоилоту муфтаилун фоилоту муфтаилун» кўринишида бўлган муқтазаби мусаммани матвий» вазни, ниҳоят уни «Зариф табъ санга бор, латиф ҳусн санга бор» тарзида

ўқилса рукнлари «Мафоилун фаилотун мафоилун фаилотун» кўринишидаги мужтасси мусаммани махбун вазни юзага келади.

Доираи «муштабиҳаи солим» Бобурнинг «Мухтасар» асарида келтирилган аруз доираси бўлиб, худди Навоийнинг «Доираи мужтамиа»си каби, музориъ, хафиф, мужтасс, мунсариҳ, муқтазаб, қариб, мушокил, жадид (ғариб) ва сариъдан иборат тўққиз баҳрнинг хусусиятларини уларнинг солим вазнлари воситасида намойиш қилиш мақсадини кўзлайди. Доирада келтирилган «Бизга кел, кел, йигит, бот бир оёқ сен тут» мисрасини ушбу тўққиз сўзнинг ҳар биридан бошлаб ўқилганда, барча тўққиз баҳрнинг олти рукнли (мусаддас) солим вазнига мисол бўлади.

Бобурнинг таъкидлашича, бу доира Хўжа Носириддин Тусийнинг «Меъёрул ашъор» китобида ҳам келтирилган экан. Муаллиф «Мир Алишер Навоий бу тўққуз баҳрнинг доирасин ўзига иснод қилибтур, ғолибан «Меъёрул ашъор»ни мутолаа қилмагандур», — деб ҳам ёзади. Навоийнинг «Мезонул авзон»идаги «Доираи мужтамиа» билан танишган китобхон унинг Бобур ва Носириддин Тусийлар доирасидан фарқли жиҳатини кўра олиши қийин эмас. Гап шундаки, Навоий ҳамма баҳрлар учун бир мисра шеърдан ташқари, ҳар қайси баҳр учун алоҳида мисралар ҳам келтиради. Худди шу жиҳатдан Навоий ўз доирасининг янгилигини таъкидлаган эди. Бинобарин, Бобурнинг танқидий фикри унча асосли эмас, деб биламиз.

Доираи «Муъталифа» (I) «Меъзонул авзон»дан ўрин олган ҳамда ҳазаж, ражаз ва рамал баҳрларини ўз ичига олувчи аруз доирасининг номи бўлиб, «қўшилган, уйғунлашган» деган маъноларни ифодалайди. Шоир бу уч баҳр учун «Кўнгул қон, бил висолингда ғами ҳижрон хаёлидин» мисрасини келтиради. Уни шу ҳолда ўқилса, рукнлари «Мафоийлун мафоийлун мафоийлун мафоийлун» тарзида бўлган ҳазажи мусаммани солим вазни, «Қон бил висолингда ғами ҳижрон хаёлидин кўнгул» кўринишида ўқилса, рукнлари «Мустафъилун мустафъилун мустафъилун мустафъилун» тарзида бўлган ражази мусаммани солим вазни «Бил, висолингда ғами ҳижрон хаёлидин кўнгул қон» тарзида ўқилса, рукнлари «Фоилотун фоилотун фоилотун фоилотун» тарзида бўлган рамали мусаммани солим вазни ҳосил бўлади.

Ж

Жабб зиҳофлардан бирининг номи бўлиб, «бичиш, ахта қилиш» деган маънони ифодалайди. Бу хил ўзгаришга «мафоийлун» асли дуч келиб, унинг кейинги икки сабаби — чўзиқ ҳижоси туширилади, қолган «мафо» қисми ўлчов жиҳатидан ўзига тенг «фаал» тармоқ рукни билан алмаштирилиб, «ахта қилинган» деган маънода ажабб (ёки мажбуб) деб юритилади. Ушбу тармоқ рукни асосан ҳазаж баҳрининг рубоий вазнларидан олтитасида охирги рукнлар — аруз ёки зарб ўрнида қўлланади. (Қаранг: «Рубоий вазнлари», «Ахраб шажараси», «Ахрам шажараси»).

З

Залал зиҳоф номи бўлиб, «соннинг гўштсиз бўлиб қолиши» деган маънони ифодалайди. Бу хил ўзгаришга дуч келган **мафоийлун** аслининг биринчи, учинчи, тўртинчи ҳижолари туширилиб, иккинчи ҳижоси ўта чўзиқ ҳижога айлантирилади, ҳосил бўлган **фоъ** тармоқ рукни «сони гўштсиз» маъносида **азалл** деб юритилади. Ушбу тармоқ рукн ҳазаж баҳрига мансуб рубоий вазнларининг олтитасида аруз ва зарб ўрнида қўлланади.

Зарб аруз илмига кўра шеър байтининг иккинчи мисрасидаги охирги рукн ўрни номи. Бу ўринда хилма-хил таркибдаги бир ҳижоликдан беш ҳижоликкача бўлган солим ва зиҳофли, тармоқ рукнлар кела олади.

Зиҳофлар (ўзгаришлар). Аруз тизимининг асоси бўлмиш саккиз асл (фаулун, фоилун, мафоийлун, фоилотун, мустафъилун, мафъулоту, мутафоилун ва мафоилатун) шеър мисраларидаги хилма-хил бўлак (рукн)ларини ўлчаш учун кифоя қилмайди. Шу туфайли, ўша аслларни турлича ўзгартириб, уларнинг бир қатор тармоқ (фуруъ)ларини ҳосил қилинган. Бу хил ўзгаришлар аруз илмида зиҳофлар деб аталади.

Зиҳофлар асосан тўрт хил кўринишга эга:

1 Асллар сон жиҳатидан ўзгартирилиб, таркибидаги бир ёки бир неча ҳижо туширилади.

2. Асллар сифат жиҳатидан ўзгартирилиб, таркибидаги чўзиқ ҳижолар қисқа ёки ўта чўзиқ ҳижога, баъзан қисқа ҳижо чўзиқ ҳижога айлантирилади.

3. Асллар бир вақтнинг ўзида ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан ўзгартирилиб бир ёки бир неча ҳижоси туширилади, айни вақтда чўзиқ ҳижо қисқа ёки ўта чўзиқ ҳижога, қисқа ҳижо чўзиқ ҳижога айлантирилади.

4. Аслларнинг юқоридаги икки хил зиҳофга дуч келишидан сўнг ҳосил бўлган тармоқ рукн яна бир бор сифат жиҳатидан ўзгартирилади.

1. Аслларнинг сон жиҳатидан ўзгартирилиши

Шеъриятимизда фақат мафоийлун, фоилотун ва фаулун аслларининг сон жиҳатидан ўзгариши кузатилган бўлиб, улар қуйидагилардир:

№ №	Зиҳоф номи	Қайси ҳижо тушириладн	Қайси асл ўзгартирилади	Ҳосил бўлган тармоқ рукн	Унинг чизмаси	Аталиши
1.	Харм	I қисқа ҳижо	мафоийлун	мафъулун	— — —	ахрам
2.	Ташъис	II қисқа ҳижо	фоилотун	мафъулун	— — —	мушаъас
3.	Салм	— « —	фаулун	фаълун	— —	аслам
4.	Ҳазф	охирги чўзиқ ҳижо	мафоийлун	фаулун	v — —	маҳзуф
			фоилотун	фоилун	— v —	— « —
			фаулун	фаал	v —	— « —
5.	Жабб	кейинги икки чўзиқ ҳижо	мафоийлун	фаал	v —	ажабб
6.	Батр	олдинги уч ҳижо	мафоийлун	фаъ	—	абтар

II. Аслларнинг сифат жиҳатидан ўзгартирилиши

Шеъриятимизда беш хил аслнинг сифат жиҳатидан ўзгартирилиши кузатилади. Қуйидаги зиҳофларда асллар таркибидаги чўзиқ ҳижолар қисқа ҳижога айлантирилади:

№ №	Зиҳоф номи	Қайси ҳижо қисқа ҳижога айлантирилади	Қайси асл ўзгартирилади	Ҳосил бўлган тармоқ рукн	Унинг чизмаси	Аталиши
1.	Хабн	биринчи	фоилотун	фаилотун	v v — —	махбун
			мустафъилун	мафоилун	v — v —	— « —
			фоилун	фаилун	v v —	— « —
2.	Тайи	иккинчи	мустафъилун	муфтаилун	— v v —	матвий
3.	Қабз	учинчи	мафоийлун	мафоилун	v — v —	мақбуз
			фаулун	фаулу	v — v	— « —
4.	Кафф	тўртинчи	мафоийлун	мафоилу	v — — v	макфуф
			фоилотун	фоилоту	—v — v	— « —
5.	Шакл	биринчи тўртинчи	фоилотун	фаилоту	v v — v	машкул

Шеъриятимизда қўлланган қуйидаги зиҳофларда эса чўзиқ ҳижолар ўта чўзиқ ҳижоларга айлантирилади:

№ №	Зиҳоф номи	Қайси ҳижо ўта чўзиқ ҳижога айлантирилади	Қайси асл ўзгартирилади	Ҳосил бўлган тармоқ рукн	Унинг чизмаси	Аталиши
1.	Тасбиғ	охирги	мафоийлун фоилотун фаулун	мафоийлон фоилийён фаулон	v — — ~ — v — ~ v — ~	мусаббағ — « — — « —
2.	Изола	охирги	мустафъ-илун	мустафъ-илон	— — v ~	музол

III. Аслларнинг ҳам сон, ҳам сифатидан ўзгартирилиши

Шеъриятимизда фаулун, мафоийлун, фоилотун ва мафъулоту аслларининг ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан айни бир вақтда ўзгартирилиши кузатилган. Қуйидаги зиҳофларда асллар таркибидаги бирон қисқа ҳижо туширилиб, чўзиқ ҳижо қисқа ҳижога айлантирилади:

№ №	Зиҳоф номи	Ўзгариш мазмуни		Қайси асл ўзгартирилади	Ҳосил бўлган тармоқ рукн	Унинг чизмаси	Аталиши
		Қайси қисқа ҳижо туширилади	Қайси чўзиқ ҳижо қисқа ҳижога айлантирилади				
1.	Шатр	биринчи	учинчи	мафоийлун	фоилун	— v—	аштар
2.	Сарам	— « —	— « —	фаулун	фаълу	v —	асрам
3.	Харб	— « —	тўртинчи	мафоийлун	мафъулу	— —v	ахраб
4.	Хабн ҳазф	тўртинчи	биринчи	фоилотун	фаилун	v v—	махбуни махзуф
5.	Тайй, кашф	тўртинчи	иккинчи	мафъулоту	фоилун	— v—	матвийи мақшуф

Қуйидаги зиҳофларда асллар таркибидаги бир неча ҳижо туширилиб, қолган ҳижолардан охиргиси ўта чўзиқ ҳижога айлантирилади:

№ №	Зиҳоф номи	Қайси ҳижолар туширилади	Қайси чўзиқ ҳижо ўта чўзиқ ҳижога айлантирилади	Қайси асл ўзгартирилади	Ҳосил бўлган тармоқ рукн	Унинг чизмаси	Аталиши
1.	Қаср	охирги чўзиқ ҳижо	III/II/чўзиқ ҳижо	мафоийлун	мафоийл	v — ~	мақсур
				фоилотун	фоилон	—v ~	— « —
				фаулун	*фаул*	v ~	— « —
2.	Хатм	кейинги икки чўзиқ ҳижо	II чўзиқ ҳижо	мафоийлун	фаул	v ~	ахтам
3.	Залал	олдинги уч ҳижо	охирги ҳижо	мафоийлун	фоъ	~	азалл
4.	Тайй, Вақф	охирги қисқа ҳижо	III чўзиқ ҳижо	мафъулоту	фоилон	— v ~	матвийи мавқуф

Ушбу гуруҳга мансуб **қатъ** зиҳофида эса охирги икки ҳижо туширилиб, иккинчи қисқа ҳижо чўзиқ ҳижога айлантирилади. Бу хил ўзгаришга учраган *фоилотун* аслидан ҳосил бўлган **фаълун** тармоқ рукни **мақтуъ** деб юритилади.

IV. Тармоқ рукнларнинг ўзгартирилиши

Шеъриятимизда фоилотун ва мустафъилун асларининг зиҳофларга дуч келиши натижасидан ҳосил бўлган уч тармоғининг яна қайта ўзгартирилиши, яъни яна бир чўзиқ ҳижонинг қисқа ёки ўта чўзиқ ҳижога айлантирилиши кузатилади. Булар қуйидагилар:

№ №	Зиҳоф номи	Ўзгариш мазмуни	Қайси тармоқ рукн ўзгартирилади	Ҳосил бўлган рукн	Унинг чизмаси	Аталиши
1.	Хабн	Биринчи чўзиқ ҳижо қисқа ҳижога айлантирилади	фоилон	фаилон	vv ~	махбуни мақсур
2.	— « —	— « —	мустафъилон	мафоилон	v — v ~	махбуни музол
3.	Тасбиғ	охирги ҳижо ўта чўзиқ ҳижога айлантирилади	фаълун	фаълон	— ~	мақтуъи мусаббағ

И

Имола аруз атамаларидан бўлиб, вазн тақозоси билан таркибида чўзиқ унли бўлган айрим ёпиқ ҳижоларни, унлини чўзиб талаффуз қилиш ҳисобига, ўта чўзиқ ҳижо қилиб ўқишни ифодалайди. Масалан, Бобурнинг

Ёз фасли, ёр васли, дўстларнинг суҳбати,
Шеър баҳси, ишқ дарди, боданинг кайфияти

байтидаги ёз, ёр, дўст, шеър, ишқ сўзлари таркибидаги о, ў, э, и унлиларини анча чўзиқ талаффуз қилинади. Булар тақтиъ чоғида, шунингдек, шеър чизмасида икки ҳижо, яъни бир чўзиқ ва бир қисқа ҳижо ҳисобига ўтади.

Истиҳлоф аруз атамаларидан бўлиб, жонли тилда қисқа талаффуз қилинувчи баъзи унлиларни шеърни ўқиш чоғида чўзиқ унли сифатида талаффуз қилишни ифодалайди. Масалан, Навоийнинг

Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрў келмади,
Кўзларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади.

байтида «кеча» сўзидаги «э» унлисининг чўзиқ унли тарзида ўқилиши истиҳлофга мисол бўла олади. Чунки кундалик ҳаётда «кеча» сўзидаги «э» унлисини қисқа талаффуз қилингани ҳолда, юқоридаги байтда вазн талаби билан ушбу унли чўзиқ ўқилмоқда. Бобурнинг

Қаро зулфунг фироқида паришон рўзгорим бор,
Юзунгнинг иштиёқида не сабру не қарорим бор

байтидаги «фироқида», «иштиёқида» сўзларидаги кейинги «и» унлилари ҳаётий талаффузга зид ўлароқ чўзиқ унли тарзида ўқилади. Огаҳийнинг

Юзунг очким, қуёш садқанг бўлуб бошингдин
айлансун,
Янги ой юз тавозуъ кўргузуб қошингдин айлансун

байтидаги «бошингдин», «қошингдин» сўзлари таркибидаги «о» унлиси ҳам шу тарзда чўзиқ талаффуз қилинади.

Шеъриятда истиҳлоф ҳодисаси жуда кўп учрайди. Лекин бундай ҳолатларда унлининг чўзиқ талаффуз қилиниши қулоққа малол келадиган даражада бўлмаслиги керак. Чунончи, Саккокийнинг

Кўрмадим эй қиргуй қироқ, ғамзанг бикин кўзи қаро,
Қилча жонимни олгали не мунча тадбир айлади

байтидаги «кўрмадим» сўзи таркибидаги «а» унлисининг вазн талаби билан чўзиб талаффуз қилиниши ниҳоятда сунъийдир. Шу ғазалдаги

Зоҳид кўзунг, қошинг кўруб юзин аюрди қибладин,
Қутулмади бу фитнадин ул неча тазвир айлади.

байтида «қошинг» сўзидаги «о», «юзин» сўзидаги «ю (у)» унлиларининг чўзилиши ўқувчига унча эриш туюлмаса, «қутулмади» сўзидаги олдинги «у» унлисининг чўзиқ талаффуз қилиниши қулоққа ёқмайди. Гадоий қаламига мансуб:

Юрагим қон бўлдию ҳеч топмадим жон мақсади,
Сўз била охир мени ширин дудоқинг ўртади.

байтида «юрагим» сўзи таркибидаги **ю(у)** унлиси вазн талаби билан чўзиқ талаффуз қилинади. Лекин бу ҳолат ўқувчига манзур бўлмайди, чунки унлининг шу тарздаги чўзилиши сунъийликка олиб келади. Гадоийнинг

Чун кўнгулнунг ҳаллу иқди зулфунга вобастадур,
Ўз бошинг учун, бегим, қуйма ишини сарсари

байтидаги **учун** сўзининг олдинги унлисини вазнга мувофиқлаштириб чўзиқ талаффуз қилиниши ҳам ўқувчига эриш туюлади. Гадоий қаламига мансуб:

Хаста кўнглум ишини зинҳор ўз бошинг учун
Зулф янглиғ солмағил, дар пову тутма сарсари

байтида **ишини** сўзининг биринчи унлиси ҳам чўзиқ талаффуз қилинади.

Иқтидорли шоирлар бу хил истихлофларга йўл қўймаганлар. Бундай ҳолатлар арузнинг ўзбек шеъриятида қўлланиши эндигина ўзлаштирилаётган XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV асрнинг биринчи ярмида кўпроқ учрайди.

XIV асрнинг II ярми, XV асрнинг биринчи ярми шеъриятида қисқа «а» унлисини вазнга мувофиқлаштирилган ҳолда чўзиқ «о» унлисига айлантириб ўқиш ҳодисаси кўп учрайди. Масалан, Саккокийнинг

Минг жонни олгай эрди кўзинг юз бало била,
Бўлмоса ул шакар бикин эрнинг ҳимояти

...Висолинг шукрини билмодим, эй жон,
ложарам гардун
Эшикини тупроқин ҳоли кўзумга тутиё қилди

байтларида шу ҳолатни кузатамиз.

К

Кафф зиҳоф номларидан бири бўлиб, «қайтармоқ» деган маънони ифодалайди. Бу хил ўзгариш **мафоийлун** ва **фоилотун** асллари охиридаги сокин ҳарфни тушириб қолдириш, бошқача қилиб айтганда, охирги чўзиқ ҳижони қисқа ҳижога айлантиришни назарда тутади. Биринчи аслдан қолган **мафоийлу** (v — — v) ҳамда иккинчисидан ҳосил бўлган **фоилоту** (— v — v) тармоқ рукнлари «қайтарилган» деган маънода **макфуф** деб юритилади.

Кашф. Зиҳофлардан бирининг номи бўлиб «очиш» деган маънони ифодалайди. Бу хил ўзгаришда **«мафъулоту»** аслининг охирги қисқа ҳижоси тушириладн, қолган **мафъуло** қисми ўзига тенг **мафъулун** (чизмаси: — — —) тармоқ рукни билан алмаштирилиб, «очилган» маъносида **макшуф** деб юритилади.

Ушбу рукн шеъриятимизда қўлланмайди, лекин унинг «гайй» зиҳофи билан яна бир бор ўзгартирилган кўриниши — фоилун (чизмаси: — v —) **матвийи макшуф** номи билан мунсариҳ ва сариъ баҳрлари таркибида иштирок этади. (Қаранг: «Мунсариҳ», «Сариъ»)

Комил баҳри («комил» сўзи арабча бўлиб, «мукаммал» маъносини ифодалайди) шеъриятимизда жуда кам қўлланган, айрим йирик ижодкорларнинг асарларидагина қўлланган баҳр бўлиб, **мутафоилун** аслининг такрорига асосланади. Жумладан, унинг саккиз рукнли ўлчови бир мисрада

мутафоилун	мутафоилун	мутафоилун	мутафоилун
v v — v —	v v — v —	v v — v —	v v — v —

тарзида намоён бўлади.

Навоийнинг «Мезонул авзон» асарида комил баҳрининг комили мусаммани солим вазни рукнлари кўрсатилиб, мисол келтирилган. «Мухтасар»да эса ушбу баҳр 22 вазнни ўз ичига олиши таъкидланиб, барча вазнларга мисоллар келтирилган[1].

---

[1] *Бобур.* Мухтасар, 80—82, 167—168-бетлар.

Комил баҳри асосан араб арузига махсус бўлиб, туркий шеъриятда кам қўлланган. Ўзбек адабиётида ушбу ўлчовдаги илк (ягона) ғазални Алишер Навоий яратган. Ундан сўнг мазкур вазнни Огаҳий, Муқимий сингари ижодкорлар синаб кўрдилар. Кекса арузчи шоир Ҳабибий ҳам ўз ғазалларидан бирини ушбу ўлчов асосида яратган эди.

КОМИЛ БАҲРИ ВАЗНЛАРИ

Комили мусаммани солим — шеъриятимизда жуда кам қўлланган ўлчовлардан бўлиб, рукнлари ҳамда чизмаси бир мисрада

мутафоилун	мутафоилун	мутафоилун	мутафоилун
v v — v —	v v — v —	v v — v —	v v — v —

тарзидадир. Ушбу ўлчовни биринчи марта ўзбек шеъриятида Алишер Навоий қўллаб, ўзининг

Не хаёл эди янаким кўнгул қуши сайдини ҳавас айладинг,
Баданимға ҳар саридин ҳаданг отибон анга қафас айладинг

матлали ғазалини ёзган эди.

Навоий анъаналарининг давомчиси бўлган Шермуҳаммад Мунис ҳам ушбу вазнда

Санамо, ғамингда ёқиб фалакни фиғону нолау оҳимиз,
Дили сахтинга асар этмади нечук эрди бахти сиёҳимиз.

матлали ғазалини битди. XVII—XIX асрларда қатор ижодкорлар шу ўлчовда ғазаллар ёзиб кўрдилар. Кекса арузчи шоиримиз Ҳабибий ўз қаламини ушбу вазнда ҳам синаб, ғазал битган эди.

Ушбу вазнда битилган шеърлар «Шашмақом»нинг «Бузрук», «Рост», «Сегоҳ», «Ироқ» мақомларига мансуб «Талқинчаи рок», «Соқийномаи савти сарвиноз», «Талқинчаи савти сабо», «Соқийномаи мўғулчаи сегоҳ», «Сегоҳ» таронаси, «Чанбари Ироқ», «Бозургоний», шунингдек, «Баёти Шеърозий II», «Сувора» куйларига мос бўлиб тушади.

Мисоллар:

Не балоли чарх экан ушбу дун манга ҳажрдан
ватан айлади,
Ватан ичра бор на тириклиғим яна дардидин
кафан айлади.

(Увайсий)

Қаду оғзи ҳажрида дарду ғам етадур аламзада жонима,
Етур, эй сабо, бу хабарни ул қади сарву ғунча даҳонима.

(Огаҳий)

Хирадимни ғоратин айлаган юзи ой-у сочлари ҳоладур,
Бу чаман аро на санавбару на суман билан гули лоладур

(Муқимий)

Наҳуш ўргилай караминг била қарасанг кулиб
назар айласанг,
Юрагингдаги ғаразингни ҳам билайин надур,
хабар айласанг.

(Ҳабибий)

М

Мавқуф мафъулоту аслининг «вақф» (тўхтатиш) зиҳофи билан ўзгартирилиши оқибатида ҳосил бўлган мафъулон (чизмаси: — — ~) тармоқ рукнининг номи. Ушбу рукн ўзбек шеъриятида қўлланмаган, унинг **тайй** зиҳофи билан яна бир бор ўзгартирилиши натижасида юзага келган ва **матвийи мавқуф** деб аталган фоилон (— v ~) тармоқ рукнидан мунсариҳ ва сариъ баҳрлари таркибида анча кенг фойдаланилган.

Мадид. Аруз тизимига мансуб баҳрлардан бирининг номи бўлиб, «чўзиқ» деган маънони ифодалайди. Мадид баҳри **фоилотун** ҳамда **фоилун** аслларининг кетма-кет такрорланишига асосланади. Чунончи, мадиди мусаммани солим вазнининг рукнлари ва чизмаси бир мисрада

фоилотун	фоилун	фоилотун	фоилун
— v — —	— v —	— v — —	— v —

тарзидадир. Алишер Навоий «Мезонул авзон» асарида юқоридаги вазнга

Эй қадингдин сарвға минг хижолат ҳар нафас,
Сарв қаддингдин менинг кўнглума юз минг ҳавас

байтини мисол қилиб келтиради.

Бобур «Мухтасар» асарида мадид баҳри жами тўрт вазнни ўз ичига олиши, уларнинг барчаси мустаъмал бўлиб, иккитаси мустаъмали матбуъ эканини таъкидлаб, барча вазнларга Навоий шеърияти ва ўз асарларидан мисоллар келтиради.

Мадид баҳри араб шеъриятига махсус бўлиб, туркий адабиётларда қўлланмайди.

Мажзу. Аруз доираларида келтирилган саккиз рукнли (мусамман) солим вазннинг чорагига қисқартилиб, олти рукнли (мусаддас) солим ўлчовга айлантирилган ҳолатидир. «Ул байтким, ҳар мисраъидин бир рукн андоққим, асл доирададур, кам қилмиш бўлғайлар, нечукким, баҳрики асл доирада мусаммандур, мусаддас бўлғай, мажзу дерлар», — деб ёзган эди Бобур «Мухтасар»да. Шу асарда «Мусаддасоти мажзуви солимул аркон» вазнига

Зиҳи рухсоринг оллида қуёш тийра,
Қуёштин йўққи андин эл кўзи хийра
мафоийлун мафоийлун мафоийлун

байтини мисол қилиб келтиради.

Макфуф мафоийлун ҳамда фоилотун аслларининг **кафф** («қайтармоқ») зиҳофига дуч келиши оқибатида ҳосил бўлган **«мафоийлу»** (чизмаси: у — — v) ҳамда **«фоилоту»** (— v — v) тармоқ рукнларининг номи бўлиб, «қайтарилган» деган маънони ифодалайди.

Макшуф. Мафъулоту аслининг «кашф» («очиш») зиҳофига дуч келиши натижасида ҳосил бўлган мафъулун (чизмаси: — — —) тармоқ рукнининг номи бўлиб, «очилган» деган маънони ифодалайди.

Матбуъ. «Ёқимли» деган маънони ифодаловчи арабча сўз бўлиб, вазнларга нисбатан қўлланади: аруз тизимига мансуб вазнларнинг энг ёқимлилари шундай аталади. Чунончи, Бобур ўзининг «Мухтасар» асарида ҳар қайси баҳр вазнлари сони ва хусусиятлари ҳақида маълумот берар экан, уларни «мустаъмал» (яъни шеъриятда қўлланган), «мухтараъ» (яъни эндигина ихтироъ қилинган, ҳали шоирлар ижодида қўлланмаган), «мустаъмали матбуъ» (яъни амалда қўлланган ёқимли вазн маъносида) ва мухтараъи матбуъ (яъни қўлланмаган, лекин ёқимли) вазнларга ажратади. Жумладан, унинг фикрича, «Ҳазаж баҳри юз беш вазн бўлиб, 61 мустаъмал, 44 мухтараъ, 19 вазн мустаъмали матбуъ, музориъ баҳрининг тўрт вазни «мухтараъи матбуъ»дир.

Матвий. Мустафъилун аслининг «тайй» (йиғиш) зиҳофи билан ўзгартирилиши оқибатида ҳосил бўлган **«муфтаилун»** (чизмаси: — v v —) тармоқ рукнининг номи бўлиб, «йиғилган» деган маънони ифодалайди. (*Қаранг:* «Тайй», «Муфтаилун»).

Матвийи мавқуф. «Мафъулоту» аслининг «вақф» («тўхтатиш») ҳамда «тайй» (йиғиш) зиҳофларига дуч келиши натижасида ҳосил бўлган **«фоилон»** (чизмаси: — v ~) тармоқ рукнининг номи бўлиб, «тўхтатилган ва йиғилган» деган маънони ифодалайди.

Матвийи макшуф. «Мафъулоту» аслининг «кашф» («очиш») ҳамда «тайй» («йиғиш») зиҳофларига дуч келиши оқибатида ҳосил бўлган **«фоилун»** (чизмаси: — v —) тармоқ рукнининг номи бўлиб «очилган ва йиғилган» деган маънони ифодалайди.

Мафоийл мафоийлун аслининг «қаср» зиҳофига дуч келиши натижасида ҳосил бўлган тармоқ рукн бўлиб, вазн чизмасида v — ~ тарзида ифодаланади ва мақсур деб юритилади. Мафоийл ҳазаж баҳрига мансуб ҳазажи мусаддаси **мақсур** ҳамда ҳазаж мусаддаси ахраби мақфуфу мақсури мустаҳзод вазнлари таркибидаги охирги рукнлар (аруз ва зарб) ўрнида қўлланади. (Қаранг: «Ҳазаж баҳри вазнлари»).

Мафоийлон мафоийлун аслининг «тасбиғ» зиҳофига дуч келиши натижасида ҳосил бўлган тармоқ рукн бўлиб, вазн чизмасида **v** — — ~ тарзида ифодаланади ва мусаббағ деб аталади. Ушбу рукн ҳазажи баҳрига мансуб ҳазажи мусаммани мусаббағ вазни таркибидаги охирги рукнлар (аруз ва зарб) ўрнида қўлланади.

Мафоийлу мафоийлун аслининг «кафф» зиҳофига дуч келиши натижасида ҳосил бўлган тармоқ рукн бўлиб, вазн чизмасида **v** — — **v** тарзида ифодаланади ва «макфуф» деб юритилади. Ушбу рукн ҳазаж баҳрига мансуб 16 вазн, жумладан 10 рубоий вазни таркибида 2—3-рукнлар (ҳашвлар) ўрнида қўлланади.

Мафоийлун (I) арузнинг асоси бўлган саккиз асл (афоийлу тафойил)нинг бири бўлиб, вазндаги чизмаси v — — — тарзидадир. Ушбу аслнинг айнан такроридан ҳазаж баҳри, унинг бошқа асллар билан такрорланишидан музориъ, тавил, қариб, мушокил баҳрлари ҳосил қилинади. Улардан ҳазаж ва музориъ шеъриятимизда кенг қўлланилиб, бошқаларидан фойдаланилмаган (улар араб шеъриятига махсус саналади)

Мафоийлун (II) мафоийлун аслининг солим кўриниши бўлиб, вазн чизмасида **v** — — — тарзида ифода-

ланади ва **солим** деб юритилади. Мафоийлун ҳазаж баҳрига мансуб 20 вазн, жумладан, 12 рубоий вазни таркибида 1—4-рукнлар (садр, ибтидоъ, ҳашвлар, аруз ва зарб) ўрнида қўлланади.

«МАФОИЙЛУН» АСЛИНИНГ ТАРМОҚЛАРИ

Мафоийлун асли ўн икки хил ўзгаришга дуч келади, натижада унинг шеъриятимизда фаол қўлланилган қуйидаги 12 тармоғи (фуруъи) юзага келади:

№№	Ўзгариш номи	Ҳосил бўлган тармоқ рукн	Унинг чизмаси	Аталиши	Қўлланиш ўрни
1.	Қабз	мафоилун	v – v —	мақбуз	барча рукнларда
2.	Кафф	мафоийлу	v — — v	макфуф	ҳашвларда
3.	Харм	мафъулун	— – —	ахрам	садр, ибтидоъ, ҳашвларда
4.	Шатр	фоилун	— v —	аштар	— « —
5.	Харб	мафъулу	— — v	ахраб	— « —
6.	Тасбиғ	мафоийлон	v — — ~	мусаббағ	аруз ва зарбда
7.	Қаср	мафоийл	v — ~	мақсур	— « —
8.	Ҳазф	фаулун	v — —	маҳзуф	— « —
9.	Жабб	фаал	v —	ажабб	— « —
10.	Хатм	фаул	v ~	ахтам	— « —
11.	Батр	фаъ	—	абтар	— « —
12.	Залал	фоъ	~	азалл	— « —

Мафоийлун асли ва унинг юқоридаги 12 тармоғи ҳазаж ва музориъ баҳрларига мансуб 35 вазн таркибида фаол қўлланиб келади.

Мафоилатун. Аруз тизимининг беш ҳижоли асосий (асл) рукнларидан бири бўлиб, чизмаси v — v v — тарзида, бинобарин, бириккан ватад (v —) билан кичик фосила (v v —)нинг бирикувидан ташкил топган. Унинг такроридан **вофир** деб аталган баҳр тузилади. Мазкур баҳр араб шеъриятига махсус бўлиб, ўзбек адабиётида қўлланмайди (қаранг: «Вофир баҳри»).

Мафоилон. Мустафъилун аслининг «хабн» ва «изола» зиҳофларига дуч келиши натижасида ҳосил бўлган тармоқ рукн бўлиб, шеър чизмасида v — v ~ тарзида ифодаланади ва **махбуни музол** номи билан юритилади. У ражази мусаммани матвийи махбуни музол (рукнлари: муфтаилун мафоилун муфтаилун мафоилон) вазни таркибида аруз ва зарб рукнлари ўрнидагина қўлланади. (*Қаранг:* «Ражаз баҳри вазнлари»).

Мафоилун (I) мафоийлун аслининг «қабз» зиҳофига дуч келиши оқибатида ҳосил бўлган тармоқ рукн бўлиб, вазн чизмасида v — v — тарзида ифодаланади ва **мақбуз** деб юритилади. Ушбу рукн ҳазаж баҳрининг олти вазни, шу жумладан, тўрт рубоий вазни таркибида иккинчи рукнлар (ҳашвлар) ўрнида қўлланади.

Мафоилун (II) мустафъилун аслининг «хабн» зиҳофига дуч келиши натижасида ҳосил бўлган тармоқ рукн бўлиб, вазн чизмасида v — v — тарзида ифодаланади ва **махбун** деб юритилади. Ушбу рукн мустафъилун аслига асосланувчи ражаз, хафиф, мужтасс баҳрларининг 10 вазни таркибида 1—4-рукнлар (садр, ибтидоъ, ҳашвлар, аруз ва зарб) ўрнида қўлланади.

Мафъулоту аруз тизимининг асоси бўлган саккиз аслнинг бири бўлиб, вазн чизмасида — — — v тарзида ифодаланади. Унинг айнан такроридан баҳр ҳосил бўлмайди, мустафъилун асли билан қўшилиб такрорланиши асосида эса мунсариҳ, муқтазаб ва сариъ баҳрлари юзага келади. Улардан мунсариҳ ва сариъ баҳрлари шеъриятимизда анча кенг қўлланган бўлиб, муқтазаб баҳридан фойдаланилмаган.

МАФЪУЛОТУ АСЛИНИНГ ТАРМОҚЛАРИ

Мафъулоту аслининг тўққиз хил ўзгаришга дуч келиши натижасида унинг жами 15 тармоғи ҳосил бўлади. Уларнинг қуйидаги иккитасидангина шеъриятимизда фойдаланилган:

№ №	Ўзгариш номи	Ҳосил бўлган тармоқ рукн	Унинг чизмаси	Аталиши	Қўлланиш ўрни
1.	Тайи, кашф	фоилун	— v —	матвийи мақшуф	аруз ва зарбда
2.	Тайи, вақф	фоилюн	— v ~	матвийи мавқуф	— » —

Ушбу икки тармоқ рукн мунсариҳ ва сариъ баҳрларининг 4 вазнида фаол қўлланган.

Мафъулу мафоийлун аслининг «харб» деб аталган зиҳофга дуч келиши натижасида ҳосил қилинган тармоқ рукн бўлиб **ахраб** деб аталади ва шеър чизмасида — — v тарзида ифодаланади. Мафъулу рукни ҳазаж ва музориъ баҳрига мансуб мусамман вазнларда, шу

жумладан ахраб шажарасига мансуб 12 рубоий вазни таркибида асосан биринчи (садр ва ибтидода), баъзан эса учинчи рукнлар (кейинги ҳашвлар) ўрнида қўлланади.

Мафъулун (I) мафоийлун аслининг **харм** деб аталган зиҳофга дуч келиши натижасида ҳосил бўлган тармоқ рукн бўлиб **ахрам** деб аталади ва шеър чизмасида — — — шаклида ифодаланади. Мафъулун (ахрам) рукни ҳазаж баҳридаги «**ах**рам шажараси» деб аталган 12 рубоий вазнлари таркибида асосан биринчи (садр ва ибтидоъ), баъзан 1—3-рукнлар (садр, ибтидоъ, ҳашвлар) ўрнида қўлланади.

Мафъулун (II) фоилотун аслининг «ташъис» зиҳофига дуч келиши натижасида ҳосил бўлган тармоқ рукн; чизмаси — — — тарзида бўлиб, «мушаъас» деб аталади. У шеъриятимизда жуда кам (фақат Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» достонидагина) қўлланган рамали мусаддаси мушаъаси махбуни маҳзуф, рамали мусаддаси мушаъаси махбуни мақсур, рамали мусаддаси мушаъаси мақтуъ вазнлари таркибида ҳашвлар ўрнида қўлланган.

Махбун. Фоилун, фоилотун ва мустафъилун аслларининг «хабн» («этакни йиғиш ва қисқартириш учун тикиш») зиҳофига дуч келиши натижасида ҳосил бўлган фаилун (v v —), фаилотун (v v — —) ва **мафоилун** (v — v —) тармоқ рукнларининг номи бўлиб «этаги йиғилган» маъносини ифодалайди. Фаилун рукни мутадорик, фаилатун рукни рамал, хафиф, мужтасс, мафоилун рукни ражаз, хафиф ва мужтасс баҳрларининг қатор вазнлари таркибида иштирок этади.

Махбуни мақсур. Фоилотун аслининг «хабн» ва «қаср» зиҳофларига дуч келиши натижасида ҳосил бўлган **фаилон** (чизмаси: v v ~) тармоқ рукнининг номи. Ушбу рукн рамал, хафиф ва мужтасс баҳрларининг қатор вазнлари таркибида иштирок этади.

Махбуни маҳзуф. Фоилотун аслининг «хабн» ва «ҳазф» зиҳофларига дуч келиши оқибатида юзага келган «фаилун» тармоқ рукнининг номи бўлиб, у, рамал, хафиф ва мужтасс баҳрларига мансуб қатор вазнлар таркибида охирги, аруз ва зарб рукнлари ўрнида қўлланади.

Махбуни музол. Мустафъилун аслининг «хабн» ва «изола» зиҳофларига дуч келиши натижасида ҳосил бўлган **«мафоилон»** (чизмаси: v — v ~) тармоқ рукни номи бўлиб, ҳазажи мусаммани матвийи махбуни му-

зол вазнининг охирги, аруз ва зарб рукни ўрнида қўлланади.

Машкул. Фоилотун аслининг «шакл» («тушовлаш» зиҳофига дуч келиши оқибатида ҳосил бўлган **«фаилоту»** (чизмаси: v v — v) тармоқ рукни номи. Ушбу рукн фақат рамали мусаммани машкул вазнида садр, ибтидо, кейинги ҳашвлар ўрнида қўлланади).

Маштур. Аруз доираларида келтирилган вазннинг ярмига камайтирилган ўлчов, бошқача қилиб айтилганда, доирада келтирилган саккиз рукнли (мусамман) солим вазнни ярмига қисқартириб, тўрт рукнли (мураббаъ) солим вазн ҳолига келтирилган ҳолати. «Ул байтким аркони аслийсидин нисф кам қилмиш бўлғайлар, маштур дерлар», — деб ёзади Бобур «Мухтасар» асарида. Ушбу асарда мураббаъ рукнли вазнлар шу ном билан келтирилади. Чунончи, ҳазаж баҳри вазнларига тўхталар экан, муаллиф «мураббаъоти маштури солим» вазнига

Қадинг сарви хиромондур,
Юзунг хуршиди тобондур.
Мафоийлун мафоийлун

байтини, рамал баҳрининг «мураббаъоти маштури солимул аркон» вазнига

Эй пари ҳажрингда ўлдум,
Келки сенсиз телба бўлдум
Фоилотун фоилотун

байтини мисол қилиб келтиради.

Мақбуз. Фаулун ва **мафоийлун** аслларининг «Қабз» («ушлаш») зиҳофига дуч келиши натижасида ҳосил бўлган **фаулу** (чизмаси: v — v) ва мафоилун (чизмаси: v — v —) тармоқ рукнлари номи бўлиб, «ушланган» деган маънони ифодалайди. Улар мутақориб ва ҳазаж баҳрларининг қатор вазнлари таркибида иштирок этади.

Мақсур. Фаулун, мафоийлун ва фоилотун аслларининг «қаср» («қисқа қилиш») зиҳофига дуч келиши оқибатида юзага келган фаул (чизмаси: v ~), **мафоийл** (чизмаси: v — ~), фоилон (чизмаси: — v ~) тармоқ рукнларининг номи бўлиб, «қисқа қилинган» деган маънони ифодалайди. Ушбу рукнлар мутақориб, ҳазаж, рамал баҳрлари таркибида иштирок этади.

Мақтуъ. Фоилотун аслининг «қатъ» («кесиш») зиҳофига дуч келиши натижасида ҳосил бўлган «фаъ-

лун» (чизмаси: — —) тармоқ рукни бўлиб, «кесиб олинган» деган маънони ифодалайди. Ушбу рукн рамал, хафиф, мужтасс баҳри вазнлари таркибида иштирок этади.

Мақтуъи мусаббағ. Фоилотун аслининг «қатъ» («кесиш») ва «тасбиг» («тўлдириш») зиҳофларига дуч келиши натижасида ҳосил бўлган «фаълон» (чизмаси: — ~) тармоқ рукни номи бўлиб, «кесиб олинган ва тўлдирилган» деган маънони ифодалайди. Ушбу рукн рамал, хафиф ва мужтасс баҳрлари таркибида фаол иштирок этади.

Маҳзуф. Фаулун, мафоийлун ва фоилотун аслларининг «ҳазф» («ташлаш») зиҳофига дуч келиши натижасида ҳосил бўлган **фаал** (чизмаси: v —). **фаулун** (чизмаси: v — —) ва **фоилун** (чизмаси: — v —) тармоқ рукнлари номи бўлиб, «охири ташланган» деган маънони ифодалайди. Бу рукнлар мутақориб, ҳазаж, рамал баҳрлари таркибида фаол иштирок этади.

Мужтасс[1] **баҳри** арузнинг шеъриятимизда кенг қўлланилган турларидан бўлиб, унинг асосини мустафъилун ва фоилотун аслларининг кетма-кет такрори ташкил қилади. Бинобарин, ушбу баҳрнинг мусаммани солим вазни рукнлари ва чизмаси бир мисрада

мустафъилун	фоилотун	мустафъилун	фоилотун
— — v —	— v — —	— — v —	— v — —

тарзидадир.

Алишер Навоий «Мезонул авзон» асарида мужтасс баҳрига тўхталар экан, унинг тўққиз вазнини санаб, ҳар бирига мисоллар келтиради. Бобур эса «Мухтасар»да «мужтасс баҳри йигирма вазн, ўн бир мустаъмал, тўққиз мухтараъ, олти мустаъмали матбу»[2] дея таъкидлайди ва барча вазнларга мисоллар келтиради.

Шеъриятимизда мужтасс баҳрининг 5 вазнидан фойдаланилган. Мазкур ўлчовларнинг ўзбек адабиётида XIV асрдан бошлаб ўрин олганлигини таъкидлаш мумкин. Зеро, Атоий, Саккокий, Гадоий, Лутфий каби шоирлар ижодида мужтасс баҳрининг 2—3 вазни асосида ёзилган ғазаллар учрайди. Алишер Навоий ушбу баҳр имкониятларини атрофлича ўргангани ҳол-

---

[1] «Мужтасс» арабча сўз бўлиб, «юлинищ» деган маънони ифодалайди.

[2] *Бобур.* Мухтасар, 181-бет.

да унинг беш ўлчовидан кенг фойдаланди. «Хазойинул маоний»даги 3132 шеърдан 348 тасининг (11 фоиз) шу баҳр вазнларида битилганлигининг ўзиёқ бундан далолат бериб турибди.

Мазкур баҳрдан Навоийдан сўнгги ўзбек шеъриятида ҳам кенг фойдаланилди. Хусусан, Мунис, Огаҳий, Нодира каби шоирлар ижодида ушбу баҳрнинг тўрт вазнига кенг мурожаат қилинди.

Ўзбек арузидаги мужтасс баҳри вазнлари мустафъилун ва фоилотун аслларининг қуйидаги тармоқ рукнлари такрорига асосланади.

№ №	Тармоқ рукн	Қайси асл-дан ҳосил бўлган	Тармоқ рукн чизмаси	Аталиши	Қўлланиш ўрни
1.	Мафоилун	мустафъи лундан	v —v —	махбун	1,3 рукнларда (садр, ибтидо, кейинги ҳашвда)
2.	Фаилотун	фоилотундан	v v — —	махбун	2,4-рукнларда (олдинги ҳашв, аруз ва зарбда)
3.	Фаилун	— « —	v v —	махбуни маҳзуф	4-рукнда (аруз ва зарбда)
4.	Фаилон	— « —	v v ~	махбуни мақсур	— « —
5.	Фаълун	— « —	— —	мақтуъ	— « —
6.	Фаълон	— « —	— ~	мақтуъи мусаббағ	— « —

Юқоридаги тармоқ рукнлардан **фаилун**, **фаилон**, **фаълун**, **фаълонлар** бир шеърий асарнинг охирги, аруз ва зарб рукнлари ўрнида алмашиниб қўлланаверади, натижада 2—4 вазнли асарлар вужудга келади.

Мужтасс баҳрига хос муҳим хусусиятлардан бири кўп вазнлиликдир. Яъни ушбу баҳрга мансуб бўлган ва шеъриятимизда кенг қўлланган тўрт вазн ўзаро яқин бўлиб, улар бир шеърнинг ўзида биргаликда қўлланаверади. Натижада шоирнинг хилма-хил оҳангларни алмаштириб бориш воситасида шеър ўйноқилиги, жозибасини кучайтиришига имконият яратилади.

Мужтасс баҳри вазнларида битилган ғазаллар «Шашмақом»нинг «Ироқ», «Сарахбори Ироқ» куйлари, шунингдек «Баёти Шеърозий» ва бошқа кўплаб халқ куйлари билан ижро этилган.

Мужтасси мусаммани махбун шеъриятимизда унча кенг қўлланмаган вазнлардан ҳисобланади. Унинг рукнлари ва чизмаси ҳар мисрада

мафоилун	фаилотун	мафоилун	фаилотун
v — v —	v v — —	v — v —	v v — —

тарзидадир. Бинобарин, унинг таркиби **мустафъилун** аслининг **махбун** тармоғи — **мафоилун** рукни ҳамда фоилотун аслининг **махбун** тармоғи — **фаилотун** рукнлари такрорига асосланади.

Мазкур ўлчов Алишер Навоийгача бўлган шеъриятимизда кам қўлланган. Унинг асосида ёзилган шеърларни Навоий ижодида кўпроқ учратамиз. Шоирнинг «Хазойинул маоний»дан ўрин олган 10 ғазали ушбу ўлчовга мувофиқ ёзилган.

Мисоллар:

Кўзунг хаёлида йўқтур балодин ўзга мусоҳиб,
Висолинг орзусида ҳам дуодин ўзга мусоҳиб.

(Атоий)

Қадинг ниҳолики боғи ҳаёт тарфини тутмиш,
Магарки Хизру Масиҳо суву ҳавосида бутмиш.

(Навоий)

Паривашим қаро бўркинки бирён эгри қилибтур,
Магарки шамъи жамоли фатиласи эгилибтур.

(Навоий)

Яна бало чоқинин ишқ телба жонима урди,
Фано қуюни етибон кулумни кўкка совурди.

(Навоий)

Мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф шеъриятимизда кенг қўлланган ўлчовлардан бири бўлиб, рукнлари ва чизмаси бир мисрада

Мафоилун	фаилотун	мафоилун	фаилун
v — v —	v v — —	v — v —	v v —

тарзидадир. Унинг таркибида **мустафъилун** аслининг **махбун** тармоғи **мафоилун** (биринчи ва учинчи рукнларда), **фоилотун** аслининг **махбун** тармоғи **фаилотун** (иккинчи рукнда) ҳамда шу аслнинг **махбуни маҳзуф** тармоғи — **фаилун** (охирги рукнда) иштирок этади.

Мазкур вазн ўзбек шеъриятида XIV асрдан қўллана бошлаган, деб айтиш мумкин. Чунки Атоий, Гадоий, Саккокий, Лутфийлар ижодида шу ўлчов асосида ёзилган бир қатор газалларни кўриш мумкин. Ушбу вазндан Навоий лирикасида ҳам кенг фойдаланилган. Шоирнинг жами 98 шеъри, жумладан, 81 ғазали шу ўлчов асосида яратилганлиги аниқланган.

Мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф вазни XVI—XIX асрлар шеъриятида ҳам кенг қўлланган. Жумладан, Мунис, Нодира, Машраб, Огаҳий каби шоирлар ижодида яратилган кўпгина шеърлар шу вазн асосидадир.

Мисоллар:

Ўтарда кўз учидинким бирор назора қилур,
Хирад чиқар йўлидин, ақлу ҳуш канора қилур.

(Атоий)

Агар қошимда ўшал гулузор бўлса эди,
Ғаме йўқ эрди, гамим гар ҳазор бўлса эди.

(Саккокий)

Нечаки жавр қилурсан, вафодин ортуқ эрур,
Карамки ўзгага қилсанг, жафодин ортиқ эрур.

(Лутфий)

Юзунгни рашки гулу аргувон демай, не дейин?
Қадинг ниҳолини сарви равон демай не дейин?

(Гадоий)

Етишса ишқ аро юз меҳнату бало қадаҳ ич,
Нафас-нафас қуюбон май тўла-тўла қадаҳ ич.

(Навоий)

Нигори гулбаданимни тушумда кўрсам эдим,
Лаби шакаршиканимни тушумда кўрсам эдим.

(Нодира)

Зиҳи ситамки менга мунча, дилрабо, қиласиз,
Билиб туриб куяримни яна жафо қиласиз.

(Фурқат)

Мужтасси мусаммани махбуни мақсур вазни шеъриятимизда анча кенг қўлланган ўлчовлардан бўлиб, рукнлари ва чизмаси бир мисрада

мафоилун	фаилотун	мафоилун	фаилон
v — v —	v v — —	v — v —	v v ~

тарзидадир. Бинобарин, унинг таркибини **мустафъилун** аслининг **махбун** тармоги **мафоилун** (биринчи ва учинчи рукнларда), **фоилотун** аслининг **махбун** тармоғи — **фаилотун** (иккинчи рукнда) ҳамда шу аслнинг **махбуни мақсур** тармоғи — **фаилон** ташкил этади. Бу ўлчов юқоридаги **мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф** вазнидан охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билангина фарқланади, шунга кўра у билан биргаликда қўллана олади.

Мазкур вазн Атоий, Саккокий, Гадоий, Лутфий ижодида ҳам фойдаланилган. Алишер Навоийнинг жами 41 шеъри, жумладан, 34 газали, 4 қитъаси ва 3 муаммоси шу ўлчов асосида яратилган эди. Ораҳий, Нодира каби шоирлар ижодида ҳам шу вазнда битилган ғазаллар учраб туради.

Мисоллар:

Яна бағишлагудектур манга ҳаёти мудом,
Ҳири шамоли насимина сад сабоҳу салом.

(Гадоий)

Начукки дард қироғи аёғинг остида дол,
Узор нуқтаси янглиг узоринг устида хол.

(Навоий)

Бошим чу гарду кўзум кўр сенсиз ўлмади бот,
Қошингда бош кўтариб кўз очарга қўймас уёт.

(Навоий)

Риёу хирсу тамаъ савтидур таронаи шайх,
Эшитмаким, ҳама афсун эрур фасонаи шайх.

(Нодира)

Мужтасси мусаммани махбуни мақтуъ шеъриятимизда анча кенг қўлланиб келинган вазнлардан бўлиб, рукнлари ва чизмаси бир мисрада

мафоилун	фаилотун	мафоилун	фаълун
v — v —	v v — —	v — v —	— —

тарзидадир. Яъни унинг таркибини **мустафъилун** аслининг **махбун** тармоғи **мафоилун** (биринчи, учинчи рукнларда), **фоилотун** аслининг **махбун** тармоғи **фаилотун** (иккинчи рукнларда) ҳамда шу аслнинг **мақтуъ** тармоғи **фаълун** (охирги рукнларда) ташкил қилади.

Ўз таркибига кўра ёқимли, куйга мос тушадиган жозибали оҳангга эга бўлган ушбу ўлчов шоирларимиз ижодидан кенг ўрин олган. Атоий, Саккокий, Гадоий, Лутфийлар ижодида фойдаланилган мазкур ўлчов унинг XIV асрда шеъриятимизга кириб келганидан далолат беради. Алишер Навоий ушбу вазннинг оҳанг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ўзининг жами 142 шеърини, жумладан, 119 газали, 16 қитъаси, 5 фарди ва 2 чистонини унинг асосида яратган эди. Мужтасси мусаммани махбуни мақтуъ вазни кейинги давр шеъриятида ҳам шоирларимизнинг севимли ўлчовларидан бўлиб қолди.

Мисоллар:

Сени мен онгладим, бевафо эмиштуксен,
Кўнгулга офату жонга бало эмиштуксен.

(Атоий)

Унутти бир йўли ул ёри бевафо бизни,
Фироқи дарди била қилди мубтало бизни.

(Атоий)

Ол алга оина, юз кўр бу расму ойинда,
Тароватиму кўрунгай пари чиройинда.

(Саккокий)

Кўзунг карашма била бир боқиб бало қилди,
Лабинг табассум этиб, жонни мубтало қилди.

(Лутфий)

Қаро кўзум, келу мардумлиғ эмди фан қилғил,
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил.

(Навоий)

Бинафшазорни сайр айларам баҳор ичра,
Не судким ани кўрмон бинафшазор ичра.

(Мунис)

Менинг жунунима Мажнунни бермангиз нисбат,
Қилурму хору хашак тоби шуълаи ғайрат.

(Нодира)

Азизим, арзим эшит, лайливаш нигоримсан,
Муҳаббат аҳли учун марҳамат шиоримсан.

(Ҳабибий)

Мужтасси мусаммани махбуни мақтуъи мусаббағ шеъриятимизда унча кўп қўлланмаган вазнлардан ҳисобланади. Унинг рукнлари ва чизмаси бир мисрада

мафоилун	фаилотун	мафоилун	фаълон
v — v —	v v — —	v — v —	— ~

тарзидадир. Кўринадики, бу вазнда ёзилган шеър мисраларининг биринчи ва учинчи рукнлари **мустафъилун** аслининг **махбун** тармоғи **мафоилунга**, иккинчи рукнлари **фоилотун** аслининг **махбун** тармоғи **фаилотунга**, охирги рукнлари эса шу аслнинг **мақтуъи мусаббағ** тармоғи **фаълонга** тенг бўлади.

Ушбу ўлчов олдинги вазндан охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билангина ажралиб турибди, шунга кўра у билан бир шеърда қўлланавериши мумкин.

Мазкур вазн шеъриятимизга дастлаб Алишер Навоий томонидан киритилган дейиш мумкин. Чунки унгача бўлган шеъриятда ушбу ўлчов учрамайди. Алишер Навоий «Хазойинул маоний»даги 50 ғазали ва 6 қитъасини шу ўлчов асосида яратган эди. Кейинги асрларда ушбу ўлчов бошқа шоирлар томонидан ҳам қўлланди.

Мисоллар:

Ғамингда бузди кўнгул хонумонини ҳижрон,
Тараҳҳум айламадинг хонумонинг ободон.

(Навоий)

Бошиға май чиқибон бўлди ул ситамгар маст,
Йўқ аҳли ҳусн аро бир уйла қотили сармаст.

(Навоий)

Ҳануз васлинг аро ком топмайин даврон,
Ичурди кўнглума хунобаи ғами ҳижрон.

(Мунис)

Қиё-қиё боқишинг банда қилди, эй дилдор,
Табассум айлаганинг олди сабр бирла қарор.

(Фурқат)

Музол — мустафъилун аслининг «изола» («этак қўйиш») зиҳофига дуч келишидан ҳосил бўлган **мустафъилон** (чизмаси:— — v ~) тармоқ рукнининг номи бўлиб, «этаги узайтирилган» деган маънони ифодалайди. Бу рукн **ражази мусаммани музол** вазни таркибида иштирок этади.

Музориъ[1] **баҳри** шеъриятимизда кенг қўлланган ўлчов турларидан бўлиб, унинг асосини мафоийлун ва фоилотун аслларининг алмашиниб такрорланиши ташкил қилади. Адабиётимизда унинг фақат саккиз рукнли вазнларидан фойдаланилган. Музориъи мусаммани солим ўлчовининг рукнлари ва чизмаси бир мисрада

мафоийлун	фоилотун	мафоийлун	фоилотун
v — — —	— v — —	v — — —	— v — —

тарзидадир.

Алишер Навоий «Мезонул авзон» асарида музориъ баҳрининг 12 вазни ҳақида маълумот бериб, уларнинг ҳар бирига мисоллар келтиради. Бобур ўзининг «Мухтасар» асарида «Музориъ баҳри йигирма тўрт вазн: ўн тўққиз мустаъмал, беш мухтараъ, етти вазн мустаъмали матбуъ», — деб таъкидлаб, шу 24 вазннинг ҳар қайсисига мисоллар келтиради. Шеъриятимизда музориъ баҳрининг тўрт ўлчовидан кенг фойдаланилган бўлиб, булар музориъи мусаммани ахраб, музориъи мусаммани ахраби мусаббағ, музориъи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф ва музориъи мусаммани ахраби макфуфи мақсур вазнларидир. Ушбу тўртала вазн ҳам ёқимли оҳанги, мумтоз мусиқага мослиги билан ажралиб туради.

Музориъ баҳри вазнлари шеъриятимизда XIV аср бошлариданоқ қўллана бошлагани маълум. Чунончи, «Қисаси Рабғўзий»да музориъ баҳрининг тўрт рукнли ва саккиз рукнли ўлчовларидан фойдаланилган. Атоий, Саккокий, Гадоий, Лутфийлар ҳам мазкур баҳрнинг ёқимли ўлчовларини анча кенг қўллаган эдилар. Музориъ баҳри Алишер Навоийга мақбул бўлган ўлчовлар-

---

[1] «Музориъ» арабча сўз бўлиб, «ўхшаш» маъносини ифодалайди.

дан саналади. Унинг «Хазойинул маоний»сидаги жами 105 шеърнинг, жумладан, 81 ғазали, 11 қитъаси, 6 муаммоси ва 7 фардининг ушбу ўлчов турларида битилганлиги фикримизга далил бўла олади.

Музориъ баҳри XVI—XIX асрларда ҳам шоирларимизнинг севимли ўлчовларидан бири бўлиб хизмат қилди.

Музориъ баҳри вазнларида ёзилган шеърлар «Шашмақом»нинг «Сарахбори бузрук», «Талқинчаи Ироқ», «Сарахбори рост», «Сарахбори наво», «Сарахбори сегоҳ» каби 11 куйи, шунингдек, «Гиря», «Дугоҳ Ҳусайн» каби кўплаб куйларга мос тушади.

Музориъ баҳрининг ўзбек адабиётида фойдаланилган вазнлари мафоийлун ва фоилотун асларининг қуйидаги тармоқ рукнлари такрорига асосланади.

№ №	Асл ва тармоқ рукнлар	Қайси асл-дан	Рукн чизмаси	Атали-ши	Қўлланиш ўрни
1.	Мафъулу	мафоийлун	— — v	ахраб	1,3 рукнларда (садр, ибтидо, кейинги ҳашвда)
2.	Мафоийлу	— « —	v — —v	макфуф	3-рукнда (кейинги ҳашвда)
3.	Фоилотун	фоилотун	— v — —	солим	2,4-рукнларда (олдинги ҳашв, аруз ва зарбда)
4.	Фоилоту	— « —	— v — v	макфуф	2-рукнда (олдинги ҳашвда)
5.	Фоилийён	— « —	— v —~	мусаббаг	охирги рукнда (аруз ва зарбда)
6.	Фоилун	— « —	— v —	маҳзуф	— « —
7.	Фоилон	— « —	— v ~	мақсур	— « —

МУЗОРИЪ БАҲРИ ВАЗНЛАРИ

Музориъи мураббаи ахраб шеъриятимизда жуда кам қўлланган ўлчов бўлиб, рукнлари ва чизмаси бир мисрада

мафъулу фоилотун
— — v — v — —

тарзидадир. Халқ ўланларига яқин турувчи ўлчов фақат Рабғузий асаридагина қўлланган бўлиб, унинг ягона намунаси Юсуф қиссаси ичида келтирилган

Кўз кўргани жамол ул,
Севмак ани ҳалол ул,
Андоғ жамол кўрубон
Ким севмаса вабол ул[1].

тўртлигидир.

Музориъи мусаммани ахраб шоирларимиз диққатини ўзига жалб этган вазнлардан бўлиб, рукнлари ва чизмаси бир мисрада

Мафъулу	фоилотун	мафъулу	фоилотун
— — v	— v —	— — v	— v —

тарзидадир. Кўриниб турганидек, ушбу ўлчов **мафоийлун** аслининг **ахраб** тармоғи — мафъулу рукни билан **фоилотун** аслининг солим ҳолида келиб кетмакет такрорланишига асосланади. 10 та чўзиқ ва тўртта қисқа ҳижонинг шу мутаносибликдаги такрори ғоятда ёқимли ва мусиқий оҳангни ҳосил қилади, шу туфайли уни мумтоз мусиқа куйларига солиб ижро этиш қулай.

Музориъи мусаммани ахраб вазни дастлаб «Қисаси Рабғузий»да учрайди. Асардаги Юсуф қиссасида шоирнинг

Эрнинг балоси икки олам балоси — қуртқа,
Қуртқа қариб улурса, солғил этини қуртқа

матлали кичик ғазали келтирилган эди.

Шеъриятимизда ушбу вазнда ёзилган дастлабки ғазаллар Лутфий ва Ҳофиз Хоразмийлар ижодида учрайди, Атоий, Гадоий, Саккокийлар ушбу ўлчовга мурожаат қилишмаган кўринади. Навоийнинг 5 ғазали ва бир фарди шу ўлчовда ёзилган.

Музориъи мусаммани ахраб вазни XV—XIX асрлар шеъриятида ҳам севимли ўлчовлардан бўлиб хизмат қилди. Ушбу вазндан ҳозирги замон шеъриятида, хусусан, Ҳабибий, Эркин Воҳидов каби ижодкорлар кенг фойдаланганлар.

Мисоллар:

Бўлди баҳору сенсиз йўқтур чаманда нури,
Фирдавс бўлди гулшан йўқтур дариғ ҳури.

(Лутфий)

---

[1] «Қисаси Рабғузий». Тошкент, «Ёзувчи», 1990, 1-жилд, 119-бет.

Кулбамга баски гардун гам тоши ёғдурубдур,
Сабрим уйидек ул ҳам емрулғали турубтур.

(Навоий)

Хаттинг аро узоринг сабза ичида лола,
Ул чашми пурхуморинг лоладаги ғазола.

(Бобур)

Ошиқки ёрсиздур, валлоҳки, жони йўқтур,
Тўтий эрур, валекин шаккарситони йўқтур.

(Ҳ. Хоразмий)

Кулбам сари, нигоро, келгил шитоб айлаб,
Гулдек узоринг узра хўйдин гулоб айлаб.

(Огаҳий)

Ҳуру пари юзидин рухсорингиз чиройлик,
Жаннат гулидин, эй гул, гулзорингиз чиройлик.

(Фурқат)

Эй маҳваши замоним, эй ёр, хуш келибсиз,
Биздек гарибни йўқлаб, дилдор хуш келибсиз.

(Ҳамза)

Устозим, эй Навоий, бахти бақо муборак,
Беш юз йил охирида кўрдунг вафо, муборак.

(Ҳабибий)

Барг остидан мулойим боққан иболи ғунча,
Не сирни сақлагайсан, бағринг нечун тугунча?

(Э. Воҳидов)

Музориъи мусаммани ахраби мусаббағ шеъриятимизда унча кенг қўлланмаган вазнлардан саналади. Унинг рукнлари ва чизмаси бир мисрада

Мафъулу	фоилотун	мафъулу	фоилийён
— — ∨	— ∨ — —	— — ∨	— ∨ — ~

тарзида бўлиб, асосини **мафоийлун** аслининг **ахраб** тармоғи — **мафъулу** (биринчи ва учинчи рукнларда), **фоилотун** аслининг **солим** (иккинчи рукнларда) ва **мусаббағ** тармоғи — **фоилийён** ташкил этади. Ушбу ўлчов аввалги, музориъи мусаммани ахраб вазнидан охирги ҳижосининг ўта чўзиқлиги билангина фарқланади, бинобарин, ҳар икки ўлчов бир шеърда қўлланиши мумкин.

Мазкур вазнни туркий шеъриятда илк бор Алишер Навоий қўллаган, деб айтиш мумкин. Унгача бу ўлчов ўзбек шоирлари, хусусан, Атоий, Саккокий, Гадоий, Ҳофиз Хоразмий ва Лутфийлар ижодида учрамайди.

Мисоллар:

Рухсори жонибинда ул холи анбар олуд,
Ўт гўшасида гўё анбар тушуб қилур дуд.

(Навоий)

Музориъи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф шеъриятимизда кенг қўлланган вазнлардан бўлиб, рукнлари ва чизмаси бир мисрада

Мафъулу	фоилоту	мафоийлу	фоилун
— — v	— v — v	v — — v	— v —

тарзидадир. Унинг асосини **мафоийлун** аслининг **ахраб** тармоғи мафъулу (биринчи рукнда) ва **макфуф** тармоғи **мафоийлу** (учинчи рукнда), **фоилотун** аслининг **макфуф** тармоғи **фоилоту** (иккинчи рукнда) ҳамда шу аслнинг **маҳзуф** тармоғи **фоилун**лар (охирги рукнда) ташкил этади.

Қисқа ва чўзиқ ҳижоларнинг шу хил алмашиниб такрорланиши мумтоз мусиқа, хусусан, «Шашмақом» куйлари: «Сегоҳ», «Чоргоҳ» кабилар учун қулай оҳанг яратади. Шу туфайли шоирларимиз XIV асрдан XX аср бошларига қадар ушбу ўлчовда жуда кўп газаллар ёзганлар. Атоий ўзининг 13 ғазалини, Саккокий 6 ғазалини, Ҳофиз Хоразмий 115 газалини, Гадоий 12, Лутфий 44 газалини, Алишер Навоий 42 ғазалини, Огаҳий 15 газалини шу ўлчовда яратган эдилар.

Мисоллар:

Мушкин хатики, чашмаи ҳайвон наботидур,
Парвона жон ангаки тириклик баротидур.

(Атоий)

Эй меҳру моҳ юзунга жон бирла муштари,
Девона бўлди юзунга савдо билан пари.

(Саккокий)

Сарвақтимизга бир гузар эттинг, ажаб-ажаб,
Ногаҳ кўз учидин назар эттинг, ажаб-ажаб.

(Гадоий)

Эй шаккарингда мўъжизи Исо қаринаси,
Юсуф жамоли васфу сифотинг каминаси.

(Лутфий)

Кўнглум ҳарими ичра қилур жилва ул пари,
Андоқки, каъба ичра ҳарамнинг кабутари.

(Навоий)

Келтурса юз балони ўшул бевафо манга,
Келсун агар юзумни эвурсам бало манга.

(Бобур)

Билмон бу оқшом ул маҳи ҳудком қайдадур,
Бегоналар била қадаҳ ошом қайдадур.

(Огаҳий)

Мулку жаҳоним, эй шаҳи даврон тасаддуқинг,
Мулки жаҳон на бўлғусидур, жон тасаддуқинг.

(Нодира)

Излаб висолинг эй маҳи тобон қачонгача,
Тортай фироқ кечаси афғон қачонгача?

(Фурқат)

Токай юрай йўлингда кўзум ёшин оқтуруб,
Тиндур ёшим кўзумни жамолингга боқтуруб.

(Комил Хоразмий)

Музориъи мусаммани ахраби макфуфи мақсур ҳам шеъриятимиздаги ёқимли ва севимли ўлчовлардан бўлиб, рукнлари ва чизмаси ҳар мисрада

Мафъулу	фоилоту	мафоийлу	фоилон
— — v	— v — v	v — — v	— v ~

тарзидадир. Ўз тузилишига кўра ушбу вазн юқоридаги музориъи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф ўлчовидан охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билангина фарқ қилади. Таркиби эса **мафоийлун** аслининг **ахраб** тармоғи **мафъулу** (биринчи рукнда) ва **макфуф** тармоғи **мафоийлу** (учинчи рукнда), **фоилотун** аслининг **макфуф** тармоги **фоилоту** (иккинчи рукнда) ҳамда **мақсур** тармоғи **фоилон** (охирги, тўртинчи рукнда) лардан ташкил топади.

Ёқимли оҳангга эга бўлган ва шарқ куйларига мос бўлиб тушадиган ушбу ўлчов Атоий, Ҳофиз Хораз-

мий, Гадоий, Лутфий ижодида қўлланган эди. Алишер Навоий 16 ғазали ва бир қитъасини шу ўлчовда битди. Мазкур вазндан XVI—XIX аср шоирлари Мунис, Огаҳий, Мужрим Обид каби ижодкорлар ҳам фойдаланганлар. Кекса шоир Ҳабибий ўз қаламини ушбу ўлчовда ҳам синаб кўрган.

Мисоллар:

Наргис кўзунгки, қошида боғу баҳори бор,
Жону кўнгулни олса муноқ ихтиёри бор.

(Атоий)

Васли нигору, фасли баҳору шароби ноб,
Ҳар кимга даст берса зиҳи бахти комёб.

(Гадоий)

Эй юзи олким, эрур ишинг ҳамиша ол,
Солма бу ошиқинг кўнгулин лутф бирла ол.

(Ҳ. Хоразмий)

Наргис кўзингнинг ўхшаши қайси чаманда бор?
Юзунг таровати қачон, эй гул, суманда бор?

(Лутфий)

Юз сеҳр қилса кимгаки элликдин ўтти ёш,
Атфол саҳроси қилур атрофидек маош.

(Навоий)

Эй хурвашки, покдур асру сенга сиришт,
Ранг айлар ихтисоб юзунгдин гули биҳишт.

(Мунис)

Йўқ манда фақр куйида гардунга эҳтиёж,
Бўлмас қаноат аҳлида ҳар дунга эҳтиёж.

(Огаҳий)

Ҳар сўзда ҳар бировга не ширин нукоти бор,
Бол томди оғзидинки тилингда набори бор.

(Мужрим Обид)

Келди баҳору бўлди ёқимли ҳаво латиф,
Бўлмас ҳаво бунинг каби роҳатфизо латиф.

(Ҳабибий)

Музориъи мусаммани ахраби макфуфи солими аруз ва зарб вазни шеъриятимизда жуда кам қўлланган ўлчовлардан бўлиб, унинг рукнлари ва чизмаси бир мисрада

Мафъулу	фоилоту	мафоийлу	фоилотун
— — v	— v — v	v — — v	— v — —

тарзидадир. Яъни унинг таркибини мафоийлун аслининг **ахраб** тармоғи **мафъулу** (биринчи рукнда) ҳамда **макфуф** тармоғи **мафоийлу** (учинчи рукнда), **фоилотун** аслининг **макфуф** тармоғи — **фоилоту** (иккинчи рукнда) ҳамда **солим** кўриниши **фоилотун** (охирги рукнда) ташкил этади.

Мазкур ўлчов фақат Алишер Навоий шеъриятидаги биргина асар, «Наводируш шабоб» девонидаги 512-газал учун асос бўлиб хизмат қилган. У ғазал

Кофурғун либос аро ул сарвиноз экинму?
Ё шамъи ҳажр дафъиға шамъи тироз экинму?

матлаи билан бошланади.

Мунсариҳ баҳри арузнинг асосий ўлчов турларидан бўлиб, унинг асосини **мустафъилун** ва **мафъулоту** аслларининг кетма-кет такрори ташкил этади. Мунсариҳи мусаммани солим вазнининг рукнлари ва чизмаси бир мисрада

мустафъилун	мафъулоту	мустафъилун	мафъулоту
— — v —	— — — v	— — v —	— — — v

тарзидадир.

Алишер Навоий ўзининг «Меъзонул авзон» асарида мунсариҳ баҳрининг 11 вазнини санаб, уларнинг ҳар бирига ўзбек тилидаги байтларни мисол қилиб келтиради. Бобурнинг «Мухтасар» асарида мунсариҳ баҳри 34 вазнни ўз ичига олиши, шулардан 20 таси мустаъмал, 14 таси мухтараъ, 8 таси мустаъмали матбуъ эканлиги таъкидланиб, 34 вазнга мисоллар келтирилади.

Аммо шеъриятимизда ушбу баҳрнинг уч ўлчовидангина фойдаланилган.

Мунсариҳ баҳри Алишер Навоийга қадар ўзбек шеъриятида қўлланмаган. Бу ўлчов асосидаги дастлабки асарлар Навоийнинг «Хазойинул маоний»сидан ўрин олган газаллар саналади. Шоир ушбу баҳрга мансуб уч вазнда жами 12 шеър, жумладан, 9 ғазал, 2

муаммо ва бир фард яратган эди. Навоийдан сўнг бошқа шоирлар ҳам оз бўлса-да ушбу баҳр вазнларига мурожаат қилиб турдилар.

МУНСАРИҲ БАҲРИ ВАЗНЛАРИ

Шеъриятимизда мунсариҳ баҳрининг асосан икки вазнидангина фойдаланилган бўлиб, улар мустафъилун аслининг матвий тармоғи — муфтаилун, мафъулоту аслининг матвийи мақшуф тармоғи — фоилун ҳамда матвийи мавқуф тармоғи — фоилонларга асосланади.

Мунсариҳи мусаммани матвийи мақшуф шеъриятимизда кам қўлланган ўлчовлардан бўлиб, унинг рукнлари ва чизмаси бир мисрада

муфтаилун	фоилун	муфтаилун	фоилун
— v v —	-- v —	-- v v —	— v —

тарзидадир.

Ушбу вазн шеъриятимиздан XV асрда ўрин олган бўлиб, унинг асосидаги дастлабки лирик шеърлар Алишер Навоий қаламига мансубдир. «Хазойинул маоний»дан ўрин олган 5 ғазал шу ўлчовда яратилган эди. Навоийдан сўнг ушбу вазн бошқа шоирлар ижодида ҳам кам бўлса-да қўллана бошлади.

Мисоллар:

Бўлди аёғинг қаро зийнату пероядин,
Ўйлаки бўлғай қаро шамъ туби соядин.

(Навоий)

Ваҳки чамандин яна эсди шамол ўзгача,
Ҳар дам ўлур атридин кўнглума ҳол ўзгача.

(Навоий)

Сурма биланму ул ой кўзни қаро айламиш,
Йўқса Хўтан жайрани мушк ичида ағнамиш

(Навоий)

Кўзни ёритгач манга шамъи жамолинг ёриб,
Айлади парвоналиғ бошинга жон айлониб.

(Мунис)

---

[1] «Мунсариҳ» арабча сўз бўлиб, «осон» маъносини ифодалайди.

Айлади то сайр учун шоҳсуворим сафар,
Қилди онинг кейнидин жони низорим сафар

(Огаҳий)

Жону жаҳоним ўзинг, ному нишоним ўзинг,
Ному нишоним ўзинг, жону жаҳоним ўзинг.

(Ҳабибий)

Мунсариҳи мусаммани матвийи мавқуф шеъриятимизда кам қўлланган вазнлардан бўлиб, унинг рукнлар таркиби ва чизмаси бир мисрада

муфтаилун	фоилун	муфтаилун	фоилон
— ∨ ∨ —	— ∨ —	— ∨ ∨ —	— ∨ ~

тарзидадир. Бинобарин, ушбу ўлчовда ёзилган шеърнинг ҳар мисрасидаги биринчи ва учинчи рукнлари **мустафъилун** аслининг **матвий** тармоғи **муфтаилунга**, иккинчи рукнлари **мафъулоту** аслининг **матвийи мақшуф** тармоги **фоилун**га, охирги (аруз ва зарб) рукнлари **мафъулоту** аслининг **матвийи мавқуф** тармоги — **фоилон**га тенг бўлади.

Ушбу ўлчовга илк бор Алишер Навоий мурожаат қилган эди. Ана шу ўлчовнинг халқ қўшиқлари вазнига ҳамоҳанглиги шоир эътиборини ўзига тортганди. Зеро, «Меъзонул авзон»да халқ қўшиқлари вазнлари ҳақида фикр юритар экан, шоир «Яна чинга»дурким, турк улуси зуфоф ва қиз кўчурур тўйларида ани айтурлар, ул сурудедур бағоят муассир ва икки навъдир. Бир навъи ҳеч вазн била рост келмас ва бир навъида бир байт айтилурким, мунсариҳи матвийи мавқуф баҳридур ва «ёр-ёр» лафзини радиф ўрнига мазкур қилурлар, андоқким, байт:

Қайси чамандин эсиб келди сабо ёр-ёр,
Ким дамидин тушти ўт жоним аро ёр-ёр.
Муфтаилун фоилун муфтаилун фоилон»,

— деб ёзган эди.

Юқоридаги вазн билан мазкур ўлчов орасидаги фарқ охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги халос. Шу туфайли бу икки вазн бир шеърнинг ўзида биргаликда қўлланаверади.

Мисоллар:

Бода мени айлади зуҳду риёдин халос,
Зуҳду риё йўқки, минг ранжу анодин халос

(Навоий)

Мунсариҳи мусаммани матвийи манҳур шеъриятимизда жуда кам қўлланган вазн бўлиб, унинг рукнлари ва чизмаси бир мисрада

муфтаилун	фоилоту	муфтаилун	фаъ
— v v —	— v — v	— v v —	—

тарзидадир. Бинобарин, ушбу ўлчовда ёзилган шеър мисраларидаги биринчи ва учинчи рукнлар **мустафъилун** аслининг **матвий** тармоғи **муфтаилунга**, иккинчи рукнлар **мафъулоту** аслининг **матвий** тармоғи **фоилоту**га, охирги рукнлари эса **мафъулоту** аслининг **манҳур** тармоғи **фаъ** рукнига тенг бўлади.

Ушбу вазнни шеъриятимизга илк бор Алишер Навоий олиб кириб, унинг асосида ўзининг

Кўнглум аро бир ажаб муҳол ҳавастур,
Лабларидинким ҳусули мумкин эмастур.

матлали газали, 2 муаммо ва бир фардини битган эди.

Вазннинг нисбатан оғирлиги, мусиқа учун ноқулайлиги туфайли бўлса керак, кейинчалик ушбу ўлчовдан деярли фойданилмади.

Мисоллар:

Ноз ила аввал мени фирифта қилдинг,
Эмдики топтим фириб — шифта қилдинг.

(Навоий)

Ою қуёш айлади юзунг била даъвий,
Бизга алардин ажаб кўринди бу маъний.

(Навоий)

Жавр ила қаҳрингки ҳаддин ошти бағоят,
Ваҳки, не бор ибтидо анга не ниҳоят.

(Навоий)

Мураббаъ. Арабча «тўртлик» маъносини ифодаловчи сўз бўлиб, аруз илмида «тўрт рукнли» тушунчасини билдиради: ҳар қайси байтда тўрт рукн иштирок этувчи вазн тури шу ном билан юритилади. Масалан, Муқимий қаламига мансуб машҳур «Саёҳатнома» асари ражази мураббаи солим, яъни солим тўрт рукнли ражаз вазнида ёзилган саналади. Чунки ушбу асарнинг ҳар бир байтида мустафъилун рукни тўрт марта такрорланади.

Шеъриятимизда мураббаъ рукнли шеърлар унча кўп ёзилмаган.

Мураккаб зиҳоф. Асл рукннинг бир вақтнинг ўзида икки хил ўзгаришга дуч келиши.

Аруз тизимига мансуб **хатм**, **залал**, **харб**, **сарм** каби зиҳофлар ана шундай ўзгаришлардан саналади. Масалан, **харб** зиҳофи **мафоийлун** аслини бир вақтнинг ўзида икки хил зиҳоф — **харм** ва **кафф** билан ўзгартиришни тақозо этади; яъни **мафоийлун** асли аввал **харм** билан ўзгартирилиб биринчи, қисқа ҳижоси туширилади, кейин **кафф** зиҳофи билан ўзгартирилиб, охирги чўзиқ ҳижоси қисқа ҳижога айлантирилади, қолган **фоийлу** қисми ўзига тенг **мафъулу** тармоқ рукни билан алмаштирилиб, «вайрон қилинган» деган маънода **«ахраб»** деб юритилади. (Қаранг: «Тармоқ рукнлар»).

Мусаббағ. Фаулун, мафоийлун ва фоилотун аслларининг «тасбиғ» («тўлдириш») зиҳофига дуч келиши натижасида ҳосил бўлган **фаулон** (чизмаси: у — ~), **мафоийлон** (v — — ~) ҳамда **фоилийён** (— v — ~) тармоқ рукнлари номи бўлиб, «тўлдирилган» деган маънони ифодалайди. Ушбу рукнлар мутақориб, ҳазаж ва рамал баҳрлари таркибида иштирок этади.

Мусаддас. Арабча «олтилик» маъносини ифодаловчи сўз бўлиб, аруз илмида «олти рукнли» тушунчасини билдиради. Ҳар қайси байтида олти рукн иштирок этадиган вазнлар шу ном билан юритилади. Масалан, Навоий қаламига мансуб «Хамса» асаридаги олдинги тўрт достон олти рукнли вазнларда битилган. Жумладан, «Ҳайратул аброр» достони сариъи мусаддаси матвийи макшуф вазнида, «Фарҳод ва Ширин» ҳазажи мусаддаси маҳзуф вазнида ёзилган. Шеъриятимизда олти рукнли вазнлар кенг қўлланган.

Мусамман арабча «саккизлик» маъносини ифодаловчи сўз бўлиб, аруз илмида «саккиз рукнли» тушунчасини билдиради: ҳар қайси байтда саккиз рукн иштирок этувчи вазн тури шундай ном билан аталади. Шеъриятимиздаги лирик асарларнинг аксарияти саккиз рукнли вазнлар асосида яратилган. Масалан, Алишер Навоий қаламига мансуб

Мени мен истаган ўз суҳбатиға аржуманд этмас,
Мени истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас.

байти билан бошланувчи ғазал ҳазажи мусаммани солим вазнида битилган. Чунки ушбу байт ҳар мисрасида тўрттадан, байтда эса саккизта мафоийлун асли

такрорига асосланади. Юқоридаги байтни ана шу рукнлар билан қуйидагича кўрсатиш мумкин:

Мени мен ис — таган ўз суҳ — батиға ар — жуманд этмас
мафоийлун мафоийлун мафоийлун мафоийлун
Мени истар — кишининг суҳ — батин кўнглум — писанд этмас
мафоийлун мафоийлун мафоийлун мафоийлун

Мустафъилон мустафъилун аслининг **«изола»** зиҳофига дуч келиши натижасида ҳосил бўлган тармоқ рукн бўлиб, вазн чизмасида — — v ~ тарзида ифодаланади ва **музол** деб юритилади. Ушбу фуруъ ҳазажи мусаммани музол вазни таркибида охирги рукнлар (аруз ва зарб) ўрнида қўлланади.

Мустафъилун (1) аруз тизимига асос бўлган асллардан бири бўлиб, вазн чизмасида — — v — тарзида ифодаланади. Ушбу аслнинг айнан такроридан ражаз баҳри, бошқа асллар билан қўшилиб такрорланишидан ҳафиф, мужтасс, мунсариҳ, муқтазаб, ғариб ва сариъ баҳрлари тузилади. Шулардан муқтазаб ва ғариб баҳрлари шеъриятимизда қўлланмаган.

Мустафъилун (2) мустафъилун аслининг солим кўриниши бўлиб, вазн чизмасида — — **v** — тарзида ифодаланади ва **солим** деб юритилади. Мустафъилун ражаз баҳрига мансуб ражази мусаммани солим ва ражази мусаммани мусаббағ вазнлари таркибида 1—4 рукнлар (садр, ибтидоъ, ҳашвлар, аруз ва зарб) ўрнида қўлланади.

МУСТАФЪИЛУН АСЛИНИНГ ТАРМОҚЛАРИ

Мустафъилун аслининг жами 11 хил ўзгаришга дуч келиши оқибатида унинг 18 хил тармоғи юзага келади. Шулардан қуйидагилар шеъриятимизда фаол қўлланган:

№ №	Ўзгариш номи	Ҳосил бўлган тармоқ рукн	Унинг чизмаси	Аталиши	Қўлланиш ўрни
1.	хабн	мафоилун	v — v —	махбун	ҳамма рукнларда
2.	тай	муфтаилун	— v v —	матвий	садр, ибтидоъ, ҳашвларда
3.	изола	мустафъилон	— — v ~	музол	аруз ва зарбда
4.	хабн, изола	мафоилон	v — v ~	махбуни музол	— « —

Мустафъилун асли ва унинг юқоридаги тўрт тармоғи ражаз, хафиф, мужтасс, мунсариҳ ва са-

риъ баҳрларининг жами 17 вазнида фаол иштирок этади.

Мутадорик баҳри («мутадорик» арабча сўз бўлиб, «бир-бирига уланувчи» деган маънони ифодалайди) шеъриятимизда жуда кам қўлланган баҳрлардан саналади. Унинг асоси **фоилун** аслининг айнан такрори саналиб, жумладан, саккиз рукнли солим вазнининг рукнлари ва чизмаси ҳар мисрада

фоилун	фоилун	фоилун	фоилун
— v —	— v —	— v —	— v —

тарзидадир.

«Мезонул авзон»да мутадорик баҳрининг 7 вазни мисоллар билан кўрсатилган. Бобурнинг «Мухтасар» асарида эса унинг вазнлари сони 26 та эканлиги, улардан ўн тўрттаси мустаъмал, ўн иккитаси матбуъ, учтаси эса мустаъмали матбуъ эканлиги таъкидланиб, уларнинг барчасига форсий ва туркий шеъриятдан мисоллар келтирилган[1].

МУТАДОРИК БАҲРИ ВАЗНЛАРИ

Шеъриятимизда ушбу баҳрнинг саккиз рукнли (мусамман) ҳамда 16 рукнли баъзи ўлчовларидан фойдаланилган. Хусусан, Алишер Навоий, Огаҳий каби шоирлар ижодида мутадорики мусаммани солим, 16 рукнли мутадорики махбун ўлчовлари қўлланган.

Ушбу баҳр вазнларини шеъриятимизга олиб кирган шоир Алишер Навоийдир.

Улар фоилун асли, унинг махбун тармоғи фаилун, мақтуъ тармоғи — фаълун, мақтуъи мусаббағ тармоғи — фаълон рукнлари такрорига асосланади.

Мутадорики мусаммани солим вазни шеъриятимизда жуда кам қўлланган ўлчовлардан саналади. Унинг рукнлари ва чизмаси бир мисрада

фоилун	фоилун	фоилун	фоилун
— v —	— v —	— v —	— v —

тарзида бўлиб, ушбу вазнда ёзилган шеърнинг ҳар байтидаги саккиз рукннинг ҳар қайсиси **фоилун** аслига тенг бўлади. Шоирларимиз мусиқага тушиши қийин бўлган ушбу ўлчовга камдан-кам ҳолатлардаги-

---

[1] *Бобур.* Мухтасар, 40—43, 123-бетлар.

на мурожаат қилганлар. Ўз ижодида арузнинг хилмахил вазнларини синаб кўриш йўлидан борган Алишер Навоий ғазалларидан бирини ушбу ўлчов асосида яратган эди. Бу асар

Жонға лаълинг майи жомидур мултамас,
Не Хизр суйи не Жоми Жамдур ҳавас

матлаи билан бошланарди.

Мутадорики мусаммани мақтуъ шеъриятимизда жуда кам қўлланган вазнлардан бўлиб, унинг асосида 2—3 тагина шеър ёзилган холос. Рукнлари ҳамда чизмаси ҳар мисрада

фаълун фаълун фаълун фаълун
— — — — — — — —

тарзида бўлган ушбу ўлчов фақат чўзиқ ҳижолар такрорига асосланган туфайли қуйлашга ноқулай бўлган оғир, бўғиқ оҳанг ҳосил қилади.

Ушбу вазндаги ноёб асар Навоий «Хазойинул маоний»сидаги

Борғил, эй ҳамдам, ҳар ёни,
Кўнглум итмиш, топғил они

матлаъли ғазалидир.

Мутадорики мусаммани мақтуъи мусаббағ шеъриятимизда жуда кам қўлланган вазн бўлиб, баъзи шоирларгина унинг оҳанг имкониятларини синаб бирон ғазал ёзганлар холос. Зеро, рукнлари ва чизмаси бир мисрада

фаълун фаълун фаълун фаълон
— — — — — — — ~

тарзида бўлган ушбу ўлчов юқоридаги вазндан охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билангина фарқланиб, мусиқа учун ноқулайдир. Ушбу ўлчовни илк бор Мунис Хоразмий ўз ғазалиётида синовдан ўтказиб

Тиғинг қилди кўксум афгор,
Андин топдим юз минг озор.

каби мисраларини яратган эди.

16 рукнли мутадорики махбун — шеъриятимизда жуда кам қўлланган, айрим ижодкорларгина синаш учун бирон та ғазал ёзган вазн бўлиб, рукнлари ва чизмаси бир мисрада

фаилун фаилун фаилун фаилун фаилун фаилун фаилун фаилун
v v — v v — v v — v v — v v — v v — v v — v v —

тарзидадир. Кўриниб турибдики, ушбу ўлчов асосида яратилган 16 рукнли шеърий асарнинг ҳар қайси рукни **фоилун** аслининг **махбун** тармоғи — **фаилун**га тенг бўлади. Ушбу ўлчовда Огаҳийгина бир ғазал ёзганлиги маълум. Мазкур ғазал қуйидаги матлаъ билан бошланади:

Туну кун караминг ўқини отасан ҳама
олам элини нишона қилиб,
Вале навбат агар манга етса, хато қиласан
неча навъ баҳона қилиб.

Муталаввун арабча сўз бўлиб, «ранг-баранг, ўзгарувчи, тобланувчи» каби маъноларни ифодалайди. Аруз илмида бир неча вазнда ўқилиши мумкин бўлган байтларни шундай деб атайдилар. Гап шундаки, айрим байтларни икки ё ундан ортиқ вазнга солиб ўқиш мумкин. Байт таркибидаги унлиларни чўзиб ёки қисқа талаффуз этиш, ҳижоларни ажратиб ёки қўшиб ўқиш билан вазнни ҳам ўзгартириш мумкин. Жумладан, Бобур «Мухтасар» асарида муталаввун ҳодисаси ҳақида сўз юритар экан

Қошиға боргали кўнгул ўзига келмади нетай,
Юзига тушгали кўзум кўзига илмади ул ой

байтини келтириб «ҳар кимнинг истилоҳдин вуқуфи бўлса билгайким неча вазнда ўқулур», — деб таъкидлайди. Зеро, ушбу байтни чиндан ҳам бир неча вазнга мувофиқлаштириб ўқиш мумкин. Чунончи

Қошиға бор ғали кўнгул ўзига кел мади, нетай
муфтаилун мафоилун муфтаилун мафоилун

тарзида ўқилса, ражази мусаммани матвийи махбун вазни;

Қошига бор — ғали кўнгул — ўзига кел — мади нетай
Мафоийлун мафоийлун мафоийлун мафоийлун

тарзида ўқилса, ҳазажи мусаммани солим;

Қошиға бор — ғали кўнгул — ўзига кел — мади нетай
Мафоилун мафоилун мафоилун мафоилун

тарзида ўқилса, ҳазажи мусаммани мақбуз вазни ҳосил бўлади.

Бобур «Бобурнома» асарида ўзининг

Кўзу қошу сўзу тилиниму дей,
Қаду ҳалду сочу белиниму дей

байтини беш юз тўрт вазнда тақтиъ қилганини таъкидлаган эди. Ҳақиқатан ҳам, уни кўплаб вазнларга солиб ўқиш мумкин. Чунончи:

Кўзу қошу — сўзи тили — ниму дей
Мафоийлун мафоийлун фаулун

тарзида ўқилса, ҳазажи мусаддаси маҳзуф,

Кўзу қо — шу сўзу — тилини — му дей
Фаулун фаулун фаулун фаал

тарзида ўқилса, мутақориби мусаммани маҳзуф,

Кўзу қошу сўзу тили ниму дей
Фоилотун фоилотун фоилун

тарзида ўқилса, рамали мусаддаси маҳзуф,

Кўзу қошу — сўзу тили — ниму дей
Фаилотун фаилотун фаилун

тарзида ўқилса, рамали мусаддаси махбуни маҳзуф,

Кўзу қошу — сўзу тили — ниму дей,
Муфтаилун муфтаилун фоилун

тарзида ўқилса, сариъи мусаддаси матвийи макшуф,

Кўзу қо — шу сўзу — тилини — му дей
фаилун фаилун фаилун фаал

тарзида ўқилса мутадорики мусаммани махбуни мақтуъ вазни ҳосил бўлади. Байтни яна бошқа вазнларга мослаб ўқиш мумкин.

Мустаъмал вазн — шеъриятда қўлланган вазн демакдир. Аруз тизимига мансуб вазнларнинг аксарияти форс-тожик ва туркий адабиётларда қўлланиб келган — мустаъмал ўлчовлар саналади. Айни вақтда баъзи арузшуносликка оид асарларда тавсифланган бир қатор вазнлар у ёки бу олим ёки шоир томонидан ихтироъ қилинган бўлиб, шеъриятда турли сабабларга кўра қўлланмаган. Жумладан, Бобур ўзининг «Мухтасар» асарида ўзи таъкидлаган 537 вазннинг 289 таси мустаъмал, 248 таси Бобур ихтиро қилган, лекин ҳали шеъриятда фойдаланилмаган вазнлар эканини ёзганди. Мустаъмал вазнларнинг бир қисми ёқимли — матбуъ ўлчовлар саналади.

Мустаъмали матбуъ вазн — шеъриятда фойдаланилган ёқимли ўлчов демакдир. Чунки шоирлар ижодида қўлланган барча вазнларни ҳам ёқимли — матбуъ деб бўлмайди. «Мухтасар»да таъкидланган 248 мустаъмал вазннинг 104 тасигина мустаъмали матбуъ ўлчов ҳисобланади. Худди ана шундай вазнларда форсий ва туркий ижодкорлар кўплаб лирик ва лироэпик асарлар яратганлар. Ҳазажи мусаммани солим, ҳазажи мусаддаси маҳзуф, рамали мусаммани маҳзуф, ражази мусаммани солим, музореъи мусаммани ахраб каби кўплаб ўлчовлар шулар жумласидандир.

Мутаввал — арабча «узун», «чўзиқ» маъноларини билдирувчи ушбу сўз аруз илмида «кўп рукнли» тушунчасини ифодалайди. Аруз тизими асосида яратилган шеърий асарларнинг байтлари ҳажми тўрт рукндан 36 рукнгача бўлиши мумкин. Байт тўрт рукнли бўлса, «мураббаъ» (тўртлик), олти рукнли бўлса, «мусаддас» (олтилик), саккиз рукнли бўлса «мусамман» (саккизлик) деб юритилади. 12 ва ундан ортиқ рукндан ташкил топган байтлар мутаввал деб аталади.

Бобур ўзининг «Мухтасар» асарида «... байт тўрт рукндан ё олти рукндан, ё саккиз рукндин бўлур. Агар байтнинг биноси саккиз рукндин ортуқ бўлса **мутаввал** дерлар. Бу мутаввалнинг миқдори муайян эмас. Ҳар не миқдор ортиқ бўлса, шоир мухтордур. Ақалли ўн икки рукн келибдур», — деб ёзган эди.

Форс-тожик шеъриятида мутаввал рукнли шеърлар ёзиш анъанаси узоқ тарихга эга. Ўзбек шеъриятида эса бу хил шеърлар, кўринишича, даставвал Алишер Навоий томонидан яратилган. Унинг мустаҳзодлари 12 рукнли шеърлардир. Шоирнинг

Не пок мажнунки бир паричеҳра пок
ҳуснига зор бўлгай,
Бу пок ишқ ичра пок жон тарки этса не
ихтиёр бўлгай

матлаъи билан бошланувчи газали 16 рукнли мутақориби мақбузи аслам вазнида битилган эди. Ушбу байтнинг рукнлар таркибини аниқласак, қуйидаги манзара ҳосил бўлади:

Не пок	мажнун	ки бир па	ричеҳ	ра пок
Фаулу	фаълун	фаулу	фаълун	фаулу
		ҳусни	га зор	бўлгай
		фаълун	фаулу	фаълун

Бу пок	ишқ ич	ра пок	жон тар	ки этса
Фаулу	фаълун	фаулу	фаълун	фаулу
		не их	тиёр	бўлгай
		фаълун	фаулу	фаълун

Кўриниб турибдики, байт 16 рукнли бўлиб, фаулу ва фаълун такрорига асосланади.

Навоийдан сўнг бу анъанани Бобур, Огаҳий ва Фурқат каби санъаткор шоирлар давом эттирдилар. Бобур ўзининг «Мухтасар» асарида «Ҳиндистон фатҳининг сўнгги йили Санбал сориға борур фурсатда бир мутатаввал байт 16 рукн била айтилиб эди», — дея ўша байтни келтиради:

Манга сен нечаким жавру жафо бирла азоб айласанг,
эй ёри жафожўйи пурозори ситамкор.
Санга мен қилурам қуллуқу хизмат, чекарам жавру жафо
токи тирикман эрурам ёри вафодор.

Байтни тақтиъ қилсак, ҳар қайси мисранинг охирги рукни мафоийлга, ундан олдинги еттитадан рукн мафоийлуга тенг бўлиб, мисралар 16 рукнли ҳазажи макфуфи мақсур вазнида ёзилгани маълум бўлади.

«Мухтасар»да келтирилган яна бир байт — Тирозий деган шоир асари эса 20 рукнли ҳазажи солим вазнида ёзилган эди. Мана ўша байт:

Бу шаклу ҳусн ила, жоно, сенингдек шўху айёру
латифу нозику
зебоу таннозу шакар гуфтору ширинкор
бир дилбар,
Анодин тугмади ҳаргиз Ироқу Чину Яғмоу Чигил,
Такину Миср
Ховару Руму Хўтан мулкинда,
эй раънойи сийминбар.

Байтни тақтиъ қилсак, мисралар ҳар бири мафоийлунга тенг 10 тадан жами 20 рукндан ташкил топгани аён бўлади.

Огаҳий қаламига мансуб
Сенсан латофат тахти уза шаҳ, ҳусн аҳлидурлар
хайли сипоҳинг,
Бўлсун илоҳи то рўзи маҳшар афзуну олий иқболи
жоҳинг

байти билан бошланувчи ғазал 16 рукнли мутақориби аслам вазнида, унинг

Туну кун караминг ўқини отасан ҳама олам элини
нишона қилиб,

Вале навбат агар манга етса хато қиласан неча навъ
баҳона қилиб

байти билан бошланувчи ғазали эса 16 рукнли мутадорики махбун (фаилун рукни байтда 16 марта такрорланади) вазнида ёзилган эди.

Ушбу анъанани давом эттирган Фурқат ҳам ўзининг

Ақлимни олди, ҳайратга солди бир турфа жонон,
султони хўбон,
Ул бир табассум айлаб такаллум чун моҳи тобон
бўлди намоён

байти билан бошланувчи ғазалини 16 рукнли мутақориби аслами мусаббағ вазнида яратди.

Мутаттавал байтли асарлар яратиш анча мураккаб бўлгани учун шеъриятимизда бу усулга жуда кам мурожаат қилинган.

Мутафоилун — аруз тизимининг беш ҳижоли асосий рукнларидан бўлиб, v v — v — чизмаси билан ифодаланади. Кўриниб турганидек, ушбу рукн кичик фосила (v v —) ва ундан кейин келувчи бириккан ватад (v —) дан ташкил топади. Унинг айнан такроридан комил баҳри тузилади.

Мутафоилун асли шеъриятимизда фақат солим ҳолда қўлланган учун бўлса керак, Алишер Навоий «Мезонул авзон» асарида унинг зиҳофлари ва фуруъларини келтиришни лозим кўрмаган. Бобур эса «Мухтасар» асарида мутафоилун аслининг 7 зиҳоф билан ўзгартирилиши, бунинг оқибатида унинг 7 хил фуруъи ҳосил бўлишини таъкидлайди. *(Қаранг:* «Комил баҳри»).

Мутақориб баҳри («мутақориб» арабча сўз бўлиб, «бир-бирига яқинлашувчи» деган маънони ифодалайди) ўзбек шеъриятида анча кенг қўлланиб келган ўлчов турларидан бўлиб, фаулун аслининг айнан такрорига асосланади. Шеъриятимизда ушбу баҳрнинг саккиз рукнли вазнларидангина фойдаланиб келинган. Мутақориб баҳрининг саккиз рукнли солим вазни рукнлари ва чизмаси бир мисрада

фаулун	фаулун	фаулун	фаулун
v — —	v — —	v — —	v — —

кўринишидадир.

Алишер Навоий «Мезонул авзон» да мутақориб баҳрининг 11 вазнини санаб, уларга мисоллар келтиради. Бобурнинг «Мухтасар» асарида эса ушбу баҳрнинг 42 вазни келтирилиб, улардан ҳар бирининг оҳанг хусусиятлари байтлар билан кўрсатилган.

Мутақориб баҳри шеъриятимизда қўлланган энг қадимий ўлчовлардан бўлиб, унинг бизга қадар етиб келган дастлабки намунаси Юсуф хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» достони саналади. Асар мутақориб баҳрига мансуб мутақориби мусаммани солим, мутақориби мусаммани маҳзуф ҳамда мутақориби мусаммани мақсур вазнлари асосида яратилган эди.

Кейинчалик мутақориб баҳри лирик шеъриятда ҳам, достончиликда ҳам кенг қўлланилиб келди. Жумладан, Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» достони, жами 75 лирик шеъри, хусусан, 51 ғазали шу баҳр ўлчовлари асосида битилган.

Мутақориб баҳри вазнларида ёзилган шеърлар «Шашмақом»нинг «Бузрук», «Рост», «Дугоҳ», «Сегоҳ», «Ироқ» шаҳобчаларидаги 19 куйга, шунингдек, «Баёти Шерозий», «Дугоҳ Ҳусайн» каби куйларга мос тушади.

МУТАҚОРИБ БАҲРИ ВАЗНЛАРИ

Ўзбек шеъриятида мутақориб баҳрига мансуб бўлган жами 8 ўлчовдан, жумладан: мутақориби мусаммани солим, мутақориби мусаммани маҳзуф, мутақориби мусаммани мақсур, мутақориби мусаммани аслам, мутақориби мусаммани мақбузи аслам, мутақориби мусаммани асрами маҳзуф, 16 рукнли мутақориби аслам, 16 рукнли мутақориби мақбузи аслам вазнларидан фойдаланиб келинган. Ушбу вазнлар фаулун асли ва унинг қуйидаги тармоқларига асосланади:

№ №	Рукн	Унинг чизмаси	Аталиши	Қўлланиш ўрни
1.	Фаулун	v — —	солим	ҳамма рукнлар ўрнида
2.	Фаулу	v — v	мақбуз	садр, ибтидоъ, ҳашвларда
3.	Фаълу	— v	асрам	— « —
4.	Фаълун	— —	аслам	— « —
5.	Фаулон	v — ~	мусаббағ	охирги рукнларда (аруз ва зарбда)
6.	Фаал	v —	маҳзуф	— « —
7.	Фаул	v ~	мақсур	— « —

Мутақориби мусаммани солим шеъриятимизда унча кенг қўлланмаган ўлчовлардан бўлиб, рукнлари ва чизмаси

фаулун	фаулун	фаулун	фаулун
v — —	v — —	v — —	v — —

тарзидадир. Ушбу вазн дастлаб Юсуф хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» достонида қўлланган эди. Мазкур асар сўнгидаги икки қасида ушбу ўлчов билан ёзилган. Чунончи:

Кими севдум эрса севуг жанча туттим,
Жафо келди андин кими мат севойи.

Киши кўнгли билгу тануқ эрди тил сўз,
Кўнгул тил ала бўлди кимга битойи.

942-бет

Алишер Навоий лирикасида мазкур ўлчов асосида яратилган ғазаллар учрайди. Чунончи, шоирнинг

Қад эрмаски, сарви хиромон эрур бу,
Лаб эрмаски, гулбарги хандон эрур бу.

Лабингким ўлук тиргизур жонму эркин,
Агар жон эмас обу ҳайвонму эркин.

Сочинг ранги анбармудур, мушки чинму?
Лабинг таъми шаккармудур, анкабинму?

матлаъли ғазаллари ушбу вазндадир. Шоир ўзининг жами 38 шеърини, жумладан, 29 ғазал, 7 қитъа, бир муаммо ва бир фардини ушбу ўлчов заминида битган эди.

Навоийдан сўнг ушбу вазн ўзбек шеъриятида деярли қўлланмади. Кекса арузшунос шоир Ҳабибий ўзининг

Жанобингга аҳди вафо қилмадимму?
Вафо расмини жон-бажо қилмадимму?

матлаъли ғазалида ушбу ўлчов имкониятларини синаб кўрган эди.

Мутақориби мусаммани маҳзуф — шеъриятимизда кенг қўлланган ўлчовлардан бўлиб, рукнлари ва чизмаси

фаулун	фаулун	фаулун	фаал
v — —	v — —	v — —	v —

тарзидадир.

Туркий шеъриятнинг бизгача етиб келган йирик обидаси Юсуф хос Ҳожибнинг «Қутадғу билик» достони шу вазн асосида битилган эди. Шоир ўз асарини форс-тожик адабиётининг йирик намояндаси Абулқосим Фирдавсийнинг мана шу вазнда ёзилган машҳур «Шоҳнома» достони таъсирида яратганди.

Кейинчалик ушбу ўлчов қаҳрамонлик достонлари учун махсус вазн бўлиб қолди ҳамда Низомий, Хисрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийларнинг «Хамса»ларидаги Искандар ҳақида битилган достонларда фойдаланилди.

Мутақориби мусаммани маҳзуф вазни XVI—XX асрлар лирик ва лиро-эпик шеъриятида ҳам анча кенг қўлланиб борилди.

Мисоллар:

Лабинг сори токим назардур манго,
Ёш ўрнида хуни жигардур манго.

(Навоий)

Сенингдек бутте йўқтурур Чин аро
Бути Чин сенинг банданг ойин аро.

(Навоий)

Мутақориби мусаммани мақсур вазнининг рукнлари ва чизмаси

фаулун	фаулун	фаулун	фаул
v —	v — —	v — —	v ~

тарзида бўлиб, бу ўлчовда ёзилган шеърнинг ҳар қайси мисрасидаги олдинги уч рукни **фаулун** аслига, охирги рукн эса **фаулун**нинг **мақсур** тармоги **фаулга** тенг бўлади. Бу ўлчов олдинги вазнга яқин бўлиб, охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билангина фарқланади. Шу туфайли ҳам ҳар иккала вазн бир шеърнинг ўзида биргаликда қўлланаверади. Юсуф хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» достонидаги

Кулар юз исиғ сўзга ялнуқ исир,
Исинса бу ялнуқ бўлур қул асир.

...Бири бег сўзини қатиг тутса берк,
Икинчи ҳавақа уқуш қилса эрк

...Бу тўртинг ёвуз бегка арқуқ қилинч,
Бешинчи ярагсиз бу ёлғон эринч

(346 бет)

каби анчагина байтлар ушбу ўлчов асосида ёзилган эди.

Мисоллар:

Баҳор элга айшу манга изтироб,
Кулуб ҳолима барқу йиглаб саҳоб.

(Навоий)

Мени ишқдин манъ этар сода шайх,
Дема сода шайх, айтким лода шайх.

(Навоий)

Фалак сочти хон бошига сийми ноб,
Бизинг шоҳ аёгига лаъли музоб.

Фалак бирла шаҳ қадри жоҳи аро,
Тафовут нисоридин этгил ҳисоб.

(Навоий)

Мутақориби мусаммани маҳзуф ва мутақориби мусаммани мақсур вазнларидаги лирик шеърлар «Соқийномаи сарвиноз», «Талқинчаи наврўзи сабо», «Соқийномаи савти ушшоқ», «Дугоҳ» таронаси, «Баёти Шерозий V», «Дугоҳ Ҳусайн VII» каби куйларга мосдир.

Мутақориби мусаммани аслам форс-тожик ва туркий шеъриятларда анча кенг қўлланган ўйноқи, сержилва вазнлардан саналади. Унинг рукнлари ва чизмаси

фаълун	фаулун	фаълун	фаулун
— —	v — —	— —	v — —

тарзидадир. Кўриниб турибдики, унинг таркиби **фаулун** аслининг **аслам** тармоғи **фаълун** ҳамда унинг **солим** кўриниши — **фаулун** рукнларининг кетма-кет такроридан иборатдир. Ушбу хил ҳижолар такрори енгил ва ўйноқи оҳанг ҳосил қилади. Бу оҳанг эса халқ қўшиқларига жуда яқин туради. Шунинг учун ҳам ушбу ўлчов XV асрдан бошлаб туркий шеъриятнинг ёқимли вазнлари қаторидан жой олди.

Ушбу ўлчов илк бор Алишер Навоий ижодида қўлланган десак янглишмасмиз. Зеро, унинг салафлари ижодида ушбу ўлчов учрамайди. Алишер Навоий «Хазойинул-маоний»дан ўрин олган

Қон айладинг кўнглумни ниҳони,
Кўргил ики кўзумда нишони.
Тушти фиғонга кўнглум ул ойдин,
Тонг йўқ етишса кўкка фигони

байтлари билан бошланган ғазалини ушбу ўлчов асосида битганди.[1]

---

[1] Адабиётшунос С. Мирзаев тузган вазн кўрсаткичларида ушбу ғазал ўлчови асосида ҳолда музореъ мусаддаси мақфуфи мақсур тарзида кўрсатилган (*Қаранг:* Алишер Навоий. «Хазойинул-маоний», «Наводируш шабоб», ЎзФАН, 1959, 735-бет).

Мазкур вазн кейинчалик Машраб, Ҳувайдо, Фуркат, Ҳамза каби шоирлар ижодида анча кенг қўлланди.

Ушбу вазндаги шеърлар «Бузрук» тароналари, «Соқийномаи мўғулчаи Бузрук», «Рост», «Дугоҳ», «Сегоҳ» мақомлари тароналари билан куйлаб келинган.

Мисоллар:

Кўрсат жамолинг мастоналарга,
Ишқингда куйган парвоналарга.

(Машраб)

Жилва қилурсан минг ноз бирлан,
Фарёд этарман овоз бирлан.

(Машраб)

Жоно, будурким рози ниҳоним,
Етмаклик эрди санга гумоним,
Ногаҳ рамаққа етганда жоним,
Кўрдим юзингни алҳамдилиллоҳ.

(Муқимий)

Гул-гул очилган бўстонларим бор,
Ширин, ғазалхон хушхонларим бор.

(Ҳабибий)

Мутақориби мусаммани асрами маҳзуф вазни шеъриятимизда жуда кам қўлланган ўлчовлардан биридир. Рукнлари ва чизмаси бир мисрада

фаълу	фаулун	фаълу	фаал
— ∨	∨ — —	— ∨	∨ —

кўринишида бўлган ушбу вазн таркибида фаулун аслининг солим рукни, шунингдек ушбу аслининг асрам тармоғи **фаълу** ҳамда маҳзуф тармоғи **фаал** рукнлари иштирок этади.

Унча ёқимли бўлмаган ушбу вазн мусиқа учун ҳам ноқулай. Шунинг учун бўлса керак мазкур ўлчовдан туркий шеърият, жумладан, ўзбек адабиётида жуда кам фойдаланилган. Ушбу ўлчовнинг бир-икки намунаси Алишер Навоийнинг «Хазойинул маоний» асарида учрайди. Чунончи, шоирнинг

Базм аро гар йўқ май била даф,
Ҳам ёмон эрмас ун била каф

матлаъли ғазали мазкур вазнда битилган эди.

16 рукнли мутақориби мақбузи аслам шеъриятимизда деярли қўлланмаган вазнлардан бири бўлиб, рукнлари ва чизмаси бир мисрада

фаулу фаълун фаулу фаълун фаулу фаълун фаулу фаълун
v — v — — v — v — — v — v — — v — v — —

тарзидадир. Кўриниб турганидек, мутақориб баҳрининг ушбу ўлчовида фаулун аслининг мақбуз тармоғи фаулу ҳамда аслам тармоғи фаълун рукнлари алмашиниб такрорланади. Бу ўлчовда битилган шеърларни мусиқага солиш анча мушкил. Шу туфайли бўлса керак, кўпчилик шоирлар бу вазнда асар битишмаган. Алишер Навоий, Огаҳий, Комил Хоразмий каби етук санъаткор шоирларгина ўз қаламларини синаш, ушбу ўлчовнинг вазн-оҳанг имкониятларини намойиш қилиш мақсадида бир-икки ғазал яратганлар.

Мисоллар:

Сипеҳр боғин нужум варди чу қилди ул навъиким
хаварнақ,
Юзидин ул шамъ анжуман ичра солди юз минг
сафоу равнақ.

(Навоий)

Бу гулшан ичра жунун элидек не важҳ
ила чок этар яқо гул,
Агар жамолинг гулига вола эмас эса,
эй парилиқо, гул.

(Огаҳий)

Юзунг сипеҳри малоҳат узра қуёшдин аҳсан,
қамардин анвар,
Сўзунг бухори балоғат ичра гуҳардин ашраф,
дурардин ақдар.

(Комил Хоразмий)

16 рукнли мутақориби аслам шеъриятимизда жуда кам қўлланган ўлчовлардан бўлиб, айрим шоирларгина бу вазнда ўз қаламларини синаб кўрганлар. Мазкур ўлчовнинг рукнлари ва чизмаси бир мисрада

фаълун фаулун фаълун фаулун фаълун фаулун фаълун фаулун
— — v — — — — v — — — — v — — — — v — —

тарзида. Бинобарин, мутақориби мусаммани аслам вазнида бўлганидек, унинг таркибида фаулун аслининг аслам тармоғи бўлмиш **фаълун** ҳамда ўша аслнинг солим кўриниши **фаулун** рукни кетма-кет алмашиниб келади. Фақат бундай ўлчовда битилган асарларнинг ҳар қайси байти 16 рукндан ташкил топади.

Шеъриятимизда ушбу вазн асосида икки газал битилган бўлиб, улар Огаҳий ва Фурқат қаламларига мансубдир.

Эй хайли ғамзанг торожи бирла етмиш
саросар иймонга яғмо,
Ишванг сипоҳи чопғунларидин тушмуш
гадоу султонға яғмо.

(Огаҳий)

Ақлимни олди, ҳайратга солди бир турфа жонон,
султони хўбон,
Ул бир табассум айлаб такаллум чун моҳи
тобон бўлди намоён.

(Фурқат)

Мутаҳаррик ҳаракатли, яъни ости ёки устида зер, забар, пеш бор деб тасаввур этилган, бошқача қилиб айтганда, қисқа унлидан олдин келган ундош ҳарф. Масалан, «зафар» сўзидаги «з» ва «ф» ундошлари шундай ҳарфлардан саналади. Аруз илмига кўра якка мутаҳаррик ҳарф ҳижо ташкил этмайди, икки мутаҳаррик ҳарфгина сабаби сақийл ҳосил қилиши мумкин.

Мутаҳаррик ҳарфларнинг сокин ҳарфлар билан турлича таркибда бирикиб келишидан сабаб, ватад, фосила деган ритмик бўлак — жузвлар юзага келади (*Қаранг:* «Сабаб», «Ватад», «Фосила»).

Муфрад зиҳоф — аслларнинг биргина ўзгаришга дуч келишини назарда тутувчи зиҳоф демакдир («муфрад» «якка» маъносини ифодалайди). Арузга хос зиҳофларнинг аксарияти шу турга мансуб бўлиб, уларга дуч келган асллар таркибидаги ҳижолар туширилади ё орттирилади, қисқа ҳижо чўзиққа, чўзиқ эса қисқа ё ўта чўзиқ ҳижога айлантирилади. Жумладан, «мафоийлун» асли «тасбиғ» зиҳофига дуч келганда, охирги ҳижоси ўта чўзиқ ҳижога айлантирилади, «ҳазф» зиҳофига дуч келса, охирги ҳижоси туширилади. Шу каби бир хилгина ўзгариш юқоридагича ном-

ланади. Ўзбек арузида учрайдиган «батар», «жабб», «қабз», «хабн», «кафф», «шакл», «харм» каби қатор зиҳофлар ҳам муфрад саналади.

У ёки бу аслни бир вақтнинг ўзида икки жиҳатдан (ҳижоларни тушириб, айни чоғда бошқа ҳижони қисқа ё чўзиққа айлантириш тарзидаги) ўзгартиришни назарда тутувчи зиҳофлар мураккаб зиҳоф саналади (*Қаранг:* «Мураккаб зиҳоф»).

Муфтаилун мустафъилун аслининг «тайй» зиҳофига дуч келиши натижасида ҳосил бўлган тармоқ рукн бўлиб, вазн чизмасида — **v v** — тарзида ифодаланади ва «матвий» деб юритилади. Ушбу фуруъ мустафъилун асли иштирокида тузиладиган ражаз, мунсариҳ ва сариъ баҳрларига мансуб 6 вазн таркибида 1—3-рукнлар (садр, ибтидоъ, ҳашвлар) ўрнида қўлланади.

Мухтараъ вазн — ихтиро қилинган, лекин ҳали шеъриятда қўлланмаган шеърий ўлчов. Айрим арузшунослар адабиётда қўлланиб келган вазнлардан ташқари, ўзлари ҳам янги ўлчовларни яратадилар. Ана шундай вазнлар мухтараъ вазн саналади. Чунончи, Бобур «Мухтасар»да ҳар қайси баҳрнинг вазнлар кўлами ҳақида сўз юритар экан, шу вақтгача қўлланиб келган вазнларни изоҳлаш билан чекланиб қолмай, шу баҳр доирасида қўлланилиши мумкин бўлган — ўзи ихтироъ қилган ўлчовларни ҳам санаб, уларга мисоллар келтиради. Асарда у санаб ўтган 537 вазндан 248 таси ана шундай ўлчовлардир. Масалан, рамал баҳри ҳақида гап борганда, Бобур ўзи ихтиро қилган рамали мусаммани машкули мушаъас вазнини

Қани сенча дилдоре, қани сенча дилдода,
Қани сен каби саркаш, қани мендек уфтода
Фаилоту мафъулун фаилоту мафъулун

байти билан, рамали мураббаъи махбун вазнини

Гузаре қил манга эй гул,
Назар эт, қўй бу тағофул
Фаилотун фаилотун

байти билан тасдиқлайди.

Мухтараъи матбуъ вазн — ихтиро қилинган ёқимли шеърий ўлчов. Бобур ўз «Мухтасар»ида ўзи ихтиро қилган бир қатор вазнларни мухтараъи матбуъ деб

таъкидлайди. Масалан, муаллиф ҳазаж баҳрига мансуб қуйидаги ўлчовларни шундай вазнлар жумласига киритади ва, бинобарин, улардан фойдаланишни тавсия қилади.

«Аввалги вазн:

Менинг ғамим билмайсен, сенинг билан нетгумдур,
Жафони кам қилмайсен, бошим олиб кетгумдур.

Иккинчи вазн:

Вафони кам билурсен, сенинг била нетай мен,
Жафони кўп қилурсен, бошим олиб кетай мен.

Учинчи вазн:

Таним бўлди мўйдек белингнинг фироқидин,
Кўзум ёши жўйдек юзунг иштиёқидин.

Тўртинчи вазн:

Эй ёри жафокор, гоҳи мени ёд қил,
Ҳажрингда ғамим бор васлинг била шод қил.

Бешинчи вазн:

Ишқида борибтур ороми қарорим,
Қилғайму тараҳҳум ҳолимға нигорим».

Мушаъас Фоилотун аслининг «ташъис» («сочилиш») зиҳофига дуч келиши натижасида ҳосил бўлган «мафъулун» (чизмаси: — — —) тармоқ рукнининг номи бўлиб, «сочилган» деган маънони ифодалайди. Ушбу тармоқ рукн рамал баҳрининг олти рукнли вазнлари таркибида иштирок этади (*Қаранг:* «Рамал баҳри вазнлари»).

Мушокил баҳри арузнинг асосий ўлчовларидан бири бўлиб, асосан араб шеъриятидагина қўлланган. Унинг асосини фоилотун аслининг бир марта, мафоийлун аслининг икки марта такрори ташкил қилиб, олти рукнли солим вазни рукнлари ва чизмаси бир мисрада

фоилотун	мафоийлун	мафоийлун
— v — —	v — — —	v — — —

тарзидадир. Навоий ўз «Меъзонул авзон»ида ушбу ўлчовга мисол қилиб

Неча сансиз фироқингда фиғон айлай,
Нола бирла улус бағрини қон айлай

байтини келтиради. Бобур «Мухтасар»да ушбу вазнга айтилган Навоий байтини такрорлаб, ушбу баҳрнинг яна 17 вазни қўлланиши мумкинлигини таъкидлаб, уларнинг ҳар бирига ўз байтларини мисол қилиб келтиради.

Мушокил баҳри ҳам шеъриятимизда қўлланмаган.

Муқтазаб баҳри — («муқтазаб» арабча сўз бўлиб, «кесиб олинган» деган маънони ифодалайди) арузнинг асосий ўлчовларидан бўлиб, фақат араб шеъриятида қўлланган. Унинг асосини **мафъулоту** ҳамда **мустафъилун** аслларининг кетма-кет такрорланиши ташкил қилиб, жумладан, саккиз рукнли солим вазнининг рукнлари ҳамда чизмаси бир мисрада

мафъулоту	мустафъилун	мафъулоту	мустафъилун
— — — v	— — v —	— — — v	— — v —

тарзидадир. Алишер Навоий ушбу вазнга мисол келтирмаган, Бобур ўзининг «Мухтасар» асарида мазкур ўлчовга

Эй бемеҳр, келгил бери, бу фурқатга бир чора қил,
Ё йўқ эрса кўксумни ёр, бу кўнглумни овора қил

байтини мисол қилиб келтиради. Навоий «Меъзонул авзон»да муқтазаб баҳрининг олти рукнли (мусаддас) солим вазнига мисол тариқасида

Келмас бизга ул кофири қотил даме,
Ваҳки бизни ултурғуси онинг ғами

байтини келтиради. Бобурнинг «Мухтасар» асарида муқтазаб баҳрининг яна ўн тўрт вазнига мисоллар берилган.

Муқтазаб баҳри вазнларидан ўзбек адабиётида фойдаланилмаган.

Ражаз[1] **баҳри** арузнинг асосий ўлчов турларидан бири бўлиб, унинг асосини мустафъилун аслининг айнан такрори ташкил этади. Чунончи, унинг мусаммани солим вазни рукнлари ва чизмаси бир мисрада

Мустафъилун	мустафъилун	мустафъилун	мустафъилун
— — v —	— — v —	— — v —	— — v —

тарзидадир.

---

[1] «Ражаз» сўзи арабча бўлиб, «тезлик», «изтироб» маъноларини англатади.

Алишер Навоий «Мезонул авзон» асарида ушбу баҳрнинг 13 вазни ҳақида фикр юритиб, уларнинг ҳар бирига мисоллар келтиради. Бобур ўзининг «Мухтасар» асарида ражаз баҳрининг 63 вазнни ўз ичига олиши ҳақида сўзлаб, улардан 32 таси мустаъмал, 31 таси мухтараъ, ўн вазн мустаъмали матбуъ эканини таъкидлайди.

Шеъриятимизда ражаз баҳрининг саккиз рукнли 4 вазнидангина фойдаланиб келинган. Улар ражази мусаммани солим, ражази мусаммани музол, ражази мусаммани матвийи махбун ва ражази мусаммани матвийи махбуни музол ўлчовларидир.

Ражаз баҳри дастлаб «Қисаси Рабғузий»да қўлланган эди. Ушбу баҳрнинг юқорида зикр этилган тўрт ўлчовидан Атоий, Саккокий, Лутфий, Гадоийлар ижодида ҳам анча кенг фойдаланилган. Мазкур тўрт вазндан Алишер Навоий ҳам унумли фойдаланиб, улар асосида ўзининг жами 24 асари, жумладан, 22 ғазали, 1 қитъа ва бир муаммосини яратган.

Мазкур ўлчовлар барча асрларда шоирларимизнинг лирик шеъриятида қўлланиб келган. Ушбу вазнларни замонавий шоирлар ижодида ҳам учратиш мумкин.

Ражаз баҳрида ёзилган ғазал ва мухаммаслар «Шашмақом»нинг «Ироқ» куйи тароналари, шунингдек, «Баёт IV», «Дугоҳ», «Ҳусайн V» каби қатор куйларга мос тушади.

Ражаз баҳрининг шеъриятимизда қўлланган вазнлари мустафъилун асли ҳамда унинг қуйидаги тармоқлари такрорига асосланади:

№№	Рукн	Чизмаси	Аталиши	Қўлланиш ўрни
1.	Мустафъилун	— — v —	солим	Барча рукнларда
2.	Мустафъилон	— — v ~	музол	охирги рукнда (аруз ва зарбда)
3.	Муфтаилун	— v v —	матвий	1,3 рукнларда (садр, ибтидоъ ва кейинги ҳашвда)
4.	Мафоилун	v — v —	махбун	2,4-рукнларда (олдинги ҳашв, аруз ва зарбда)
5.	Мафоилон	v — v ~	махбуни музол	охирги рукнда (аруз ва зарбда)

Ражази мураббаи солим шеъриятимизда қўлланиб келган ўлчовлардан бўлиб, рукнлари ва чизмаси бир мисрада

мустафъилун мустафъилун
— — v — — — v —

тарзидадир. Ушбу ўлчов дастлаб «Қисаси Рабғўзий»да қўлланган эди. Кейинчалик XIX асрнинг II ярми шеъриятида ушбу вазнга мурожаат қилиниб, унинг асосида бир қатор «Саёҳатнома»лар яратилди. Муқимий, Завқий каби шиорлар битган «Саёҳатнома»лар шулар жумласидандир.

Мисоллар:

Ёши кичик, йўни улуғ,
Зоти ориғ бек Тўқбуға,
Ул Носириддин куняти.

(Рабғўзий)

Қолмай шаҳарда тоқатим,
Қишлоқ чиқардим одатим,
Хоҳи яёв, бўлсун отим,
Гоҳ сайр ҳам даркор экан.

(Муқимий)

Олдим қўлимга хомани,
Ёздим ажойиб номани,
Тингланг қизиқ ҳангомани,
Жанжоли то алҳол экан.

(Завқий)

Ражази мураббаи музол вазни шеъриятимизда кам қўлланган ўлчовлардан саналади. Ушбу вазнда ёзилган шеърлар юқоридаги ражази мураббаи солим ўлчовидан мисра охиридаги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билангина фарқланади. Бинобарин, мазкур вазннинг рукнлари ва чизмаси ҳар мисрада

мустафъилун мустафъилон
— — v — — — v —

тарзидадир. Демак, ҳар қайси мисранинг биринчи рукни **мустафъилун** асли (солим)га, иккинчи рукни эса шу аслнинг **музол** тармоғи **мустафъилон**га тенг бўлади. Масалан, Муқимий қаламига мансуб «Саёҳатнома»нинг

Фарёдким, гардуни дун,
Айлар юрак-бағримни хун,
Кўрдики, бир аҳли фунун
Чарх анга кажрафтор экан.

...Аммо назарда Рошидон,
Фирдавс боғидин нишон,
Ўйнаб оқар оби равон,
Саҳни гулу гулзор экан.

...Бордим шаҳардин «Яккатут»,
Баққоли дузду бадбурут,
Бир танга сотқай бир қурут,
Инсофи йўқ таррор экан

бандларидаги 1—3-мисралар мазкур ўлчов асосида яратилган.

Шеърий асарларда ражази мураббаи солим ва ражази мураббаи музол вазнлари биргаликда қўлланаверади.

Ражази мусаммани солим шеъриятимизда анча кенг қўлланган вазнлардан бўлиб, рукнлари ва чизмаси ҳар мисрада

Мустафъилун мустафъилун мустафъилун мустафъилун
— — v — — — v — — — v — — — v —

тарзидадир. Кўриниб турганидек, ушбу ўлчов мустафъилун аслининг айнан такрорига асосланади. Чўзиқ ва қисқа ҳижоларнинг шу тарздаги такрори вазмин, салобатли оҳанг яратади. Мазкур ўлчов мусиқага ҳам осон тушади. Шу туфайли шеъриятимизда ражази мусаммани солим вазнида кўпгина лирик шеърлар яратилган.

Ушбу ўлчовнинг адабиётимизда қачондан бошлаб қўлланганини аниқ айтиш қийин. Шуни таъкидлаш лозимки, XIV аср II ярми, XV аср бошида яшаб ижод этган Атоий, Саккокий, Гадоий, Лутфий каби шоирларнинг барчаси ўз асарларининг бир қисмини мана шу ўлчов асосида яратганлар. Алишер Навоий ўзининг 9 ғазалини ушбу ўлчов асосида битган эди. Мазкур вазн ҳанузгача шеъриятимизда қўлланиб келади.

Мисоллар:

Эй кўнглум олган дилрабо, жоним фидо бўлсун санга,
Оби ҳаёти Хизр ила умре бақо бўлсун санга

(Атоий)

Эй жондин ортуқ севганим, қасд этма охир жонима,
Раҳм этгил, ўлтурма мени, ноҳақ қолурсан қонима.

(Саккокий)

Мен хаста қонина қамар соҳибжамоле боғламиш,
Қасди ғарибе айламиш, нозук хаёле боғламиш.

(Лутфий)

Бир куни мени ул қотиле мажнуншиор ўлтургуси,
Усрук чиқиб жавлон уриб девонавор ўлтургуси.

(Навоий)

Эй шўх, кўзу қошинга олам гадо, ман ҳам гадо,
Лаъли лаби дурпошинга олам гадо, ман ҳам гадо.

(Огаҳий)

Меҳнаткаш элни шод этар аввал баҳорини кўринг,
Аввал баҳор иш бошлаган кенг пахтазорини кўринг.

(Ҳабибий)

Ражази мусаммани музол вазни шеъриятимизда кам қўлланган ўлчовлардан бўлиб, рукнлари ва чизмаси бир мисрада

мустафъилун мустафъилун мустафъилун мустафъилон
— — ∨ — — — ∨ — — — ∨ — — — ∨ ~

тарзидадир. Яъни бу ўлчовда ёзилган шеърий асарнинг садр, ибтидоъ, ҳашвлари мустафъилун аслига, аруз ва зарб рукнлари эса мустафъилун аслининг музол тармоги мустафъилон рукнига тенг бўлади.

Мазкур вазн ражази мусаммани солим ўлчовидан охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билангина фарқ қилади. Шунга кўра ҳар икки вазн бир шеърда қўллана-веради.

Мисоллар:

Лутф айлаб, эй пайки сабо, ҳолимни султонимга айт,
Яъники жоним дардини ишқида жононимга айт.

(Огаҳий)

Гар истар эрсанг, эй кўнгул, қилмоқ сани масрур ганж,
Тутгил қаноат кунжиниким, ул эрур мавфур ганж.

(Огаҳий)

То қилмаса ўзни киши ботил
тасаввурдин халос,
Бўлмоқ анга мумкин эмас ҳаргиз
такаббурдин халос.

(Огаҳий)

Ражази мусаммани матвийи махбун шеъриятимизда анча кенг қўлланилган вазнлардан бўлиб, рукнлари ва чизмаси бир мисрада

муфтаилун	мафоилун	муфтаилун	мафоилун
— v v —	у — у —	— v v —	у — у —

тарзидадир. Яъни бу ўлчовда ёзилган шеърий асар мисраларидаги биринчи ва учинчи рукнлар **мустафъилун** аслининг **матвий** тармоғи **муфтаилун** рукнига, иккинчи ва тўртинчи рукнлар эса **мустафъилун** аслининг **махбун** тармоғи — **мафоилун** рукнига тенг бўлади.

Ушбу ўлчов шеъриятимизда XIV асрдан қўллана бошлагани маълум: Атоий, Гадоий, Лутфий каби шоирлар ижодида бир қанча ғазаллар мазкур вазн асосида битилган.

Навоий ўзининг ўзбек тилидаги 9 ғазалини шу ўлчовда яратган эди. Ундан Мунис, Огаҳий, Машраб, Завқий каби шоирлар ҳам баракали фойдаланганлар. Ҳабибий ҳам ушбу ўлчов асосида бир қатор ғазаллар ёзган.

Мисоллар:

Эй бегим, ушбу юз дегул, шамс била қамармудур?
Эй бегим, ушбу сўз дегул, шаҳд била шакармудур?

(Атоий)

Тушти яна кўнгул сочинг фикринаю хаёлина,
Ҳеч била олманам мунунг фикри наю, хаёли на?

(Гадоий)

Гарчи йироқ тушмишам ул севарим висолидин,
Ўзгага солғали назар ўфтанурам хаёлидин.

(Лутфий)

Сувда юзунгму акси ё чашма аро паримудур,
Чашмаи меҳр ичинда ё ламъаи муштаримудур?

(Навоий)

Боғу баҳор аро не тонг бўлмаса гар қароримиз,
Ким сари қўйингиз эрур боғимизу баҳоримиз.

(Огаҳий)

Ёр келур замона йўқ, келмаса келмасун нетай,
Таклиф этарга хона йўқ, келмаса келмасун нетай.

(Завқий)

Илму ҳунарга интилур бир неча она қизларим,
Чин онаю сингил каби балки дугона қизларим.

(Ҳабибий)

Ражази мусаммани матвийи махбуни музол вазни шеъриятимизда кам қўлланган ўлчовлардан бўлиб, рукнлари ва чизмаси бир мисрада

Муфтаилун	мафоилун	муфтаилун	мафоилон
— v v —	v — v —	— v v —	v — v ~

тарзидадир. Бинобарин, унинг таркибида мустафъилун аслининг матвий тармоғи **муфтаилун** (биринчи ва учинчи рукнларда), **махбун** тармоғи мафоилун (иккинчи рукнда), махбуни музол тармоғи **мафоилон** иштирок этади. Мазкур ўлчовнинг юқоридаги ражази мусаммани матвийи махбун вазнидан охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билангина фарқланиши кўзга ташланиб турибди. Шу хусусиятига кўра ҳар икки вазн бир шеърий асарнинг ўзида қўлланаверади.

Мисол:

Шукрки айш базмидин еткурубон навид ийд,
Аҳли жаҳонни айлади маст майи умид ийд.

(Огаҳий)

Рамал[1] **баҳри** шеъриятимизда жуда кенг қўлланган ўлчов тури бўлиб, унинг асосини фоилотун аслининг айнан такрори ташкил қилади. Адабиётимизда рамал баҳрининг мусамман ва мусаддас вазнларидан фойдаланиб келинган. Рамали мусаммани солим ўлчовининг рукнлари ва чизмаси бир мисрада

фоилотун	фоилотун	фоилотун	фоилотун
— v — —	— v — —	— v — —	— v — —

тарзидадир.

[1] «Рамал» сўзи «туянинг лўкиллаши» деган маънони билдиради.

Алишер Навоий «Мезонул авзон»да рамал баҳрининг 13 вазнинигина санаб ўтиб, уларга мисоллар келтиради. Бобур ўзининг «Мухтасар»ида «Рамал баҳри эллик тўққиз вазн, ўттиз бир мустаъмал, йигирма саккиз мухтараъ, ўн икки вазн мустаъмали матбуъ», — деб таъкидлаб, 59 вазннинг барчасига мисоллар келтиради[1].

Шеъриятимизда рамал баҳрининг 24 вазнидан кенг фойдаланилган. Улар фоилотун асли ва қуйидаги 12 тармоқ рукнининг турли тартибдаги такрорланишига асосланади:

№№	Рукнлар	Уларнинг чизмаси	Аталиши	Қўлланиш ўрни
1.	Фоилотун	— v — —	солим	1-4 рукнларда (садр, ибтидо, ҳашвлар, аруз ва зарбда)
2.	Фаилотун	v v — —	махбун	— » —
3.	Фаилоту	v v — v	машкул	1,3 рукнларда (садр, ибтидо, кейинги ҳашвда)
4.	Мафъулун	— — —	мушаъас	1—2 рукнларда (садр, ибтидо, олдинги ҳашвда)
5.	Фоилоту	— v — v	макфуф	2-рукнда (олдинги ҳашвда)
6.	Фоилийён	— v — ~	мусаббағ	охирги рукнда (аруз ва зарбда)
7.	Фоилун	— v —	маҳзуф	— » —
8.	Фоилон	— v ~	мақсур	— » —
9.	Фаилун	v v —	махбуни маҳзуф	— » —
10.	Фаилон	v v ~	махбуни мақсур	— » —
11.	Фаълун	— —	мақтуъ	— » —
12.	Фаълон	— ~	мақтуъи мусаббағ	— » —

Рамал баҳрида ёзилган туркий шеърлар дастлаб «Қисаси Рабғўзий»да учрайди. Шоир асардаги қиссалар орасида ушбу ўлчовда битилган жами 29 шеър келтиради. Уларнинг аксарияти ғазал шаклида ёзилган. Атоийнинг 167 шеъридан 63 таси, Гадоийнинг 233

[1] *Бобур.* «Мухтасар», 69—77, 145-бетлар.

шеъридан 157 таси, Саккокийнинг 56 шеъридан 11 таси, Ҳофиз Хоразмий қаламига мансуб 1044 шеърдан 350 таси ушбу баҳр вазнлари асосида битилган эди.

Рамал баҳри Алишер Навоий ижодидан янада кенгроқ ўрин эгаллади. «Хазойинул маоний» асаридан ўрин олган 3132 шеърдан 1827 таси, хусусан, (1666) ғазалининг ушбу баҳр ўлчовлари заминида яратилганлиги фикримизнинг далили бўла олади.

Рамал баҳри Навоийдан кейинги давр шоирлари ижодидан ҳам ғоятда кенг ўрин олди.

Рамал баҳри қўшвазнли ва кўп вазнли ўлчов гуруҳлари — шаҳобчалардан ташкил топган. Қўшвазнли ўлчовлардан ҳар бири икки вазнни ичига олса, кўп вазнли шаҳобчалардаги шеърларнинг ҳар қайсиси 8 тагача вазнда ёзилиши мумкин.

Рамал баҳри вазнлари «Шашмақом»нинг жами 49 куйига, «Баёт», «Дугоҳ Ҳусайн» туркумларидаги 9 куйга, шунингдек кўпчилик халқ куйларига мос келади.

РАМАЛ БАҲРИ ВАЗНЛАРИ

РАМАЛ БАҲРИНИНГ ҚЎШВАЗНЛИ ЎЛЧОВЛАРИ

Рамали мусаммани солим шеъриятимизда деярли мутлақо қўлланилмаган вазн бўлиб, рукнлари ва чизмаси бир мисрада

фоилотун	фоилотун	фоилотун	фоилотун
— v — —	— v — —	— v — —	— v — —

тарзидадир. Алишер Навоийнинг «Хазойинул маоний»сидаги биргина ғазал шу ўлчовда ёзилган. Шоир уни мазкур вазн хусусиятларини синаш мақсадида битган деб айтиш мумкин. Ушбу ғазал шундай байтлар билан бошланади:

Эй жамолу раҳматингдин гар залилу гар муаззаз,
Сафҳаи кавнайн ўлуб отинг тарозидин мутарраз.
Юз бу оламча яратмоқ қудратинг оллинда жоиз,
Садякин ижод қилмоқ ўзгаларга йўқ мужавваз.

(«Наводируш шабоб», 199-ғазал)

Мазкур вазн Навоийгача яшаган шоирлар ижодида ҳам, XV—XX асрлар шеъриятида ҳам мутлақо қўлланмаган. Бунинг сабаби вазннинг мумтоз мусиқа куйларига ҳам, халқ мусиқасига ҳам номувофиқлиги бўлса керак.

Рамали мусаммани маҳзуф вазни шеъриятимизда жуда кенг қўлланган ўлчов саналади. Унинг рукнлари ва чизмаси бир мисрада

фоилотун	фоилотун	фоилотун	фоилун
— ∨ — —	— ∨ — —	— ∨ — —	— ∨ —

тарзидадир. Чўзиқ ва қисқа ҳижоларнинг бу хил такрори жуда ёқимли ва жозибадор оҳанг яратади. Мазкур вазн ўз таркиби жиҳатидан мумтоз ва халқ куйларига жуда мос бўлиб тушади. Алишер Навоий «Мезонул авзон» асарида рамали мусаммани маҳзуф вазнининг халқ ичида кенг тарқалган «қўшуқ», «арузворий», «туркий» деб аталган халқ куйларига мослигини алоҳида таъкидлаб кўрсатган эди. Машҳур мусиқашунос Юнус Ражабий тузган «Шашмақом» да мана шу вазн «Шашмақом»га мансуб 52 куйга мос тушишини кузатишимиз мумкин. Бундан ташқари, ушбу ўлчовдаги шеърларни кўпдан кўп халқ куйларига мослаб ижро этиш ҳам мумкин.

Бобур «Мухтасар» асарида ушбу вазнга тўхталар экан: «Бу вазн форсийда ва туркийда кўп шойиъдур. Мавлоно Абдураҳмон Жомий бу вазнда бисёр айтибтур. Мир Алишер Навоийнинг худ жамиъ ўзга вазнда айтқон ашъори била бу вазнда айтқон ашъорининг лошаҳ борғай. Султон Ҳусайн Мирзонинг девонида ушбу вазндан ўзга вазн йўқтур. Хожа Хисрав Деҳлавийнинг «Дарёи аброри» бу вазндадур... Улуғ шоирлар лаҳу аксар татаббуъ қилибтурлар, Мир Алишер Навоийнинг «Туҳфатул афкор»ининг матлаича кам воқеъ бўлубтур»[1].

Дарҳақиқат, Алишер Навоий қаламига мансуб 3132 туркий шеърдан 1075 таси шу ўлчов асосида ёзилган эди. Мазкур вазн барча ўзбек шоирлари ижодида энг кўп қўлланган ўлчовдир. Ҳозирги замон ўзбек шоирлари ҳам ундан баракали фойдаланиб келмоқдалар. Ҳабибий, Эркин Воҳидовлар шеъриятининг асосий қисми ушбу вазн асосида битилган.

Мисоллар:

Олди таркин, берди эрса ҳақ рисолат хилъатин,
Отланиб кезди тун ичра икки олам мулкатин.

(Рабғузий)

---

[1] *Бобур.* Мухтасар, 145—146-бетлар.

Эй ҳижил гул оразингдин бўстону боғлар,
Лола рухсоринг фироқи қўйди жонға доғлар.

(Атоий)

Ё раб, ул дилбар малак ё ҳур ёхуд жон эрур,
Ҳақ назар ондин кўтармас, халқ анга ҳайрон эрур.

(Лутфий)

Эй муғанний, ёр базмида наво соз айласанг,
Жон фидонг бўлсун, ғамим шарҳидин
овоз айласанг.

(Навоий)

Сочининг савдоси тушти бошима боштин яна,
Тийра бўлди рўзгорим ул қаро қошдин яна.

(Бобур)

Борди сабрим ул пари базм ичра ором айлагач,
Ақлу ҳушим кетти майли бодау жом айлагач.

(Огаҳий)

Уйқуда бир кун висолингни кўрар кун бормукин,
Субҳи хуршиди жамолингни кўрар кун бормукин.

(Нодира)

Тўккали жаллод эрур ишқ аҳлидин қон кўзларинг,
Лабларинг жон бахшу аммо офати жон кўзларинг.

(Фурқат)

Келди айёми баҳор, иш даври бир он ўтмасин,
Бир нафас ғафлатда бу қимматли даврон ўтмасин.

(Ҳабибий)

Тарихингдир минг асрлар ичра пинҳон, ўзбегим,
Сенга тенгдош Помиру оқсоч Тиёншон, ўзбегим.

(Э. Воҳидов)

Рамали мусаммани мақсур вазни шеъриятимизда кенг қўлланган ўлчовлардан бири бўлиб, рукнлари ва чизмаси бир мисрада

фоилотун	фоилотун	фоилотун	фоилон
— ∨ — —	— ∨ — —	— ∨ — —	— ∨ ~

тарзидадир. Кўриниб турганидек, ушбу ўлчов юқоридаги рамали мусаммани маҳзуф вазнидан охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билангина фарқланади. Ана шу хусусиятига кўра у билан бирга бир шеърда қўллана-

веради. Баъзи арузшунослар бу икки ўлчовни бир вазн деб биладилар. Навоий ва Бобурлар Ҳусайн Бойқаро девонидаги барча шеърлар биргина ушбу вазндадир, деб таъкидлаганларида шу хил қарашга асосланадилар. Ваҳоланки, Ҳусайн Бойқаро девонида ҳар икки ўлчовдан фойдаланилган.

Рамали мусаммани мақсур вазни ҳам ёқимли оҳангга эга бўлиб, хилма-хил куйларга осон тушади. Шунинг учун шоирларимиз XIV асрдан бошлаб бу ўлчовга кенг мурожаат қилганлар. Чунончи, Атоийнинг 11 ғазали, Гадоийнинг 60 ғазали, Ҳофиз Хоразмийнинг 32 ғазали, Алишер Навоийнинг 344 туркий шеъри, жумладан, 331 ғазали, Огаҳийнинг 28 ғазали шу ўлчовда битилган.

Мисоллар:

Дилбаро, лаълинг шароби оби кавсардин латиф,
Қоматинг нахли доғи сарви санубардин латиф.

(Атоий)

Ой юзунг буржи латофаттин тулуъ этган қуёш,
Заррадек меҳрингга бўлди кўкда саргардон қуёш.

(Гадоий)

Ростлик ҳаққи, мухолиф бўлмадим ҳеч, эй нигор,
Най бикин бағрим тешиб ингратма мени зор-зор.

(Лутфий)

Ончаким Ширину Лайлидин сенинг ҳуснунг фузун,
Менда ҳам Фарҳоду Мажнундин фузун ишқи жунун.

(Навоий)

Неча даврон ғуссаси бўлгай менинг жонимга хос,
Кошки ўлсам доғи бу ғуссадин бўлсам халос.

(Бобур)

Фурқат ичра қон ютуб ғам бирла чектик оҳи сард,
Ким хазон авроқидек бўлди юзим ҳажрида зард.

(Нодира)

Гарчи бордур ҳусн аро ҳар шўхи шаҳр ошуб хўб,
Лек афзунроқ алар ичра бизинг маҳбуб хўб.

(Огаҳий)

Ишқ изҳор этгонимга қаҳр этиб, эй сарвиноз,
Жисм ила жоним итоб ўтиға то бердинг гудоз.

(Фурқат)

Эй сабо, еткур бориб мендин қадрдонимға арз,
Яъни ул жон бирла тенг шафқатли жононимға арз.

(Ҳабибий)

Кеча ойдин, мавжли денгиз, куй тўқир бедор сарв,
Ой келиб сарв узра қўнди, бўлди ойрухсор сарв.

(Э. Воҳидов)

Рамали мусаммани махбун вазни шеъриятимизда кам қўлланган вазнлардан саналиб, айрим ижодкорларгина унинг имкониятларидан фойдаланганлар. Ушбу ўлчовнинг рукнлари ва чизмаси бир мисрада

фоилотун	фаилотун	фаилотун	фаилотун
— v — —	v v — —	v v — —	v v — —

тарзидадир. Бинобарин, унинг таркибини фоилотун аслининг солими (биринчи рукнларда) ҳамда шу аслнинг махбун тармоги фаилотуннинг (2, 3, 4-рукнларда) такрори ташкил этади. Қисқа ва чўзиқ ҳижоларнинг бу хил такрори куйларга мос келмайдиган оҳанг яратади. Шу туфайли унга жуда кам шоирлар мурожаат қилганлар. Ушбу ўлчов фақат Алишер Навоий шеъриятидагина қўлланган бўлиб, шоир ўзининг «Хазойинул-маоний»га кирган 10 ғазали ва бир қатъасини шу вазнда битган эди.

Мисоллар:

Ишқ таркига қилурсен туну кун кўнглума туҳмат,
Ки отин тутмағай эл, тутса бир ойин била шуҳрат.

(Навоий)

Қайди зулфини чу ёр айлади занжири иродат,
Тушти ҳар ҳалқасидин бўйнума бир тавқи саодат.

(Навоий)

Паҳлавон эрди менинг ёриму бир шўх анисим,
Бири ўлдию бири итти, ишим бўлди таассуф.

Ровиё баҳрларидин менга йўқтур кеча уйқу,
Қиссаи Ҳамза дегил гоҳию гоҳ қиссаи Юсуф.

(Навоий)

Рамали мусаммани машкул вазни шеъриятимизда жуда кам қўлланган ўлчовлардан бўлиб, унинг рукнлари ва чизмаси бир мисрада

фаилоту	фоилотун	фаилоту	фоилотун
v v — v	— v — —	v v — v	v — —

тарзидадир. Мазкур вазн таркибини фоилотун аслининг машкул тармоги фаилоту (биринчи, учинчи рукнларда) ҳамда солим кўринишининг кетма-кет такрори ташкил қилади. 8 та қисқа ва 8 та чўзиқ ҳижонинг шу тартибда гуруҳланиб такрорланиши туфайли анча оғир, ўқиш учун ҳам ноқулай, куйга осон тушмайдиган бир оҳанг ҳосил бўлади. Шунинг учун ҳам ушбу ўлчовдан шеъриятимизда жуда кам фойдаланилган.

Мазкур вазнни дастлаб Лутфий шеъриятида учратамиз. Шоир унинг асосида иккитагина ғазал ёзган холос. Ҳофиз Хоразмий ва Алишер Навоийнинг биттадан ғазали, Огаҳийнинг иккита, Фурқатнинг 2 та ғазали шу ўлчовда битилган. Машраб эса ўзининг иккита мухаммасини шу вазнда ёзган.

Мисоллар:

Фараҳу нишот берур лаби шаккарини ёди,
Чун эрур мудом ёди манга умрнинг зиёди.

(Ҳ. Хоразмий)

Бу кечар жаҳонда соқий, чу эмас вафо нишони,
Бари айш бирла кечса керак ушбу умри фоний.

(Лутфий)

Яна шуълалиқ кўнгулни ғаминг этти пора-пора,
Буки бутрашур, эрур поралари эмас шарора.

(Навоий)

Очилиб туман тароват била саҳни боғ аро гул,
Етуруб чаманга ҳар ён неча зеб ила сафо гул.

(Огаҳий)

Санамо, юзинг биҳиштин гул очиб баҳор қилдинг,
Нега ғайр ила тузуб базм, мени беқарор қилдинг,
Отибон ғаминг ўқини юрагим фигор қилдинг,
Мени, эй хумор кўзлик, нега мунча зор қилдинг,
Тилагач жамолинг, эй гул, кўчаларда хор қилдинг.

(Машраб)

Кечалар эмас фалакни ёруғ айлаган ситора,
Чиқар оҳим оташидин бўлунуб неча шарора.

(Фурқат)

Ҳама бахтиёру эркин, на ажаб гўзал замона,
Ҳама дилда бир муҳаббат, ҳама тилда шўх тарона.

(Ҳабибий)

Рамали мусаммани машкули мусаббағ шеъриятимизда жуда кам қўлланган ўлчовлардан биридир. Рукнлари ва чизмаси бир мисрада

фаилоту	фоилотун	фаилоту	фоилийён
v v — v	— v — —	v v — v	— v — ~

тарзида бўлган ушбу вазн олдинги, рамали мусаммани машкул ўлчовидан охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билангина фарқланади ва, шу хусусиятига кўра, у билан бир шеърда биргаликда қўлланиши мумкин.

Ушбу вазнда айрим шоирларимиз бир-иккитагина ғазал ёзишган.

Мисол:

Қаро отлиқ оқ бегим, бу не юриш бўлур, не жавлон,
Жиловунгни тортароқ тутки улусда қолмади жон.

(Гадоий)

Рамали махбуни маҳзуфи мустаҳзод вазни шеъриятимизда жуда кам қўлланган ўлчовлардан, рукнлари ва чизмаси бир мисрада

фоилотун	фаилотун	фаилотун	фаилун
— v — —	v v — —	v v — —	v v —
		фоилотун	фаилун
		— v — —	v v —

тарзида бўлиб, Хоразм шоирлари ихтироси саналади. Ушбу ўлчовдан хоразмлик ижодкорлар — Мунис ва Огаҳий шеъриятида фойдаланилган.

Мисол:

Ваҳ менга қаҳр этиб ул қотили бебок санам
берадур заҳри жафо,
Илтифот айлабон ағёрға тинмай бир дам
тутадир жоми вафо.

(Огаҳий)

Рамали махбуни маҳзуфи мақсури мустаҳзод вазни юқоридаги ўлчовга яқин бўлиб, рукнлари ва чизмаси бир мисрада

фоилотун	фаилотун	фаилотун	фаилун
— v — —	v v — —	v v — —	v v —
		фоилотун	фаилон
		— v — —	v v ~

тарзидадир. Унинг асосий мисраси фоилотун аслининг махбуни маҳзуф тармоғи — **фаилун** рукни билан, орттирмаси эса шу аслнинг махбуни мақсур тармоғи **фаилон** рукни билан тугалланади. Хоразм шоирлари, хусусан, Мунис кашфиёти бўлган ушбу ўлчовда шоирнинг ягона мустаҳзоди ёзилган бўлиб, унинг матлаъи:

Ой юзунг ҳажрида ҳар тун қилиб оҳим шарари
авжи гардунга сууд,
Ёқадур анжума ой шамъини онинг асари
чархни бил анга дуд.

Рамали мусаддаси маҳзуф вазни шеъриятимиздаги мақбул ўлчовлардан бири ҳисобланади. Унинг рукнлари ва чизмаси бир мисрада

фоилотун	фоилотун	фоилун
— v — —	— v — —	— v —

тарзидадир. Унинг таркибини фоилотун аслининг солим кўриниши ҳамда унинг маҳзуф тармоғи фоилун рукнлари ташкил этади. Рукнлар, уларнинг таркибидаги чўзиқ ва қисқа ҳижоларнинг шу хилдаги такрори ёқимли, енгил ва мусиқабоп оҳангни вужудга келтиради. Шунинг учун ҳам ушбу ўлчовдан шоирларимиз анча кенг фойдаланганлар.

Мазкур ўлчовни даставвал туюқ ёзувчи шоирларимиз ижодида учратамиз, зеро ушбу ўлчов туюқ вазнидан бири ҳисобланади. Бинобарин Лутфий, Гадоий каби шоирлар яратган туюқлар шу ўлчовдадир. Лутфийнинг ўзи ушбу вазн асосида ўзининг 65 туюғини ёзган эди.

Ғазалиётда мазкур ўлчов дастлаб Ҳофиз Хоразмий шеъриятида қўлланган кўринади. Унинг 17 ғазали ушбу вазндадир. Алишер Навоий 17 туркий шеърини, жумладан, 6 ғазали, 7 туюғи, 2 қитъа, биттадан муаммо ва фардини шу ўлчовда битган эди. Рамали мусаддаси маҳзуф вазни XVI—XIX асрлар ўзбек шеъриятида ҳам анча кенг қўлланиб келган.

Мисоллар:

Ҳур турурманким қилурман жон фидо,
Ҳурлуқим эмди яқин бўлди манго.
Лаънат ул малъун Язидгаким қилур
Мустафо ўғлонларинга бу жафо.

(Рабғузий)

Дилрабо, Юсуф жамоли сендадур,
Дилраболиқнингки ҳоли сандадур.
Умр кечти-ю, мени бир сўрмадинг,
Бевафолиқнинг камоли сендадур.

(Лутфий)

Ул санамнинг юзиким гулзор эрур,
Юзининг гулзорина гул зор эрур.

(Ҳ. Хоразмий)

Шаҳсуворим ҳар қачон жавлон қилур,
Маҳв ўлуб билмон ўзумни, ҳақ билур.

(Навоий)

Улки ҳар кўзи газоли чиндурур,
Қошида пайваста онинг чиндурур.
Чунки кўп ёлғон айитти ул манга,
Гар десам ёлғончи онинг чиндурур.

(Бобур)

Тушти савдои муҳаббат бошима,
Ор этар мардун келурга қошима.

(Машраб)

Қоматинг сарви хиромоним менинг,
Лабларинг гулбарги хандоним менинг.

(Огаҳий)

Дилда, то эй сарви раъно, меҳрингиз,
Менга бўлди дафъи савдо меҳрингиз.

(Муқимий)

Бу замона хўбрўсида вафо,
Йўқ, тамаъ қилмоқ басе андин хато.

(Фурқат)

Ҳар кишининг севгилик ёри кўнгул,
Маҳрами асрору дилдори кўнгил.

(Ҳабибий)

Рамали мусаддаси мақсур вазни ҳам шеъриятимиздаги фаол ўлчовлардан бўлиб, олдинги, рамали мусаддаси маҳзуф ўлчовидан охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билан фарқланади. Ушбу ўлчовнинг рукнлари ва чизмаси бир мисрада

фоилотун	фоилотун	фоилон
— ∨ — —	— ∨ — —	— ∨ ~

тарзидадир. Кўриниб турганидек, унинг таркибида фоилотун аслининг солим кўриниши (биринчи ва иккинчи мисраларда) ҳамда шу аслнинг мақсур тармоги — фоилон рукни иштирок этади. Ўзаро яқинлигига кўра рамали мусаддаси маҳзуф ва рамали мусаддаси мақсур ўлчовлари бир шеърда биргаликда қўлланиши мумкин.

Мазкур вазн ҳам ёқимли оҳангга эга бўлиб, куйлаш учун ҳам қулай, халқ куйларига ҳамоҳангдир.

Ушбу ўлчов ҳам дастлаб туюқнавис шоирлар ижодида: Лутфий, Гадоий, Муқимий (XIV аср)лар шеъриятида қўлланган. Кейинчалик бошқа жанрлардаги лирик шеърларни битишда фойдаланилган.

Ҳофиз Хоразмий ўзининг 8 ғазалини шу ўлчов асосида ёзган. Алишер Навоийнинг биттагина ғазали ушбу вазнда. Рамали мусаддаси мақсур ўлчови кейинги асрларда ҳам шоирларимиз ижодидан мустаҳкам ўрин эгаллаган.

Мисоллар:

Эй кўнгул, ёрсиз санга не бор, бор,
Қайдаким ул зулфи анбарбор, бор.
Чек жафоу жавру нози борини
Бир кун улғайким, дегайлар «Бор, бор!»

(Лутфий)

Чун каманди зулфидур занжири дод,
Топғаман ҳукми лабиндин бас кушод.

(Ҳ. Хоразмий)

Эй хаёлингдин манга ҳар дам нашот,
Кўнглума васлинг сўзидин инбисот.

(Навоий)

Гул эмас рухсори тобонигча хўб,
Ғунча ҳам йўқ лаъли хандонингча хўб.

(Огаҳий)

Қилмағил зинҳор изҳор эҳтиёж,
Ким азиз элни қилур хор эҳтиёж.

(Нодира)

РАМАЛ БАҲРИНИНГ КЎПВАЗНЛИ ЎЛЧОВЛАРИ
МУСАММАН (САККИЗ РУКНЛИ) ВАЗНЛАР

Рамал баҳрининг кўпвазнли мусамман ўлчовлари икки шаҳобчадан ташкил топади. Шартли равишда **«солими махбун»** деб аталувчи шаҳобча ўз ичига тўрт вазнни олиб, улар:

1. Рамали мусаммани солими махбуни маҳзуф.
2. Рамали мусаммани солими махбуни мақсур.
3. Рамали мусаммани солими махбуни мақтуъ.
4. Рамали мусаммани солими махбуни мақтуъи мусаббағ.

Бу ўлчовлардан ҳар бирининг биринчи (садр ва ибтидоъ) рукнлари фоилотун аслига, иккинчи, учинчи (ҳашв) рукнлари фоилотун аслининг махбун тармоғи — фаилотунга, тўртинчи (аруз ва зарб) рукнлари фоилотун аслининг махбуни маҳзуф (фаилун), махбуни мақсур (фаилон), мақтуъ (фаълун) ва мақтуъи мусаббағ (фаълон) рукнларидан бирига тенг бўлади. Улар ўзаро жуда яқин бўлгани учун тўртала вазн бир шеърий асарнинг ўзида қўлланаверади.

«Махбун шаҳобчаси» ҳам ўз ичига тўрт вазнни олиб, ушбу тўрт вазн юқоридаги шаҳобча ўлчовларидан биринчи рукннинг фоилотун аслининг махбун тармоғи фаилотунга тенглиги билангина фарқ қилиб, иккинчи-тўртинчи рукнлари айнандир. Бу тўрт ўлчов қуйидагилар:

1. Рамали мусаммани махбуни маҳзуф.
2. Рамали мусаммани махбуни мақсур.
3. Рамали мусаммани махбуни мақтуъ.
4. Рамали мусаммани махбуни мақтуъи мусаббағ.

Ҳар икки шаҳобчага мансуб 8 вазн, таркибига кўра ўзаро яқинлиги туфайли, бир шеърий асарнинг ўзида биргаликда қўлланаверади. Натижада 2—8 вазнли шеърий асарлар яратилади. Лекин бу хил асарларнинг аксар мисралари «солими махбун шаҳобчаси» ўлчовларида бўлиб, баъзиларигина «махбун шаҳобчаси» вазнларида ёзилади. Масалан, Огаҳийнинг «Тамаъ» радифли ғазалида шу вазнлардан 4 таси иштирок этган бўлиб, хусусан,

Соқиё, сандин эрур кунглума ором тамаъ
Яъни ичмак илигинг бирла тўла жом тамаъ.
Ишқ эли нўш қилурлар майи васлинг ҳар дам,
Ман ҳам они қилурам айламак ошом тамаъ.

Етиб эл суҳбатинга, айлади комин ҳосил,
Не ажаб мен доғи топмоқ тиласам ком тамаъ.
...Чекарам ранжи фироқинг тамаи васлинг ила,
Неғаким ранж чекар ҳар ким эса хомтамаъ.

байтларидаги биринчи, иккинчи ва қофияланувчи мисралар рамали мусаммани солими махбуни мақсур, учинчи мисра рамали мусаммани солими махбуни мақтуъ, бешинчи мисра рамали мусаммани махбуни мақтуъ, еттинчи мисра рамали мусаммани махбуни маҳзуф вазнларида ёзилган.

«СОЛИМИ МАХБУН» ШАҲОБЧАСИ ВАЗНЛАРИ

Рамали мусаммани солими махбуни маҳзуф вазни шеъриятимизда кўп қўлланган ўлчовлардан бири саналади. Унинг рукнлари ва чизмаси бир мисрада

фоилотун	фаилотун	фаилотун	фаилун
— v — —	v v — —	v v — —	v v —

тарзида бўлиб, асосини фоилотун аслининг **солими** (биринчи рукнларда), шу аслнинг махбун тармоғи **фаилотун** (иккинчи, учинчи рукнларда) ҳамда махбуни маҳзуф тармоғи — **фаилун** (тўртинчи рукнларда) такрори ташкил этади. 8 та чўзиқ ва 7 ва қисқа ҳижонинг жуфт-жуфт бўлиб такрорлана бориши шўх, енгил ва ўйноқи, мусиқабоп оҳанг яратади. Вазннинг ана шу хил жозибаси кўп шоирларни ўзига мафтун қилган.

Мазкур ўлчов шеъриятимизда Лутфий ва Ҳофиз Хоразмий ижодидан бошланган. Лутфий ушбу ўлчовда 5 ғазал ва бир фард битган бўлса, Ҳофиз Хоразмийнинг 57 ғазали шу ўлчовда ёзилган эди. Алишер Навоий мазкур вазн асосида жами 85 туркий шеър, жумладан, 75 ғазал, бир таржеъбанд, 7 қитъа, биттадан муаммо ва фард яратган. XVI—XIX асрларда ушбу ўлчовдан унча кенг фойдаланилмаган. Чунончи, Огаҳийнинг шу ўлчовда биттагина ғазал ёзгани, Увайсийнинг 8 ғазали унинг заминида яратилгани маълум.

Мазкур ўлчовда битилган шеърларни Ҳабибий ижодида ҳам учратиш мумкин.

Мисоллар:

Мени расво қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул,
Хору расво қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул.

(Лутфий)

Бир ақиқ ул лаби лаълинг била ҳамранг эмас,
Чини зулфунг бики Чин мамлакати занг эмас.

(Ҳ. Хоразмий)

Ёр келгач, манга душман бўлурин билмас эдим,
Йуқса тун-кун тилабон васл, дуо қилмас эдим.

(Навоий)

Мужда, эй зор кўнгул, бу кеча ёринг келадур,
Гул руху сарв қаду лола узоринг келадур.

(Огаҳий)

Ёр куйига етибон ватан этмай нетайин,
Васл умидин оёғимға шикан этмай нетайин.

(Увайсий)

Бевафодур бу жаҳон суду зиён барча абас,
Ким гами айши баҳор ила хазон барча абос.

(Нодира)

Тишламоқ борму ҳалол иш била нон, ишламасанг,
Элга кенг, тор бўладур санга жаҳон ишламасанг.

(Ҳабибий)

Рамали мусаммани солими махбуни мақсур вазни ҳам шеъриятимизда анча кенг қўлланган ўлчовлардан саналади. У ўз таркиби жиҳатидан рамали мусаммани махбуни маҳзуф вазнига яқин бўлиб, охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билангина фарқланади. Шунга кўра унинг рукнлари ва чизмаси бир мисрада

фоилотун	фаилотун	фаилотун	фаилон
— v — —	v v — —	v v — —	v v ~

тарзидадир. Яъни биринчи рукнлар фоилотун аслининг солимига, иккинчи ва учинчи рукнлар шу аслнинг махбун тармоғи **фаилотун**га, охирги рукни эса фоилотун аслининг махбуни мақсур тармоғи — **фаилонга** тенг. Қисқа ва чўзиқ ҳижоларнинг бу хил такрори ҳам ёқимли ва ўйноқи оҳангни вужудга келтиради.

Мазкур вазн дастлаб Ҳофиз Хоразмий ижодида кўзга ташланади. У ўзининг 22 ғазалини шу ўлчов асосида битган эди. Алишер Навоий мазкур вазнни ўзининг 32 туркий ғазали учун асос қилиб олган. Огаҳий бу ўлчовда фақат 3 ғазал битган.

Мисоллар:

Кел бу дам ичра манга бир нафас, эй сарви равон,
То фидойи қадаминг айлагайим жону равон.

(Х. Хоразмий)

Бу кўҳан дайрда хуштур неча кун бодаи ноб,
Хосса бир муғбача ишқида киши бўлса хароб.

(Навоий)

Ваҳки ул муғбача ҳар дамки чекар бодаи ноб,
Қўзғолур арбадасидин бу кўҳан дайри хароб.

(Навоий)

Ваҳки сандин манга жуз жавру жафо нодиру шоз,
Ўзгага ғайри карам бирла вафо нодиру шоз.

(Огаҳий)

Айладим тун кеча хилват аро жонон била базм,
Қилғай ул навъики, бир хаста бадан жон била базм.

(Огаҳий)

Рамали мусаммани солими махбуни мақғуъ вазни ҳам шеъриятимиз учун мақбул ўлчовлардан биридир. Унинг рукнлари ва чизмаси бир мисрада

фоилотун	фаилотун	фаилотун	фаълун
— v — —	v v — —	v v — —	— —

тарзидадир. Демак, ушбу ўлчовнинг дастлабки уч рукни юқоридаги икки вазн билан айнан бўлиб охирги рукнгина ўзгарган, бу ўринда фоилотун аслининг мақтуъ тармоғи — **фаълун** келган. Қисқа ва чўзиқ ҳижоларнинг бу хил такрори ҳам ёқимли оҳангни вужудга келтиради.

Шеъриятимизда ушбу ўлчов асосида битилган шеърларни дастлаб Ҳофиз Хоразмий ижодида учратамиз. Бу ўлчовда унинг 84 ғазали битилган. Алишер Навоий ҳам ўзининг туркий 63 ғазали, 3 қитъаси, биттадан муаммо ва фардини шу вазн асосида яратган. Мазкур шеърий ўлчов кейинги асрларда шоирларимизнинг диққат марказида бўлиб келди.

Мисоллар:

Бандаликдин топа билсам эди мақсудимни,
Бехато топғай эдим бир йўли маъбудимни.

(Ҳофиз Хоразмий)

Ҳаста кўнглум қушини бошинг учун шод айла,
Ё бошингдин эвуруб ташлабон озод айла.

(Навоий)

Манга ўлмаклик эрур ҳажрида осон сенсиз,
Ўлайин, лек даме бўлмайин, эй жон, сенсиз.

(Навоий)

Бўлди булкун менга ул сарви хиромон ўтру,
Жонима руҳи равон, жисмима дармон ўтру.

(Увайсий)

Магар ул ёр менинг доғи ниҳоним билмиш,
Кўздин ўлгон ёшурун ашки равоним билмиш.

(Баёний)

Маҳвашим чеҳра очиб соғу саломат келди,
Мен учун айни шараф соғу саломат келди.

(Ҳабибий)

Рамали мусаммани солими махбуни мақтуъи мусаббағ вазни ҳам шеъриятимизда анча кенг қўлланган ўлчовлардан бўлиб, олдинги вазндан тўртинчи рукни билангина фарқ қилади. Ушбу ўлчовда тўртинчи рукн ўрнида фоилотун аслининг мақтуъ тармоғи **фаълун** эмас, балки мақтуъи мусаббаг тармоғи бўлмиш **фаълон** иштирок қилади. Бинобарин, вазннинг рукнлари ва чизмаси бир мисрада

фоилотун	фаилотун	фаилотун	фаълон
— v — —	v v — —	v v — —	— ~

тарзидадир. Юқоридаги ҳар икки ўлчов бир шеърнинг ўзида биргаликда қўлланаверади.

Мазкур вазнда ёзилган дастлабки шеърлар кам бўлса-да, Ҳофиз Хоразмий (3 ғазал) ижодида учрайди. Алишер Навоий ушбу ўлчов имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ўзининг 21 газали ва 2 муаммосини унинг асосида яратган эди. Ушбу вазн XVI—XIX аср ўзбек шоирлари ижодида ҳам қўлланиб турди.

Мисоллар:

Ийди жон топғай эдим кешида бўлсам қурбон,
Чун онинг дарди эрур хаста кўнгулга дармон.

(Ҳ. Хоразмий)

Қотилеким, анга эрмас киши асло ғустох,
Тўлди қонимки, бўлубмен мени шайдо густох.

(Навоий)

Лутф этиб бир кеча кел базмим аро, эй мутриб,
Дилкушо ун била бўл нағма саро, эй мутриб.

(Огаҳий)

Ёзайин бир неча сўз пайрави бўлсун ул ҳур,
Ёраб ул табъи фалотунға бўлурму манзур.

(Увайсий)

«МАХБУН» ШАҲОБЧАСИ ВАЗНЛАРИ

Рамали мусаммани махбуни маҳзуф вазнининг рукнлари ва чизмаси ҳар мисрада

фаилотун	фаилотун	фаилотун	фаилун
v v — —	v v — —	v v — —	v v —

тарзида бўлиб, бу ўлчовда ёзилган мисраларнинг биринчи (садр ва ибтидоъ); иккинчи, учинчи (ҳашв) рукнлари фоилотун аслининг махбун тармоғи **фаилотун**га, охирги (аруз ва зарб) рукнлари эса шу аслнинг махбуни маҳзуф тармоғи — **фаилун**га тенг бўлади. Масалан, Лутфий қаламига мансуб

«Қамар отлиғ юзунг олидадур ой бир ҳабаший,
Доғи юзинда нишондур», — дедим, айтур: «Санга не?»

Мени шайдо қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул,
Хору расво қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул.

байтларининг биринчи мисралари,

«Тўкма қонимни табассум била», — лаълингға дедим,
Кулиб айтур: «Мени ким сўрғусудур қонинг учун?»

байтининг иккинчи мисраси; Навоийнинг

Йиқилиб ёна қўпуб, чунки уруб йўлға қадам,
Ваҳки юз ништари ҳижрон аёғимға тикилиб.
Тобоним дарду бало хораларидин уюлиб,
Юрагим ранжу ано хорларидин тешилиб.

байтларидаги биринчи, учинчи, тўртинчи мисралар, Мунисниng

Агар ул ёр карам қилмаса. Мунис, не осиг,
Нечаким йиғлабон оҳинг унини кўкдин ошур.

байтининг биринчи мисраси ушбу вазн асосида битилган эди.

Рамали мусаммани махбуни мақсур вазнининг рукнлари ва чизмаси ҳар мисрада

фаилотун	фаилотун	фаилотун	фаилон
v v — —	v v — —	v v — —	v v ~

тарзида бўлиб, олдинги ўлчовдан охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билангина фарқ қилади, яъни ушбу ўлчовда ҳам ҳар қайси мисрадаги дастлабки уч рукн фоилотун аслининг махбун тармоғи **фаилотун**га, охирги рукн эса унинг махбуни мақсур рукни **фаилон**га тенгдир. Масалан, Навоийнинг:

Қули бўлдум негаким муғбачаи бодафуруш
Мени махмурни бир жом била мамнун қилди

байтидаги биринчи мисра,

Номаи ҳажр менга етмадиким, элтур қуш
Йиқилур ерга ҳаводин қаноти чурканибон

байтидаги иккинчи мисра, Мунисниng:

Илтифот айлагил арбоби вафоға, жоно,
Алами ҳажрда ул хайлға йўқ тоқату тоб

байтидаги биринчи мисра, Нодиранинг:

Лабидин сўрма ҳадисики, эрур тилға гарон,
Ёр нозук лабиға бермасун озор ҳадис

байтидаги биринчи мисра ушбу ўлчовдадир.

Рамали мусаммани махбуни мақтуъ вазнининг рукнлари ва чизмаси ҳар мисрада

фаилотун	фаилотун	фаилотун	фаълун
v v — —	v v — —	v v — —	— —

тарзидадир. Кўриниб турганидек, ушбу ўлчовда ёзилган мисраларнинг олдинги уч рукни (садр, ибтидоъ, ҳашвлар) фоилотун аслининг махбун тармоғи — **фаилотун**га, охирги (аруз ва зарб) рукнлари эса шу аслнинг мактуъ тармоғи — **фаълун**га тенг бўлади. Мазкур ўлчов ҳам «солими махбун шаҳобчаси» вазнлари билан биргаликда қўлланаверади.

Масалан, Лутфийнинг

Итинг уйгонди оҳимдин бошидин ўйрулдим,
Авф этиб айтти: «Нетай, ошиқи саргардонсан».

байтининг биринчи мисраси, Навоийнинг

Сўз демай икки шакардек лабиким банд ўлмиш,
Кула олмастин иши эмди шакарханд ўлмиш.
Бутун эрмас бу кўнгул шишаси аҳдингдекким,
Синмишу ҳар синуқ андин неча парканд ўлмиш.

байтларидаги иккинчи, учинчи мисралар; Увайсийнинг

На ажаб ушбу думогимни муаттар этти,
Тарқатибдурму экин зулфи муанбар мавзун.

байтининг биринчи мисраси ушбу вазндадир.

Рамали мусаммани махбуни мақтуъи мусаббағ вазнининг рукнлари ва чизмаси ҳар мисрада

фаилотун	фаилотун	фаилотун	фаълон
v v — —	v v — —	v v — —	— ~

тарзидадир. Бинобарин, унинг дастлабки уч рукни (садр, ибтидоъ, ҳашвлар) фоилотун аслининг махбун тармоғи — **фаилотун**га, охирги (аруз ва зарб) рукнлари шу аслнинг мақтуъи мусаббаг тармоги — **фаълон**га тенгдир. Ушбу ўлчов ҳам юқоридаги етти вазн билан биргаликда қўлланаверади.

Навоийнинг:

Қила олгонча риё аҳлидин эткил эъроз,
Яхшироқ сидқ ила осики, риёлиқ муртоз.
...Кишига берса ғаму меҳнати даврон танқис,
Яхшироқким анга бергай ғами ҳижрон танқис.

байтларининг биринчи мисралари, Огаҳийнинг:

Соз этарда юзунг узра солибон зулфунгни,
Тароғ айлаб дили решимни таро, эй мутриб

байтидаги иккинчи мисраъ, Увайсийнинг:

Лабинг эрмиш сени жонбахш масиҳо мавзун,
Бош кўтарди хатинг ул сорида хузро мавзун.
Топаолман неча ахтарсам ани мазмунин,
Табъи номавзунима тушти бу савдо мавзун.

байтларидаги биринчи ва учинчи мисралар шу вазндадир.

МУСАДДАС (ОЛТИ РУКНЛИ) ЎЛЧОВЛАР

Рамал баҳрига мансуб мусаддас кўп вазнли ўлчовлар ҳам асосан икки шаҳобча — «солими махбун» ва «махбун» гуруҳларидан ташкил топади. «Солими махбун» шаҳобчаси тўрт вазнни ўз ичига олади:

1. Рамали мусаддаси солими махбуни маҳзуф.
2. Рамали мусаддаси солими махбуни мақсур.
3. Рамали мусаддаси солими махбуни мақтуъ.
4. Рамали мусаддаси солими махбуни мақтуъи мусаббағ.

Бу тўрт вазннинг ҳар қайсиси фоилотун асли (солим) билан бошланиб, ўртадаги (ҳашв) рукн фоилотун аслининг махбун тармоги — **фаилотун**га, охирги (аруз ва зарб) рукнлари эса шу аслнинг махбуни маҳзуф (фаилун), махбуни мақсур (фаилон), мақтуъ (фаълун) ёки мақтуъи мусаббағ (фаълон) тармоқларидан бирига тенг бўлади. Демак, ушбу тўрт вазннинг олдинги икки рукни бир хил бўлиб, охирги рукндагина бироз фарқланади. Таркиби жиҳатидан ўзаро яқин бўлган бу тўртала вазн бир шеърий асарнинг ўзида биргаликда қўлланаверади.

«Махбун» шаҳобчаси ҳам тўрт вазнни ўз ичига олиб, улар биринчи рукннинг фоилотун аслига эмас, унинг махбун тармоғи — фаилотунга тенг бўлиши билангина юқоридаги «солими махбун» шаҳобчаси вазнларидан фарқланади. Қолган икки рукн эса улар билан айнандир. Бу тўрт вазн:

1. Рамали мусаддаси махбуни маҳзуф.
2. Рамали мусаддаси махбуни мақсур.
3. Рамали мусаддаси махбуни мақтуъ.
4. Рамали мусаддаси махбуни мақтуъи мусаббағ.

Улар рамал ва хафиф баҳрларида ёзиладиган шеърларда «солими махбун» шаҳобчаси вазнлари билан биргаликда қўлланаверади, натижада 2—8 вазнли шеърлар яратилади. Шуни эътиборга олиш лозимки, адабиётимизда яратилган рамал баҳридаги асарларда асосан «солими махбун» шаҳобчаси вазнлари қўлланган бўлиб, бу хил асарларнинг баъзи мисраларигина «махбун» шаҳобчаси вазнларида битилган. Жумладан, Алишер Навоийнинг газалидаги

Холу хаттинг уза, эй турфа санам,
Айладинг нуқта хат устида рақам.
...Ўқи заҳми уза қуйдурдум доғ,
Қораси захм уза бўлди марҳам.

Ўзига қилмаган ўзлукни ҳаром,
Ҳарами ишқ аро бўлмас маҳрам.
...Эй Навоий, санга саъб ўлса хирад
Телбалик силсиласин тут маҳкам.

байтларида юқоридаги 8 вазндан бештаси иштирок этган. Чунончи матладаги ва еттинчи мисралар рамали мусаддаси солими махбуни маҳзуф, учинчи мисра махбуни мақтуъи мусаббағ, тўртинчи ва олтинчи мисралар махбуни мақтуъ, бешинчиси — махбуни мақсур, саккизинчи мисра — солими махбуни мақтуъ вазнидадир.

Рамал баҳрига мансуб кўпвазнли олти рукнли шеърий асарларни ёзишда асосан юқоридаги саккиз вазндан фойдаланилган. Лекин Муҳаммад Солиҳ XVI аср бошида ўзининг «Шайбонийнома» достонини битишда ушбу гуруҳ вазнлари имкониятларини янада кенгайтириб, асардаги анчагина мисраларда «солими мушаъас», «махбуни мушаъас», «мушаъаси махбун» шаҳобчаларига мансуб яна тўққиз вазнни қўллади ва достон вазнлари сонини 17 тага етказди.

«Солими мушаъас» ва «махбуни мушаъас» шаҳобчалари юқорида кўриб ўтилган «солими махбун» ва «махбун» шаҳобчаларидан иккинчи рукнлар ўрнида фоилотун аслининг махбун тармоғи — фаилотун эмас, шу аслнинг мушаъас тармоғи — мафъулун қўлланиши билангина фарқланади. Натижада янги саккиз вазн юзага келади.

«Мушаъаси махбун» шаҳобчаси эса тўрт вазнни ўз ичига олиб, биринчи рукнда фоилотун аслининг махбун тармоги фаилотун ўрнига мушаъас тармоги мафъулун келиши билан «махбун» шаҳобчасидан фарқланади.

Юқоридаги янги 12 вазн таркибида фоилотуннинг махбун тармоғи фаилотун ўрнида шу аслнинг мушаъас тармоги — мафъулуннинг қўлланиши аруз тизимига хос бир қоида — сабаби сақийлнинг сабаби хафиф билан, бошқача қилиб айтганда, икки қисқа ҳижонинг бир чўзиқ ҳижо билан алмаштирилиши мумкинлиги туфайли юз беради. Бинобарин, бундай ҳолларда аруз ички қонунларининг бузилиши рўй бермайди.

Муҳаммад Солиҳ «Шайбонийнома»сида ушбу 17 хил вазннинг алмашиниб қўлланиши оҳангни воқеалар тасвирида тез-тез ўзгартириб туриш, зарур ўринларда керакли сўзларни эркин танлаш, асар жозиба-

қофиянинг кучайтирилиша имконият яратилиши кўриниш қийин эмас. Жумладан, достондан олинган қуйидаги мисраларда 17 вазннинг барчаси қўлланган.

Ишқдиндур бори ашё мавжуд
Ишқдин узга нимага не вужуд.
...Совуқ айлаб эди Сирга таъсир,
Тунгуб эрди топо олмай тадбир.
...Ёниб андин олибон молу яроғ,
Тушуриб қўлиға асбоби фароғ.
...Туркмондин доги кўп ўлди киши,
Киши ўлтурмоқ эди ўзбек иши.
Еткуруб эрди қўрғонга ўзин
Андоғи маҳкам қўрғонға сўзин.
Соқлагайлар кеча-кундуз они ҳам,
Банд ила бўлғай ул ҳам маҳкам.
Бостириб келган улуслар бисёр
Йиғлагондурлар хон ҳолиға зор.
Бойсунғар била Султон Маҳмуд
Чиқариб эрдилар элдин дуд.
Чун ҳукм айлади хони аъзам,
Хоникахон қўлига олди қалам.
Сен агар ваҳм қилурсен хондин,
Кеча олмассан бу ўғлондин.
...Черикин йиғсун, фурсат берали
Ул йигиндин сўнг аларни терали.

«СОЛИМИ МАХБУН» ШАҲОБЧАСИ ВАЗНЛАРИ

Рамали мусаддаси солими махбуни маҳзуф вазни ҳам шеъриятимизда анча кенг қўлланган. Унинг рукнлари ва чизмаси ҳар мисрада

фоилотун	фаилотун	фаилун
— v — —	v v — —	v v —

тарзида бўлиб, асосини фоилотун аслининг солими (биринчи рукнда), махбун тармоғи фаилотун (иккинчи рукнларда) ҳамда махбуни маҳзуф тармоғи фаилун (учинчи, охирги рукнларда) ташкил этади.

Мазкур ўлчов ҳам ёқимли оҳангга эга бўлиб, енгил куйларга ниҳоятда мос. Шу туфайли ҳам XV асрданоқ шоирларимиз диққатини ўзига жалб қилган эди. Ушбу вазндаги дастлабки шеърларни Алишер Навоий девонларида учратамиз. Шоир ўзининг жами 29 шеъри, хусусан, 25 ғазали, 4 қитъасини шу ўлчов асосида яратган эди. Навоий ўз таржиъбандини ва соқийномасини битишда шу ўлчовга ҳам кенг мурожаат қилган эди.

Мазкур вазн Навоийдан кейин ҳам шоирларимиз ижодидан муносиб ўрин эгаллади. Хусусан, Бобур ўзининг маснавийларини яратишда ундан кенг фойдаланди.

Мисоллар:

Эй юзунг оллида беҳол хирад,
Васфин айларда бўлуб лол хирад.

(Навоий)

Ҳар ўқунг келса мени зор сари,
Юз дуом ўқи борур ёр сари.

(Навоий)

Холу хаттинг уза, эй турфа санам,
Айладинг нуқта хат устида рақам.

(Навоий)

Эй жамолинг қошида лол хирад,
Ишқинг ошубиға помол хирад.

(Навоий)

Юзида ул лаби ҳайвон кўрунур,
Сутга кўп боқса бале қон кўрунур.

(Бобур)

Жисминга заъф эса жоним садақа,
Жонинга икки жаҳоним садақа.

Кўзунга бу тани бемор фидо,
Белинга бу бадани зор фидо.

Сенсизин жисм била жонни нетай,
Дард сендин эса дармонни нетай.

(Бобур)

Талабим — то абадий шафқатингиз,
Ҳавасим — кунда ширин суҳбатингиз.

(Ҳабибий)

Рамали мусаддаси солими махбуни мақсур вазни шеъриятимизда унча кўп қўлланмаган ўлчовлардан. Унинг рукнлари ва чизмаси бир мисрада

фоилотун	фаилотун	фаилон
— v — —	v v — —	v v ~

тарзида, яъни аввалги, рамали мусаддаси махбуни маҳзуф ўлчовидан охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билангина фарқланади, шунга кўра у билан биргаликда қўллана олади.

Мазкур вазн дастлаб Ҳофиз Хоразмий шеъриятида учрайди. Шоир икки ғазалини шу ўлчов асосида яратган. Рамали мусаддаси махбуни мақсур ўлчови Алишер Навоий ижодида анча кенг қўлланган. Унинг 5 ғазали, бир таржеъбанди ва бир соқийномаси шу вазнда ҳам ёзилган эди. Ундан Бобур ҳам ўз масснавийларида фойдаланган.

Мисоллар:

Гулни маст айлагали жоми аласт,
Гул қадаҳтек борадур даст-бадаст.

(Ҳ. Хоразмий)

Эй сенинг дарди ғаминг жонима хос,
Ким алардин тиламон жонни халос.

(Навоий)

Эй мусаллам санга ҳар яхши сифот,
Бу сифотинг била йўқ сен киби зот.

(Навоий)

Чун сўзи хуштур, ўзи хушҳаракот,
То абад бўлсун анга умру ҳаёт.
...Ким бири бу эдиким солди йироқ,
Сени бағримға қўюб доғи фироқ.
...Чекайин оҳ юракдинки сипеҳр
Пардаға чирмасун оинаи меҳр.
...Паҳлавонона кетур соғари жарф,
Қуюбон майдин анга баҳри шигарф.

(Навоий)

Ғайри ихлосу дуо бирла салом —
Не дейин ўзга, сўзум бўлди тамом.

(Бобур)

Рамали мусаддаси солими махбуни мақтуъ вазни адабиётимизда анча кенг қўлланган ўлчовлардан бўлиб, рукнлари ва чизмаси бир мисрада

фоилотун	фаилотун	фаълун
— v — —	v v — —	— —

тарзидадир. Унинг таркиби фоилотун аслининг солими махбун ва мақтуъ тармоқлари **фаилотун** ҳамда **фаълун**лардан ташкил топади. Кўриниб турганидек, ушбу ўлчов аввалги икки вазнга яқин, зеро уларнинг барчасида ҳам дастлабки икки рукн айнан такрорланиб, учинчи рукнгина алмашинади. Мазкур ўлчовдаги учинчи рукнда икки чўзиқ ҳижо келган. Олдинги вазнларнинг охирги рукнлари фаилун ва фаилонлар таркибидаги дастлабки икки қисқа ҳижо ушбу ўлчовнинг охирги рукни аввалидаги бир чўзиқ ҳижога тенг саналади. Шунга кўра бу уч ўлчов бир шеърий асарда биргаликда қўлланаверади.

Рамали мусаддаси махбуни мақтуъ вазнини шеъриятимизга Алишер Навоий олиб кирган бўлиб, шоир ушбу ўлчовда ўзининг «Хазойинул маоний»даги 15 ғазали ва бир қитъасини ёзган. Ушбу вазндан шоир ўзининг таржеъбанди ҳамда соқийномасида ҳам кенг фойдаланган. Ушбу ўлчовни Бобур ўзининг 3 та маснавийсида қўллаган эди.

Мисоллар:

Онсиз ўлмоқ эрур ўлмоқ жонсиз,
Бўлайин жонсизу, бўлмай онсиз.

(Навоий)

Бир йўли бизни унутқунг бори,
Илтифот этмайин ўттунг бори.

(Навоий)

Қуйдум ул ҳусни жаҳонородин,
Ўлдум ул нуктаи руҳафзодин.
... Дину имонима офат етди,
Ул бути ишвагари тарсодин.

(Навоий. Таржиъбанд)

Соқиё, тут қадаҳи шоҳона,
Қатраси лаъл, вале якдона.
Соз айлаб, мени ҳам шод айланг,
Бир нафас қайғудин озод айланг.

...Мулку кишвар элига дод айла,
Адл ила иккисин обод айла.

...Зор жисмимға анолар келди,
Телба бошимға балолар келди.

(Навоий. «Соқийнома»)

Ғайрға неча вафо қилғайсен,
Жонима неча жафо қилғайсен.

(Бобур)

Ўлтурур ғарчи мени гуфторинг,
Тургузур ул лаби шаккарборинг.

(Бобур)

Рамали мусаддаси солими махбуни мақтуъи мусаббағ вазни шеъриятимизда унча кенг қўлланмаган ўлчовлардан бўлиб, олдинги, рамали мусаддаси махбуни маҳзуф ўлчовидан охирги ҳижосининг ўта чўзиқлиги билангина фарқланади. Шунга кўра унинг таркибини фоилотун аслининг солими, махбун тармоғи — **фаилотун** ҳамда мақтуъи мусаббағ тармоғи **фаълон**лар ташкил қилади. Бинобарин, унинг рукнлари ва чизмаси бир мисрада

фоилотун	фаилотун	фаълон
— ∨ — —	∨ ∨ — —	— ~

тарзидадир.

Ушбу ўлчовни ҳам шеъриятимизда илк бор Алишер Навоий қўллаган. Шоир ўзининг 4 ғазали, 2 қитъасини шу вазнда битган эди. Ушбу ўлчовдан шоир ўзининг таржиъбанди ва соқийномасида кенг фойдаланган. Бобур ўзининг 3 маснавийсида ушбу ўлчовга мурожаат этган. Мазкур вазн бошқа шоирлар ижодида кам учрайди.

Мисоллар:

Эй лабинг зоҳир этиб ширин лафз,
Хоҳ ёлгон десун ар ҳуд чин лафз.

(Навоий)

Қон тўкуб ул бути зебо густох,
Бориб ул ён мени шайдо густох.

(Навоий)

Ишқдин кўнглум эрур дард олуд,
Ҳажрдин жоним эрур ғам фарсуд.
...Менки муғ дайри аро эрдим шод,
Хотирим дағдағалардин озод.
...Яна муғ дайрида масту бебок,
Кезарам бош ялангу хирқам чок.

...Манга дайр ўлди чу байтул — маъмур,
Дайр пириға бўлубмен маъмур.

(Навоий. Таржиъбанд.)

Соқиё, тут қадаҳи моломол,
Ранги хуноб сиришкимдек ол.

Жоми поку майи ноб андин пок,
Қуёшу чашмаи ҳайвондин пок.

...Соқиё, қил тўла жоми заркор.
Бир ғазал бошла Фаридун осор.
Жомнинг бодаси доғи рангин,
Назмнинг нуқтаси доғи ширин.

(Навоий. «Соқийнома»)

Билмишам ҳар неки қилдинг таҳрир,
Фаҳм қилдим ғаразингни бир-бир.

(Бобур)

Менга сенсен бу жаҳондин мақсуд,
Не жаҳон, жисм ила жондин мақсуд.

(Бобур)

«МАХБУН» ШАҲОБЧАСИ ВАЗНЛАРИ

Рамали мусаддаси махбуни маҳзуф вазнининг рукнлари ва чизмаси ҳар мисрада

фаилотун	фаилотун	фаилун
v v — —	v v — —	v v —

тарзида бўлиб, биринчи (садр ва ибтидоъ) ва иккинчи (ҳашв) рукнлар фоилотун аслининг махбун тармоғи — фаилотунга, учинчи (аруз ва зарб) рукнлари эса ушбу аслнинг махбуни маҳзуф тармоғи — фаилунга тенгдир. Мазкур вазн «солими махбун» шаҳобчаси ўлчовлари билан бирликда қўлланаверади. Масалан, Навоийнинг

Ҳам шакардур лабингу ҳам хандон,
Ярашур асру шакарханд санга.
Хўблар майли кўнгул қилмадиким,
Эмас эрди бири монанд санга.

байтларининг иккинчи мисралари, Нодиранинг

...Эй юзунг қиблаи арбоби сафо,
Сари кўйингда кўнгул қибланамо.

...Бўлса то умри ҳаётим боқий,
Мени илгимдуру домони вафо.

байтларининг иккинчи мисралари,

Қишига ҳиммати мардона керак,
Йўққи оройиш ила решу бурут

байтининг биринчи мисраси ушбу ўлчовдадир.

Рамали мусаддаси махбуни мақсур вазни юқоридаги ўлчовдан фақат охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билангина фарқланади. Унинг рукнлари ва чизмаси бир мисрада

фаилотун	фаилотун	фаилон
∨ ∨ — —	∨ ∨ — —	∨ ∨ ~

тарзида бўлиб, биринчи (садр ва ибтидоъ) ҳамда иккинчи (ҳашв) рукнлари фоилотун аслининг махбун тармоги **фаилотун**га, учинчи (аруз ва зарб) рукнлари эса шу аслнинг махбуни мақсур тармоғи **фаилон**га тенгдир.

Ушбу вазн ҳам солими махбун шаҳобчаси ўлчовлари қатнашган шеърий асарларда улар билан биргаликда қўлланаверади. Масалан, Навоийнинг

Адам истар чу вужудимни сипеҳр,
Тенг кўрай эмди вужуду адамин.
...Ўзига қилмағон ўзлукни ҳаром
Ҳарами ишқ аро бўлмас маҳрам

байтларининг биринчи мисралари, Нодира қаламига мансуб

Қон тўкар ғамзаси, мижгонлари ҳам,
Кўзи қатлиға чекан ханжара бох.
Ҳажр тиғи била бағрим юз чок,
Ани ҳар чокида юз минг яра, бох.

байтларининг иккинчи мисралари шу вазнда битилган.

Рамали мусаддаси махбуни мақтуъ вазни ҳам шеъриятимизда кам қўлланувчи ўлчовлардан бўлиб, унинг рукнлари ва чизмаси ҳар мисрада

фаилотун	фаилотун	фаълун
∨ ∨ — —	∨ ∨ — —	— —

тарзидадир. Кўриниб турганидек, бу вазнда битилган шеърлардаги мисраларнинг биринчи (садр, ибтидоъ),

иккинчи (ҳашв) рукнлари фоилотун аслининг махбун тармоғи — фаилотунга, учинчи (аруз ва зарб) рукнлари эса шу аслнинг мақтуъ тармоги — фаълунга тенг бўлади. Ушбу ўлчов ҳам «солими махбун» шажараси вазнлари билан биргаликда қўлланаверади. Жумладан, Алишер Навоийнинг

Онсиз ўлмоқ эрур ўлмоқ жонсиз,
Бўлайин жонсизу бўлмай онсиз

байтидаги иккинчи мисра, Мунисннинг «Рўза» шеъридаги

Рўза бисёр мени танг этмиш.
Баданим суст, аёғим ланг этмиш.

...Янги ой шавқи таним зор айлаб
Қоматим ийд ғами чанг этмиш.

...Бода махмурлиғидин рўза
Мени ўлтургали оҳанг этмиш.

байтларининг иккинчи, учинчи, олтинчи мисралари ушбу вазн асосида ёзилган.

Рамали мусаддаси махбуни мақтуъи мусаббағ вазни юқоридаги ўлчовдан охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билангина фарқланади. Унинг ҳам асосини фоилотун аслининг махбун тармоги — **фаилотун** (садр, ибтидоъ, ҳашвларда) ҳамда шу аслнинг мақтуъи мусаббаг тармоги — **фаълон** (аруз ва зарбда) ташкил этади. Бинобарин, ушбу вазннинг рукнлари ва чизмаси ҳар мисрада

фаилотун	фаилотун	фаълон
v v — —	v v — —	— ~

тарзидадир. Мазкур вазн асосан «солими махбун» шаҳобчаси ўлчовлари қатнашган шеърий асарларнинг баъзи мисраларида қўлланади. Масалан, Навоий ғазалининг

Сени то кўрдум ичарда майи ноб,
Тиламас хотирим илло мутриб.

байтидаги иккинчи мисра, Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» достонидаги

Яна бир жонибида себистон,
Яна бир жониби қасру айвон.
Мевалардан билиб осойиши жой,

Эвини айлар эди боғистон.
Бенавоё агар ўлса бемор,
Тўласи хизматидин бирта нор.

байтларининг иккинчи мисралари ушбу ўлчовда ёзилган.

«СОЛИМИ МУШАЪАС» ШАҲОБЧАСИ ВАЗНЛАРИ

Рамали мусаддаси солими мушаъаси махбуни маҳзуф вазнининг рукнлари ва чизмаси ҳар мисрада

фоилотун	мафъулун	фаилун
— v — —	— — —	v v —

тарзидадир. Яъни бу ўлчовда ёзилган шеърий мисраларнинг биринчи (садр ва ибтидоъ) рукнлари фоилотун аслига, иккинчи (ҳашв) рукнлари шу аслнинг мушаъас тармоги — **мафъулун**га, охирги (аруз ва зарб) рукнлари эса мазкур аслнинг махбуни маҳзуф тармоғи — фаилунга тенг бўлади. Ушбу вазн шеъриятимизда кам қўлланган бўлиб, Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» достонида «солими махбун» ва «махбун» шаҳобчалари вазнлари билан биргаликда асарнинг баъзи мисраларидагина фойдаланилган. Масалан, достондаги:

Ким эди Боқи Тархон, билингиз,
Билибон қисса бошиға келингиз.
...Ул набира ўн икки ёшида,
Лек юз фитна онинг бошида
...Шоҳ Абулмуҳсин ғофилға магар,
Йибориб эрдилар ул хайл хабар.
...Ўлтуруб эрди қўрғон ичида,
Юз туман ҳасрату армон ичида

байтларининг биринчи мисралари ушбу вазндадир.

Рамали мусаддаси солими мушаъаси махбуни мақсур вазнининг рукнлари ва чизмаси ҳар мисрада

фоилотун	мафъулун	фаилон
— v — —	— — —	v v ~

тарзидадир. Бинобарин, ушбу ўлчов юқоридаги вазндан охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билангина фарқланади. Унинг ҳам биринчи (садр ва ибтидоъ) рукни **фоилотун** аслига, иккинчи (ҳашв) рукнлари фоилотун аслининг мушаъас тармоғи — **мафъулун**га, охирги

(аруз ва зарб) рукнлари эса шу аслнинг мақбуз мақсур тармоғи — **фаълун**га тенгдир. Ушбу вазн ҳам шеъриятимизда кам қўлланган бўлиб, Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» достонидаги баъзи мисраларгина мазкур ўлчов асосида ёзилган. Чунончи:

Бостуруб келган улуслар бисёр
Йиғлагондурлар хон ҳолиға зор.
...Корсоз ўлди шаҳзода Убайд,
Борча оламни қилурмен деб сайд.

Рамали мусаддаси солими мушаъаси мақтуъ вазнининг рукнлари ва чизмаси ҳар мисрада

фоилотун	мафъулун	фаълун
— ∨ — —	— — —	— —

тарзида бўлиб, биринчи (садр ва ибтидоъ) рукнлари **фоилотун** аслига, иккинчи (ҳашв) рукнлари фоилотун аслининг мушаъас тармоғи **мафъулун**га, учинчи (аруз ва зарб) рукнлари эса шу аслнинг мақтуъ тармоғи **фаълун**га тенгдир. Ушбу вазндан ҳам шеъриятимизда кам фойдаланилган бўлиб, Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» достонидаги баъзи мисраларгина шу ўлчов асосида ёзилган. Масалан, достондаги

Кўрмадим хайре мирзолардин,
Тиладим раъйе донолардин.
...Ул киши бордур Шайбонийхон,
Хони Шайбондуру Маҳдиийи замон.
...Беш ёғоч йўлдур бу манзилдин,
Гар хабар бермаса бу маҳфилдин

байтларининг биринчи мисралари,

Ҳам қиличи қинида мустаҳкам,
Халқ қонидин рангин ул ҳам.
...Бу етиким рақам этти хома,
Бўлди ораста андин нома.
...Менга бисёр тавозеъ қилди
Қўпуб ўрнидин ўтру келди.

байтларининг иккинчи мисралари шу вазндадир.

Рамали мусаддаси солими мушаъаси мақтуъи мусаббағ вазнининг рукнлари ва чизмаси ҳар мисрада

фоилотун	мафъулун	фаълон
— ∨ — —	— — —	— ~

тарзидадир. Унинг биринчи (садр ва ибтидоъ) рукнлари **фоилотун** аслининг мушаъас тармоги — **мафъулун**га, учинчи (аруз ва зарб) рукнлари шу аслнинг мақтуъи мусаббағ тармоғи — фаълонга тенгдир. Кўриниб турганидек, ушбу ўлчов юқоридаги рамали мусаддаси солими мушаъаси мақтуъ вазнидан охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билангина фарқланади. Мазкур вазн ҳам шеъриятимизда кам қўлланган бўлиб, ундан Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» достонидаги баъзи мисралардагина фойдаланилган. Жумладан, асарнинг

Борчадин бурно Султон Маҳмуд,
Ўтти дарёдину бўлди хушнуд.
...Ким юруб Боқи Тархон филҳол,
Термиз устиға очсун пару бол.
...Чун вилоятға кирди Султон,
Қилди ёрлиғки чи яхши, чи ямон.
Чун бу навъ улди хондин фармон,
Едилар тўра ғамин яхши-ёмон.

байтларидаги биринчи мисралар ушбу вазндадир.

«МАХБУНИ МУШАЪАС» ШАҲОБЧАСИ ВАЗНЛАРИ

Рамали мусаддаси махбуни мушаъаси маҳзуф вазни шеъриятимизда жуда кам қўлланган вазнлардан бўлиб, рукнлари ва чизмаси ҳар мисрада

фаилотун	мафъулун	фаилун
v v — —	— — —	v v —

тарзидадир. Бинобарин, ушбу вазндаги мисраларнинг биринчи (садр ва ибтидоъ) рукнлари фоилотун аслининг махбун тармоғи — **фаилотун**га, иккинчи (ҳашв) рукнлари шу аслнинг мушаъас тармоғи — **мафъулун**га, охирги (аруз ва зарб) рукнлари шу аслнинг махбуни маҳзуф тармоғи **фаилунга** тенг бўлади.

Муҳаммад Солиҳ қаламига мансуб «Шайбонийнома» достонидаги баъзи мисралар ушбу ўлчовда битилган. Чунончи,

Черикин йиғсун, фурсат берали,
Ул йиғиндин сўнг оларни терали

байтининг биринчи мисраси шу ўлчовдадир.

Рамали мусаддаси махбуни мушаъаси мақтуъ вазни шеъриятимизда жуда кам қўлланган, аниқроғи, Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» достонидаги айрим

мисралардагина фойдаланилган вазн бўлиб, рукнлари ва чизмаси бир мисрада

фаилотун	мафъулун	фаълун
v v — —	— — —	— —

тарзидадир. Яъни садру ибтидоъ фоилотуннинг махбун тармоғи фаилотунга, ҳашвлар шу аслнинг мушаъас тармоғи — мафъулунга, аруз ва зарб эса унинг мақтуъ тармоғи — фаълунга тенгдир. Масалан,

Сен агар ваҳм қилурсен хондин
Кеча олмассан бу ўғлондин.
...Манго бисёр тавозе қилди,
Қўпуб ўрнидин ўтру келди.

байтларининг иккинчи мисралари,

...Маза топмас эрдим бу жондин,
Лаззате қилмас эдим имондин

байтининг биринчи мисраси шу вазндадир.

Рамали мусаддаси махбуни мушаъаси мақтуъи мусаббағ вазни юқоридаги ўлчовдан охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билангина фарқланиб, рукнлари ва чизмаси

фаилотун	мафъулун	фаълон
v v — —	— — —	— ~

тарзидадир. Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» достонидаги баъзи мисралар шу ўлчовда ёзилган. Чунончи:

Бойсунғар била Султон Маҳмуд,
Чиқариб эрдилар элдин дуд.

Яна бир ёндин Султон Маҳмуд,
Келди ўз лашкари бирла хушнуд.

байтларининг иккинчи ва учинчи мисралари ана шу вазнда битилган эди.

«МУШАЪАСИ МАХБУН» ШАҲОБЧАСИ ВАЗНЛАРИ

Рамали мусаддаси мушаъаси махбуни мақтуъ вазни кам қўлланган ўлчовлардан бўлиб, рукнлари ва чизмаси ҳар мисрада

мафъулун	фаилотун	фаълун
— — —	v v — —	— —

тарзидадир. Яъни ушбу вазндаги шеърий мисраларнинг садр ва ибтидоъ рукнлари фоилотун аслининг мушаъас тармоги — **мафъулун**га, ҳашвлари шу аслнинг махбун тармоги — **фаилотун**га, аруз ва зарб тармоғи — **фаълун**га тенг бўлади. Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» достонидаги бир неча мисра шу ўлчовда ёзилган. Масалан:

Чун ҳукм айлади хони аъзам,
Хоникахон қўлиға олди қалам.

байтининг биринчи мисраси шу вазндадир.

Рамали мусаддаси мушаъаси махбуни мақтуъи мусаббағ вазни шеъриятимизда жуда кам қўлланган ўлчовлардан бўлиб, рукнлари ва чизмаси ҳар мисрада

мафъулун	фаилотун	фаълон
— — —	v v — —	— ~

тарзидадир. Кўриниб турганидек, мазкур ўлчов юқоридаги вазндан охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билангина фарқланади. Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» достонидаги бир неча мисра ушбу вазнда битилган. Жумладан,

Бойсунғар била Султон Масъуд,
Чиқориб эрдилар элдин дуд.
... Сиз ким бу мулк ғавғо қилмоқ,
Бежиҳат мунча таманно қилмоқ

байтларининг биринчи мисралари шу ўлчовдадир.

Рубоий вазнлари. Шеъриятимизда яратилган барча рубоийлар, худди форс-тожик адабиётидаги каби, ҳазаж баҳрига мансуб 24 вазнга асосланган. Ушбу ўлчовлар мафоийлун асли ҳамда унинг қуйидаги 9 тармоғидан ташкил топган:

№№	Рукн ва чизмаси	Аталиши	Қайси рукнларда қўлланади
1.	мафоийлун v — — —	солим	иккинчи, учинчи (ҳашвларда)
2.	мафоилун v — v —	мақбуз	иккинчи (олдинги ҳашвда)
3.	мафоийлу v — — v	макфуф	иккинчи, учинчи (ҳашвларда)
4.	мафъулун	ахрам	биринчи, иккинчи, учинчи (садр, ибтидо, ҳашвларда)

1	2	3	4
5.	мафъулу	ахраб	биринчи, иккинчи, учинчи (садр, ибтидо, кейинги ҳашвларда)
6.	фоилун — v —	аштар	иккинчи (олдинги ҳашвда)
7.	фаал v —	ажабб	тўртинчи (аруз ва зарбда)
8.	фаул v —	ахтам	« — «
9.	фаъ —	абтар	« — «
10.	фоъ ~	азалл	« — «

Юқоридаги рукнларнинг турли хилдаги таркибидан таъкидланган 24 ўлчов тузилади. Улар роппа-расо ўн иккитадан икки гуруҳга бўлинади. Гуруҳларни арузшуносликда дарахт шаклида ифодалангани учун уларни шажара (дарахт) деб аталган.

Мафоийлуннинг ахраб тармоги мафъулу рукни билан бошланувчи 12 вазн ахраб шажарасини, шу аслнинг ахрам тармоғи мафъулун билан бошланувчи яна 12 вазн ахрам шажарасини ташкил қилади (*Қаранг:* «Ахраб шажараси», «Ахрам шажараси»).

Рубоийнавислигимизда ахраб шажарасига мансуб 8 ўлчовдан жуда кенг фойдаланилган. Аксарият рубоийлар ушбу ўлчовлар асосида битилган. Ахрам шажарасига мансуб 8 вазндан эса жуда кам фойдаланилган бўлиб, шоирлар ўз рубоийларининг баъзи мисраларидагина бу ўлчовларга мурожаат қилганлар. Навоий, Бобур, Мунис, Огаҳий, Аваз ижодида яратилган 801 рубоийнинг жами 3204 мисрасидан 136 таси — 4,3 фоизигина ахрам шажараси вазнларида битилган.

Рубоийлар вазнига хос бир хусусият кўпвазнлиликдир. Анъанага мувофиқ шеъриятимиздаги рубоийлар 1, 2, 3, 4 вазнли шеърлар сифатида яратилган. Бир вазн асосида ёзилган туркий (ўзбекча) рубоийлар шу жанрдаги барча асарларнинг тахминан 19 фоизини, икки вазнлилари эса тахминан 59 фоизни, уч вазнли рубоийлар 21, тўрт вазнли рубоийлар эса 1 фоизни ташкил этади. Чунончи, Алишер Навоий, Бобур, Мунис, Огаҳий, Авазлар қаламига мансуб жами 801 рубоийнинг 150 таси бир вазнли, 474 таси икки вазнли, 167 таси уч вазнли, фақат 10 тагинаси тўрт вазнли асарлардир. Бир вазнли рубоийларнинг барчаси ахраб шажараси ўлчовларида битилган. Икки вазнли 474 рубоийнинг 436 таси ахраб шажараси ўлчовла-

рида бўлиб, 38 тасидагина ахрам шажараси вазнлари иштирок этган. Уч вазнли 167 рубоийнинг 91 таси фақат ахраб шажарасига мансуб ўлчовларда бўлиб, 76 тасида ахрам шажараси вазнлари қатнашган.

Икки вазнли рубоийларнинг ўлчовлар таркиби қизиқарли. Бу хил 474 асарнинг 183 тасида икки мисра бир хил, яна икки мисра иккинчи хил вазнда ёзилган. 291 рубоийнинг уч мисраси бир хил, бир мисраси иккинчи хил вазнда. Улардан 123 тасида иккинчи вазн учинчи мисрага тўғри келади. Бу эса рубоийларга хос ихчам қурилиш билан, учинчи мисрада оҳангнинг кескин ўзгариши, ифодаланаётган фикрнинг алоҳида таъкидланиши билан изоҳланади.

Рубоийларимизда ахрам шажарасига мансуб вазнларнинг қўлланиш кўлами ҳам эътиборга лойиқ. Бу соҳадаги тадқиқотларнинг кўрсатишича, ахрам шажараси вазнлари асосан ахраб шажараси ўлчовларида яратилган асарларнинг бир мисрасида (89 фоиз), баъзан икки мисрасида (7 фоиз), кам ҳолда 3 мисрасида (3 фоиз), ундан ҳам кам ҳолда 4 мисрасида (1 фоиз) иштирок этади. Чунончи, Навоий, Бобур, Мунис, Огаҳий, Авазлар яратган жами 801 рубоийнинг жами 119 тасида ахрам шажараси вазнлари қатнашган бўлиб, улар 136 мисрани ташкил қилади. 106 рубоийда биттадан, 9 рубоийда иккитадан, 3 рубоийда 3 тадан ва 1 рубоийда 4та мисранинг барчаси ахрам шажараси вазнларидир:

Мисоллар:

Навоий яратган

Гар ошиқ эсанг меҳру вафо қилма ҳавас,
Дард истау дафъига даво қилма ҳавас.
Ҳижрону висол мутлақо қилма ҳавас,
Дилдорингдин ғайри ризо қилма ҳавас.

рубоийсининг 1—3 мисралари ахраб шажараси вазнларида бўлиб, тўртинчиси ахрам шажарасига мансуб ҳазажи мусаммани ахрами ахраби макфуфи ажабб ўлчовидадир.

Бобур ёзган

Асру кўп эмиш журъату ҳиммат сизга,
Рўзи қилғай худой нусрат сизга.

Мардоналиғингизни бори эл билди,
Раҳмат сизга, ҳазор раҳмат сизга.

рубоийсининг 1,3-мисралари ахраб шажараси вазнида бўлиб, 2,4-мисралари ахрам шажарасига мансуб ҳазажи мусаммани аҳрами аштари солими абтар ўлчовидадир.

Мунис қаламига мансуб

Мен кимман айламак иноятни тамаъ,
Яъни сендин бирор китоботни тамаъ,
Қилмоқ менга мунча басдурур гоҳ-гоҳи
Мунис бандам, деган ҳикоятни тамаъ.

рубоийсининг учинчи мисрасигина ахраб шажараси вазни — ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи мақфуфи ажабб ўлчовида бўлиб, 1, 2, 4-мисралари ахрам шажарасига мансуб ҳазажи мусаммани ахрами аштари мақфуфи ажабб ўлчовида битилган.

Рубоий вазнларидан баъзи шоирлар ғазал, туюқ, қитъа, фард каби шакллардаги шеърий асарларни яратишда ҳам фойдаланганлар. Масалан, Сайфи Саройининг:

Эй лашкар ичинда белгили форис эр,
Душманни кўруб заиф сен, қилма тараб.
Бир киччи киши кечиб равон жониндан
Арслонни уруб чиқарса жонин не ажаб.

шеъри каби кўпгина қитъалари рубоий вазнларида ёзилган эди.

Машраб қаламига мансуб бўлган
Чиқсам кўчаларга шаҳсуворим келадур,
Гул ғунчасидек лола узорим келадур.

матлаъли ғазалда, Увайсий битган

Мендин сўрасанг шўхи замондин ғафурай,
Изҳор этибон дарди ниҳондин ғафурай.

матлаъли ғазалида ахрам шажарасидаги рубоий вазнлари ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф вазни билан биргаликда қўлланган.

Ушбу анъанани давом эттирган кекса арузшунос Ҳабибий ҳам баъзи ғазалларини мазкур вазнлар асосида битган эди. Жумладан, унинг

Бу фабриканинг кўксида чевар қизлар,
Атлас тўқимоқ фанлари яксар қизлар.
Корхона фазосига йиғилган чоғда
Гўё кўринур ўртада ҳулкар қизлар.

деб белгиланувчи вазн (рубоий вазнларида) ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи солими азал, ҳазажи мусаммани макфуфи солими азал ва ҳазажи мусаммани макфуфи ажабб ўлчовларида ёзилган эди.

РУБОИЙЛАР ВАЗНИНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ

Рубоийлар вазнини аниқлаш учун аввало шеърнинг ҳар бир мисрасини ифодали ўқиш, бу жараёнда эса ўта чўзиқ ҳижоларнинг ўқилиши, васл ҳодисасига алоҳида аҳамият бериш, яхшиси ўта чўзиқ ҳижолар ҳамда васл белгисини кечиктирмай, ўқиш чоғидаёқ қўйиб қўйиш маъқул. Шундан сўнг ҳар қайси ҳижонинг чўзиқ ёки қисқалиги белгиланади.

Маълумки, рубоийлар бир, икки, уч, тўрт вазнли асарлар сифатида яратилади, яъни ҳар бир мисраъ алоҳида бир вазнда ёзилиши мумкин. Шунга мувофиқ ҳар қайси мисраъ вазни алоҳида белгиланади.

Вазнни аниқлаш учун аввало рубоий мисрасининг қайси шажара вазнларида битилганини белгилаб олиш лозим. Бунинг учун олдинги уч ҳижо алоҳида рукн (садр, ибтидоъ) қилиб ажратилади. Агар у мафоийлун аслининг — — ∨ чизмасига эга бўлган ахраб тармоғи — мафъулуга тенг бўлса, ахраб шажараси вазнларидан бирида ёзилгани маълум бўлади. Бу ҳолда ҳашвларни, яъни иккинчи ва учинчи рукнларни тўрт ҳижоли қилиб ажратилади-да, чизмасига кўра рукн тури аниқланади. Тўртинчи рукн — аруз ва зарб эса бир ёки икки ҳижолидир.

Агар биринчи рукн, яъни садр ёки ибтидоъ мафоийлуннинг — — — чизмасига эга бўлган ахрам тармоғи — мафъулундан иборат бўлса, мисраъ ахрам шажарасида ёзилгани маълум бўлади. Бу ҳолда иккинчи рукн (олдинги ҳашв)ни уч ҳижоли, учинчи рукн (кейинги ҳашв)ни тўрт ҳижоли қилиб ажратилади ва чизмага кўра барча рукнларнинг турлари, номлари аниқланиб, вазн белгиланади. Масалан, Бобурнинг

Сен гулсену мен ҳақир булбулдурмен,
Сен шуълосен, ул шуълаға мен қулдурмен.

Нисбат йўқтур деб ижтиноб айламаким,
Шаҳмен элга, вале санға қулдурмен.

рубоийси вазнини аниқлаб кўрайлик:

Биринчи мисрани ифодали ўқиб, чизмасини чизамиз.

Сен	гулсе	ну	мен	ҳақир	булбулдурмен
— —	— v	v	— —	v — v	— — — — —

Олдинги уч ҳижони бирлашган рукн қилиб ажратамиз. «Сен гулсе» рукни чизмага кўра мафъулу тармоқ рукнига тенг. Бинобарин, мисра ахраб шажараси вазнларидан бирида ёзилган. Шуни ҳисобга олиб кейинги икки рукн (ҳашвлар)ни тўрт ҳижоли қилиб «-ну мен ҳақи», «р булбулдур» тарзида ажратамиз. Чизмасига кўра олдинги рукн мафоилун (мақбуз)га, кейингиси эса мафоийлун (солим)га тенг. Тўртинчи рукн бир ҳижоли бўлиб, фаъ (абтар) тармоғидан ташкил топган. Барча рукнлар белгилангач, вазнни аниқлаймиз: ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими абтар.

Иккинчи мисра ҳам ахраб шажарасидан бўлиб, ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи солими абтар вазнида эканини белгилаймиз.

Учинчи мисра чизмасини чизсак,

Нисбат	йўқтур	деб	ижтиноб	айламаким
— —	— —	v	— v —	— v v —

кўриниши ҳосил бўлади. Биринчи уч ҳижони ажратсак, мисранинг мафъулун (— — —) тармоқ рукни билан бошланувчи, яъни ахрам шажараси вазнларидан бирида ёзилгани маълум бўлади. Шуни назарда тутиб иккинчи рукнни уч ҳижоли қилиб «тур деб иж», учинчисини эса тўрт ҳижоли қилиб «тиноб айла» тарзида ажратиб, аввалгиси **фоилун** — (аштар), кейингиси **мафоийлу** (макфуф)га, тўртинчи рукн эса **фаал** (ажабб)га тенглигини аниқлаймиз. Натижада мисранинг ҳазажи мусаммани ахрами ахраби макфуфи ажабб вазнида ёзилгани маълум бўлади.

Шу усул билан охирги мисранинг ҳазажи мусаммани ахрами аштари солими абтар вазнида эканлигини аниқлаймиз. Бинобарин, мазкур рубоий ахрам ва ахраб шажараларига мансуб тўрт вазнда ёзилгани аён бўлади.

Рукн — арабча «устун» маъносини билдириб, аруз ўлчов тизими асосидаги шеърий байтларни ташкил қилувчи кичик ритмик бўлак ҳисобланади.

Байтлар тўрттадан 36 тагача рукндан ташкил топиши мумкин. Тўрт рукнли байтлар мураббаъ («тўрт рукнли» маъносида), олти рукнлилари мусаддас (олти рукнли), саккиз рукнлилари мусамман (саккиз рукн-

ли), 12 дан ортиқ бўлганлари (16, 20, 30, 36) мутатаввал (чўзиқ рукнли, кўп рукнли) деб юритилади. (Қаранг: «Мутатаввал»).

Рукнлар ҳар қайси байтдаги ўрнига кўра ҳам турлича номланади: биринчи мисранинг биринчи рукни **садр** (раис, бошлиқ маъносида), охирги рукни **аруз,** иккинчи байтнинг биринчи рукни **ибтидоъ** (бошловчи), охиргиси — **зарб**, садр билан аруз, ибтидоъ билан зарб ўртасидаги барча рукнлар сонидан қатъий назар **ҳашв** деб аталади.

Байтлардаги ритмик бўлакларни ўлчаш учун қўлланувчи махсус атамалар ҳам умумий тарзда рукн деб юритилади. Улар асосий ва тармоқ рукнларга (асллар ва фуруъларга) бўлинади. Арузга хос баҳрлар таркибини ташкил этувчи асосий саккиз (баъзи арузшунослар фикри бўйича ўнта асосий рукнлар асллар (афоийлу тафоийл ёки авзони мавозин) дейилади. Улар уч ҳижоли: фаулун (чизмаси: v — —), фоилун (— v —); тўрт ҳижоли: мафоийлун (v — — —), фоилотун (— v — —), мустафъилун (— — v —), мафъулоту (— — — v); беш ҳижоли: мутафоилун (v v — v —) ҳамда мафоилатун (v — v v —) рукнларидир. Ушбу асллар мумтоз арузшунослик илмига кўра сокин ва мутаҳаррик ҳарфларнинг турли таркибдаги бирикувидан, ҳозирги арузшунослик илмига кўра эса қисқа ва чўзиқ ҳижоларнинг турлича таркибидан ҳосил бўлади (*Қаранг:* «Асллар»).

Юқоридаги асллар шеърий байтлардаги турли-туман ҳажм ва кўринишдаги ритмик бўлакларни ўлчаш, аниқлаш учун кифоя қилмайди. Шунинг учун уларни турли хилда ўзгартириб, кўплаб тармоқ рукнлари (фуруълар)ни юзага келтирилади. Бундай тармоқ рукнлар (фуруълар) Бобур таъкидича, шаклан 40 хил бўлиб, жами 96 тадир. Улардан 22 хили ўзбек шеъриятида қўлланган (*Қаранг:* «Тармоқ рукнлар»).

С

Салм фаулун аслига хос зиҳофлардан бирининг номи бўлиб, «бузилиш», «нуқсон етказиш» маъноларини ифодалайди. Бу хил ўзгаришга дуч келган фаулун аслининг биринчи қисқа ҳижоси туширилиб, қолган «**улун**» қисми ўзига тенг фаълун (чизмаси: — —) тармоқ рукни билан алмаштирилиб, «нуқсонли» маъносида **аслам** деб юритилади. Ушбу фуруъ мутақо-

риби мусаммани аслам, мутақориби мусаммани аслами мусаббағ вазнлари таркибидаги биринчи ва учинчи, мутақориби мусаммани мақбузи аслам вазни таркибидаги 2- ва 4-рукнлар ўрнида қўлланади (*Қаранг:* «Мутақориб баҳри вазнлари»).

Сарам фаулун аслига хос зиҳофлардан бўлиб, «олдинги тишни синдириш» деган маънони ифодалайди. Бундай ўзгаришга дуч келган фаулун аслининг биринчи қисқа ҳижоси туширилиб, охирги, чўзиқ ҳижо қисқа ҳижога айлантирилади. Қолган «**улу**» қисми ўзига тенг **фаълу** (чизмаси: — у) тармоқ рукни билан алмаштирилиб, «тиши синиқ» маъносида **асрам** деб юритилади.

Ушбу фуруъ мутақориби мусаммани асрам ва мутақориби мусаммани асрами мусаббағ вазнлари таркибидаги биринчи ва учинчи рукнлар ўрнида қўлланади (*Қаранг:* «Мутақориб баҳри вазнлари»).

Сариъ[1] **баҳри** арузнинг асосий ўлчов турларидан бўлиб, унинг асосини **мустафъилун** аслининг ҳар мисрада икки марта, **мафъулоту** аслининг бир марта такрори ташкил қилади. Чунончи, ушбу баҳрнинг олти рукнли солим вазни рукнлари ва чизмаси бир мисрада

мустафъилун	мустафъилун	мафъулоту
— — v —	— — v —	— — — v

тарзидадир.

Алишер Навоий «Меъзонул авзон»да сариъ баҳрининг беш вазни ҳақида маълумот бериб, уларнинг ҳар бирига мисоллар келтиради. Бобур эса ўзининг «Мухтасар» асарида «сариъ баҳри ўн етти вазн: ўн бир мустаъмал, олти мухтараъ, бир вазн мустаъмали матбуъ» эканини таъкидлаб, шу ўн етти вазнга биттадан байт келтиради.

Сариънинг вазнлари кўп бўлса ҳам, улардан иккитасигина шеъриятимиздан ўрин олган бўлиб, булар сариъи мусаддаси матвийи макшуф ҳамда сариъи мусаддаси матвийи мавқуф ўлчовларидир. Охирги ҳижонинг чўзиқ ёки ўта чўзиқлиги билангина фарқланувчи бу икки вазн бир шеърий асарнинг ўзида биргаликда қўлланаверади.

Сариъ баҳрининг шеъриятимиздан ўрин олиши Алишер Навоий номи билан боғлиқдир. Унинг ижо-

[1] «Сариъ» арабча сўз бўлиб, «тез» деган маънони ифодалайди.

дига қадар ушбу баҳрда шеър ёзиш анъанаси ўзбек шеъриятида учрамайди. Навоий ушбу икки вазн асосида ўзининг икки ғазали, бир фардини, энг муҳими «Хайратул аброр» достонини яратиб, сариъ баҳрининг ўзбек адабиётидан ўрин олиши ва кенг қўллана боришига кучли таъсир кўрсатди. Бу соҳада унинг анъаналарини Огаҳий, Муқимий каби шоирлар давом эттирдилар. Шоир Ҳабибий ҳам ушбу вазнларда ўзининг газалини яратган.

САРИЪ БАҲРИ ВАЗНЛАРИ

Сариъи мусаддаси матвийи мақшуф шеъриятимизда анча кенг қўлланган вазнлардан бўлиб, рукнлари ва чизмаси бир мисрада

муфтаилун	муфтаилун	фоилун
— v v —	— v v —	— v —

тарзидадир. Кўриниб турибдики, ушбу ўлчов таркибида мустафъилун аслининг матвий тармоғи **муфтаилун** ҳамда мафъулоту аслининг матвийи мақшуф тармоғи **фоилун** рукнлари иштирок этади.

Ушбу шеърий ўлчов дастлаб Низомийнинг «Маҳзанул асрор» достонида қўлланган эди. «Хамса»чилик анъанасига кўра озарбайжон шоири изидан борган Хисрав Деҳлавий ҳам, Абдураҳмон Жомий ҳам, Алишер Навоий ҳам ўз «Хамса»ларининг биринчи достонларида шу ўлчовни сақлаб қолдилар. Ушбу вазн лирик ва ҳажвий шеъриятимизда ҳам анча кенг қўлланган. Чунончи, Ҳайдар Хоразмийнинг «Гулшани асрор» достони, Муқимийнинг «Танобчилар» ҳажвияси каби асарлар ушбу вазн асосида яратилган. Мазкур вазнни Ҳабибий ҳам ўз ижодида синаб кўрган эди.

Мисоллар:

Оҳки ишқ айлади шайдо мени,
Солди жунун кўйига савдо мени

(Навоий)

Одамий эрсанг, демагил одами
Оники, йўқ халқ ғамидин ғами.

(Навоий)

Аҳли назар шевасини сўз билур,
Нури басар мевасини кўз билур.

(Ҳайдар Хоразмий)

Ҳар нимаким истаса инсон топар,
Топғали қасд айласа имкон топар.

(Ҳабибий)

Сариъи мусаддаси матвийи мавқуф шеъриятимизда анча кенг қўлланган ўлчовлардан бири. Унинг рукнлари ва чизмаси бир мисрада

муфтаилун	муфтаилун	фоилон
— v v —	— v v —	— v ~

тарзидадир. Кўриниб турганидек, унинг таркибида **мустафъилун** аслининг матвий тармоғи — муфтаилун ҳамда **мафъулоту** аслининг матвийи мавқуф тармоги — **фоилон** рукнлари иштирок этади.

Мисоллар:

Зулм ўзунга фисқдур, эй ҳушёр,
Гум қил ани бўлса санга ҳуш ёр.

(Навоий)

Лаълинг эрур беҳаду гоят лазиз,
Сўзинг эрур ўйлаки шарбат лазиз!

(Мунис)

Элга қилиб лутфини инъом ом,
Айлади кўп дилни дилором ром.

(Ҳабибий)

Шуниси ҳам аёнки, олдинги, сариъи мусаддаси матвийи макшуф вазнидан ушбу ўлчов охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билангина ажралиб туради. Ана шу хусусиятига кўра мазкур вазн олдинги ўлчов билан бир шеърнинг ўзида қўлланаверади. Бошқача қилиб айтганда, газалнинг матлаъ ҳамда қофияланувчи мисралари сариъи мусаддаси матвийи макшуф вазнида бўлса, унинг қофияланмайдиган мисраларида матвийи мусаддаси матвийи мавқуф ўлчови қўлланиши ёки аксинча бўлиши мумкин.

Масалан, Ҳабибий қаламига мансуб

Етса алам қайси жасадга агар,
Ўзи билур, ўзга жасад бехабар.
Ҳар кишининг томига ғар ёғса қор,
Не иши бор ўзгани, ўзи курар

парчасининг 1, 2, 4 мисралари сариъи мусаддаси матвийи мақшуф, учинчи мисра эса сариъи мусаддаси матвийи мавқуф вазнида ёзилган.

Маснавий шаклида ёзилган асарларнинг айрим байтлари сариъи мусаддаси матвийи мақшуф вазнида бўлса, бошқа байтлари сариъи мусаддаси матвийи мавқуф вазнида бўлиши мумкин.

Масалан, Алишер Навоийнинг «Ҳайратул аброр» достонидаги

Бил муниким, сен дағи бир бандасен,
Кўпрагидин ожизу афгандасен.
Эрмас алар туфроғу сен нури пок,
Хилқат аларғау санга — тийра хок.

байтларининг биринчиси сариъи мусаддаси матвийи мақшуф, иккинчиси эса сариъи мусаддаси матвийи мавқуф ўлчовидадир.

Шу тарзда иккала вазн бир асарнинг ўзида алмашиниб қўлланаверади. Бу ҳар бир шеър икки ўлчов асосида ёзилади, деган сўз эмас, албатта. Айрим шеърлар бир вазн асосида ёзилиши ҳам мумкин.

Солим арабча «соглом, ўзгармаган» деган маъноларидаги сўз бўлиб, аруз тизими асоси бўлган рукнлар сифати, ҳолатини ифодалаш учун қўлланади, вазнларни ташкил қилувчи асллар ўзгаришга дуч келмаган бўлса, солим саналади. Барча рукнлари солим бўлган, яъни барча рукнлари у ёки бу аслнинг ўзидангина ташкил топган вазн ҳам солим деб юритилади. Масалан: «Бобурнинг

Хазон япроғи янғлиғ ғул юзунг ҳажрида сарғардим,
Кўруб раҳм айлагил, эй лоларух бу чеҳраи зардим

байти билан бошланувчи ғазали ҳазажи мусаммани солим вазнида ёзилган саналади. Чунки ушбу байтни ташкил этувчи саккиз рукннинг ҳар бири мафоийлуннинг солим кўриниши — мафоийлунга тенг. Уни рукнларга ажратсак

Хазон япро — ги янглиг гул — юзунг ҳажри — да сарғардим
Мафоийлун мафоийлун мафоийлун мафоийлун
Кўруб раҳмай — лагил, эй ло — ларух бу чеҳ — раи зардим
Мафоийлун мафоийлун мафоийлун мафоийлун

манзараси ҳосил бўлади. Демак, байтдаги барча рукнлар мафоийлуннинг солим кўринишига тенг бўлгани учун вазн ҳам солим деб аталади.

Т

Тавил баҳри («тавил» сўзи арабча бўлиб, «узун» деган маънони ифодалайди) арузнинг асосий ўлчовларидан бири бўлиб, фаулун ҳамда мафоийлун асларининг кетма-кет такрорига асосланади. Масалан, унинг саккиз рукнли солим кўриниши ҳар мисрада

фаулун	мафоийлун	фаулун	мафоийлун
∨ — —	∨ — — —	∨ — —	∨ — — —

рукнлари ва чизмасидан ташкил топади.

Навоий «Мезонул авзон»да тавил баҳрига мансуб тавили мусаммани солим вазнигагина тўхталиб унга

Фироқингда жон бердим, бошимға қадам еткур,
Агар худ тирик эрмас, у ёлғон дедим ўлтур.

байтини мисол қилиб келтирганди. Бобур ўзининг «Мухтасар» асарида ушбу баҳрнинг олти вазндан иборат бўлиб, улардан иккитаси мустаъмал, тўрттаси мухтараъ, икки вазн мустаъмали матбуъ эканлигини таъкидлайди ва ҳар қайси вазнга мисоллар келтиради[1].

Тавил баҳри араб арузига махсус ўлчовларидан саналган ва форс-тожик ҳам туркий шеъриятларда деярлик қўлланмаган. Айрим ўзбек шоирларигина ушбу баҳр вазнларида шеърлар яратиб, уларнинг оҳанг имкониятларини синовдан ўтказганлар. Шулардан бири Алишер Навоий эди.

ТАВИЛ БАҲРИ ВАЗНЛАРИ

Шеъриятимизда тавил баҳрининг биргина ўлчовидан фойдаланилган. Ушбу вазн тавили мусаммани солим саналади.

---

[1] *Бобур.* Мухтасар, 168—169-бетлар.

Тавили мусаммани солим вазни шеъриятимизда жуда кам қўлланган ўлчовлардан бўлиб, рукнлари ва чизмаси бир мисрада

фаулун	мафоийлун	фаулун	мафоийлун
v — —	v — — —	v — —	v — — —

тарзидадир. Қисқа ва чўзиқ ҳижолар таркибига кўра ёқимли оҳангга эга бўлмаган ушбу вазн умуман туркий шеъриятга мувофиқ тушмайдиган ўлчовлардан саналади. Шунга қарамай айрим ижодкорлар унинг вазн-оҳанг имкониятларини синаб кўриш мақсадида бир-икки ғазал ёзиб кўрганлар. Ушбу ўлчовда биринчи бўлиб шеър битган шоир Алишер Навоий бўлди. Унинг «Хазойинул маоний» асаридан ўрин олган уч шеър, яъни:

Лабинг чашмаи ҳайвон, қадинг руҳи инсони,
Бу обу ҳаво бирла биринг йўқ имкони.

Зиҳи қадди наҳлингдин хижил сарв бўстони,
Хат ичра лабингдин мунфаил роҳи райҳони.

Юзунгдек қамар йўқтур, қадингдек шажар йўқтур,
Шажар бўлса ҳам анда, лабингдек самар йўқтур.

матлаъли ғазаллари ана шу ўлчов асосида яратилган эди.

Тазниб «дум ясамоқ» деган маънони ифодаловчи аруз атамаси бўлиб, сўзларни у ёки вазнга мувофиқлаштириш учун уларга бирор ҳарфни орттириш усулини ифодалайди. Бу усул қўлланганда:

1. Баъзи сўзлар таркибига бирор унли ҳарф киритилади. Масалан:

Итобу жавру жафоға доғи керак инсоф,
Айитки, неча менинг жонима жафо қилғунг?

(Лутфий)

Эй вужуд, ул тор оғиздин ҳеч бўлсанг, не ажаб,
Ушбу йўлда **юруганларга** адамдин чора йўқ.

(Лутфий)

Эй юзи ойина эмин **кўнгулунг** ойинидин
Мунинг бикин кишининг куйдирур жаҳон оҳи.

(Саккокий)

Парда ёпқоч юзга, тутти қон ёшим офоқни,
Меҳр уёққонда **уфуқ** сори ёйилғондек шафақ.

(Навоий)

2. Шакар, умид, сиҳат, хумор каби сўзлар ўртасидаги ундош қўшалоқлаштирилади. Мисоллар:

Ирнингки қалам тилини ширинлиғи ёрди,
Шаккар дедим ондинки самар сўз келишидин.

(Лутфий)

Айрим сўзлар ўртасидаги якка ундош баъзан вазн талаби билан қўшалоқлаштириб ўқилиши мумкин. Масалан, Огаҳий қаламига мансуб

Шакар демак ғалатдур лаълинга жонбахшлик ичра,
Қачон Исоу Марям муъжизин **шаккар** қилур пайдо.

байти бошидаги **шакар** сўзи ўртасидаги ундош иккинчи мисра ҳашвида қўшалоқлаштирилиб **шаккар** тарзида ўқилади.

Мисоллар:

Ҳажр навмид эрконимда ўртар **уммидида** шавқ,
Ваҳки, ё навмидлиғ айлар ҳалоким ё **умид**.

(Навоий)

Дурдкашлар ичра мендин фориғи гар йўқ, не тонг,
Чун харобот ичра йўқ мендин киши **хуммороқ**.

(Навоий)

Лаъл уза хат ичра холингдур ниҳон, ё ҳиндуе
Сабзада ёшунди **шаккар** қасдида айлаб камин

(Навоий)

Дарҳол хаста жисмим **сиҳҳат** топар лабининг
Гулқандидан ичирса бир қатравор шарбат.

(Огаҳий)

3. Қад, хат, дур каби сўзларга бирон эгалик қўшимчаси қўшилганда, шу сўзлар ўзагидаги кейинги ундош қўшалоқлаштирилади. Масалан:

Ул рост **қаддинг** сарвтек ингратти найни ҳар нафас
Ширин лабинг оғзинг бикин қилди шакар
айшини танг.

(Лутфий)

Ул ёшунғай зулмат ичра, бу фалакдин ёнмағай
Кўрсалар **хатту** лабингни ногаҳон Хизру Масиҳ.

(Навоий)

Дурру гавҳар оллида туфроқ мисиллик хордур,
Кимки фарқ идрок эта олмас дуру туфроқ аро.

(Огаҳий)

Тайй зиҳоф номи бўлиб, «йиғиш» деган маънони ифодалайди. Бу хил ўзгаришга дуч келган **мустафъилун** аслининг иккинчи чўзиқ ҳижоси қисқа ҳижога айлантирилади, қолган мустафъилун қисми ўзига тенг муфтаилун (чизмаси: — v v —) тармоқ рукни билан алмаштирилиб, «йигилган» маъносида **матвий** деб юритилади. Ушбу фуруъ ражаз, мунсариҳ ва сариъ баҳрларига мансуб олти вазн таркибидаги 1, 2, 3-рукнлар ўрнида иштирок этади *(Қаранг:* «Ражаз», «Мунсариҳ», «Сариъ»).

Таслим «емирмак» маъносини ифодаловчи аруз атамаси бўлиб, сўзларни вазнга мослаш учун уларнинг ўзак-негизларидаги бирон ҳарфни тушириш усулини ифодалайди. Гап шундаки, бир қатор сўзлар баъзи вазнларда назарда тутилган рукнга мос тушмайди, шунда уларни мазкур тарзда ўзгартириб шеър ўлчовига мувофиқлаштирилади. Бу усул бир неча тарзда намоён бўлади.

1. Таркибида жуфт ундош қўлланувчи икки, етти, саккиз, тўққиз, қаттиқ, иссиқ, ҳамма каби сўзлар ўртасидаги ундошлардан бири туширилади. Масалан:

Ўн **сакиз** минг олам ошуби агар бошиндадур,
Не ажаб, чун сарвнозим ўн **сакиз** ёшиндадур.

(Навоий)

Чу ўн саккизга етти ёшинг, ол бурқаъ жамолингдин,
Ки ўн саккиз минг олам ўн **сакиз** ёшингдин айлансин.

(Огаҳий)

Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдан,
Ки ман ҳар қайга борсам, дод этарман, дод дастингдан.

(Машраб)

Ўшал дарёни мавжидур табассум,
Қатиқ кулгуси қилгонда талотум.

(Фурқат)

Бўлди ситораси **исиғ** хулқига меҳри ёри гарм,
Манда **исиғ** ситора йўқ, бўлмаса бўлмасун нетай.

(Огаҳий)

2. Сув, гавҳар каби сўзлар ҳамда ювмоқ феъли билан боғлиқ сўзлар таркибидаги «в» ундоши туширилади. Масалан:

Су берса ўйла афзориға устод
Юз ил хоро демайким йўнса пўлод.

(Навоий)

Чун **юди** кўзлар савобин ашк, ёрут кўз очиб,
Ким дирамсиз элга бой эл фарздур бермак закот.

(Навоий)

Ваҳ не янглиғ билгуси ҳайвон **гўҳа**рнинг қадрини,
Ким топар ҳаз этса ул кунжарау сомонға сўз.

(Огаҳий)

3. **Йироқ, йил** каби сўзлар таркибидаги «й» ундоши туширилади.

Ёрдин, э рақиб, бизни неча бошқа тутарсен,
Жон берсам **ироқлик** била бўйнунгда вуболим.

(Лутфий)

Май ички, англамағайлар бу дайрдин рамзе,
Гар аҳли зуҳд юз **ил** истиҳора қилғайлар.

(Лутфий)

XV асрнинг I ярми шеъриятида «эй» ундовининг ундоши туширилишини кузатиш мумкин.

Охир э фалак, волау фарёдим эшитгил,
Ҳар неча менинг оҳим оғир қилди қулоғинг.

(Лутфий)

Сен бор, э рақиб, жоним эрур ушбу эв ичра,
Мен кетмон эшикингдин агар чиқмаса жоним.

(Лутфий)

4. Қилмоқ, кўрмоқ, соғинмоқ каби феълларни ҳозирги келаси замондаги ифодасида «й» ундоши туширилади.

Неча лаълингдин менинг бағрим тўла қон **қилғасен,**
Хотиримни неча зулфингдин паришон **қилғасен.**

(Бобур)

Не вафо умрумда ул жону жаҳондин **кўргамен,**
Ким вафо жондин кўрубдурким, мен ондин
кўргамен.

(Бобур)

Беҳад вафоу меҳр сенга кўрсатиб эдим,
Сен ҳам **соғинғасен** мени меҳру вафо била.

(Бобур)

Қилғосен ул моҳ меҳрин ошкор,
Субҳ янглик пок домон, марҳабо.

(Нодира)

5. Кўп ҳолатларда шоирларнинг «ий» қўшимчасини олган тахаллусларидаги «й» ундоши туширилади. Масалан:

Сочинг билан юз ёпмағилу **Лутфиға** кўргуз,
Кун, оре, булуттин очилур, яхши кўрунур.

(Лутфий)

Ғамзангиз қон тўккали қасд этса ҳар дам ул замон,
Лаълингиздин кўп бўлур **Саккокиға** жон миннати.

(Саккокий)

Йиғлар **Муқими** токай, топмас мурод найлай,
Ўйнайлигу кулайлик, эсон-омон бўлайлик.

(Муқимий)

Ушбу тахаллусларни мазкур байтларда Лутфийга, Саккокийға, Муқимий тарзида ёзилса ва шундай ўқилса, вазн бузилиши муқаррар.

Баъзида Увайсий тахаллусининг Вайсий, Вайси тарзида олдинги «у» унлисининг туширилиб ўқилишини кузатамиз.

Вайси шаънига муносиб кўрсаким ҳар қанча сўз
Минг забон пайдо бўлур айтса яно бўлса оз.
...Вайсидинким мунтазирлигни деманг сиз, саҳлдур,
Бағри қон олудаи гирёна дийдам мунтазир.

6. Баъзан **ингичка** каби сўзлардаги икки ҳарф туширилиб, **инчка** тарзида ёзилади. Масалан:

Лутфий бошин эвурди сочи **инчка** бел бирла,
Ул ҳинду ришта бирла мағар қилди жодуйи.

(Лутфий)

7. Айрим феълларнинг баъзи қўшимчалари таркибидаги қисқа «и» унлиси туширилади. Масалан:

Кўзум паймонаси ҳар дам тўкар куйган юрак қонин,
Бале **тўклур** бўлур лобуд тўлиб тошқонда ҳар кайле.

(Саккокий)

Фурқатинг **ичрур** манга бағрим қонин май ўрнида,
Айш ила ичкан кечаларни соғинсам гоҳ-гоҳ.

(Атоий)

Сийратингда, дилрабо, давлат нишони **кўрнадур,**
Суратингда доги анвои маоний **кўрнадур.**

(Гадоий)

Ҳар жафоким келса сендин Лутфиға миннат вале,
Қилмағон ёзуқни **кечруб** қилғин андин дарғузор.

(Лутфий)

Бу хил ҳолатлар асосан ўзбек арузининг шаклланиш даври — XIV асрнинг II ярми ва XV асрнинг I ярми учун хос бўлиб, кейинги даврларда кузатилмайди.

8. Баъзи ўзакларга, хусусан, турли эгалик қўшимчаларини олган сўзларга жўналиш, тушум, қаратқич келишиклари қўшимчалари қўшилганда, келишик қўшимчалари бошидаги «г», «н» ундошлари туширилади. Масалан:

Эй Навоий, ишқ атворини ҳифз айлай деган
Барча ишни тарк этиб, қилсун **бизинг** девонни ҳифз.

(Навоий)

байтидаги «бизинг» сўзини «бизнинг» тарзида ёзилса, биринчи ҳижо чўзиқ ҳижога айланиб, вазн бузилади.

Мисоллар:

Жоним чиқар **жамолинга** қилғонда бир назар,
Дардоки боққали яна бир жон баданда йўқ.

(Лутфий)

Эй сарви сиҳи **қоматинга** жон била мойил,
Не хуш ярашур **қаддинга** ул шаклу шамойил

(Лутфий)

Эй Навоий, **кўнглунга** берсанг сафо ёр оллида
Фош ўлур сирринг, не ҳожат айламак изҳор лафз.

(Навоий)

Эй гул баданим, гул **юзунга** банда бўлойин,
Қурбони шакар лаблари пурханда бўлойин.

(Машраб)

Бу хил сўзларни ушбу мисраларда жамолингга, қоматингга, қаддингга, кўнглунгга каби тарзда ёзилса, вазн бузилади. Чунки мазкур байтларнинг вазнлари жамолинга, қоматинга сўзларининг учинчи ҳижолари-**ли**, **-ти** тарзида, қаддинга, кўнглунга, юзинга сўзларининг иккинчи ҳижолари эса-**ди**, **-лу**, **-зу** тарзида қисқа бўлишини тақозо этади.

Ташъис зиҳоф номи бўлиб, «сочилиш» маъносини ифодалайди. Бундай ўзгаришга дуч келган **фоилотун** аслининг қисқа бўғини туширилиб, қолган фолотун қисми ўзига тенг **мафъулун** тармоқ рукни билан алмаштирилиб, «сочилган» маъносида **мушаъас** деб юритилади Ушбу фуруъ рамал баҳрининг қатор вазнлари таркибида қатнашади (*Қаранг:* «Рамал баҳри вазнлари»).

Тақтиъ «кесиш» маъносини ифодаловчи сўз бўлиб, аруз илмида шеър вазнини аниқлаш учун байтни ритмик бўлакларга — рукнларга ажратиш демакдир. Мумтоз арузшуносликда буни вазнни белгилашнинг ягона усули деб ҳисобланган.

У ёки бу байтни тақтиъ қилиш учун уни оҳанг бўлакларига ажратилиб, ҳар бир бўлак — рукнни асллар ёки фуруълардан бири билан ўлчаб кўрилади. Байтдаги барча рукнлар шу тарзда аниқлангач, шеър баҳри ҳамда вазни келтириб чиқарилади. Чунончи, Бобурнинг

Хати бинафша, хади лола, зулфи райҳондур,
Баҳори ҳуснида юзи ажаб гулистондур

байтини тақтиъ қилиш учун уни аввало ритмик бўлак — рукнларга қуйидагича ажратамиз:

Хати бинаф — ша ҳади ло — ла зулфи рай — ҳондур,
Баҳори ҳус — нида юзи — ажаб гулис — тондур

Энди ҳар бир бўлакни асллар ёки фуруларга солиб, ўлчовини аниқлаймиз: «Хати бинаф» рукни

оҳанг жиҳатидан мафоилун фуруъига, «ша ҳади ло» рукни «фаилотун» , « ла зулфи рай » — мафоилун, «ҳондур»рукни «фаълун», «Баҳори ҳус» — мафоилун, «нида юзи» — фаилотун, «ажаб гулис» — мафоилун, «тондур» — фаълун рукнига тенг келади. Энди байтдаги барча рукнларни ўлчови билан айтиб кўрамиз.

«Хати бинаф» — мафоилун, «ша ҳиди ло» — фаилотун, «ла зулфи рай» — мафоилун, «ҳондур» — фаълун. Демак, ҳар қайси мисра рукнлари «мафоилун фаилотун мафоилун фаълун» кўринишида экан. «Мафоилун» — мустафъилун аслининг махбун тармоғи, фаилотун — фоилотун аслининг махбун тармоғи, фаълун эса шу аслнинг мақтуъ тармоғи. Байт мустафъилун ва фоилотун рукнларининг кетма-кет такрорига асосланган учун унинг мажтасс баҳрига мансуб эканини, унда мустафъилун ва фоилотун аслларининг махбун ва мақтуъ тармоқлари иштирок этаётгани, байтнинг саккиз рукндан тузилганини назарда тутиб, шоир ушбу асарини мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф вазнида ёзганини аниқлаймиз.

Тақтиъ усули анча мураккаб бўлиб, аруздан яхши хабардор одамгина шу усулдан фойдаланиб вазнларни аниқлай олади. Эски ўзбек ёзувида айрим ҳарфлар ёзилса ҳам ўқилмайди, ёзилмаганлари талаффуз этилади ва ҳоказо. Шунинг учун ҳам арузшуносликда тақтиъ усули анча кенг ва батафсил баён қилинади.

Ҳозирги арузшуносликда тақтиъ усули эмас, байтлар таркибидаги ҳижоларнинг чўзиқ — қисқалигини аниқлаб чизиб чиқиб, уларни рукнларга ажратиш, сўнг чизмалар асосида асллар ва фуруъларни белгилаб баҳр ҳамда вазнни топиш усули қабул қилинган. Бу осонроқ усул бўлиб, камроқ хато қилинади.

Вазнни шу хил усул асосида аниқлаш учун:

1. Ҳар қайси байт ифодали ўқилади. Бу жараёнда унлилар талаффузига алоҳида диққат қилинади. Хусусан, ўта чўзиқ ҳижолар таркибидаги унлиларни чўзиқ ўқиш, қўш ундош билан тугалланган ҳижоларнинг охирги ундошини (агар у кейинги ҳижога қўшиб ўқилмаса) алоҳида қисқа ҳижо тарзида талаффуз этиш, вазн тақозо этган ўринларда ёпиқ ҳижо охиридаги ундошни унли билан бошланган кейинги ҳижога қўшиб ўқиш ҳолатларига эътибор бериш лозим.

2. Шундан сўнг байтни ташкил этувчи ҳижолар-

нинг чўзиқ-қисқалиги ёки ўта чўзиқлиги аниқланиб, қабул қилинган белгилар билан кўрсатилади.

3. Энди байт ритмик бўлакларга ажратилади ҳамда ҳар бир бўлак чизмасига кўра уларнинг қандай рукнга (асл ёки фуруъга) тенглиги аниқланиб ёзиб қўйилади.

4. Ҳар бир байтнинг рукнлар таркиби белгиланиб, вазн кўрсатилади. Масалан, Лутфийнинг

Сенсан севарим хоҳ инон, хоҳ инонма,
Қондур жигарим хоҳ инон, хоҳ инонма

байти вазнини белгилаш учун:

— аввало уни ифодали ўқиймиз, бу жараёнда хусусан «хоҳ» сўзларининг ўта чўзиқлигини ҳисобга олиб, «о» унлисини анча чўзиб талаффуз қиламиз;

— байтни ҳижоларга ажратиб чиқамиз, натижада қуйидагича манзара ҳосил бўлади:

Сен — сан — се — ва — рим — хоҳ — и — нон — хоҳ — и — нон — ма
Қон — дур — жи — га — рим, — хоҳ — и — нон, хоҳ — и — нон — ма.

Энди ҳар қайси ҳижони ўқиб туриб (унли билан тугалланган ҳижоларни кейинги ҳижо билан қўшиб ўқиб) уларнинг чўзиқ — қисқалигини белгилар билан ифодалаймиз. Натижа қуйидагича бўлади:

Сен — сан — се — ва — рим, хоҳ — и — нон — хоҳ — и — нон — ма
— — v v — — v v — — v v — —
Қон — дур — жи — га — рим, хоҳ — и — нон — хоҳ — и — нон — ма.
— — v v — — v v — — v v — —

Энди байтни рукнларга ажратамиз:

Сен — сан — се ва — рим — хоҳ и — нон — хоҳ и — нон — ма
— — v v — — v v — — v v — —
Қон — дур — жи га — рим — хоҳ и — нон — хоҳ и — нон — ма
— — v v — — v v — — v v — —

Навбатдаги ишимиз чизмаларга кўра ҳар бир рукнни аниқлашдан иборат бўлади:

Сен — сан — се ва — рим — хоҳ и — нон — хоҳ и — нон — ма
— — v v — — v v — —v v — —
Мафъулу ахраб | мафоийлу макфуф | мафоийлу макфуф | фаулун маҳзуф

Қон — дур — жи га — рим — хоҳ и — нон — хоҳ и — нон — ма
— — v v — — v v — — v v — —
Мафъулу ахраб | мафоийлу макфуф | мафоийлу макфуф | фаулун маҳзуф

Мафъулу, мафоийлу, фаулун рукнлари мафоийлун аслининг фуруълари, демак, шеър ана шу асл такрорига асосланувчи ҳазаж баҳрида ёзилган. Байт — саккиз рукнли — мусамман. Вазн солим эмас, унда ахраб, макфуф, маҳзуф тармоқ рукнлари иштирок этган. Шунга кўра байт вазни ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф деб кўрсатилади.

Тағйир — «ўзгартириш» маъносини ифодаловчи аруз атамаси бўлиб, айрим сўзларни вазнга мувофиқлаштириш учун уларнинг таркибидаги айрим товушлар, ҳарфлар ўрнини алмаштириш усулини ифодалайди.

1. Айрим сўзларнинг биринчи ҳижоларидаги ҳарфлар ўрни алмаштирилади. Чунончи:

Банда ғам ичра хастаман, зулфунг бикин **ишкастаман,**
Ишкастаю ҳам бастаман, бу қулни, кел, озод қил!

(Комил Хоразмий)

Байтда «шикастаман» сўзининг «ишкастаман» тарзида ўзгартирилгани кўриниб турибди.

2. Айрим сўзларнинг иккинчи ҳижоларидаги товушлар, ҳарфлар ўрни алмаштирилади. Масалан:

Латофатда юзунг ҳам гул эмиш, ҳам **гулситон** эрмиш,
Ҳаловатда лабинг ҳам жону ҳам оромижон эрмиш.

(Навоий)

Баҳору боғ сайрин не қилайким, **дилситонимнинг**
Юзи гул, зулфи сунбул, қомати сарви хиромондур

(Бобур)

Лутф этиб ушшоқ аро қилғил мени
Сарфарозу сарфарозу сарфарозу[1].

3. Баъзан Атоий, Навоий тахаллусларини вазнда мувофиқлаштириш учун бу сўзлар охиридаги икки ҳарф ўрни алмаштирилиб, Атойи, Навойи тарзида ёзилади.

Атойи кўзларига ёр хоки роҳинг эрур,
Ки кўзга лойиқ эмас тутиёдин ўзга мусоҳиб.
Етмасму бир **Атойига** эй ҳусн ила ғани
Кўз учидин назарки жамолинг закотидир.

---

[1] Аслида «сарафроз» бўлиши керак.

Дайрда кўр **Навойини** муғбачалар ғамидаким,
Эгнида чок хирқаву илгида бир аёғ эрур.

4. Шеъриятда кенг қўлланувчи айрим сўзлар вазн тақозоси билан турлича тарзда ўзгартирилиб ўқилиши мумкин:

а) **жамъ**, **шамъ**, **навъ**, **нафъ**, каби арабча айн ҳарфи билан тугалланувчи сўзлар шеърдаги ўрнига кўра бир чўзиқ ҳижо ёки бир чўзиқ, бир қисқа ҳижо тарзида қўлланиши мумкин. Масалан:

Сўз ила **нафъ** ўлмаса эл пешаси,
Яхши керак кўнглида андешаси.

(Навоий)

Бу **навъ** эрмас ато қўймоди отин,
Ки кўргач ишқ анинг покиза зотин.

(Навоий)

Шабистонида ул **шамъ** ўлди равшан,
Ки базми гулларидин бўлди гулшан.

(Навоий)

каби мисраларда бу сўзлар бир чўзиқ ҳижога тенг қилиб, **наф**, **нав**, **шам** тарзида ўқилса,

Хайр тегурмак гар эмас эл била,
Нафъ тегурмак ҳам ўлур тил била.

(Навоий)

Ато бу **навъ** кўргач иш ҳисобин,
Муносиб англади илм иктисобин.

(Навоий)

Неча ул **шамъ** бор эрди дилафруз,
Вале кўп шуъла тортар эрди жонсўз.

(Навоий)

мисраларида бу сўзлар бир чўзиқ ва бир қисқа ҳижога тенг қилиб, **нафъ-и**, **навъ-и**, **шамъ-и** тарзида ўқилади.

Туюқ вазнлари. Туркий шеъриятга махсус бўлган туюқ жанридаги лирик шеърлар рамал баҳрига мансуб фақат икки вазн асосида яратилган бўлиб, уларнинг биринчиси рамали мусаддаси маҳзуф деб аталади. Рукнлари ва чизмаси эса ҳар мисрада:

Фоилотун	фоилотун	фоилун
— v — —	— v —	— v —

тарзидадир. Шеъриятимизда яратилган туюқларнинг аксарияти ана шу ўлчовга асосланади. Жумладан, Лутфийнинг

Сурати Юсуф, нигоро, сендадур,
Дойим анфоси Масиҳо сендадур.
Юзум ўлди заъфарон дард илгидин,
Қил иноятким, мудово сендадур.

Навоийнинг

Ё раб, ул шаҳду шакар ё лабдурур,
Ё магар шаҳду шакар ёлабдурур.
Жонима пайваста новак отқали,
Ғамза ўқин қошиға ёлабдурур

туюқлари мазкур вазн асосида битилган.

Иккинчи вазн рамали мусаддаси мақсур бўлиб, юқоридаги ўлчовдан охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билангина фарқланади. Рукнлари ва чизмаси эса бир мисрада:

Фоилотун	фоилотун	фоилон
— v — —	— v — —	—v ~

тарзидадир. Навоийнинг

Тийғи ишқинг ёрасидур бутмаган,
Дардини ҳар кимга айтиб бутмагон.
Ҳажр саҳросидур оҳим ўтидин
Анда гул ёхуд гиёҳе бутмагон

Огаҳийнинг

Чеҳрасининг гарчи муҳриқ нори бор,
Бергуси доим ниҳоли нори бор.
Сиғмағунг базми аро, эй муддаий,
Телмуруб турма бу ерда, нори бор.

туюқларининг қофияланувчи мисралари ана шу ўлчов асосида ёзилган.

Ф

Фаал (I). Мафоийлун аслининг «жабб» («бичиш, ахта қилиш») зиҳофига дуч келиши натижасида ҳосил бўлган тармоқ рукн бўлиб, шеър чизмасида у — тарзида ифодаланади ҳамда «**ажабб**» («бичилган») деб юритилади. У ҳазаж баҳрига мансуб рубоий вазнлари

таркибида охирги рукнлар (аруз ва зарб) ўрнида қўлланади (*Қаранг:* «Ҳазаж баҳри вазнлари»).

Фаал (II) фаулун аслининг «ҳазф» («ташлаш») зиҳофига дуч келиши натижасида ҳосил бўлган тармоқ рукн; чизмаси **v** — тарзида бўлиб, «охири ташланган» маъносида маҳзуф деб аталади. У мутақориби мусаммани **маҳзуф** ва мутақориби мусаммани асрами маҳзуф вазнлари таркибида охирги (аруз ва зарб) рукнлар ўрнида фаол қўлланади *(Қаранг:* «Мутақориб баҳри вазнлари»).

Фаилийён — фоилотун аслининг «хабн» («этакни йиғиш») ва «тасбиғ» («тўлдириш») зиҳофларига дуч келиши натижасида ҳосил бўлган тармоқ рукн бўлиб, v v — ~ чизмаси билан ифодаланади ҳамда «этаги йиғилган ва тўлдирилган» маъносида **махбуни мусаббағ** деб юритилади. У, рамал ва мужтасс баҳрларига мансуб рамали мусаммани махбун ва мужтасси мусаммани махбуни мусаббағ вазнлари таркибида охирги, аруз ва зарб рукнлари ўрнидагина қўлланади. («*Қаранг:* «Рамал баҳри вазнлари», «Мужтасс баҳри вазнлари»).

Фаилон — фоилотун аслининг «хабн» («этакни йиғиш») ва «қаср» («қисқа қилиш») зиҳофларига дуч келиши натижасида юзага келган тармоқ рукн. Унинг чизмаси **v v** ~ тарзида бўлиб, «этиги йиғилган ва қисқа қилинган» маъносида «махбуни мақсур» деб аталади. Ушбу фуруъ рамал, хафиф, мужтасс баҳрларига мансуб 4 вазн таркибида охирги рукнлар (аруз ва зарб) ўрнида фаол қўлланади (*Қаранг:* «Рамал баҳри вазнлари», «Хафиф баҳри вазнлари», «Мужтасс баҳри вазнлари»).

Фаилоту фоилотун аслининг «шакл» («тушовлаш») зиҳофига дуч келиши оқибатида ҳосил бўлган тармоқ рукн бўлиб, «тушовланган» маъносида «машкул» деб аталади, чизмаси эса **v v — v** тарзидадир. Ушбу фуруъ рамали мусаммани машкул ҳамда рамали мусаммани машкули мусаббағ вазнлари таркибида биринчи ва учинчи рукнлар (садр, ибтидоъ ва ҳашвлар) ўрнида қўлланади (*Қаранг:* «Рамал баҳри вазнлари»).

Фаилотун фоилотун аслининг «хабн» («этакни йиғиш») зиҳофига дуч келиши натижасида юзага келган ва чизмаси **v v** — — тарзида бўлган тармоқ рукн бўлиб, «этаги йиғилган» маъносида «махбун» деб аталади. Ушбу фуруъ рамал, хафиф, мужтасс баҳрларига мансуб 20 га яқин вазн таркибида 1—4-рукнлар (садр, ибтидоъ, ҳашвлар, аруз ва зарб) ўрнида фаол қўллана-

ди (*Қаранг:* «Рамал», «Хафиф», «Мужтасс» баҳрлари вазнлари»).

Фаилун (I) **фоилотун** аслининг «хабн» («этакни йиғиш») ва «ҳазф» («ташлаш») зиҳофларига дуч келиши натижасида ҳосил бўлган тармоқ рукн. Чизмаси **v v** — тарзида бўлиб, **махбуни маҳзуф** деб юритилади. Мазкур фуруъ рамал, хафиф, мужтасс баҳрларига мансуб 4 вазн таркибида охирги рукнлар (аруз ва зарб) ўрнида фаол қўлланади (*Қаранг:* «Рамал баҳри вазнлари», «Хафиф баҳри вазнлари», «Мужтасс баҳри вазнлари»).

Фаилун (II) **фоилун** аслининг «хабн» («этакни йиғиш») зиҳофига дуч келиши натижасида ҳосил бўлган тармоқ рукн; чизмаси **v v** — тарзида бўлиб, **махбун** деб аталади. У шеъриятимизда жуда кам қўлланган 16 рукнли мутадорики махбун вазни таркибида садр, ибтидоъ, ҳашвлар, аруз ва зарб рукнларида қатнашади (*Қаранг:* «Мутадорик баҳри вазнлари»).

Фаул (I) мафоийлун аслининг «хатм» «тишни тагидан синдириш») деб аталган зиҳофига дуч келиши натижасида ҳосил бўлган тармоқ рукн бўлиб вазн чизмасида **v ~** тарзида ифодаланиб, «тиши тагидан синиқ» маъносида **ахтам** деб юритилади. Ушбу рукн ҳазаж баҳрига мансуб рубоий вазнлари таркибида охирги рукнлар (аруз ва зарб) ўрнида қўлланади ***(Қаранг:*** «Ҳазаж баҳри вазнлари»).

Фаул (II) фаулун аслининг «қаср» («қисқа қилиш») зиҳофига дуч келиши натижасида ҳосил бўлган тармоқ рукн; чизмаси **v ~** тарзида бўлиб, («қисқа қилинган») **мақсур** деб юритилади. У мутақориби мусаммани мақсур, мутақориби мусаммани асрами мақсур вазнлари таркибида аруз ва зарб рукнлари ўрнида қўлланади **(***Қаранг:* «Мутақориб баҳри вазнлари»).

Фаулу фаулун аслининг «қабз» («тутиш») зиҳофига дуч келиши оқибатида ҳосил бўлган тармоқ рукн; чизмаси **v — v** тарзида бўлиб, **мақбуз** деб аталади. У мутақориб баҳрининг 4 вазни таркибида садр, ибтидоъ, ҳашв рукнларида иштирок этади. (*Қаранг:* «Мутақориб баҳри вазнлари»).

Фаулон — фаулун аслининг «тасбиғ» («тўлдириш») зиҳофи билан ўзгартирилишидан ҳосил бўлган тармоқ рукн бўлиб, шеър чизмасида **v — ~** тарзида ифодаланади ва «тўлдирилган» деган маънода «мусаббағ» деб юритилади. У, асосан мутақориб баҳрига мансуб мутақориби мусаммани мусаббағ ҳамда мутақориби му-

саммани аслами мусаббағ вазнлари таркибида охирги, аруз ва зарб рукнлари ўрнида қўлланади (*Қаранг:* «Мутақориб баҳри вазнлари»).

Фаулун (I) фаулун аслининг солим кўриниши бўлиб, вазн чизмасида v — — тарзида ифодаланади ва «солим» деб юритилади. Ушбу рукн мутақориб баҳрига мансуб 7 вазн таркибида 1—4 рукнлар (садр, ибтидоъ, ҳашвлар, аруз ва зарб) ўрнида қўлланади *(Қаранг:* «Мутақориб баҳри вазнлари»).

Фаулун (II) мафоийлун аслининг «ҳазф» («ташлаш») зиҳофига дуч келиши натижасида ҳосил бўлган тармоқ рукн бўлиб, вазн чизмасида **v** — — тарзида ифодаланади ҳамда «ташланган» маъносида «маҳзуф» деб юритилади. Ушбу фуруъ ҳазаж баҳрига мансуб ҳазажи мусаддаси маҳзуф, ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф ҳамда ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуфи мустаҳзод вазнлари таркибида охирги рукнлар (аруз ва зарб) ўрнида қўлланади *(Қаранг:* «Ҳазаж баҳри вазнлари»).

Фаулун аслининг тармоқлари. Фаулун асли 7 хил ўзгаришга дуч келади, бунинг натижасида ушбу аслнинг 7 тармоғи ҳосил бўлади. Улардан олтитаси шеъриятимизда қўлланади.

№№	Ўзгариш номи	Тармоқ рукн	Унинг чизмаси	Аталиши	Қўлланиш ўрни
1	тасбиғ	фаулон	v — ~	мусаббағ	аруз ва зарбда
2	қабз	фаулу	v — v	мақбуз	садр, ибтидоъ, кейинги ҳашвларда
3	ҳазф	фаал	v —	маҳзуф	аруз ва зарбда
4	қаср	фаул	v ~	мақсур	аруз ва зарбда
5	салм	фаълун	— —	аслам	садр, ибтидоъ, ҳашвлар, аруз ва зарбда
6	сарам	фаълу	— v	асрам	- « -

Фаулун асли ва унинг юқоридаги тармоқлари фақат мутақориб баҳри вазнлари таркибида иштирок этади (*Қаранг:* «Мутақориб баҳри вазнлари»).

Фаъ. Мафоийлун аслининг «батр» («илдиздан ағдариш») заҳофига дуч келиши натижасида ҳосил бўлган тармоқ рукн бўлиб, **абтар** («илдизидан ағдарилган») деб аталади ва шеър чизмасида — тарзида ифодаланади. У ҳазаж баҳрига мансуб рубоий вазнларида охирги

рукнлар (аруз ва зарб) ўрнида қўлланади (*Қаранг:* «Рубоий вазнлари»).

Фаълон фоилотун аслининг «қатъ» («кесиш») ва «тасбиғ» («тўлдириш») зиҳофларига дуч келиши натижасида ҳосил бўлган тармоқ рукн; чизмаси — ~ тарзида бўлиб, «кесилган ва тўлдирилган» маъносида **мақтуъи мусаббағ** деб аталади. У рамал, хафиф ва мужтасс баҳрларига мансуб 4 вазн таркибида фаол қўлланади.

Фаълу фаулун аслининг «сарам» («олдинги тишни синдириш») зиҳофига дуч келиши натижасида ҳосил бўлган тармоқ рукн; чизмаси: — **v** тарзида бўлиб, «олдинги тиши синиқ» маъносида асрам деб аталади. У мутақориби мусаммани асрам ва мутақориби мусаммани асрами мусаббағ вазнлари таркибида садр, ибтидоъ ва ҳашв рукнлари ўрнида қатнашади *(Қаранг:* «Мутақориб баҳри вазнлари»).

Фаълун (I) фоилотун аслининг «қатъ» («кесиш») зиҳофига дуч келиши оқибатида ҳосил бўлган тармоқ рукн; чизмаси — — тарзида бўлиб, **мақтуъ** («кесилган») деб аталади. У рамал, хафиф, мужтасс баҳрларига мансуб тўрт вазн таркибида охирги рукнлар (аруз ва зарб) ўрнида фаол қатнашади.

Фаълун (II) фаулун аслининг «салм» («бузилиш») деб аталган зиҳофга дуч келиши натижасида ҳосил бўлган тармоқ рукн; чизмаси: — — тарзида бўлиб, «бузилган» маъносида **аслам** деб аталади. У мутақориб баҳрининг 6 вазни таркибида садр, ибтидоъ, ҳашв, аруз ва зарб рукнлари ўрнида фаол қатнашади.

Фоилийён фоилотун аслининг «тасбиғ» («тўлдириш») зиҳофига дуч келиши оқибатида юзага келган тармоқ рукн. Унинг чизмаси — **v** — ~ тарзида бўлиб, «тўлдирилган» маъносида «**мусаббағ**» деб аталади. Мазкур фуруъ рамали мусаммани мусаббағ, рамали мусаммани машкули мусаббағ, музореъи мусаммани ахраби мусаббағ вазнлари таркибида охирги рукнлар (аруз ва зарб) ўрнида қўлланади.

Фоилоту фоилотун аслининг «кафф» зиҳофига дуч келиши натижасида ҳосил бўлган тармоқ рукн; чизмаси — **v** — **v** тарзида бўлиб, «мақфуф» деб аталади. Ушбу фуруъ фоилотун асли асосида тузиладиган музориъ баҳрининг музориъи мусаммани ахраби мақфуфи маҳзуф ҳамда музориъи мусаммани ахраби мақфуфи мақсур вазнлари таркибида иккинчи рукн (олдинги ҳашв) ўрнида қўлланади.

Фоилотун (I) аруз асоси бўлган саккиз аслнинг бири бўлиб, чизмаси — v — — тарзида. Унинг айнан такроридан рамал баҳри, мафоийлун асли билан қўшилиб такрорланишидан музориъ, қариб ва мушокил; мустафъилун асли билан қўшилиб такрорланишидан эса хафиф, мужтасс ва ғариб баҳрлари ҳосил қилинади. Булардан рамал, музориъ хафиф ва мужтасс баҳрлари шеъриятимизда кенг қўлланиб, қариб, мушокил ва ғариб баҳрларидан фойдаланилмаган.

Фоилотун (II) фоилотун аслининг солим кўриниши бўлиб, чизмаси — v — — тарзидадир. Фоилотун рамал баҳрининг ҳамма вазнлари, шунингдек музориъ хафиф баҳрларининг тўрт вазни таркибида 1—4-рукнлар (садр, ибтидоъ, ҳашвлар, аруз ва зарб) ўрнида фаол қўлланилади.

Фоилотун аслининг тармоқлари

Фоилотун аслининг 10 хил ўзгаришга дуч келиши натижасида унинг 15 хил тармоғи ҳосил бўлади, булардан 11 таси шеъриятимизда фаол қўлланган:

№№	Ўзгариш номи	Ҳосил бўлган тармоқ рукн	Унинг чизмаси	Аталиши	Қўлланиш ўрни
1.	хабн	фаилотун	v v — —	махбун	ҳамма рукнларда
2.	шакл	фаилоту	v v — v	машкул	садр, ибтидоъ, кейинги ҳашвда
3.	кафф	фоилоту	— v — v	макфуф	олдинги ҳашвда
4.	ташъис	мафъулун	— — —	мушаъас	садр, ибтидоъ, ҳашвларда
5.	тасбиғ	фоилийён	— v — ~	мусаббағ	аруз ва
6.	ҳазф	фоилун	— v —	маҳзуф	зарбда
7.	қаср	фоилон	— v ~	мақсур	-»-
8.	хабн, ҳазф	фаилун	v v —	махбуни	-»-
				маҳзуф	-»-
9.	хабн, қаср	фаилон	v v ~	махбуни	
				мақсур	-»-
10.	қатъ	фаълун	— —	мақтуъ	
11.	қатъ, тасбиғ	фаълон	— ~	мақтуъи	-»-
				мусаббаг	-»-

Фоилотун асли ва унинг юқоридаги тармоқлари рамал, музориъ, хафиф ва мужтасс баҳрларининг жами 40 қа яқин вазни таркибида фаол иштирок этади.

Фоилун (I) аруз асоси бўлган саккиз аслининг бири бўлиб, чизмаси — **v** — тарзидадир. Унинг айнан такроридан мутадорик баҳри юзага келади.

Фоилун (II) мафоийлун аслининг «шатар» («айб қилиш») зиҳофига дуч келиши натижасида ҳосил бўлган тармоқ рукн. Унинг чизмаси — **v** — тарзида бўлиб, «айбли» маъносида «аштар» деб аталади. Ушбу фуруъ ҳазажи мусаммани аштар, ҳазажи мусаммани аштари мусаббағ ҳамда аҳрам шажарасига мансуб тўрт рубоий вазни таркибида 1—3-рукнлар (садр, ибтидоъ, ҳашвлар) ўрнида қўлланади *(Қаранг:* «Ҳазаж баҳри вазнлари»).

Фоилун (III) фоилотун аслининг «ҳазф» («ташлаш») зиҳофига дуч келиши натижасида ҳосил бўлган тармоқ рукн. Унинг чизмаси — **v** — тарзида бўлиб, «ташланган» маъносида «маҳзуф» деб аталади. Ушбу фуруъ рамали мусаммани маҳзуф ва рамали мусаддаси маҳзуф вазнлари таркибида охирги рукнлар (аруз ва зарб) ўрнида фаол қўлланади (*Қаранг:* «Рамал баҳри вазнлари»).

Фоилун (IV) мустафъилун аслининг «тайй» («йиғиш») ва «кашф» («очиш») зиҳофларига дуч келиши натижасида ҳосил бўлган тармоқ рукн. Унинг чизмаси — v — тарзида бўлиб, «йиғилган ва очилган» маъносида **матвийи макшуф** деб аталади. Ушбу фуруъ мустафъилун асли иштирокида тузиладиган мунсариҳ ҳамда сариъ баҳрларига мансуб тўрт вазн таркибида 2—4-рукнлар (ҳашвлар, аруз ва зарб) ўрнида фаол қўлланади.

Фоилун аслининг тармоқлари

Арузшуносликка бағишланган асарларда фоилун асли тўрт хил ўзгаришга дуч келиши натижасида унинг олти фуруъи — тармоги ҳосил бўлишини таъкидланади (қаранг: Бобур. «Мухтасар»). Булар фоилон, фаилун, фаълун, фаилон, фаал ва фаъ рукнларидир. Шеъриятимизда фаилун рукнигина қўлланган. Ушбу рукн фоилун аслининг хабн («этакни йиғиш») зиҳофига дуч келиб, биринчи, чўзиқ ҳижосининг қисқа ҳижога айлантирилиши оқибатида юзага келади. Чизмаси v v — тарзида бўлган ушбу рукн «этаги йиғиқ» маъносида **махбун** деб аталади ҳамда мутадорик баҳрига мансуб мутадорики мусаммани махбун вазни таркибида фаол иштирок этади *(Қаранг:* «Мутадорик баҳри вазнлари»).

Фосила аруз тизимининг асосий жузвларидан бўлиб, уч ёки тўрт мутаҳаррик ҳарфдан сўнг бир сокин ҳарфнинг келишидан, бошқача қилиб айтганда, икки ё уч қисқа ҳижодан сўнг бир чўзиқ ҳижо келишидан таркиб топади. Аксарият арузшунослик асарларида фосиланинг икки турли экани таъкидланади, яъни уч мутаҳаррикдан сўнг сокин ҳарф келганда, ҳозирги арузшуносликка кўра, икки қисқа ҳижодан сўнг бир чўзиқ ҳижо келганда **кичик фосила** («фосила суғро») ҳосил бўлади. Чизмаси v v — тарзида бўлган ушбу фосила мафоилатун (чизмаси: v — v y —) ҳамда мутафоилун (чизмаси: y v — v —) асллари таркибида иштирок этади.

Тўрт мутаҳаррикдан сўнг бир сокин ҳарф келиб, бошқача қилиб айтганда, уч қисқа ҳижодан сўнг бир чўзиқ ҳижо келганда, чизмаси **v v v** — тарзида бўлган **катта фосила** («фосилаи кубро») юзага келади. Фосиланинг ушбу тури туркий шеъриятда қўлланмаган.

Бобур ўзининг «Мухтасар» асарида фосиланинг яна бир тури — **фосилаи узмо** ҳақида маълумот беради. Унинг фикрича, бу хил фосила беш мутаҳаррик ва бир сокин ҳарфдан, яъни тўрт қисқа ва бир чўзиқ ҳижо таркибидан юзага келади («қораламади» сўзи каби). Бу хил фосила ҳам шеъриятимизда қўлланмаган.

Шу асарда Бобур машҳур арузшунос Хожа Носирнинг фосила алоҳида жузв эмас, балки сабаби сақийл ва сабаби хафиф (кичик фосила), шунингдек сабаби сақийл ва ватади мажмуъдан (катта фосила) ташкил топган бўлаклардир, деган фикрини ҳам таъкидлайди.

Фоъ мафоийлун аслининг «залал» («соннинг гўштсиз бўлиб қолиши») зиҳофига дуч келиши натижасида ҳосил бўлган тармоқ рукн бўлиб, вазн чизмасида ~ тарзида ифодаланади ва **азалл** деб юритилади. У ҳазаж баҳрига мансуб рубоий вазнлари таркибидаги охирги рукнлар (аруз ва зарб) ўрнида қўлланади *(Қаранг:* «Рубоий вазнлари»).

Фуруъ — аруз атамаларидан бўлиб, «шаҳобчалар», «тармоқлар» маъноларини ифодалайди. Мумтоз аруз илмида асл рукнларни турлича ўзгартириш билан ҳосил қилинган тармоқ рукнлар фуруълар деб аталган. Ҳозирги арузшуносликда «тармоқ рукн» атамаси кўпроқ қўлланади (*Қаранг:* «Тармоқ рукнлар»).

X

Хабн зиҳоф номи бўлиб, «этакни йиғиш ва қисқартириш учун тикиш» деган маънони ифодалайди. Бу хил ўзгаришга дуч келган **фоилун, фоилотун, мустафъилун** аслларининг биринчи, чўзиқ ҳижолари қисқа ҳижога айлантирилиб, ҳосил бўлган **фаилотун** (чизмаси: v v — —), **мафоилун** (мустафъилуннинг қолган мутафъилун қисми ўзига тенг ушбу рукн билан алмаштирилади) (чизмаси: v — v —) ва **фаилун** (чизмаси: v v —) тармоқ рукнлари «этаги йиғилган» маъносида **махбун** деб юритилади.

Харб зиҳофлардан бирининг номи бўлиб, «вайрон қилиш» деган маънони ифодалайди. Бу хил ўзгаришга дуч келган **мафоийлун** аслининг қисқа ҳижоси туширилиб, охирги, чўзиқ ҳижо қисқа ҳижога айлантирилади; қолган **фоийлу** қисми ўзига тенг **мафъулу** (чизмаси: — — v) рукни билан алмаштирилиб, «вайрон қилинган» деган маънода **ахраб** деб юритилади. У хазаж ва музориъ баҳрларининг кўпгина вазнлари таркибида 1—3-рукнлар ўрнида фаол қўлланади.

Харм зиҳофлардан бирининг номи бўлиб, «бурунни кесиш» деган маънони ифодалайди. Бу хил ўзгаришга дуч келган **мафоийлун** аслининг биринчи, қисқа ҳижоси туширилиб, қолган **фоийлун** қисми ўзига тенг **мафъулун** (чизмаси: — — —) рукни билан алмаштирилиб, «бурни кесик» маъносида «**ахрам**» деб юритилади. У ҳазаж баҳрининг рубоий вазнларида анча кенг қўлланади (*Қаранг:* «Рубоий вазнлари»).

Хатм зиҳоф номи бўлиб, «тишни тагидан синдириш» деган маънони ифодалайди. Бу хил ўзгаришга дуч келган **мафоийлун** аслининг кейинги икки чўзиқ ҳижоси туширилиб, иккинчи ҳижоси ўта чўзиқ ҳижога айлантирилади, қолган **мафоъ** қисми ўзига тенг **фаул** (чизмаси: v ~) тармоқ рукни билан алмаштирилиб, «тиши тагидан синдирилган» маъносида **ахтам** деб юритилади. Ушбу рукн ҳазаж баҳрининг рубоий вазнларида фаол иштирок этади (*Қаранг:* «Рубоий вазнлари»).

Хафиф[1] **баҳри** шеъриятимизда кенг қўлланган ўлчов турларидан бўлиб, унинг асосини **фоилотун** ва **мустафъилун** аслларининг кетма-кет такрори ташкил қилади. Шеъриятимизда мазкур баҳрнинг олти рукн-

[1] «Хафиф» арабча сўз бўлиб, «енгил» деган маънони ифодалайди.

ли вазнларидангина фойдаланилган. Хафифи мусаддаси солим ўлчовининг рукнлари ва чизмаси бир мисрада

фоилотун	мафоийлун	фоилотун
— v — —	v — — —	— v — —

тарзидадир.

Алишер Навоий «Мезонул авзон» асарида хафиф баҳрининг беш вазнини санаб, уларга мисоллар келтиради. Бобур ўзининг «Мухтасар» асарида хафиф баҳрининг 22 вазни борлигини таъкидлаб, улардан «тўққизтаси мустаъмал, ўн учтаси мухтараъ, уч вазн мустаъмали матбуъ»[2], эканлигини айтиб ўтади ва барча ўлчовларга мисоллар келтиради.

Шеъриятимизда хафиф баҳрига мансуб 8 вазндан кенг фойдаланиб келинган. Ушбу ўлчов асосида яратилган ғазалларни дастлаб Атоий ва Лутфий лирикасида учратамиз. Атоий ушбу баҳрда биттагина ғазал битган бўлса, Лутфийнинг 4 ғазалу битта фарди шу баҳр ўлчовлари асосида яратилган. Хофиз Хоразмий эса ўзининг 33 ғазалини битишда шу ўлчовлардан фойдаланган эди.

Алишер Навоий ушбу баҳр вазнлари имконини ўрганиб чиқиб, жами 63 асарини, жумладан, «Сабъаи сайёра» достонини, 27 ғазали, 27 қитъаси, 3 муаммо ва 5 фардини мазкур ўлчов асосида яратди.

Хафиф баҳри XVI—XIX асрлар шеъриятида ҳам доимий равишда қўлланиб келди.

Хафиф баҳри вазнлари

Хафиф баҳри кўпвазнлиликка асосланган ўлчов тури бўлиб, ушбу баҳр асосида ёзилган шеърий асарларда саккиз вазн бир-бири билан алмашиниб қўлланаверади. Ушбу саккиз вазнни икки шаҳобчага ажратиш мумкин. «Солими махбун» шаҳобчаси деб аталувчи вазнлар гуруҳи тўрт вазнни ўз ичига олади:

1. Хафифи мусаддаси солими махбуни маҳзуф.
2. Хафифи мусаддаси солими махбуни мақсур.
3. Хафифи мусаддаси солими махбуни мақтуъ.
4. Хафифи мусаддаси солими махбуни мақтуъи мусаббағ.

Бу ўлчовларнинг тўрталаси ҳам фоилотун асли билан бошланиб, иккинчи (ҳашв) рукнлари мустафъи-

[2] *Бобур.* Мухтасар, 196-бет.

лун аслининг махбун тармоғи — мафоилунга, учинчи (аруз ва зарб) рукнлари эса фоилотун аслининг махбуни маҳзуф (фаилун), махбуни мақсур (фаилон), мақтуъ (фаълун), мақтуъи мусаббағ (фаълон) рукнларидан бирига тенг бўлади.

«Махбун шаҳобчаси» деб аталувчи вазнлар гуруҳи ҳам ўзаро яқин бўлган тўрт ўлчовдан ташкил топади:

1. Хафифи мусаддаси махбуни маҳзуф.
2. Хафифи мусаддаси махбуни мақсур.
3. Хафифи мусаддаси махбуни мақтуъ.
4. Хафифи мусаддаси махбуни мақтуъи мусаббағ.

Ушбу тўрт вазннинг биринчи (садр ва ибтидоъ) рукнлари фоилотун аслининг махбун тармоғи — фаилотунга, иккинчи (ҳашв) рукнлари мустафъилун аслининг махбун тармоғи — мафоилунга, учинчи (аруз ва зарб) рукнлари эса фоилотуннинг махбуни маҳзуф (фаилун), махбуни мақсур (фаилон), мақтуъ (фаълун) ёки мақтуъи мусаббағ (фаълон) тармоқ рукнларидан бирига тенг бўлади.

Кўриниб турибдики, мазкур ҳар икки шаҳобча биринчи рукн ўрнида фоилотун асли ёки унинг махбун тармоғи — фаилотуннинг келиши билангина бир-биридан фарқланади. Юқоридаги саккиз вазннинг барчаси ўзаро ниҳоятда яқин бўлгани учун бир шеърнинг ўзида алмашиниб қўлланаверади, натижада 2—8 вазнли асарлар вужудга келади. Масалан, Навоийнинг «Сабъаи сайёра» достонидан танланган қуйидаги парчада ушбу саккиз вазннинг барчаси иштирок этган.

Деди: «Ушбу замон ўзум борайин,
Ул биёбонни бир-бир ахтарайин.
Қайда бўлса топай нигоримни,
Қилайин садқа жони зоримни.
Тирик ўлса бўлай фидоси анинг,
Берибон жон топай ризоси онинг».
...Тамаъ ўз мулкин айлади обод,
Кўнгли мулкин ҳам айлади барбод.
«... Меҳрдин сенда бўлса эрди нишон,
Кўзум ўлмас эди ситора фишон...».

Шеъриятимизда яратилган хафиф баҳридаги лирик ва лиро-эпик шеърий асарларнинг аксарияти ана шундай кўп вазнлидир. Лекин бундай шеърларнинг кўпчилик мисралари «солими махбун» шаҳобчаси вазнларида битилиб, озчилик мисраларигина «махбун» шаҳобчаси ўлчовларида ёзилади.

Хафифи мусаддаси солими махбуни маҳзуф вазни шеъриятимизда анча кенг қўлланган ўлчовлардан бўлиб, рукнлари ва чизмаси бир мисрада

фоилотун	мафоилун	фаилун
— v — —	v — v —	v v —

тарзидадир. Кўриниб турганидек, ушбу вазнда фоилотун аслининг солим кўриниши (биринчи, садр ва ибтидоъ рукнларида) ҳамда махбуни маҳзуф тармоги **фаилун** (охирги, учинчи аруз ва зарб рукнларида), шунингдек, мустафъилун аслининг махбун тармоғи **мафоилун** (иккинчи, ҳашв рукнларида) иштирок этади.

Ушбу вазн даставвал Атоий, Ҳофиз Хоразмий, Лутфий шеъриятида қўлланган. Алишер Навоийнинг 6 газали, 12 қитъаси, биттадан муаммо ва фарди шу ўлчовда ёзилган. Ушбу вазн Мунис, Огаҳий, Нодира ва бошқа шоирлар ижодида ҳам қўлланган. Ҳабибий шеъриятида ҳам шу ўлчовда яратилган ғазаллар учрайди.

Мисоллар:

Сўзласа оғзидин шакар кўринур,
Садафи лаълидин гўҳар кўринур.

(Атоий)

Пистадек оғзинга шакар дедилар,
Ғайб сиррин не мухтасар дедилар.

(Лутфий)

Лаби лаъли чу руҳпарвар эрур,
Сўз ўшандин манга чу шаккар эрур.

(Ҳ. Хоразмий)

Келмай ул қотили замона менга,
Бўлди ҳажр ўлгали баҳона менга.

(Навоий)

Телбалик сенсиз, эй пари, менга иш,
Кўксума тош урармен, эгнима ниш.

(Навоий)

Васлин ул ой манга маҳол қилур,
Ҳажридин мени хастоҳол қилур.

(Бобур)

Ютубон бу замонда қон шуаро,
Назм этар гавҳари фиғон шуаро.

(Мунис)

Хафифи мусаддаси солими махбуни мақсур вазни шеъриятимизда унчалик кўп қўлланмаган. Унинг рукнлари ва чизмаси бир мисрада

фоилотун	мафоилун	фаилон
— ∨ — —	∨ — ∨ —	∨ ∨ ~

тарзидадир. Бинобарин, ушбу ўлчов фоилотун аслининг солими (биринчи рукнда) ҳамда махбуни мақсур тармоғи — **фаилон** (учинчи рукнларда), шунингдек, мустафъилун аслининг махбун тармоғи **мафоилун** (иккинчи рукнларда)га асосланади. Кўриниб турганидек, бу вазн юқоридаги, хафифи мусаддаси солими махбуни маҳзуф ўлчовидан охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билангина фарқланади. Шунга кўра у билан бир шеърда қўлланиши мумкин.

Ушбу ўлчов хафиф баҳрининг бошқа вазнлари қатори шу баҳр ўлчовларида битилган шеърларнинг қофияланмайдиган мисраларида кўп қўлланган. Аммо шу ўлчовдаги матлали ғазаллар жуда кам ёзилган. Масалан, Ҳофиз Хоразмий ва Алишер Навоийлар матласи шу вазнда бўлган биттадан ғазал битганлар холос. Кўп шоирларда бундай шеърлар учрамайди.

Мисоллар:

Ҳар нечаким санга жафода русух,
Мен жафокашгадур вафода русух.

(Навоий)

Бўлмишам токи мубталойи фироқ,
Қасди жоним қилур жафойи фироқ.

(Огаҳий)

Солди бошимға то замона фироқ,
Манга ғам кунжин этти хона фироқ.

(Огаҳий)

Хафифи мусаддаси солими махбуни мақтуъ вазни мазкур баҳрнинг энг фаол ўлчовларидан бўлиб, рукнлари ва чизмаси бир мисрада

фоилотун	мафоилун	фаълун
— ∨ — —	∨ — ∨ —	— —

тарзидадир. Демак, унинг таркиби фоилотун аслининг солими (биринчи рукнларда) ҳамда мақтуъ тармоги фаълун (учинчи рукнларда), мустафъилун аслининг махбун тармоғи мафоилундан ташкил топади.

Ўз тузилишига кўра вазмин ва ёқимли оҳанг яратувчи ушбу ўлчов шеъриятимизда кенг қўлланган. Бу вазнда битилган дастлабки шеърлар Лутфий ва Ҳофиз Хоразмийлар қаламига мансубдир. Лутфий ушбу ўлчов асосида 2 ғазал, Ҳофиз Хоразмий 16 ғазал битган. Алишер Навоийнинг жами 19 шеъри, жумладан, 6 ғазали, 9 қитъаси, 2 тадан муаммо ва фарди ушбу ўлчовда ёзилган эди. Навоийдан кейинги шоирлар ушбу ўлчовда кам бўлса-да ғазаллар ва маснавийлар ёзганлар.

Мисоллар:

Ҳаф жафо келса, эй санам, сендин,
Ҳошолиллоҳки, ўсонман сендин.

(Лутфий)

Бўлма бегона, ошно бўлғил,
Фақрнинг йўлида гадо бўлғил.

(Ҳ. Хоразмий)

Ҳар ён ул юзда тер оқиздингму,
Ё оқар меҳр чашмасидин сув?

(Навоий)

Ҳар неча жавр қилса ноз аҳли,
Тортмай найлагай ниёз аҳли!.

(Навоий)

Зуҳд кетти, эса карам қилди,
Ишқ келди-ю муҳтарам қилди.

(Бобур)

Қўрубон ул жамоли зебони,
Борму қилмоқ кўзумни ҳайрони.

(Мунис)

Эй мени беҳисоб инжитма,
Мубталони хароб инжитма.

(Увайсий)

Хафифи мусаддаси солими махбуни мақтуъи мусаббағ вазни ҳам шеъриятимизда кам қўлланган ўлчовлардан саналади. Унинг рукнлари ва чизмаси бир мисрада

фоилотун	мафоилун	фаълон
— v — —	v — v —	— ~

тарзидадир. Бинобарин, таркиби жиҳатидан олдинги ўлчовга яқин бўлиб, ундан охирги рукннинг фоилотун аслининг мақтуъи мусаббағ тармоғи фаълонга тенг бўлиши, яъни охирги рукннинг ўта чўзиқлиги билангина фарқланади. Шу хусусиятга кўра ҳар икки вазн бир шеърда биргаликда қўлланиши мумкин.

Ушбу ўлчовда шеърлар жуда кам ёзилган. Йирик шоирлар ижодида матласи шу ўлчовда бўлган бир-икки ғазал ёки қитъа учрайди холос.

Мисоллар:

Бўлди бағрим кабоби ишқ, эй дўст,
Келтур эмди шароби ишқ, эй дўст.

(Ҳофиз Хоразмий)

То юзи бўлди қиблаи мақсуд,
Юзи қошинда йўқтур ойға вужуд.

(Ҳофиз Хоразмий)

Жон шаробинға лабларидур жом,
Зулфи бирла кўзи тақи бодом.

(Ҳофиз Хоразмий)

Фақр аҳлиға подшоҳ муҳтож,
Ўйлаким шоҳға гадо муҳтож.

(Навоий)

Эй юзунг нурига қамар муҳтож,
Вай, лабинг шаҳрига шакар муҳтож

(Огаҳий)

Топти ул навъ зебу оро боғ,
Ким эрур жонға роҳатафзо боғ.

(Огаҳий)

Хафиф баҳри хусусиятларидан бири кўп вазнлилиқдир. Ушбу ўлчовнинг шеъриятимизда фойдаланилган тўрт вазни бир-бирига яқинлиги билан ажралиб туради. Юқорида кўрганимиздек, уларнинг тўртовида ҳам биринчи ва иккинчи рукнлар **фоилотун мафоилун** тарзида такрорланиб, охирги, учинчи рукнларгина **фаилун**, **фаилон**, **фаълун**, **фаълон** тарзида келиб бироз фарқланади. Ушбу тўрт рукн ўлчов жиҳатидан бир-бирига жуда яқин. Шу туфайли бу тўрт вазн бир шеърнинг ўзида қўлланаверади. Натижада 2, 3, 4 вазнли шеърлар майдонга келади. Чунончи, Огаҳийнинг

Топти ул навъ зебо боғ,
Ки эрур жонға роҳатафзо боғ.
Эсибон дам-бадам насими баҳор,
Бўлди сарто қадам мусаффо боғ.
... Қилди алқисса ушбу мавсимда
Ишрат асбобини муҳайё боғ.
Жумла одам беҳишт аҳли киби
Шодлиғ бирла қилди маъво боғ

байтларини кўздан кечирсак, шеър матлаи ҳамда қофияланувчи мисралар хафифи мусаддаси махбуни мақтуъи мусаббағ, учинчи мисра — хафифи мусаддаси махбуни мақсур, бешинчи мисраъ — хафифи мусаддаси махбуни мақтуъ, еттинчи мисра эса хафифи мусаддаси махбуни маҳзуф вазнларида ёзилганини, бинобарин, шеър хафиф баҳрига мансуб тўрт вазнда битилганини кўрамиз.

«МАХБУН» ШАҲОБЧАСИ ВАЗНЛАРИ

Хафифи мусаддаси махбуни маҳзуф вазни «солими махбун» шаҳобчаси вазнлари билан биргаликда қўлланувчи ўлчов бўлиб, рукнлари ва чизмаси

фаилотун	мафоилун	фаилун
v v — —	v — v —	v v —

тарзидадир. Бинобарин, мазкур ўлчов хафифи мусаддаси солими махбуни маҳзуф вазнидан биринчи (садр ва ибтидоъ) рукнларда фоилотун аслининг солими ўрнида унинг махбун тармоғи **фаилотун** келиши билангина фарқланади. Иккинчи рукн — ҳашвлар ўрнида мустафъилун аслининг махбун тармоғи — **мафоилун**, учинчи — аруз ва зарб рукнлари ўрнида эса фои-

лотун аслининг махбуни маҳзуф тармоғи — **фаилун** қўлланади. Масалан, Лутфий қаламига мансуб

Гоҳи юзни қароқи оли била
Жигарим қонидин қилар жигари.
... Қочарини кўрай десам қочадур,
Мени куйдирди, вой, анинг қочари

мисраларининг ҳар қайсиси, Навоийнинг

Розни асра, чунки фош эттинг
Яна пинҳон бўлурин этма ҳавас
... Назмим ичра ғариб маънилар
Ғурабо хайлидин нишонадурур.

Огаҳийнинг

Халққа зўлм айламак ишидур,
Ситам этмак ҳамиша вардишидур

байтларидаги иккинчи мисралар ушбу вазндадир.

Хафифи мусаддаси махбуни мақсур вазни юқоридаги ўлчовдан охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билангина фарқланиб, рукнлари ва чизмаси ҳар мисрада

фаилотун	мафоилун	фаилон
v v — —	v — v —	v v ~

тарзидадир. Бинобарин, ушбу ўлчовда ёзилган шеърларнинг биринчи (садр ва ибтидо) рукнлари фоилотун аслининг махбун тармоғи — **фаилотун**га, иккинчи (ҳашв) рукнлари мустафъилун аслининг махбун тармоги — **мафоилун**га, учинчи (аруз ва зарб) рукнлари эса фоилотун аслининг махбуни мақсур тармоғи — **фаилон**га тенг бўлади.

Мазкур вазн ҳам шеъриятимиздаги хафиф баҳрида ёзилган асарларда бошқа ўлчовлар билан бирга алмашиниб қўлланаверади. Жумладан, Навоийнинг «Сабъаи сайёра» достонидаги биринчи ҳикоядан ўрин олган

Боқти Фаррух чу ул тараф бетоб,
Тўлун ойни ёшурди тийра саҳоб
...Ушбу сўз бирла шоҳи давлатманд
Ғазаб айлаб Аҳийни айлади банд.

байтларидаги иккинчи мисралар ушбу ўлчовда битилган.

Хафифи мусаддаси махбуни мақтуъ вазнининг рукнлари ва чизмаси бир мисрада

фаилотун	мафоилун	фаълун
v v — —	v — v —	— ~

тарзида бўлиб, биринчи (садр ва ибтидоъ) рукнлари **фоилотун** аслининг **махбун** тармоғи — **фаилотун**га, иккинчи (ҳашв) рукнлари **мустафъилун** аслининг **махбун** тармоғи — **мафоилун**га, учинчи (аруз ва зарб рукнлари **фоилотун** аслининг **мақтуъ** тармоғи — **фаълун**га тенгдир. Масалан: Лутфий ғазалидаги

Кўрали қайсимиз енгар охир,
Сабр мендин дағи ситам сендин.
Бош кўтарсанг дило, қора қошина,
Кўтарилмиш магар қалам сендин,
Дами Исоки жон берур эрди,
Фаҳм қилди кўнгул бу дам сендин

парчасининг биринчи, тўртинчи ва бешинчи мисралари ушбу вазнда битилган.

Навоийнинг «Сабъаи сайёра» достонидан ўрин олган биринчи ҳикоядаги

Хирадим қилди бу ҳавас беҳуд,
Чун ҳавас ғолиб ўлди кетти хирад.
...Ҳалаб аҳли кўп эрди ғоятсиз,
Йўлда сув оз эди ниҳоятсиз.
...Ҳаракатдин қолур тани зори,
Ўзини чекти бир бузуғ сори

байтларининг биринчи мисралари ушбу ўлчовдадир.

Хафифи мусаддаси махбуни мақтуъи мусаббағ вазнининг рукнлари ва чизмаси ҳар мисрада

фаилотун	мафоилун	фаълон
v v — —	v — v —	— ~

тарзида бўлиб, юқоридаги ўлчовдан охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билангина фарқланади, яъни мазкур вазнда охирги (аруз ва зарб) рукн ўрнида фоилотун аслининг мақтуъи мусаббағ тармоғи бўлган **фаълон** қатнашади. Масалан, Навоийнинг

Илми дин касб қилки суд эрмас
Чарх мушкилларини ҳал қилмоқ.
Лекин ул илм доғи нафъ этмас
Билибон бўлмаса амал қилмоқ.

қитъасининг тўртинчи мисраси, «Сабъаи сайёра» достонидаги

Суруб ул ён Ахийи давлатманд
Туштию берди қулларига саманд.
Келиб олиға деди: «Эй марҳум,
Кимсан, аҳволинг эт манга маълум.

байтларининг биринчи мисралари ушбу ўлчовдадир. Огаҳийнинг «Зулмидин дод» деб аталаётган маснавийсидаги

Ситамидин улусға қон ютмоқ,
Бир-бири ҳолиға азо тутмоқ.
На ямон қолғуси, на яхши омон,
Барча жаврин чекардадур яксон

парчасининг биринчи мисраси ушбу вазнда битилган.

Ч

Чўзиқ ҳижо чўзиқ унли билан тугалланган очиқ ҳижо ёҳуд таркибида қисқа унли бўлган ёпиқ ҳижодир. Бундай ҳижолар шеър чизмасида — белгиси билан ифодаланади. **Доно**, **зебо**, **гулшан**, **дилбар** каби сўзлардаги ҳижолар чўзиқ ҳижога мисол бўла олади.

Гарчи бу икки хил чўзиқ ҳижо ўлчов жиҳатидан тенг саналиб, шеър чизмасида бир хил ифодаланса ҳам, мисраларда оҳанг яратиш жиҳатидан улар бир-биридан фарқланади. Чўзиқ унли билан битган очиқ ҳижо тарзидаги чўзиқ ҳижолар мисра оҳангдорлигини, шеър жозибадорлигини кучайтиришда ёпиқ чўзиқ ҳижога қараганда муҳимроқ аҳамият касб этади.

Айни вақтда ёпиқ чўзиқ ҳижолар ҳам мисраларда ўзининг муайян ўрни ва қимматига эгадир.

Ш

Шакл зиҳоф турларидан бирининг номини билдириб, «тушовлаш» маъносини ифодалайди. Бу хил ўзгаришга дуч келган **фоилотун** аслининг биринчи ва охирги чўзиқ ҳижолари қисқа ҳижога айлантирилади. Қолган **фаилоту** (чизмаси: **v v — v**) тармоқ рукни «тушовланган» маъносида **машкул** деб юритилади. У рамал баҳрига мансуб икки ўлчов — рамали мусаммани машкул ҳамда рамали мусаммани машкули мусаббағ вазнлари таркибидаги 1- ва 3-рукнлар

ўрнида иштирок этади (*Қаранг:* «Рамал баҳри вазнлари»)

Шатар зиҳоф номи бўлиб «айб қилиш» деган маънони ифодалайди. Бу хил ўзгаришга дуч келган **мафоийлун** аслининг биринчи ҳижоси туширилиб, учинчиси қисқа ҳижога айлантирилади. Ҳосил бўлган **фоилун** (чизмаси: — ∨ —) тармоқ рукни «айбли» маъносида **аштар** деб юритилади. У ҳазаж баҳрининг мусаммани аштар, мусаммани аштари мусаббағ ҳамда ахрам шажарасидаги рубоий вазнлари таркибида 1—3 рукнлар ўрнида қўлланади (*Қаранг*: «Ҳазаж баҳри вазнлари»).

Ў

Ўзбек арузи. Халил ибн Аҳмад аруз илми ва амалиётига асос солар экан, араб тилининг хусусиятлари, араб адабиётининг азалий анъаналари, услубиёти, шеър турларидан келиб чиққан эди, албатта. У белгилаб берган баҳрлар, вазнлар араб тили ва шеъриятига қойилмақом бўлиб тушган эди. Аруз бошқа халқлар адабиётларига ўтиб борар экан, ҳар қайси тил, ҳар қайси адабиёт хусусиятларига мос келиши қийин эди, албатта. Шунинг учун ҳам форс-тожик шеъриятига кириб борган аруз назарий жиҳатдан ҳам, амалий нуқтаи назаридан ҳам қатор ўзгаришларга дуч келди: араб адабиётига мувофиқ келувчи қатор баҳр ҳамда вазнлар, хусусан, тавил, мадид, басит, муқтазаб, қарийб, мушокил, ғариб баҳрлари форс-тожик шеъриятига мос келмаганлиги туфайли тушиб қолди, бошқа баҳрларнинг вазнларида ҳам кўпгина ўзгаришлар — алмашувлар рўй берди; булар оқибатида форс-тожик арузи деб аталган шеърий ўлчов тизими шаклланиб борди.

Аруз туркий адабиётларга кўчганида ҳам худди шу хил ҳолат юз берди, юқорида зикр этилган баҳрларнинг туркий шеъриятларга ҳам мос тушмаслиги маълум бўлди. Туркий тилларнинг араб ва форс тилларига нисбатан ўзгачалиги, хусусан, унда чўзиқ ҳижоларнинг нисбатан камроқ қўлланиши, қисқа хижоларнинг кетмакет келиши каби хусусиятлар туркий арузнинг шаклланишига сабаб бўлди. Унинг узвий бир қисми бўлган ўзбек арузи ҳам бир қатор жиҳатлари билан араб ва форс-тожик арузидан ажралиб туради. Аруз фонетикаси — ҳижолар — бўғинларнинг тузилиши ва турлари, асл рукнларнинг ҳосил қилиниши ва хилма-хил кўри-

нишлари, баҳрларнинг ташкил топиши, зиҳофлар — ўзгаришларнинг хусусиятлари ва турлари араб, форс-тожик арузи каби ўзбек арузига ҳам хосдир. Ўзбек арузига махсус жиҳатлар қуйидагилар:

1. Ўзбек арузида 19 баҳрдан 11 тасигина қўлланади. Улар ҳазаж, ражаз, рамал, мунсариҳ, музориъ, мужтасс, ҳафиф, сариъ, мутақориб, мутадориқ, комил баҳрларидир. Араб шеъриятига махсус бўлган вофир, тавил, мадид, басит, қариб, мушокил, ғариб, муқтазаб баҳрлари ўзбек арузида қўлланмайди.

2. Ўзбек арузида қўлланадиган баҳрларнинг ўзбек тили хусусиятлари билан белгиланадиган вазнлар доираси мавжуд. Бинобарин, шеъриятимизда қўлланадиган вазнлар сони ва турлари жиҳатидан араб ва форс-тожик шеъриятидаги вазнлардан фарқланиши мумкин.

3. Ўзгаришларнинг барчаси ҳам ўзбек арузига мос келавермайди, шунинг учун араб ва форс-тожик арузига хос жами 44 хил ўзгаришнинг 23 туригина шеъриятимизда қўлланади.

Ўта чўзиқ ҳижо таркибида чўзиқ унли келган ёки қўш ундош билан тугалланувчи ёпиқ ҳижодир. Бундай ҳижолар шеър чизмасида — **у** (мисра ичида) ёки ~ (мисра охирида) белгилари билан ифодаланади.

Қўш ундош билан тугалланувчи ўта чўзиқ ҳижолар шеър мисраларида яққол кўзга ташланиб турса, таркибида чўзиқ унли бўлган ўта чўзиқ ҳижолар мисраларни вазнга мувофиқ ифодали ўқиш жараёнидагина аниқланади.

Шеъриятимизда ёпиқ ҳижолар таркибидаги «о» унлисининг чўзиқ ўқилиши натижасида ҳосил бўладиган ўта чўзиқ ҳижолар жуда кўп учрайди. Айни вақтда «у», «ў», «и», «э» унлиларининг чўзиб ўқилишига асосланган ўта чўзиқ ҳижолардан ҳам шеъриятимизда анчагина фойдаланилган. Ёпиқ ҳижо таркибидаги «а» унлисининг чўзиб ўқилишига асосланган ўта чўзиқ ҳижолар шоирларимиз ижодида деярли қўлланмаган. Чунончи:

Эй ҳижил гул оразингдин **бў́с**тону **бо́ғ**лар
Лола рухсоринг фироқи қўйди жонға **до́ғ**лар.

(Атойи)

Ўшал пари на малойик сифатл **ҳў́р** бўлур,
Ки гар башар деса они киши қу**сў́р** бўлур.

(Гадоий)

Эй «қулур-ҳур» оятини лаъли тасвúр айлаган,
Исо анфосин такаллум бирла таъбúр айлаган!

(Лутфий)

Чу нома чирмадим ёзиб юзунг васфида шавқ ангéз,
Дамимдин ўт тушуб бир бошиға қилди они гулрéз.

(Навоий)

Ўта чўзиқ ҳижоларнинг бу икки тури ўлчов жиҳатидан тенг саналса ҳам, шеърий асарларда тутган ўрни, хусусан, оҳанг яратиш имкониятлари нуқтаи назаридан бир-биридан анча кескин фарқланиб туради. Гап шундаки, таркибида чўзиқ унли бўлган ёпиқ ҳижо кўринишидаги ўта чўзиқ ҳижо унлининг анча чўзиқ талаффуз этилиши туфайли мисра оҳангига сезиларли таъсир кўрсатиб, унга айрича жило, айни чоғда салобат, вазминлик бағишлайди. Шоирларимиз шу хил ҳижолардан байтлардаги садр, ибтидоъ, аруз ва зарб рукнларида кенг фойдаланиб, ўз асарлари жозибадорлигини оширганлар, мусиқийлигини кучайтирганлар. Масалан:

Қадингнинг нахли, эй сарви сарафроз,
Ниҳоли дилраболикдур, бари — ноз.

(Лутфий)

Кўкрагимдур субҳнинг пийраханидин чокрок,
Кўзларим шабнам тўкулган сабзадин намнокрок.

(Навоий)

Бўлмаса жинси жамолингга харидор офтоб,
Не учун зарпошлиғлар айлар изҳор офтоб.

(Мунис)

Ваҳки манга кўргузуб ул бути танноз ноз,
Жонима ўт солгали айлади оғоз ноз.

(Огаҳий)

Тиларлар аҳли олам доимо дилдордин хушнуд,
Бўлурму ҳеч одам мен киби озордин хушнуд.

(Увайсий)

Қилмағил зинҳор изҳор эҳтиёж,
Ким азиз элни қилур хор эҳтиёж.

(Нодира)

Қўш ундош билан тугалланган ўта чўзиқ ҳижоларнинг таркибида чўзиқ унли бўлган турлари ҳам ўз хусусиятига кўра юқорида таъкидланган хилдаги ҳижоларга тенг саналади. Зеро, улар ҳам шеърларга салоботли оҳанг ва жило бахш этадики, буни Навоийнинг

Эй насими **субҳ** аҳволим дилоромимға **айт**,
Зулфи сунбул, юзи гул, сарви гуландомимға **айт**.
... Войким, душмандек ўлди аҳдидин бегона **дўст**,
Душманим ўлтурса, аҳд эттимки, тутмай ёна **дўст**.

Огаҳийнинг

Не бало хуштур кишига **лутф** айлаб ёр **субҳ**,
Кирса ҳамроҳ боғ аро **сайр** эткали гулзор **субҳ**.
Шукрки айш базмидин еткурубон навид **ийд**,
Аҳли жаҳонни айлади **маст** майи умид **ийд**

каби байтлар мисолида кўриш мумкин.

Хусусан, қофиялари тажниси мукаррар санъатига асосланган байтларда кетма-кет келган ўта чўзиқ ҳижолар шеърга алоҳида жозиба бағишлайди. Мисоллар:

Дайр аро то тутти соқийи фараҳ фар**жом жом**,
Бўлди бетоқат кўнгулга беҳжату **ором жом**.

(Огаҳий)

Бормукин оламда сендек дилкашу хуш**ёр ёр**,
Риштаи жон зулфинг ичра бўлгали хушт**ор тор**.

(Ҳабибий)

Лирик ва лиро-эпик шеърий асарларнинг байтларида ўта чўзиқ ҳижоларнинг ҳар икки турига мурожаат қилинаверади. Масалан:

Ул **сийм**танки рух анингдек лат**иф** йўқ,
Гар хулла бўлмаса анга кўнглак зар**иф** йўқ.

(Лутфий)

Тийра қилмиш тун киби о**фоқ**ни оҳим менинг,
То эшиттимким қилур шаб**гард**лик моҳим менинг.

(Навоий)

Ёз фасли, **ёр** васли, **дўст**ларнинг суҳбати,
Шеър баҳси, **ишқ** дарди, боданинг кайфияти.

(Бобур)

Қилурлар бир-бирининг суҳбатин гарчи ҳавас аҳ**боб**,
Эмаслар **лек** даврон гардишидин **даст**рас аҳ**боб**.

(Мунис)

Бундай ҳижолар охиридаги ундошларнинг васл ҳодисаси туфайли ўзидан кейинги ҳижога қўшилиб кетиши юз берган ҳолатларда улар ўзларининг ўта чўзиқлик хусусиятларини йўқотадилар ва чўзиқ ҳижо ҳисобланадилар. Жумладан, Навоийнинг

Чун ўтуб **ишқ** аҳлидин ошуби сабру **фаҳм** ўлуб,
Чун етиб **зуҳд** аҳлиға торожу ақлу дин солиб

байтидаги **ишқ**, **фаҳм**, **зуҳд** ўта чўзиқ ҳижолари, Оға-ҳийнинг

Оғзин қачон **зикр** айласам, ширин **мақол** айлар мани,
Белин қачон **фикр** айласам, нозик **хаёл** айлар мани

байтидаги **зикр**, **фикр**, **мақол**, **хаёл** ўта чўзиқ ҳижоларининг охирги ундошлари кейинги ҳижога қўшилишида шундай ҳодиса юз берган.

Қ

Қабз зиҳофлардан бирининг номи бўлиб, «қисиш», «ушлаш» маъноларини ифодалайди. Бу хил ўзгаришга дуч келган мафоийлун, фаулун аслларининг учинчи, чўзиқ ҳижолари қисқа ҳижога айлантирилади. Мафоийлундан ҳосил бўлган **мафоилун**, фаулундан ҳосил бўлган **фаулу** тармоқ рукнлари «ушлаб қолинган» маъносида «мақбуз» деб юритилади.

Қариб баҳри («қариб» арабча сўз бўлиб, «яқин» маъносини ифодалайди) арузнинг асосий ўлчовларидан бўлиб, мафоийлун аслининг икки марта ҳамда фоилотун аслининг бир марта такрорига асосланади ва олти рукнли шеърлар яратишдагина фойдаланилади. Олти рукнли солим вазнининг рукнлари ва чизмаси бир мисрада

мафоийлун	мафоийлун	фоилотун
v — — —	v — — —	— v — —

тарзидадир.

Қариб баҳри араб шеъриятига махсус бўлиб, форстожик ва туркий шеъриятларда қўлланмаган. Алишер Навоий ўзининг «Меъзонул авзон» асарида қариб баҳрининг юқоридаги вазнига

Жамолингдин қуёш асру бор уётлиқ,
Сочингга банда боғ ичра сунбул отлиқ.

байтини мисол қилиб келтирган эди. Бобур «Мухтасар»да ушбу байтни такрорлайди, шунингдек, мазкур баҳрнинг яна 13 вазнига ўз байтларини мисол келтиради.

Қариб баҳри вазнларидан шеъриятимизда фойдаланилмаган.

Қаср зиҳофлардан бири бўлиб, «қисқа қилиш» маъносини ифодалайди. Бу хил ўзгаришга **мафоийлун**, **фоилотун**, **фаулун** асллари дуч келиб, уларнинг охиридаги — ун қисми туширилади; ушбу асллардан қолган **мафоийл**, **фоилот** (уни ўзига тенг **фоилон** билан алмаштирилади) ҳамда **фаул** рукнлари «қисқа қилинган» маъносида **мақсур** деб аталади.

Қатъ зиҳоф номи бўлиб, «кесиш» деган маънони ифодалайди. Бу хил ўзгаришга дуч келган **фоилотун** аслининг охирги икки ҳижоси туширилиб, иккинчи, қисқа ҳижоси чўзиқ ҳижога айлантирилади, қолган **фоий** қисми ўзига тенг **фаълун** тармоқ рукни билан алмаштирилиб, «кесилган» маъносида **мақтуъ** деб аталади.

Қисқа ҳижо қисқа унли билан тугалланувчи очиқ ҳижодир. У шеър чизмасида **v** белгиси билан ифодаланади. Ватан, томон, китоб, девор, сурур, ўгит каби сўзларнинг биринчи бўғинлари чўзиқ ҳижога мисол бўла олади. Масалан, Навоийнинг

Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрў келмади,
Кўзларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади,

байтининг биринчи мисрасидаги - ча, - де, - ви, - ма, ҳижолари, иккинчи мисрадаги - ла, -ча, - ча, - ма ҳижолари қисқадир.

Баъзи ёпиқ ҳижолар охиридаги ундошнинг ўзидан кейин турган ва унли билан бошланган ҳижо билан қўшилиб ўқилиши (васл ҳодисаси) туфайли чўзиқ ҳижолар қисқа ҳижога айланиши мумкин. Масалан, Навоийнинг

Қаро кўзум, келу мардумлиғ эмди фан қилғил,
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил

байтидаги «мардумлиғ» сўзининг «лиғ» ҳижоси таркибидаги «ғ» ундоши ўзидан кейинги ҳижога қўшилиб ўқилгани учун шу ҳижонинг - ли қисми қисқа ҳижога айланади. Муқимийнинг:

Навбаҳор, очилди гуллар, сабза бўлди боғлар,
Суҳбат айлайлик, келинглар, жўралар, ўртоғлар

байтининг иккинчи мисрасидаги «суҳбат» сўзи таркибидаги «т» ундошининг кейинги ҳижога қўшилиб ўқилиши туфайли «-ба» ҳижоси қисқа ҳижога айланади.

Ўта чўзиқ ҳижолар чўзиқ ва қисқа ҳижолардан таркиб топган саналади. Жумладан, Бобурнинг

Ёз фасли, ёр васли, дўстларнинг суҳбати,
Шеър баҳси, ишқ дарди, боданинг кайфияти

байтидаги «ёз», «ёр», «дўст», «шеър», «ишқ» ўта чўзиқ ҳижолари чўзиқ ва қисқа ҳижолардан ташкил топганлиги учун бу байт ҳижолари шеър чизмасида

Ёз фасли,	ёр васли,	дўстларнинг	суҳбати
— v — —	— v — —	— v — —	— v —
Шеър баҳси,	ишқ дарди,	боданинг	кайфияти
— v — —	— v — —	— v — —	— v —

тарзида ифодаланади.

Баъзан ёпиқ ҳижоларга қўшилган эгалик, шунингдек жўналиш, тушум келишиклари қўшимчалари таркибидаги бирон ундошнинг вазн талаби билан тушурилиши ҳам шу қўшимча олдидаги ҳижонинг қисқа ҳижога айланишига олиб келади. Масалан, Навоийнинг

Не ўтдурур буки етмас экач эриб оқти
Урурға кўксума ердин не тошниким олдим

байтида «кўксума» сўзида

Бизинг шайдо кўнгул бечора бўлмиш,
Маломат даштида овора бўлмиш

байтидаги «бизинг» сўзида, Мунисниинг

Оқмайин қолмади кўзумдин сув,
Сув демай балки бағриминг қони

байтидаги «бағриминг» сўзида, Огаҳийнинг

Эй шўх, кўзу **қошинга** олам гадо, ман ҳам гадо,
Лаъли лаби **дурпошинга** олам гадо, ман ҳам гадо

байтидаги «қошинга», «дурпошинга» сўзларида шундай ҳодиса рўй берган.

Баъзан шоирларнинг «ий» қўшимчасини олган тахаллуслари охиридаги «й» ундоши вазн талаби билан туширилиб, шу сўзларнинг охирги ҳижоси қисқа ҳижога айланади. Жумладан,

Бир кун жамолин кўрмайин ҳасратга қолди гўиё,
Бечора мискин **Лутфиға** рўзи бори эҳсон эрур.
...**«Огаҳи** комини недин айламагунг раво», — дедим,
«Ком топарму жонин ул қилмағуча фидо», — деди.
Билдилар юзин кўруб **Саккоки** ҳолин сўр майин,
Хосу ому, шаҳру деҳ, доноу нодон йиғлади.

байтларидаги тахаллусларда шундай ҳолат ифодасини кўрамиз.

Баъзида вазн талаби билан **гулистон**, **дилистон**, **шаккаристон** каби сўзларнинг иккинчи ёки учинчи чўзиқ ҳижоларидаги ҳарфлар ўрни алмаштирилиб, қисқа ҳижога айлантирилади. Масалан, Навоийнинг қуйидаги байтида шу хил ҳодиса руй берган:

Гар вафо қил, гар жафо қил **дилистоним** сен менинг,
Гар мени ўлтур, вагар тургузки жоним сен менинг.

Баъзи сўзлар таркибидаги «о» ва «а» ҳарфларини алмаштириб қўллаш билан қисқа ҳижоларни чўзиққа, аксинча, чўзиқ ҳижоларни қисқага айлантириш мумкин. Чунончи, Навоийнинг

Қаро қилди нечукким рўзгорим,
Онинг ҳам хонумони **қора** бўлмиш

байтидаги «қаро» сўзининг биринчи ҳижоси қисқа, иккинчиси чўзиқ саналса, шу ҳарфларни ўзгартириш оқибатида қора сўзидаги биринчи ҳижо чўзиқ, иккинчиси қисқа ҳижога айланган.

Ғариб (ёки жадид) баҳри («ғариб» сўзи «ажойиб», «камёб» маъноларини, «жадид» сўзи эса «янги» деган маънони ифодалайди) арузнинг асосий ўлчов турларидан бири бўлиб, унинг асосини **фоилотун** аслининг икки марта ва **мустафъилун** аслининг бир марта такрорланиб келиши ташкил этади. Чунончи, ғариби мусаддаси солим вазнининг рукнлари ва чизмаси ҳар бир мисрада

фоилотун	фоилотун	мустафъилун
— ∨ — —	— ∨ — —	— — ∨ —

тарзидадир. Алишер Навоий ўзининг «Меъзонул авзон» асарида ушбу ўлчовга мисол қилиб

Не балолиғ ҳажр эрурким, зор ўлмишам,
Келки ул кўз ҳажрида бемор ўлмишам.

байтини келтиради. Бобур «Мухтасар» асарида мазкур баҳрнинг яна ўн вазнини санаб, уларнинг ҳар бирига туркий байтлар келтиради.

Ушбу баҳр ҳам араб шеъриятига махсус бўлиб, форс-тожик ва туркий адабиётларда қўлланмаган.

Ҳазаж[1] баҳри шеъриятимизда қўлланиш кўлами жиҳатидан рамал баҳридан сўнг иккинчи ўринда турувчи ўлчов туридир. Унинг асосини **мафоийлун** аслининг айнан такрори ташкил қилиб, мусаммани солим вазнининг рукнлари ва чизмаси

мафоийлун мафоийлун мафоийлун мафоийлун
v — — — v — — — v — — — v — — —

тарзидадир.

Алишер Навоий «Мезонул авзон» асарида ҳазаж баҳрига мансуб 46 вазнни санаб ўтиб, уларнинг ҳар бирига мисоллар келтиради.

Бобур ўзининг «Мухтасар» асарида: «Ҳазаж баҳри юз беш вазн, олтмиш бир мустаъмал, қирқ тўрт мухтараъ, ўн тўққиз мустаъмали матбуъ»[2], — дея таъкидлаб, 105 вазннинг ҳар бирининг хусусиятларини форсий ва туркий мисоллар билан кўрсатиб берган эди.

Ҳазаж баҳри вазнлари ўз хусусиятларига кўра мумтоз ва халқ куйларига мос бўлиб тушади. «Шашмақом» куйларидан 63 тасининг ҳазаж баҳри вазнларидаги шеърларга басталангани шундан далолат беради.

Шеъриятимизда мазкур баҳрнинг 30 дан ортиқ вазнидан кенг фойдаланиб келинган.

Ҳазаж баҳри XIV асрдан бошлаб шеъриятимизда ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Атоийнинг 167 шеъридан 74 таси, Саккокийнинг 56 шеъридан 24 таси, Гадоийнинг 233 шеъридан 45 таси, Лутфий қаламига мансуб 430 шеърдан 141 таси, Ҳофиз Хоразмийнинг 1404 шеъридан 306 таси, Алишер Навоийнинг «Хазойинул маоний» тўпламидаги 3132 шеърнинг 669 таси ва «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» достонлари мана шу баҳр вазнлари асосида яратилган эди.

---

[1] «Ҳазаж» арабча сўз бўлиб, «овозни ёқимли қилиш» деган маънони ифодалайди.

[2] *Бобур.* Мухтасар, 123-бет.

Ҳазаж баҳри XVI—XX асрлар ўзбек шеъриятида ҳам кенг ўрин эгаллади. Бобур, Машраб, Огаҳий, Нодира, Фурқат, Муқимий, Ҳамза каби шоирлар яратган лирик ва лиро-эпик асарларнинг катта қисми шу ўлчовга асосланади. Бобурнинг 39 ғазали ва 196 рубоийси, Огаҳийнинг 133 ғазали, 31 мухаммаси, 73 рубоийси, бошқа жанрлардаги 43 шеъри, жами 310 асари шу баҳрда битилган эди. Нодиранинг 53 та ўзбекча ва 52 тожикча газали шу баҳр вазнларида яратилган. Мазкур ўлчовлардан замонавий шеъриятимиз, Ҳабибий, Собир Абдулла, Эркин Воҳидовлар лирикасида ҳам анча кенг фойдаланилган.

Шеъриятимизда ҳазаж баҳрининг асосан саккиз ва олти рукнли вазнлари қўлланган.

Ҳазаж баҳри вазнлари мафоийлун асли ҳамда унинг 12 хил ўзгаришга дуч келиши натижасида ҳосил бўлган жами 13 рукнга асосланади:

№№	Рукнлар	Чизмаси	Аталиши	Қўлланиш ўрни
1.	мафоийлун	v — — —	солим	садр, ибтидо, ҳашвлар, аруз, зарбда
2.	мафоилун	v — v —	мақбуз	садр, ибтидоъ, ҳашвларда
3.	мафъулун	— — —	ахрам	-»-
4.	мафъулу	— — v	ахраб	-»-
5.	фоилун	— v —	аштар	-»-
6.	мафоийлу	v — — v	мақфуф	-»-
7.	мафоийлон	v — — ~	мусаббағ	аруз ва зарбда
8.	мафоийл	v — ~	мақсур	-»-
9.	фаулун	v — —	маҳзуф	-»-
10.	фаал	v —	ажабб	аруз ва зарбда
11.	фаул	v ~	ахтам	-»-
12.	фаъ	—	абтар	-»-
13.	фоъ	~	азалл	-»-

Юқоридаги рукнлардан **мафъулу** ва **мафоийлу** ҳазаж ва музориъ баҳрлари, қолганлари эса фақат ҳазаж баҳри вазнларида иштирок этади. Ушбу рукнларнинг турлича таркибидан ҳазаж баҳрининг шеъриятимизда қўлланган қуйидаги вазнлари тузилади:

ҲАЗАЖ БАҲРИНИНГ ОЛТИ РУКНЛИ (МУСАДДАС) ВАЗНЛАРИ

Ҳазажи мусаддаси маҳзуф вазни шеъриятимизда анча кенг қўлланган ўлчовлардан бўлиб, рукнлари ва чизмаси бир мисрада

мафоийлун мафоийлун фаулун
v — — — v — — — v — —

тарзидадир. Бинобарин, унинг таркибини мафоийлун аслининг солими ҳамда шу аслнинг маҳзуф тармоғи **фаулун**лар такрори ташкил қилади. 3 қисқа ва 8 чўзиқ ҳижонинг шу тарздаги такрори ёқимли ва мусиқий оҳангни ҳосил қилади. Олти рукнли ушбу ўлчов лирик шеърият учун ҳам, достончилик учун ҳам ниҳоятда қулайдир. Шунинг учун ҳам мазкур вазн шеъриятимизда XIV асрдан XX аср бошларига қадар муттасил ва кенг қўлланиб келган. Ушбу ўлчовда битилган лирик ва лиро-эпик шеърий асарларни деярли барча шоирларимиз ижодида учратишимиз мумкин. Атоийнинг 167 газалидан 40 таси, Лутфийнинг 326 ғазалидан 23 таси, Алишер Навоийнинг 84 шеъри, жумладан 50 ғазали шу ўлчовда битилган эди. Хоразмий «Муҳаббатнома»си, номаълум шоирнинг «Гул ва Наврўз» достони, Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони каби қатор лирик асарлар ҳам шу ўлчовда ёзилган эди.

«Шашмақом»нинг «Соқийномаи савти наво», «Соқийномаи мўгулчаи наво», «Соқийномаи савти чоргоҳ» куйлари ушбу вазндаги шеърларга басталанган.

Мисоллар:

Мени девона қилғон бир паридур,
Ки инсону малакнинг дилбаридур.

(Атоий)

Кўнилик ҳақ ризосидур, кўни бўл,
Сени мақсудинга элтур кўни йўл.

(Сайфи Саройи)

Фироқингға мени солди қароқинг,
На ҳожат қийнаса эмди фироқинг.

(Лутфий)

Куяр ҳажрингда жисми нотавоним,
Не жисми нотавонким, хаста жоним.

(Навоий)

Керакмас жон менга жонондин айру,
Киши нетсун баданни жондин айру.

(Мунис)

Тушуб бошимға кулфат лаҳза-лаҳза,
Чекармен ранжу ҳасрат лаҳза-лаҳза.

(Фурқат)

Бу кун кулбумга, жоно, хуш келибсиз,
Тилак бўлди муҳайё, хуш келибсиз.

(Ҳабибий)

Ҳазажи мусаддаси мақсур ҳам шеъриятимиздаги севимли ўлчовлардан бўлиб, ҳазажи мусаддаси маҳзуф вазнидан охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билан фарқланади. Ушбу ўлчовнинг рукнлари ва чизмаси бир мисрада

мафоийлун	мафоийлун	мафоийл
v — — —	v — — —	v — ~

тарзидадир. Яъни унинг таркиби **мафоийлун** аслининг солими ҳамда шу аслнинг **мақсур** тармоғи **мафоийл**дан ташкил топади. Ўзаро яқин бўлган **ҳазажи мусаддаси маҳзуф** ҳамда **ҳазажи мусаддаси мақсур** вазнлари бир шеърий асарнинг ўзида қўлланаверади. Масалан, Хоразмий «Муҳаббатнома»сида ҳам, Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида ҳам ҳар икки ўлчов биргаликда иштирок этган.

Хати мушкинкидур жон бирла ҳамроҳ,
Хизрдур оби ҳайвон бирла ҳамроҳ.

(Атоий)

Кўнгул то оразингга бўлди муштоқ,
Кўзумда гаҳ қизил гулдур, гаҳи оқ.

(Лутфий)

Кўнгулнинг хонумонин берди барбод
Ғами ишқингки, хонумони обод.

(Навоий)

Ажални дастидин юз доду фарёд,
Ки умрим ҳосилини берди барбод.

(Нодира)

Кишиким бўлмаса бахти хумоюн,
Ҳамиша бўлғуси нокому маҳзун.

(Аваз)

Кўрунди бир ажаб якбора мужгон,
Узун қайрилгану қоп-қора мужгон.

(Ҳабибий)

Ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи солим вазни шеъриятимизда жуда кам қўлланган ўлчовлардан бўлиб, баъзи шоирларгина фойдаланганлар халос. Унинг рукнлари ва чизмаси бир мисрада

мафъулу	мафоилун	мафоийлун
— — v	v — v —	v — — —

тарзида бўлиб, таркиби **мафоийлун** аслининг **ахраб** тармоғи **мафъулу** (садр ва ибтидоъда), **мақбуз** тармоғи мафоилун (ҳашвларда), солим кўриниши (аруз ва зарбда)дан ташкил топади.

Ушбу ўлчовда Алишер Навоийнинг биргина ғазали ёзилган бўлиб, унинг матлаъи:

Боғ ичра чу гарм бўлди бозоринг,
Юз важҳ ила бўлди гул харидоринг.

Ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф вазни шоирларимиз ижодида кенг қўлланган ўлчовлардан саналади. Унинг рукнлари ва чизмаси бир мисрада

мафъулу	мафоилун	фаулун
— — v	v — v —	v — —

тарзидадир. Кўриниб турганидек, унинг таркибини мафоийлун аслининг ахраб тармоғи **мафъулу** (садр ва ибтидоъда), мақбуз тармоғи **мафоилун** (ҳашвларда) ҳамда маҳзуф тармоғи **фаулун** (аруз ва зарбда) ташкил қилади. 4 қисқа ва 6 чўзиқ ҳижонинг бу хилдаги такрори ёқимли, енгил ва ўйноқи, айни чоғда ғоятда мусиқий оҳанг яратади. Шунинг учун ҳам ушбу ўлчов XIV асрдан бошлаб XX аср бошларига қадар шоирларимиз ижодида кенг қўлланиб келган. Унинг асосида фақат лирик шеърларгина эмас, балки Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достони каби йирик бадиий обидалар ҳам яратилган. Ушбу ўлчов «Шашмақом»нинг «Соқийномаи мўғулчаи дугоҳ», «Уфори мўғулчаи сегоҳ», «Ироқ» мақомининг IV таронаси куйларига мосдир.

Мисоллар:

Қон бўлди кўнгул фироқи бирла,
Куйди жоним иштиёқи бирла.

(Атоий)

Ким эрмас ул ой мубталоси,
Ёлғуз манга йўқ анинг балоси.

(Саккокий)

Ё рабки, не маҳлиқо бўлурму?
Не чеҳра даги сафо бўлурму?

(Лутфий)

Кўзунг не бало қаро бўлуптур,
Ким жонға қаро бало бўлуптур.

(Навоий)

Кўнглумни чу ул пари олибтур,
Девона бўлурга не қолибтур.

(Бобур)

Эй зинда мақолинга фасоҳат,
Эй банда жамолинга сабоҳат.

(Мунис)

Ўлкамда етишди хил йигитлар,
Ғайратли, етук, дадил йигитлар.

(Ҳабибий)

Ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи мақсур вазни адабиётимизда анча кенг қўлланган ўлчовлардан бўлиб, рукнлари ва чизмаси бир мисрада

мафъулу	мафоилун	мафоийл
— — v	v — v —	v — ~

тарзидадир. Ушбу вазн ҳазажи мусаддаси маҳзуф ўлчовидан фақат охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билангина фарқланади, яъни мисралар охири мафоийлун аслининг мақсур тармоғи **мафоийл** рукни билан тугалланади. Шу хусусиятига кўра ушбу иккала вазн бир шеърий асарда бир вақтда қўлланаверади. Чунончи, Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достонида мазкур иккала ўлчов ҳам кенг қўлланган. Шунинг учун ҳам ушбу достон ҳазажи мусаддаси маҳзуф ҳамда ҳазажи мусаддаси мақсур ўлчовларида ёзилган икки вазнли асар саналади.

Ҳазажи мусаддаси мақсур вазни XIV—XX асрлар мобайнида шеъриятимизда фаол қўлланиб келди.

Мисоллар:

Жонға теғадур жафойи ҳижрон,
Кимдин тилайин давойи ҳижрон.

(Атоий)

Эй ҳусну вафо танинда сен жон,
Ой бирла қуёш юзунгда ҳайрон.

(Гадоий)

Мақсудга текурмай ул гуландом,
Ошиқни қилур жаҳонда бадном.

(Лутфий)

Бординг назаримдин, эй паризод,
Мен қулни дубора қилмадинг ёд.

(Нодира)

Сендин нафасе мурод топмон,
Ишқингда кўнгулни шод топмон.

(Бобур)

Ҳазажи мусаддаси ахрами аштари маҳзуф шеъриятимизда кам қўлланган вазнлардан бўлиб, рукнлари ва чизмаси

мафъулун	фоилун	фаулун
— — —	— v —	v — —

тарзидадир. Кўриниб турганидек, ушбу ўлчов асосида ёзилган мисраларнинг аввалги рукнлари **мафоийлун** аслининг ахрам тармоғи **мафъулун**, ҳашвлари шу аслнинг аштар тармоги **фоилун,** охирги рукнлари эса маҳзуф тармоғи **фаулунга** тенг бўлади. Мазкур вазн Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достонида қўлланган бўлиб, асардаги жами 140 мисра шу ўлчов асосида ёзилган. Жумладан, достондаги

Кўрсанг ул ён дури ягона,
Сен қилгунг кўз ёшини дона.
... Лайли ишқин танимда жон қил,
Лайли шавқин рангимда қон қил.
... Жоним бўлсун танинг нисори,
Бағрим бўлсун тишинг фигори.
... Қизни асраб ҳижоб ичинда,
Ойдек тўққуз ниқоб ичинда.

каби мисралар ушбу вазндадир.

Ҳазажи мусаддаси ахрами аштари мақсур вазни юқоридаги ўлчовдан охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билангина фарқланиб, рукнлари ва чизмаси

мафъулун	фоилун	мафоийл
— v —	— v —	v —

тарзидадир. Ҳар икки вазндаги биринчи ва иккинчи рукнлар бир хил бўлиб, охирги рукн ҳазажи мусаддаси маҳзуф вазнида мафоийлун аслининг маҳзуф тармоғи фаулунга тенг бўлса, ҳазажи мусаддаси мақсур ўлчовида шу аслнинг мақсур тармоғи мафоийлга тенглиги кўриниб турибди. Ушбу вазн ҳам Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достонида қўлланган бўлиб, асардаги жами 96 мисра унинг асосида ёзилган. Чунончи:

Сарв ўлмай меҳнатидин озод,
Қолмай шамшод дардидин шод.
«Лайли!», «Лайли!» дебон чекиб ун,
Эл деб «Мажнундур, ушбу Мажнун!».
... Чун кўрмак бир ғазоли мушкин,
Чекмак қатлиға ханжари кин.
... Оқшомдин тонгга жони маҳзун,
Тонгдин оқшомға ашки гулгун.

каби мисралар шулар жумласидандир.

Мазкур икки вазннинг достоннинг асосий ўлчовлари бўлмиш ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф ҳамда ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи мақсур вазнлари билан алмашиниб қўлланиши аруз илмига хос бир қонун-икки қисқа ҳижонинг бир чўзиқ ҳижо билан алмаштирилиши мумкинлиги асосида рўй берган. Яъни асосий ўлчовларнинг олдинги икки ҳижоси кейинги икки вазнда мафъулун рукнидаги учинчи чўзиқ ҳижо билан алмаштирилган. Шуни ҳам айтиш лозимки, кейинги икки вазн достондаги айрим мисралар оҳангига алоҳида жозиба, таъсирчанлик бағишлаган.

ҲАЗАЖ БАҲРИНИНГ САККИЗ РУКНЛИ (МУСАММАН) ВАЗНЛАРИ

Ҳазажи мусаммани солим вазни шеъриятимиздаги энг ёқимли ўлчовлардан бири саналади. Унинг рукнлари ва чизмаси бир мисрада

мафоийлун	мафоийлун	мафоийлун	мафоийлун
v — — —	v — — —	v — — —	v — — —

тарзидадир. Тўртта қисқа ҳамда 12 та чўзиқ ҳижонинг бу хилдаги мутаносиб такрори жозибали ва мусиқий оҳангни вужудга келтиради. Мазкур ўлчовни дастлаб Атоий, Саккокий, Лутфий, Гадоий, Ҳофиз Хоразмийлар лирикасида учратамиз. Ҳазажи мусаммани солим вазни бу шоирлар ижодида ҳазаж баҳри ўлчовлари ичида иккинчи, учинчи ўринларда турса, Алишер Навоий «Хазойинул маоний»сида анча кенг қўлланиб ушбу баҳр вазнлари ичида биринчи ўринни эгаллайди. Шоирнинг ҳазаж баҳридаги жами 305 шеъридан 143 таси, жумладан, 121 ғазали, 7 қитъаси, 13 фарди, биттадан чистон ва муаммоси шу ўлчовда битилган эди. Бу анъана кейинги давр шеъриятида ҳам изчил давом этди. Жумладан, Огаҳийнинг ҳазаж баҳрида ёзган 310 шеъридан 103 таси, хусусан, 77 ғазали ҳазажи мусаммани солим вазни асосидадир.

Мазкур вазн ҳозирги замон шоирлари ижодида ҳам кенг фойдаланилган. Ушбу ўлчовдаги шеърларнинг «Шашмақом» куйларининг 40 тасига мос тушиши аниқланган.

Мисоллар:

Боқар оҳулайин ҳар ён ўшал икки қаро кўзлар,
Ҳаданги ғамзасин отлиғ учун гўё қаро кўзлар.

(Атоий)

Мени мен истаган ўз суҳбатига аржуманд этмас,
Мени истар кишининг суҳбатим кўнглум писанд этмас.

(Навоий)

Хазон япроғи янглиғ гул юзунг ҳажрида саргардим,
Кўруб раҳм айлагил, эй лоларух бу чеҳраи зардим.

(Бобур)

Бу гулшан соз экан, соз устига соз этгали келдик,
Қадрдонларни шод айлаб, сарафроз этгали келдик.

(Ҳабибий)

Варақларни очурман тозалаб йилларни чангидин,
Бу дониш маҳзани сўзлар манга афсона янгидин.

(Э. Воҳидов)

Ҳазажи мусаммани мусаббағ вазни шеъриятимизда кам қўлланган ўлчовлардан саналиб, юқоридаги, ҳазажи мусаммани солим вазнидан охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билан фарқланади ва у билан бир шеърда қўлланаверади.

Ҳазажи мусаммани мусаббағ вазнининг рукнлари ва чизмаси бир мисрада

мафоийлун	мафоийлун	мафоийлун	мафоийлон
v — — —	v — — —	v — — —	v — — ~

тарзидадир. Ушбу ўлчов ҳазажи мусаммани солим вазнидаги ёзилган шеърнинг қофияланмайдиган мисраларида кўп ҳолларда қўлланса ҳам, матласи ҳазажи мусаммани мусаббағ вазнида бўлган ғазаллар жуда кам ёзилган. Айрим шоирлар ижодидагина, шунда ҳам бир иккита, баъзангина 5—6 ғазал шу ўлчовда битилган.

Мисоллар:

Сен ўз хулқунгни тузгил, бўлма эл ахлоқидин хурсанд,
Кишига чун киши фарзанди ҳаргиз бўлмади фарзанд.

(Навоий)

Қаро зулфунг фироқида паришон рўзгорим бор,
Юзунгнинг иштиёқинда не сабру не қарорим бор.

(Бобур)

Зиҳи афлок уза чун азм этиб чиқдинг шаби меърож,
Буроқингнинг изин қилди малоик боши узра тож.

(Огаҳий)

Ажаб васлингга мен энди етишганда кўринди моҳ,
Масал борким оғиз ошга, бурун тошга тегибдур, воҳ.

(Э. Воҳидов)

Ҳазажи мусаммани аштар вазни шеъриятимизда анча кенг қўлланган ўлчовлардан биридир. Унинг рукнлари ва чизмаси бир мисрада

фоилун	мафоийлун	фоилун	мафоийлун
— v —	v — — —	— v —	v — — —

тарзидадир. Чўзиқ ва қисқа ҳижоларнинг шу хилдаги такрори ёқимли оҳангни ҳосил қилади.

Ушбу ўлчов XVI асрга қадар туркий адабиётларда, жумладан, ўзбек шоирлари ижодида қўлланмаган кўринади. Зеро, Атоий, Саккокий, Лутфий, Гадоий, Ҳофиз Хоразмийлар ижодида ушбу ўлчов асосида ёзилган шеърни учратмаймиз. Мазкур вазнни Алишер Навоий «Мезонул авзон»да тилга ҳам олмайди, унинг асосида ўзи ҳам туркий шеър ёзмаган. Бу ўлчовдаги дастлабки шеърлар Бобур ижодида учрайди. Шоир ўзининг «Мухтасар» асарида бу вазнни «мустаъмали матбуъ», яъни ёқимли ўлчовлар қаторида санаб, Жомий ва Ҳофизлар ижодига мурожаат қилади ҳамда туркий шеърга мисол тариқасида ўзининг ғазали байтларини келтиради. Бу Бобурнинг ушбу ўлчовда ёзилган ягона ғазали эди.

Мазкур ғазал кейинги асрларда шеъриятимиздан мустаҳкам ўрин олди ва тобора кенгроқ қўллана борди. Огаҳийнинг 17 ғазали шу ўлчовда эканлиги фикримизнинг далилидир. Ушбу вазн ҳозирги замон шеъриятида ҳам фойдаланиб келинмоқда. Ушбу ўлчовдаги шеърлар «Шашмақом»нинг «Рост», «Сегоҳ», «Ироқ» мақомлари тароналарига мос тушади.

Мисоллар:

Ғофил ўлма, эй соқий, гул чоғин ғанимат тут,
Вақти айш эрур боқий, ол чоғир, кетур, бот тут.

(Бобур)

Кокулунг дурур анбар, жон ичинда жонон қиз,
Кўзларинг дурур ахтар, юзи моҳи тобон қиз.

(Машраб)

Фасли навбаҳор ўлди кетибон зимистонлар,
Дўстлар, ғаниматдур, сайр этинг гулистонлар.

(Фурқат)

Келди очилур чоғи, ўзлигинг намоён қил,
Парчалаб кишанларни ҳар томон паришон қил.

(Ҳамза)

Эй қаро кўзим, ул кун ўзни ошкор эттинг,
Кўз учида бир боқдинг, дил қушин шикор эттинг.

(Ҳабибий)

Кимда иқтидор йўқдир, илм ила ҳунар зое,
Иқтидор берурман деб чекма ранж, кетар зое.

(Э. Воҳидов)

Ҳазажи мусаммани ахраб вазни адабиётимиздаги ёқимли ўлчовлардан бири бўлиб, рукнлари ва чизмаси бир мисрада

мафъулу	мафоийлун	мафъулу	мафоийлун
— — v	v — — —	— — v	v — — —

тарзидадир. Ушбу ўлчовда ёзилган дастлабки шеър Атоий ижодида учрайди. Мавлоно Лутфийнинг эса 5 та ғазали шу ўлчовда ёзилган эди. Ҳофиз Хоразмий мана шу вазн асосида ўзининг 9 ғазалини битган.

Алишер Навоий «Мезонул авзон»да ҳазаж баҳрининг ёқимли вазнлари қаторида ушбу ўлчовни ҳам санаб ўтиб, унга

То кўз била кўнглумни ул ғамза мақом этмиш,
Қонимни ҳалол айлаб, уйқумни ҳаром этмиш.

байтини мисол қилиб келтиради. Бобур ўзининг «Мухтасар» асарида ҳазаж баҳрига мансуб мустаъмали матбуъ ўлчов қаторида ушбу вазнни ҳам алоҳида таъкидлаб, унинг оҳанг имкониятларини намойиш қилиш учун Ҳофиз Шерозий, Жомий, Шоҳийнинг форсий шеърларидан, Алишер Навоий, Шоҳ Наълий Мирзо ҳамда ўзининг туркий ғазалларидан мисоллар келтиради.

Алишер Навоий ҳазажи мусаммани ахраб вазнида жами 19 шеър, жумладан, 17 ғазал, бир қитъа ва бир фард яратган. Бобур эса биргина ғазалини шу ўлчовда ёзган бўлиб, у ҳам бўлса «Мухтасар»да келтирилган асардир.

Ҳазажи мусаммани ахраб кейинги давр ижодкорларининг севимли вазнларидан бўлиб қолди. «Шашмақом»нинг «Бузрук», «Дугоҳ», «Сегоҳ», «Ироқ» мақомлари тароналари ушбу ўлчовда ёзилган шеърларга басталанган.

Мисоллар:

То тушта юзин кўрдум, бўлмиш манга ком уйқу,
Лекин ғамидин бўлмиш кўзумга ҳаром уйқу.

(Навоий)

То олғали кўнглумни ул юз била ул гису,
Кундуз манга не ором, кеча манга не уйқу.

(Бобур)

Ишқинг ўтиға, дилбар, ҳар дам чу куяй дерман,
Қоним била, эй жонон, оламни бўяй дерман.

(Машраб)

Ишқингда куйиб, жоно, хоки таҳи по бўлдум,
Совғурди ғаминг боди, алқисса фано бўлдум.

(Фурқат)

Ҳар лаҳза менинг кўнглум ёр истару боғ истар,
Ёр илғида боғ ичра май тўлган аёғ истар.

(Ҳабибий)

Ҳазажи мусаммани ахраби мусаббағ вазни шеъриятимизда жуда кам қўлланган ўлчовлардан саналади. Унинг рукнлари ва чизмаси бир мисрада

мафъулу	мафоийлун	мафъулу	мафоийлон
— — v	v — — —	— — v	v — — ~

тарзида бўлиб, олдинги, ҳазажи мусаммани ахраб вазнидан охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билангина фарқланади. Шу хусусиятига кўра ҳар икки вазн бир шеърий асарда биргаликда қўллана олади.

Мазкур вазн ҳазажи мусаммани ахраб ўлчовида битилган шеърларнинг қофияланмайдиган мисраларида анча кенг қўлланади. Масалан, Огаҳийнинг ҳазажи мусаммани ахраб вазнида ёзилган ғазалининг

То зулфи паришонин юз узра ниқоб этмиш,
Хуршид уза оҳимнинг дудини саҳоб этмиш.
...Зулфи тушубон ўтлуғ юз узра нечукким дуд,
Рашк ўти аро жону кўнглимни кабоб этмиш.
...Сўрмоқ тиласам лаълин тонг йўққи ҳакими сунъ
Ул дуржи мусаффони пур шаккари ноб этмиш.

байтларини кўздан кечирсак, 3- ва 5- мисралар ҳазажи мусаммани ахраби мусаббағ ўлчовида эканини кўрамиз.

Аммо матлаъси ва қофияланадиган мисралари шу ўлчовда бўлган шеърлар кам ёзилган. Биргина шундай ғазал Навоий ижодида учрайди:

Боғ ичра санга сочти гул оқу қизил япроқ,
Шаҳ бошига андоғким эл оқу қизил ёрмоқ.

(Навоий. «Бадоеъул васат», 317-ғазал)

Ҳазажи мусаммани маҳзуфи мақсур вазни шеъриятимизда энг кам қўлланган ўлчовлардан бири бўлиб, унинг рукнлари ва чизмаси бир мисрада

мафоийлун	фаулун	мафоийлун	мафоийл
v — — —	v — —	v — — —	v — ~

тарзидадир. Ушбу ўлчовда Алишер Навоийнинг биргина ғазали ёзилган холос. Бошқа шоирларда ҳам ушбу ўлчовда яратилган шеърлар учрамайди.

Мисол:

Санову зотинг ичра топиб ажз аҳли идрок,
Ғаҳи лоуҳси айтиб замоне мо арафнок
Не янглиғ аҳли идрок ки чун гардунга сурди,
Кўзига сурма қилди ғуборин хайли афлок
Зулоли сунъунг ичра сипеҳру сидра шоҳи,
Тенгизда ул хубобе, бу ҳам андоққи хошок.
...Навоий ҳамдинг айтур ажаб йўқ гар тилига
Иноят лужжасидан кетурсанг гавҳари пок.

(«Наводируш шабоб», 322-ғазал)

Ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф вазни шеъриятимиздаги ёқимли, мусиқий ўлчовлардан биридир. Рукнлари ва чизмаси бир мисрада

мафъулу	мафоийлу	мафоийлу	фаулун
— — v	v — — v	v — — v	v — —

тарзида. Кўриниб турганидек, унинг таркиби **мафоийлун** аслининг **ахраб** тармоғи **мафъулу** (садр ва ибтидода), **макфуф** тармоғи **мафоийлу** (ҳашвларда) ҳамда **маҳзуф** тармоғи **фаулун**ларнинг такроридан ташкил топади. Мисраларда 6 қисқа ва 8 чўзиқ ҳижонинг шу тарздаги жуфт-жуфт бўлиб такрорланиши жозибали ва шўх оҳангни вужудга келтиради. Шу туфайли ушбу ўлчов XIV асрдаёқ шоирларимиз ижодидан мустаҳкам ўрин олган эди.

Мазкур вазнда ёзилган шеърлар Атоий, Саккокий, Гадоий, Ҳофиз Хоразмий каби шоирларимиз лирикасида кенг қўлланган. Мавлоно Лутфий шеъриятида эса бу ўлчов рамали мусаммани маҳзуф вазнидан кейин иккинчи ўринда туради. Шоирнинг 430 шеъридан 66 таси, хусусан, 61 ғазали шу ўлчов асосида яратилган эди.

Алишер Навоий ўзининг 50 шеъри, хусусан, 48 ғазалини шу вазнда ёзган. Ушбу халқчил ўлчовдан

Машраб шеъриятида ҳам кенг фойдаланилган. Шоир 36 шеърини шу вазнда битган эди. Мазкур вазн кейинги асрларда ҳам шоирларимизнинг диққат марказида турди. Замонавий шеъриятимизда, Ҳабибий, Э. Воҳидов, Ж. Камол каби ижодкорлар ғазалиётида ҳам мазкур ўлчовдан фойдаланилган.

Ушбу ўлчовда ёзилган шеърлар «Шашмақом»нинг «Уфори савти наво», «Уфори сегоҳ», «Уфори чоргоҳ», «Уфори мўғулчаи наво» ҳамда «Ироқ» мақоми тароналари куйларига мос бўлиб тушган.

Мисоллар:

Ёр бордию кўнглумда анинг нози қолибтур,
Андоқки, қулоғим тўла овози қолибтур.

(Навоий)

Сендек манга бир ёри жафокор топилмас,
Мендек санга бир зори вафодор топилмас.

(Бобур)

Садқанг бўлайин, менга ажаб ноз қилурсан,
Кўп қилма десам ноз, кулиб боз қилурсан.

(Ҳабибий)

Гул фасли санам сайр ила гулшанда бўлубдур,
Ғунча кўз очиб гул юзида ханда бўлубдур.

(Э. Воҳидов)

Биз, телба кўнгил, ошиғи шайдо тарафиннан,
Сиз ишвали ул наргиси шаҳло тарафиннан.

(Ж. Камол)

Ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи мақсур вазни юқоридаги ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф ўлчовидан охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билангина фарқланади. Унинг рукнлари ва чизмаси бир мисрада

мафъулу	мафоийлу	мафоийлу	мафоийл
— — v	v — — v	v — — v	v — ~

тарзидадир. Кўзга ташланиб турганидек, ушбу ўлчов таркибида **мафоийлун** аслининг **ахраб** тармоғи **мафъулу** (биринчи рукнларда), макфуф тармоғи **мафоийлу** (иккинчи, учинчи рукнларда) ҳамда мақсур тармоғи

мафоийлу (тўртинчи рукнларда) иштирок қилади. Ўзаро яқинлиги туфайли ушбу икки ўлчов бир шеърда биргаликда қўлланаверади.

Мазкур вазн ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф ўлчовида битилган шеърларнинг қофияланмайдиган мисраларида анча кенг қўлланади. Чунончи, Алишер Навоий ғазалидаги

Бир ойни тилаб хаста кўнгул зорму эрмас,
Ҳажри ғамидин юз туман афгорму эрмас.
...Ишқида ситамлар била ўлсам, не ажаб, ёр
Қотилму эмас, шўху ситамкорму эрмас.
Диним бошиға титрар эсам, тонг эмас, ул кўз
Кофирму эмас, масту дилозорму эрмас.
Чун сурди самандин, нега ўлдунг дема, эй шўх,
Сархушму эмас, чобуки айёрму эрмас.
Гар даҳр арусиға дедим берма кўнгул, боқ,
Мухтоламу, пурҳийламу, маккорму эрмас.

байтларини кўздан кечирсак, барча қофияланмайдиган мисралар ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи мақсур ўлчовида эканлигининг гувоҳи бўламиз.

Шуни айтиш керакки, матлаъи ҳам ушбу ўлчовда бўлган шеърлар анча кам битилган. Атоий ва Гадоий шеъриятида 2 тадан, Лутфий ижодида 5 та ғазал ва 2 та фард, Ҳофиз Хоразмий газалиётида 26 асар, Алишер Навоий қаламига мансуб 12 ғазал ва бир муаммо ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи мақсур ўлчовида яратилган. Шу вазн асосида Машраб ва Нодиранинг биттадан, Увайсийнинг 4 ғазали ва бир мухаммаси битилган эди. Кекса арузчи шоир Ҳабибий ҳам ушбу вазнда ўз қаламини синаб кўрган.

Мисоллар:

Ҳолим ким экин айлагучи ёрға маъруз,
Мен бедил ишин қилғучи дилдорға маъруз.

(Навоий)

Мажнун ила кездим неча йил дашту биёбон,
Лайлини сўроғлаб юрудум бесару сомон.

(Машраб)

Ул сарвки бордур ани мавзун қади озод,
Машшота учун шона чекар зулфиға шамшод.

(Нодира)

Ўлкамда ажаб дашту биёбонларимиз бор,
Ҳар қайсида ҳар турли неча конларимиз бор.

(Ҳабибий)

Ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуфи мустаҳзод вазни шеъриятимиздаги ёқимли ўлчовлардан бири саналади. Унинг рукнлари ва чизмаси бир мисрада

мафъулу	мафоийлу	мафоийлу	фаулун
— — v	v — — v	v — — v	v — —
		мафъулу	фаулун
		— — v	v — —

тарзидадир. Диққат қилинса, унинг асосини ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф вазни ташкил қилиши, ундан фарқи орттирмаси эканлигини, мисрадан сўнг биринчи ва тўртинчи рукнлар — **мафъулу** ва **фаулун** рукнлари орттирилиб, ҳар бир мисрада қисқа ва чўзиқ ҳижоларнинг шу хилдаги такрори енгил ва ўйноқи оҳанг ҳосил қилишини кўриш мумкин.

Мустаҳзод вазнида ёзилган шеърларни дастлаб Гадоий ва Ҳофиз Хоразмийлар ижодида учратамиз. Гадоий бу ўлчовда биттагина, Ҳофиз Хоразмий иккитагина асар яратганлиги бу ўлчов XIV аср охири ва XV аср бошларида унча кенг қўлланмаганидан далолат беради. Мазкур ўлчовдаги шеърлар «Шашмақом» куйларидан «Мустаҳзоди наво», «Уфори мустаҳзоди наво»ларда ижро этилган.

Алишер Навоий «Мезонул авзон» асарида ҳазаж баҳри вазнларини санаб ўтар экан, бу ўлчов ҳақида маълумот бермайди. Асарнинг охирроқ қисмида халқ қўшиқлари вазнлари тўғрисида тўхталар экан: «Ва яна бу халқ (турк халқи — А. Ҳ.) орасида бир суруд бор эканким, ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф вазнида, анга байт бошлаб битиб, анинг мисраидан сўнгра ҳамул баҳрнинг икки рукни била адо қилиб, суруд нағамотиға рост келтурурлар эрмиш ва ани «мустазод» дерлар эмиш, андоқким (мустазод):

Эй ҳуснунга зарроти жаҳон ичра тажалли
мафъулу мафоийлу мафоийлу фаулун
маҳзар санга ашё
мафъулу фаулун

Сен лутф била кавну макон ичра мувалли,
Олам санга мавло».[1]

деб таъкидлайди. Шоирнинг ўзи ҳам шу ўлчовни синовдан ўтказиш мақсадида 4 та мустаҳзод битиб, уларни «Хазойинул маоний» девонларининг ҳар бирига биттадан киритган. Бобур «Мухтасар»да мазкур вазн ҳақида тўхталмаган, ўзи ҳам мустаҳзод ёзмаган.

Мустаҳзод вазни XVII—XIX асрлар ўзбек шеъриятида кенг қўлланди ва адабиётимиздан мустаҳкам ўрин олди. Бунда Машраб ижодининг таъсири сезиларли бўлди, деб айтиш мумкин. Халқ оғзаки ижодини яхши билган, ўзи ҳам халқона услубдаги шеърлар яратишга алоҳида эътибор берган Машраб мустаҳзод жанрида 18 асар ёзиб, ушбу ўлчовнинг ёқимли оҳанги ва ўта мусиқийлигини узил-кесил исботлаб берди. Шоир анъаналарининг давомчилари бўлган Мунис, Огаҳий, Баёний, Комил Хоразмий каби шоирлар мазкур вазнда қатор асарлар яратибгина қолмай, мустаҳзод вазнини янада такомиллаштиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Мисоллар:

Эй ғамзаси фитна, кўзи фаттон, ўзи офат,
раҳм айла бу жона.
Хатм ўлди санга салтанати мулки латофат,
эй шоҳи ягона.

(Гадоий)

Эй ҳуснунга зарроти жаҳон ичра тажалли,
мазҳар санга ашё,
Сен лутф била кавну макон ичида мавли,
олам санга мавло.

(Навоий)

Эй моҳ, нетай, ишқинг ўти айлади расво,
Девона бўлубман,
Ишқинг ўти сийнам узадур, сенга не парво,
Парвона бўлубман.

(Машраб)

---

[1] *Алишер Навоий.* Асарлар. 15 томлик. 14-том, F. Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. Тошкент, 1967. 180—181-бетлар.

Ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуфи мақсури мустаҳзод вазнининг рукнлари ва чизмаси бир мисрада

Мафъулу	мафоийлу	мафоийлу	фаулун
— — v	v — — v	v — — v	v — —
		мафъулу	мафоийл
		— — v	v — ~

тарзидадир. Кўриниб турганидек, ушбу ўлчов мустаҳзоддаги асосий мисранинг охирги рукни мафоийлун аслининг маҳзуф тармоғи **фаулунга,** орттирма рукнларнинг иккинчиси эса мафоийлун аслининг мақсур тармоғи **мафоийлга** тенг бўлишини тақозо этади.

Мисол:

Жононаким онинг сўзи жонимға ёқодур,
Ширин даҳани бор,
Дин йўлида кофир кўзи ҳам айни балодур,
Кўп макру фани бор.

(Ҳофиз Хоразмий)

Ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи мақсури маҳзуфи мустаҳзод вазнининг рукнлари ва чизмаси бир мисрада

Мафъулу	мафоийлу	мафоийлу	мафоийл
— — v	v — — v	v — — v	v — ~
		мафъулу	фаулун
		— — v	v — —

тарзида бўлиб, асосий мисра охиридаги рукн мафоийлун аслининг мақсур тармоғи **мафоийл**га, орттирманинг иккинчи рукни эса мафоийлун аслининг маҳзуф тармоғи **фаулун**га тенг бўлади.

Мисоллар:

Не вўсмау не кесмадур ул зулфи сумансой,
Не ғамзаи жоду
Машшота санга золи фалакдур магар эй ой,
Хуршид анга кўзгу.

(Навоий)

Сенсан мулуку салтанатинг олама тўлғон
Ким барчадин аъло,
Бу жону кўнгул ишқинг аро волаю ҳайрон,
Эй орази зебо.

(Машраб)

Гулшанда қадинг воласи, эй сарви хиромон,
шамшоду санубар,
Меҳринг руҳи бори биладир шамс дурахшон,
бир зарраи музтар.

(Аваз)

Ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи мақсури мустаҳзод вазни ўз тузилишига кўра юқоридаги ўлчовга жуда яқин бўлиб, асосий мисра ва орттирма охиридаги ҳижоларнинг ўта чўзиқлиги билангина фарқ қилади. Унинг рукнлари ва чизмаси бир мисрада

Мафъулу	мафоийлу	мафоийлу	мафоийл
— — v	v — — v	v — — v	v — ~
		мафъулу	мафоийл
		— — v	v — ~

тарзидадир.

Мисоллар:

Ногоҳ кўрунуб жилва қилиб ўтти паризод
Бағримни қилиб қон.
Фурқат ила ғам даштида дил айлади ношод
Ул ваъдаси ёлгон.

(Машраб)

Ҳажринг тунида қолмишам оч, эй моҳи тобон,
Хуршид киби юз,
Кўнглум уйини сели ғаминг айлади вайрон,
Васлингдин они туз.

(Огаҳий)

Жоно, караминг бирла шарафли назаринг бор,
Мендин хабаринг бор,
Кўйингда неча волау шайдо башаринг бор,
Кўп ғамзаларинг бор.

(Ҳабибий)

16 рукнли ҳазажи ахраби макфуфи маҳзуфи мақсури мустаҳзод вазни шеъриятимизда жуда кам қўлланган ўлчовлардан бўлиб, баъзи шоирларимиз ижодидагина фойдаланилган. Унинг рукнлари ва чизмаси бир мисрада

Мафъулу	мафоийлу	мафоийлу	фаулун
— — v	v — — v	v — — v	v — —
		мафъулу	мафоийл
		— — v	v — ~
		мафъулу	фаулун
		— — v	v — —

тарзидадир. Ушбу ўлчовни, кўринишича, Муҳаммадризо Огаҳий кашф этган бўлиб, ўзи шу вазн асосида биргина мустаҳзод битган. Бу асар шундай матлаъ билан бошланган эди:

Эй ёр, санго ушбу жаҳон боғи аро гул
бир ошиқи ҳайрон,
дийдорингга шайдо.
Бир шефтадур кокули мушкулингга сунбул,
ҳам ҳоли паришон,
ҳам бошида савдо.

Ҳазф зиҳоф номи бўлиб, «ташлаш» маъносини ифодалайди. Бу хил ўзгаришга дуч келган **фаулун**, **мафоийлун** ҳамда фоилотун аслларининг охирги чўзиқ ҳижолари туширилиб, қолган **фау, мафоий** ва **фоило** қисмлари ўзларига тенг **фаал** (чизмаси: у —), **фаулун** (v — —) ва **фоилун** (— v —) тармоқ рукнлари билан алмаштирилиб, «охири ташланган» деган маънода маҳзуф деб юритилади. **Фаал** рукни мутақориб баҳрининг, **фаулун** — ҳазаж баҳрининг, **фоилун** эса рамал баҳрининг бир қатор вазнлари таркибида фаол иштирок этади *(Қаранг:* «Мутақориб баҳри», «Ҳазаж баҳри», «Рамал баҳри»).

Ҳашв — шеър байтларидаги садр ва аруз, ибтидоъ ва зарб рукнлари ўртасидаги рукнлар ўрнининг номи. Маълумки, байтдаги биринчи мисранинг биринчи рукни ўрнига кўра садр деб, охирги рукни аруз деб, иккинчи мисранинг биринчи рукни ибтидоъ, охирги рукни зарб деб, улар ўртасидаги рукнлар эса ҳашв деб юритилади. Байтлар таркибида ҳашвлар бўлмаслиги ҳам мумкин. Хусусан, мураббаъ (тўрт рукнли) байтлар фақат садр, аруз, ибтидоъ ва зарбдан иборат бўлиб, ҳашв келмайди. Аксар ҳолларда мусаддас (олти рукнли) ва мусамман (саккиз рукнли) байтларда ҳар мисра ўртасидаги бир ёки икки рукн ҳашв ўрнида қўлланади. Мутатаввал (кўп рукнли) байтлар таркибида эса ҳар мисрадаги ҳашвлар тўрттадан 16 тагача келиши мумкин.

Ҳижо (арабча «бўғин» демак) аруз вазнида ёзилган шеърий асар мисраларини ташкил қилувчи ва бир овоз билан талаффуз этилувчи энг кичик ритмик бўлак бўлиб, бир унлидан ёхуд бир унли билан бир ёки бир неча ундош ҳарф бирикмасидан ташкил топади. Мумтоз арузшунослигимизда мисрани ташкил этувчи энг кичик ритмик бўлак сифатида ҳарф олинган Араб

алифбоси қўлланмагани туфайли ҳозирги ўзбек арузшунослигида энг кичик ритмик бўлак ҳижо саналади.

Ҳижолар унлиларнинг турлича талаффуз этилиши, шунингдек турлича ажратилиши билан бўғинлардан фарқланади. Агар бўғинлар ёзилишига кўра ажратилса, ҳижолар вазнга мувофиқ ўқилишига кўра ажратилади. Бу ҳолатда эса ёпиқ ҳижолар очиқ ҳижога айланиб қолиши ҳам мумкин.

Ҳижолар қисқа, чўзиқ ва ўта чўзиқ турларга бўлинади. Бир қисқа унли ёки ундошдан кейин келган қисқа унли бирикмаси **қисқа ҳижо**ни ташкил қилади. «Умид», «аҳил» каби сўзларнинг, шунингдек, «китоб», «баҳор» каби сўзларнинг биринчи ҳижолари қисқа ҳижога мисол бўла олади. Бундай ҳижолар шеър чизмасида «v» белгиси билан кўрсатилади.

Чўзиқ унлининг ўзидан («омад», «олам» сўзларининг биринчи ҳижолари каби), шунингдек ундошдан сўнг келган чўзиқ унли бирикмасидан («доно», «зебо» сўзларининг бўғинлари каби) ташкил топган ҳижолар **очиқ чўзиқ ҳижо**ни, ундошдан олдин қисқа унли келган ҳижолар («мактаб», «жаннат» сўзларининг ҳижолари каби) **ёпиқ чўзиқ ҳижони** ҳосил қилади. Чўзиқ ҳижолар шеър чизмасида «—»белгиси билан ифодаланади.

Таркибида чўзиқ унли бўлган («шод», «боғ» каби), шунингдек, қўш ундош билан тугалланган («илм», «жисм» каби) ёпиқ ҳижолар **ўта чўзиқ** ҳижо саналади. Улар мисра ичида «— v», мисра охирида эса «~» белгиси билан ифодаланади.

Ҳижоларнинг чўзиқ-қисқалиги уларнинг вазнга мувофиқ ўқилишига кўра аниқланади. Масалан, Бобур қаламига мансуб:

Ёз фасли, ёр васли, дўстларнинг суҳбати,
Шеър баҳси, ишқ дарди, боданинг кайфияти

мисраларини вазнга мослаб ўқиб туриб ҳижоларга ажратсак, улардаги ба, да-, я- ҳижолари қисқа, фас-, ли, вас- ли, лар-, нинг, суҳ, ти, баҳ, си, дар-, ди, бо, нинг кай-, фи-, ти ҳижолари чўзиқ, ёз, ёр, дўст, шеър, ишқ ҳижолари эса ўта чўзиқ эканлиги маълум бўлади.

Қисқа, чўзиқ, ўта чўзиқ ҳижоларнинг турли тартибдаги бирикувидан арузнинг каттароқ ритмик бўлаклари — рукнлар тузилади *(Қаранг:* «Қисқа ҳижо», «Чўзиқ ҳижо», «Ўта чўзиқ ҳижо», «Рукнлар»).

МУНДАРИЖА

Муаллифдан 3

А

Абтар 7
Ажабб 7
Азалл 7
Азл 7
Амиқ баҳри 8
Ариз баҳри 8
Аруз (I) 9
Аруз (II) 13
Арузшунослик 13
Аруз доиралари 16
Аслам 18
Асллар 18
Асрам 19
«Афоийлу тафоийл» 19
Ахраб 19
Ахраб шажараси 19
«Ахраби мақбуз» шаҳобчаси вазнлари 22
«Ахраби макфуф» шаҳобчаси вазнлари 25
Ахрам 28
Ахрам шажараси 28
«Ахрами аштар» шаҳобчаси вазнлари 30
«Ахрами ахраб» шаҳобчаси вазнлари 33
Ахтам 36
Аштар 36

Б

Байт 36
Басит баҳри 36
Батар 37
Баҳр 37
Баҳрларни аниқлаш усуллари 39

В

Вазн 41
Вазнларни аниқлаш усуллари 42
Васл 44
Васли «ҳо» 45
Ватад 45
Ватади касрат 45

Ватади мажмуъ 46
Ватади мафруқ 46
Вофир баҳри 46

Д

Доира 47
Доираи «мужталиба» 47
Доираи «мужталибаи музоҳафа» 47
Доираи «мужталибаи мухтариа» 48
Доираи «мужтамиа» 48
Доираи «мунтазиа» 49
Доираи «муттафиқа» 49
Доираи «мухталита» 49
Доираи «мухталифа» (I) 50
Доираи «мухталифа» (II) 50
Доираи «муштабиҳа» (I) 51
Доираи «муштабиҳа» (II) 51
Доираи «муштабиҳаи солим» 52
Доираи «муъталифа» (I) 52

Ж

Жабб 53

З

Залал 53
Зарб 53
Зиҳофлар 53

И

Имола 57
Истиҳлоф 57

К

Кафф 59
Кашф 59
Комил баҳри 59
Комил баҳри вазнлари 60
Комили мусаммани солим 60

М

Мавқуф 61
Мадид 61
Мажзу 62
Макфуф 62
Макшуф 62
Матбуъ 62
Матвий 63
Матвийи мавқуф 63

Матвийи мақшуф . . . 63
Мафоийл . . . 63
Мафонйлон . . . 63
Мафоийлу . . . 63
Мафоийлун (I) . . . 63
Мафонйлун (II) . . . 63
«Мафоийлун» аслининг тармоқлари . . . 64
Мафоилатун . . . 64
Мафоилон . . . 64
Мафоилун (I) . . . 65
Мафоилун (II) . . . 65
Мафъулоту . . . 65
«Мафъулоту» аслининг тармоқлари . . . 65
Мафъулу . . . 65
Мафъулун (I) . . . 66
Мафъулун (II) . . . 66
Махбун . . . 66
Махбуни мақсур . . . 66
Махбуни маҳзуф . . . 66
Махбуни музол . . . 66
Машкул . . . 67
Маштур . . . 67
Мақбуз . . . 67
Мақсур . . . 67
Мақтуъ . . . 67
Мақтуъи мусаббаг . . . 68
Маҳзуф . . . 68
Мужтасс баҳри . . . 68
Мужтасси мусаммани махбун . . . 70
Мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф . . . 70
Мужтасси мусаммани махбуни мақсур . . . 72
Мужтасси мусаммани махбуни мақтуъ . . . 72
Мужтасси мусаммани махбуни мақтуъи мусаббаг . . . 74
Музол . . . 75
Музориъ баҳри . . . 75
Музориъи мураббаи ахраб . . . 76
Музориъи мусаммани ахраб . . . 77
Музориъи мусаммани ахраби мусаббаг . . . 78
Музориъи мусаммани ахраби мақфуфи маҳзуф . . . 79
Музориъи мусаммани ахраби мақфуфи мақсур . . . 80
Музориъи мусаммани ахраби мақфуфи солими аруз ва зарб . . . 82
Мунсариҳ баҳри . . . 82
Мунсариҳ баҳри вазнлари . . . 83
Мунсариҳи мусаммани матвийи мақшуф . . . 83
Мунсариҳи мусаммани матвийи мавқуф . . . 84
Мунсариҳи мусаммани матвийи манҳур . . . 85
Мураббаъ . . . 85
Мураккаб зиҳоф . . . 86
Мусаббаг . . . 86
Мусаддас . . . 86
Мусамман . . . 86
Мустафъилон . . . 87
Мустафъилун (I) . . . 87
Мустафъилун (II) . . . 87
Мустафъилун аслининг тармоқларир . . . 87

Мутадорик баҳри 88
Мутадорик баҳри вазнлари 88
Мутадорики мусаммани солим 88
Мутадорики мусаммани мақтуъ 89
Мутадорики мусаммани мақтуъи мусаббағ 89
16 рукнли мутадорики маҳбун 89
Муталаввун 90
Мустаъмал вазн 91
Мустаъмали матбуъ вазн 92
Мутаттаввал 92
Мутафоилун 94
Мутақориб баҳри 94
Мутақориб баҳри вазнлари 95
Мутақориби мусаммани солим 95
Мутақориби мусаммани маҳзуф 96
Мутақориби мусаммани мақсур 97
Мутақориби мусаммани аслам 98
Мутақориби мусаммани асрами маҳзуф 99
16 рукнли мутақориби мақбузи аслам 100
16 рукнли мутақориби аслам 100
Мутаҳаррик 101
Муфрад зиҳоф 101
Муфтаилун 102
Мухтараъ вазн 102
Мухтараъи матбуъ вазн 102
Мушаъас 103
Мушокил баҳри 103
Муқтазаб баҳри 104

Р

Ражаз баҳри 104
Ражази мураббан солим 106
Ражази мураббан музол 106
Ражази мусаммани солим 107
Ражази мусаммани музол 108
Ражази мусаммани матвийи маҳбун 109
Ражази мусаммани матвийи маҳбуни музол 110
Рамал баҳри 110
Рамал баҳрининг қўшвазнли ўлчовлари 112
Рамали мусаммани маҳзуф 113
Рамали мусаммани мақсур 114
Рамали мусаммани маҳбун 116
Рамали мусаммани машкул 116
Рамали мусаммани машкули мусаббағ 118
Рамали маҳбуни маҳзуфи мустаҳзод 118
Рамали маҳбуни маҳзуфи мақсури мустаҳзод 118
Рамали мусаддаси маҳзуф 119
Рамали мусаддаси мақсур 120
Рамали мусаммани солими маҳбуни маҳзуф 123
Рамали мусаммани солими маҳбуни мақсур 124
Рамали мусаммани солими маҳбуни мақтуъ 125
Рамали мусаммани солими маҳбуни мақтуъи мусаббағ 126
Рамали мусаммани маҳбуни маҳзуф 127
Рамали мусаммани маҳбуни мақсур 128

Рамали мусаммани махбуни мақтуъ 128
Рамали мусаммани махбуни мақтуъи мусаббағ 129
Рамали мусаддаси солими махбуни маҳзуф 132
Рамали мусаддаси солими махбуни мақсур 133
Рамали мусаддаси солими махбуни мақтуъ 134
Рамали мусаддаси солими махбуни мақтуъи мусаббағ 136
Рамали мусаддаси махбуни маҳзуф 137
Рамали мусаддаси махбуни мақсур 138
Рамали мусаддаси махбуни мақтуъ 138
Рамали мусаддаси махбуни мақтуъи мусаббағ 139
Рамали мусаддаси солими мушаъаси махбуни маҳзуф 140
Рамали мусаддаси солими мушаъаси махбуни мақсур 140
Рамали мусаддаси солими мушаъаси мақтуъ 141
Рамали мусаддаси солими мушаъаси мақтуъи мусаббағ . . . 141
Рамали мусаддаси махбуни мушаъаси маҳзуф 142
Рамали мусаддаси махбуни мушаъаси мақтуъ 142
Рамали мусаддаси махбуни мушаъаси мақтуъи мусаббағ 143
Рамали мусаддаси мушаъаси махбуни мақтуъ 143
Рамали мусаддаси мушаъаси махбуни мақтуъи мусаббағ 144
Рубоий вазнлари 144
Рубоий вазнларини аниқлаш усуллари 148
Рукн 149

С

Салм 150
Сарам 151
Сариъ баҳри 151
Сариъ баҳри вазнлари 152
Сариъи мусаддаси матвийи мақшуф 152
Сариъи мусаддаси матвийи мавқуф 153
Солим 154

Т

Тавил баҳри 155
Тавил баҳри вазнлари 155
Тавили мусаммани солим 156
Тазниб 156
Тайй 158
Таслим 158
Ташъис 162
Тақтиъ 162
Тағйир 165
Туюқ вазнлари 165

Ф

Фаал (I) 167
Фаал (II) 168
Фаилийён 168
Фаилон 168
Фаилоту 168
Фаилотун 168
Фаилун (I) 169

Фаилун (II) . . . 169
Фаул (I) . . . 169
Фаул (II) . . . 169
Фаулу . . . 169
Фаулон . . . 169
Фаулун (I) . . . 170
Фаулун (II) . . . 170
Фаулун аслининг тармоқлари . . . 170
Фаъ . . . 170
Фаълон . . . 171
Фаълу . . . 171
Фаълун (I) . . . 171
Фаълун (II) . . . 171
Фоилийён . . . 171
Фоилоту . . . 171
Фоилотун (I) . . . 172
Фоилотун (II) . . . 172
Фоилотун аслининг тармоқлари . . . 172
Фоилун (I) . . . 173
Фоилун (II) . . . 173
Фоилун (III) . . . 173
Фоилун (IV) . . . 173
Фоилун аслининг тармоқлари . . . 173
Фосила . . . 174
Фоъ . . . 174
Фуруъ . . . 174

Х

Хабн . . . 175
Харб . . . 175
Харм . . . 175
Хатм . . . 175
Хафиф . . . 175
Хафиф баҳри вазнлари . . . 176
Хафифи мусаддаси солими махбуни маҳзуф . . . 178
Хафифи мусаддаси солими махбуни мақсур . . . 179
Хафифи мусаддаси солими махбуни мақтуъ . . . 180
Хафифи мусаддаси солими махбуни мақтуъи мусаббағ . . . 181
Хафифи мусаддаси махбуни маҳзуф . . . 182
Хафифи мусаддаси махбуни мақсур . . . 183
Хафифи мусаддаси махбуни мақтуъ . . . 184
Хафифи мусаддаси махбуни мақтуъи мусаббағ . . . 184

Ч

Чўзиқ ҳижо . . . 185

Ш

Шакл . . . 185
Шатар . . . 185

Ў

Ўзбек арузи . . . 186
Ўта чўзиқ ҳижо . . . 187

Қ

Қабз 190
Қариб баҳри 190
Қаср 190
Қатъ 191
Қисқа ҳижо 191

F

Fариб баҳри 193

Ҳ

Ҳазаж баҳри 194
Ҳазаж баҳрининг олти рукнли (мусаддас) вазнлари 195
Ҳазажи мусаддаси маҳзуф 195
Ҳазажи мусаддаси мақсур 197
Ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи солим 198
Ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф 198
Ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи мақсур 199
Ҳазажи мусаддаси ахрами аштари маҳзур 200
Ҳазажи мусаддаси ахрами аштари мақсур 201
Ҳазаж баҳрининг саккиз рукнли (мусамман) вазнлари 201
Ҳазажи мусаммани солим 201
Ҳазажи мусаммани мусаббаг 203
Ҳазажи мусаммани аштар 203
Ҳазажи мусаммани ахраб 205
Ҳазажи мусаммани ахраби мусаббаг 206
Ҳазажи мусаммани маҳзуфи мақсур 207
Ҳазажи мусаммани ахраби мақфуфи маҳзуф 207
Ҳазажи мусаммани ахраби мақфуфи мақсур 208
Ҳазажи мусаммани ахраби мақфуфи маҳзуфи мустаҳзод 210
Ҳазажи мусаммани ахраби мақфуфи маҳзуфи мақсури мустаҳзод 212
Ҳазажи мусаммани ахраби мақфуфи мақсури маҳзуфи мустаҳзод 212
Ҳазажи мусаммани ахраби мақфуфи мақсури мустаҳзод 213
16 рукнли ҳазажи ахраби мақфуфи маҳзуфи мақсури мустаҳзод . 213
Ҳазф 214
Ҳашв 214
Ҳижо 214

АНВАР ҲОЖИАҲМЕДОВ

ЎЗБЕК АРУЗИ ЛУҒАТИ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг
Бош таҳририяти
Тошкент — 1998

Муҳаррир *Г. Зокирова*
Рассом *А. Баҳромов*
Бадиий муҳаррир *Ф. Башарова*
Техник муҳаррир *Д. Габдрахманова*

Теришга берилди 18.12.97. Босишга рухсат этилди 19.02.98. Бичими 84x108$^{1}/_{32}$. Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоғи 11,76. Нашриёт ҳисоб табоғи 9,8. Адади 7000. Буюртма № 1885. Баҳоси келишилган нархда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси,
700083, Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.**

Ҳ 59

Ҳожиаҳмедов А.

Ўзбек арузи луғати.—Т.: «Шарқ», 1998.—224б.

Сарл олдида: Халқаро ислом тадқиқот маркази.

Қўлингиздаги китоб маънавиятимизнинг ажралмас қисми бўлган мумтоз адабиётимизда минг йилдан бери қўлланиб келаётган аруз шеърий ўлчов тизимининг назарий асослари ва шеъриятимиздаги амалий татбиқи ҳақида атрофлича маълумот бериш мақсадини кўзлайди. У билан танишар экансиз, аруз тизимининг энг кичик жузвлари: ҳижолар, рукнлар, уларнинг тузилиши ва турлари, хилма-хил баҳрларнинг таркиби ва оҳанг имкониятлари, ўзбек арузининг ўзига хос нафосати ва назокати, шоирларимиз фойдаланган 100 дан ортиқ вазннинг хусусиятлари ва қўлланиш қўлами ҳақида мукаммал билимга эга бўласиз. Луғат мумтоз адабиётимизнинг безавол асарларини ифодали ўқиш ва уларнинг бадииятидан баҳраманд бўлишингизда, шоирларимизнинг вазндан фойдаланиш маҳоратларини кашф этишингизда, энг муҳими, арузда битилган асарларнинг вазн хусусиятларини осонгина аниқлаш малакасини ҳосил қилишингизда сизга амалий ёрдам беради, деб умид қиламиз.

ББК 83.3 Ўзя2